

МАҲАЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ



THE EURABIA FOUNDATION



МАҲАЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ
ВА МЕНЕЖМЕНТ

Тошкент
2004

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
«ЕВРОСИЁ» ЖАМҒАРМАСИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАҲАЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ

ТДИУ ўқув-услубий Кенгашида
дарслик сифатида нашрга тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

акад. С.С. Ғуломов, проф. Ш.Р. Холмўминов,
доц. М.З. Каланова
тахрири остида

Муаллифлар:

проф. Р.Х. Алимов, С.А. Ғанихўжаев,
катта ўқитувчи Ё.Л. Жумаев, доц. М.З. Каланова,
доц. В.А. Котов, доц. А.Н. Ли, доц. Б.Ч. Муртазаев,
доц. М.А. Ғаҳимова, доц. Л.М. Тошпўлатова, доц.
И.П.Ж. Тешаев, проф. Ш.Р. Холмўминов,
доц. Г.Л. Щербакова

Ўқитилган йил: 2004

Тақризчилар:

Г.В. Плеханов номидаги
Россия Иқтисодиёт Академияси
Тошкент филиалининг директори,
акад. К.Х. Абдурахмонов
ТДИУ менежмент кафедрасининг мудири
и.ф.д., проф. Ш.Н. Зайнутдинов

Ушбу лойиҳа «Евросиё» жамғармаси кўмагида, Америка Қушма Штатларининг Халқаро Тараққиёт Агентлиги (ТҒАҒО) тақдим этган маблағлар ҳисобига амалга оширилди. Муаллифларнинг ушбу дарсликда ифодаланган нуқтаи назарлари Халқаро Тараққиёт Агентлиги ёки «Евросиё» жамғармасининг нуқтаи назарига мое келмаслиги мумкин.

МУНДАРИЖА

Кириш.....(...	4
I боб. Маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини бошқаришнинг \укуқий асослари.....	9
II боб. Ўзбекистан Республикасининг маҳаллий бошқарув фаолиятини соҳасидаги давлат сиёсати.....	39
III боб. Маҳаллий иқтисодий шакллантириш ва ривожлантириш... 66	
IV боб. Маҳаллий иқтисодий тартибга солиш.....	93
V боб. Маҳаллий тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий еалоҳияти-га баҳо бериш.....	116
VI боб. Маҳаллий тузилмаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни прогноз қилиш.....	164
VII боб. Муниципал менежментнинг концептуал асослари.....	187
VIII боб. Маҳаллий молия менежменти.....	210
IX боб. Маҳаллий бошқарув кадрлари менежменти.....	239
X боб. Ҳокимиятлар фаолиятини стратегик режалаштириш ва тезкор бошқариш.....	272
XI боб. Маҳаллий тузилмаларда нодавлат ва ноижорат ташкилотларининг ресурсларини бошқариш.....	295
XII боб. Маҳаллий инновацион менежмент.....	322

КИРИШ

Муетақил Ўзбекистонни кўп тизимли фуқаролик жамияти, илжор иқтисодий муносабатлар ва демократия анъаналарига асосланган дунёвий давлат сифатида муваффақиятли ривожлантириш ғарбда муниципал тузилмалар деб аталувчи маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва ҳуқуқий мақомини ҳар томонлама оширмай туриб мумкин эмас.

Бозор иқтисодистига ўтаётган мамлакатларда давлат бошқаруви органларини қайта тузиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ўта марказлаштирилган бошқарув тизимли давлат тузилишидан кўп тизимли фуқаролик жамиятига ўтишда олий давлат муассасаларининг кўпгина ваколатлари аста-секин маҳаллий ҳокимият органларига, уларда эса — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-ИҚТISODIЙ ислохотлар маҳаллий ҳокимият органларини бошқариш ТИЗИМИНИ тубдан ЯНГИЛАШ зарурлигини кўрсатди, чунки айнан маҳаллий оргаилар тизими давлатни бошқариш тизимининг негизини ташкил этади на қурилаётган ҳуқуқий демократии жамиятнинг мустаҳкам нойденори бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатда маҳаллий бошқарувни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Конституцияда-демократия, сиёсий плюрализм, ижтимоий жараёнларда фуқароларнинг кенг иштироки принциплари мусчаҳкамланган. Конституцияни ривожлантириш йўлида қабул қилинган Олий Мажлиснинг бир қатор қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан мамлакатда маҳаллий бошқарувнинг анча мукамал тизими вужудга келтирилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маҳаллий органларнинг ҳудудида жойлашган юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш, ижтимоий инфра-тузилмани ривожлантириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи кичик ва бошқа корхоналар У. шкил этиш мақсадларига жалб қилиш йўли билан маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган янги ҳуқуқий меъёрийар қабул қилинди.

Бугунги кунда яратилаётган маҳаллий бошқарув органлари миллий тизими давлат ва жамият қурилишининг ўзагини ташкил

чтмди, иктисодни қайта қуриш ва жамият ҳаётининг барча соҳала-
I > • I • III янгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон тажрибаси юқорида зикр этилган давлат бошқарув
института бозор иқтисодиёти ва мулкчилик шаклларининг ранг-
Паранглиги шароитларида айниқса самарали фаолият кўрсатиши-
ЦВН далолат беради.

Бироқ мазкур дарсликни тайёрлаш жараёнида ўтказилган та-
ққиқотлар Ўзбекистоннинг хўжалик ҳаётида маҳаллий бошқарув
органларининг иштироки кўлами ортиб бораётган бўлса-да, улар-
НИНГ иш сифати ва даражаси иқтисодий муносабатлар ривожлани-
шининг реал даражасига мое келмаслиги, худудларнинг ўсиб бора-
ётган эҳтиёжларини қондира олмаётганини кўрсатадики, бу давлат
(ниқарувининг самарадорлигини ва мамлакатда иқтисодий исло-
хртларни чуқурлаштириш жараёнининг суръатларини пасайтиради.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, муниципал ташкилотлар фа-
олиятининг максимал самарадорлигига фақатгина давлат (респуб-
лика) ва маҳаллий бошқарув органлари саъйе ҳаракатларининг
мақбул мутаносиблиги, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисо-
ДИЙ тараққиётининг тегишли даражаси, жамиятда шаклланган ма-
ҳаллий бошқарув демократизми ва аҳолининг ишончли ижтимоий
химоясини таъминловчи аънаналар мавжуд бўлган шароитдагина
эришилади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда маҳаллий миқёсда амал-
Г8 оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни янада кен-
гайтириш бўйича шошилиш чоралар кўриш, маҳаллий ҳокимият
органларининг мустақиллигини ошириш ва ўз худудларини ижти-
моий-иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожлантириш вазифаларини
мунаффақиятли ҳал қилишлари учун уларга қўшимча ваколатлар
| н-ришни талаб этади.

Муниципал қурилишнинг жаҳон амалиёти ўтиш даври иқти-
I одиёти шароитидаги муниципал ташкилотлар ишини такомиллаш-
| иришнинг кўпгина йўллари ишлаб чиққан. Мазкур масалалар ва
уларни ечиш йўллари муниципал иқтисодиёт ва менежмент соҳа-
I Идаги мутахассисларга аллақачон маълум бўлиб, уларнинг бир
| ИСМИ айрим директив ва норматив ҳужжатларда ўз ифодасини то-
н.-иг Аммо бу ҳусусидаги маълумотлар жуда тарқок, уларга фақат
Гор соҳа мутахассисларигина эга, мазкур маълумотлар маҳаллий
ужнмиятнинг муниципал ташкилотларининг кўпгина раҳбарлари
И мутахассисларига ҳам кўп ҳолларда етиб бормаган.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда давлат бошқаруви органларини қайта қуриш тажрибаси жаҳон амалиётида маҳаллий тузилмалар ишининг сифатини оширишни бир қатор самарали йўллари бор эканлигини кўрсатади. Аммо маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш соҳасида мавжуд йўналишларнинг аксариятини амалга ошириш учун катта молиявий ва моддий ресурслар ҳамда узоқ вақт талаб этилади.

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳисобига маҳаллий тузилмаларнинг раҳбарлари ва ходимларининг касбий салоҳиятини ошириш юқорида зикр этилган муаммони ҳал қилишнинг энг истиқболли, тезкор ва камхарж йўналишидир. Бирок бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра, мамлакатимизда маҳаллий органларнинг ходимларини (айниқса, ўрта бўғин раҳбарлари ва мутахассисларни) тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига узоқ вақт унчалик етарли эътибор берилмай келинди.

Маҳаллий бошқарув органлари ходимларининг касбий салоҳиятини ошириш муаммосига бундай муносабат натижасида маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг кўлами ва сифати нисбатан паст бўлиб қолаётир. Мазкур ишни ташкил этиш аксарият ҳолларда маҳаллий менежмент соҳасидаги энг янги ютуқларни эътиборга олмайдиган анъанавий таълим технологияларига асосланади. Мазкур соҳани яхши билган, маҳаллий органларда амалий иш тажрибасига эга бўлган, маҳаллий менежментнинг халқаро стандартларини мукамал ўзлаштирган юқори малакали ўқитувчиларнинг тақчиллиги ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Замонавий муниципал менежментнинг асосий йўналишлари бўйича илғор хориж тажрибасини пухта таҳлилдан ўтказиш, маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолият кўрсатаётган шароитларни ўрганишга асосланган сифатли, рақобатбардош ўқув-услугий ва маълумот-ахборот адабиётларининг йўқлиги юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнининг ривожланишига монелик қилаётган муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқорида зикр этилган муаммоларни эътиборга олиб, муаллифлар ЕВРОСИЁ жамғармасининг маърифий дастури доирасида маҳаллий иқтисод ва маҳаллий менежмент масалалари бўйича Марказий Осиёда биринчи дарсликни тайёрладилар.

Мазкур ўқув-услугий материал устида ишлаш жараёнида муаллифлар Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида маҳаллий тузилмаларни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида тўплан-

Ўш тажрибани тизимга солиш ва умумлаштиришга ҳаракат қилдилар.

Ўқувчиларга таклиф қилинаётган дарсликнинг асосий бўлим-
ларида Ўзбекистон учун долзарб аҳамиятга эга бўлган қуйидаги
масалалар таҳлилдан ўтказилган:

- кўп укладди иқтисодга эга бўлган, хўжалик ҳаётини бошқар-
иш децентрализация қилинган (номарказлаштирилган) демокра-
тик жамиятни шакллантириш;

- маҳаллий ҳокимият органларининг мақомини ошириш ва
улар жойларда давлат сиёсатини амалга оширишлари учун шарт-
шароитлар яратиш;

- республика, минтақавий ва маҳаллий давлат бошқаруви
органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш принциплари ва ме-
ханизми;

- турли миқёсдаги бюджетларга пул маблағларининг сафар-
бар этилиши ҳамда улардан оқилона фойдаланиш учун маҳаллий
ҳокимият органларининг жавобгарлигини ошириш;

- иқтисодий ислохотларни маҳаллийлаштириш, шу жумладан ил-
мий мулкчилик шакллари амалга жорий этиш, бозор иқтисодиёти ин-
фраструктурасини ривожлантириш ва рақобат муҳитини вужудга келти-
риш жараёнларида маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириш;

- ижтимоий соҳани мутаносиб ривожлантириш ва уй-жой-
коммунал хўжалиги барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш
соҳасида маҳаллий органлар ишини фаоллаштириш;

- минтақада қулай инвестиция муҳитини яратиш ва чет эллик
инвесторларни жалб қилишда маҳаллий ҳокимият органларининг
ролини ошириш;

- ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, меҳнат ресур-
сларидан оқилона фойдаланиш ва янги иш жойлари ташкил этиш-
да маҳаллий ҳокимият органларининг иштирок этиши;

- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркор-
ликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва соғлом рақобат муҳитини шак-
ллантиришда маҳаллий ҳокимият органларининг ролини ошириш;

- жойларда ноҳуқумат жамоат ташкилотлари тармоғи ва де-
централизиция бошқарувнинг бошқа шакллари ривожлантиришда ма-
ҳаллий ҳокимият органларининг ролини ошириш;

Ўзбекистон Республикасидаги муниципал менежментнинг
сўраш ҳолати ва уни ривожлантириш йўллари.

Маъруза дарслик «Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент» мута-
ли • психология бўйича бакалаврлар тайерлаш бўйича тасдиқланган ўқув

дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар амалиётини, мазкур соҳада ўтказилган тадқиқотларнинг материалларини ўрганиш асосида яратилди. Асосий диққат муниципал менежментнинг замонавий воситалари ва услубларидан, аввало муниципал ташкилотлар фаолиятини бошқариш илми ва амалиётини тубдан яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнай оладиган, мамлакатимизда муниципал қурилишнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини кескин оширишга қодир воситалар ва услубларга қаратилган.

Менежментнинг гарб тажрибаси Ўзбекистоннинг бугунги воқелигига ва ундан давлатимизнинг тарихий ва бошқа ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш истикболига қанчалик тўғри келиши нуқтаи назаридан жалб этилган.

Дарслик «Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент» ихтисослигини ўзлаштираётган талабаларга мўлжалланган. У, шунингдек, маҳаллий иқтисод ва менежмент соҳасидаги олимлар ва мутахассислар, маҳаллий бошқарув органларининг раҳбарлари ва ходимлари, илмий институтларнинг раҳбарлари ва етакчи мутахассисларида, шунингдек маҳаллий иқтисод ва маҳаллий менежмент муаммолари билан шугулланувчи олий ўқув юртлири ўқитувчиларида ҳам қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз.

Муаллифлар томонидан ушбу дарсликда кўтарилган муаммоларии муваффақиятли ҳал қилиш ва улар киритган таклифларни ўз вақтида амалга ошириш маҳаллий иқтисодиётни институционал ва функционал ривожлантириш, маҳаллий (муниципал) менежмент ютуқларини маҳаллий ҳокимият органларининг иш амалиётига жорий этиш суръатларини ошириш ва сифатини яхшилаш имконини беради.

«Фуқаролик жамияти куриш давлатнинг бир қатор ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органларига изчил, аста-секин беришни назарда тутади»¹.

И. Каримов

1БОБ

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Муниципал ҳуқуқ тушунчаси

«Муниципал ҳуқуқ» тушунчаси — Ўзбекистон давлатшунослик фанида янги тушунча. Маҳаллий бошқарув органлари деганда; \oli томонидан сайланадиган ва давлатдан маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш ваколатларини оладиган шаҳар ва қишлоқ ўзини ўзи бошқариш органлари тушунилади.

Маҳаллий (муниципал) тузилма аҳолисининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш мустақил фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ соҳасининг ажратилиши куйидагилар билан изоҳланади:

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш жойлардаги халқ ҳокимиятининг мустақил тизимини ташкил этади, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига эса маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни ҳал қилиш ваколатлари берилгандир;

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти Органлари тизимига кирмайди, демак, уларнинг фаолияти амалга ошириладиган давлат курилиши билан қамраб олинмайди.

Маҳаллий ҳокимият органлари «муниципалитетлар» ва «муниципал органлар» деб аталадиган чет эл мамлакатларининг қонун ва қарорларидан фарқли ўларок, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида юқорида зикр этилган органларни тавсифлашда «жой-Чардаги давлат ҳокимияти», «маҳаллий ҳокимият органлари», «ўзини ўзи бошқариш органлари» атамалари қўлланилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мулкчиликнинг ҳар хил шакллари, шу жумладан маҳаллий (муниципал) мулк ҳам белгиланган.

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда". - Т., 1999, 25-бет.

1995 йил 28 августда қабул қилинган «Россия Федерациясида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этишнинг умумий принциплари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, «муниципал» ва «маҳаллий» атамалари ҳамда мазкур атамалар иштирокида тузилган сўз бирикмалари вазифаси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш функцияларини бажариш билан боғлиқ бўлган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мулкчилик объектлари ва бошқа объектларга нисбатан, шунингдек аҳоли томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бошқа ҳолларда қўлланади.

Бинобарин, муниципал ҳуқуқни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи деб таърифлаш мумкин.

Муниципал ҳуқуқ давлат томонидан белгиланган ихтисослашган ҳуқуқ меъёрлари мажмуидир.

Ҳуқуқшунослик фанида ҳуқуқий тартибга солишнинг предмента ва усули ҳуқуқни соҳаларга ажратишнинг асосий мезонлари ҳисобланади. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети деганда сифат жиҳатидан ўхшаш ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш усули деганда эса — ижтимоий муносабатларга давлат (унинг органлари) ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан таъсир кўрсатишнинг ўзига хос усуллари тушунилади.

Қуйидагиларни белгилаш ва тартибга солиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар **муниципал ҳуқуқнинг предмети**ни ташкил этади:

1) маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий, молия-иқтисодий, ҳуқуқий асосларини ва мазкур бошқарувни амалга ошириш учун давлат томонидан бериладиган ваколатларни;

2) маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини (ўз иродасини бевосита ифода этиш усуллари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жойлардаги жамоатчилик ўзини ўзи бошқариш органлари);

3) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш ваколатларини;

4) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши мумкин бўлган алоҳида давлат ваколатларини.

Муниципал ҳуқуқни ҳуқуқ тартибга солиш усули деганда аҳолининг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш фаолияти жараёнда юзага келадиган ижтимоий (жамоатчилик) муносабатларнинг иштирокчиларига таъсир кўрсатиш усуллари ва воситаларининг мажмуини тушуниш лозим. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1) ижтимоий (жамоатчилик) муносабатлар иштирокчилари-

ниш, масалан, маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар, маҳал-**ЯЙ** референдум, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фа-**ВИЯИНИ** ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги муайян ва-
нны глари ва мажбуриятларини белгилаш;

2) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига (қонунга му-
нофиқ) алоҳида давлат ваколатлари беришца ифодаланадиган хоки-**МИЯ** муносабатлари усули;

3) ижтимоий (жамоатчилик) муносабатларнинг иштирокчи-
|рига таъсир кўрсатишнинг классик усуллари — кўрсатма, ижозат
пориш, тақиқлаш, мажбуриятлар юклаш, муносабатларда томон-
лирнинг тенглигини белгилаш.

Кўрсатма бериш маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги
Ижтимоий муносабатларни императив (ҳокимият йўли билан) тарти-
бга солишга хос. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш халқ ҳокимияти-
п амалга ошириш шакли эканлигидан келиб чиқиб, қонун ҳуж-
жатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор
шахсларининг қарорларини ижро этиш мажбурий эканлиги белги-
напади. Мазкур қарорларни бажармаслик ёки номувофиқ тарзда
Оажариш қонунга мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ижозат бериш ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларига ўз
хулқ-атворини мустақил танлаш ҳуқуқини беради, томонларнинг
тенглигини эътироф этади ва диспозитив тартибга солишга таяна-
ди. Ижозат бериш маҳаллий ҳуқуқ усули сифатида маҳаллий ўзини
Ўзи бошқариш органлари томонидан маҳаллий мулкка мансуб мол-
мулкка нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини амалга ошириш билан боғ-
лиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишда (масалан, мулк-
ни доимий ёки вақтинча фойдаланишга бериш, ижарага бериш,
хусусийлаштириш, қонунда белгиланган бошқа битимларни тузиш-
да) қўлланилади. Бунда тузиладиган шартнома ва битимлар томон-
парнинг тенг ҳуқуқлилигини мустаҳкамлайди.

Тақиқлар муниципал ҳуқуқда авваламбор маҳаллий аҳамият-
га молик масалаларни ҳал қилишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш
Органларининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида қўлланади.
Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини
ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида
• < (>уқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш
гагиқланади» деб белгилаб қўйилган, мазкур қонуннинг 5-модда-
СИда эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Рес-
публикасининг бугун ҳудудида амалга оширилади, шаҳарчалар,

кишлоқлар, овулар ва маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг худудий бирликларидир, деб қайд этилган. Масалан, Россия Федерациясининг 1995 йил 8 августдаги «Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг умумий принциплари тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ эса, давлат ҳокимияти органлари ва давлатнинг мансабдор шахслари томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг мансабдор шахсларини тайинлаш тақиқланади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини тартибга солишда икки усул: ижобий (руҳсат бериш) ва салбий (тақиқлаш) усуллари қўлланади.

Ижобий усул конституциялар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланишини назарда тутади.

Салбий усул мазкур ҳокимият органлари қонунда тўғридан тўғри ман этилмаган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этишдан келиб чиқади. Масалан, Россия Федерациясининг (1995 йил 8 августда қабул қилинган) «Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг умумий принциплари тўғрисида»ги Қонунда маҳаллий тузилмаларга уларнинг ваколатлари жумласидан чиқарилмаган ҳамда бошқа маҳаллий тузилмалар ва давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари жумласига киритилмаган масалаларни кўриб чиқиш учун қабул қилиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Умумий ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлган муниципал ҳуқуқ бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Муниципал ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни шу билан белгиланадики, муниципал ҳуқуқ бу маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва унга дойр қонунчиликнинг ривожланиши натижасида юзага келган иккиламчи, ҳосила тузилмадир. Бундай тузилмалар фанда комплекс соҳалар деб аталади (масалан, хўжалик, денгиз, -банк ҳуқуқлари ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари). Муниципал ҳуқуқнинг комплекс хусусияти шунда намоён бўладики, у маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг вазибалари ва функцияларини маҳаллий ҳаётнинг барча соҳаларида: иқтисодий, молиявий, ижтимоий-маданий, жамоат тартибини сақлаш ва бошқа соҳаларида амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Юқорида айтилганлардан «муниципал ҳуқуқ» тушунчасининг таърифини келтириб чиқариш мумкин: *муниципал ҳуқуқ бу маҳал-*

лий ўзини ўзи бошқаришнинг худудий, молия-иқтисодий, ҳуқуқий асослари, уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва давлат кафолатлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик маеалаларни ҳал қилиш ваколатлари, уларга берилиши мумкин бўлган алоҳида давлат ваколатлари мустаҳкамланган ҳуқуқ меъёрлари мажмуини ўз ичига олувчи ҳуқуқнинг комплекс соҳасидир.

Муниципал ҳуқуқ, умумий-ҳуқуқнинг соҳаси сифатида, ўз тизимига эга. Муниципал ҳуқуқ тизими давлатнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан қелиб чиқиб курилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг худудий, молия-иқтисодий, ҳуқуқий асослари ва уни амалга юшириш кафолатлари.

2. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

3. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик маеалаларни ҳал қилиш ваколатлари.

4. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши мумкин бўлган алоҳида давлат ваколатлари.

1.2. Муниципал ҳуқуқ манбалари

Республикада қабул қилинадиган барча ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосларини ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб помланган ХХГ бобида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий мпқсадлари ва вазифаларини, халқ ҳокимиятини амалга оширишда мпқаллий ўзини ўзи бошқаришнинг родини, аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик маеалаларни ҳал қилиш соҳасидаги фаолиятининг псоедарини белгилайдиган муҳим қодалар мустаҳкамланган.

Конституциявий меъёрлар бошқа барча қонун ҳужжатларига иис-Патан устувор ва олий юридик кучга эгадир. Бунда Ўзбекистон Г' I публикисининг Конституцияси энг муҳим ижтимоий муноса-Вйтлрии тартибга солувчи ҳуқуқ меъёрлари мажмуи бўлибгина қол-МЖ паи, ўз «усунлиги сўзеиз тан олиниши»ни' ҳам эътироф этади. Ми !қур Конституциянинг 16-моддасида бирорта ҳам қонун ёки

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. - Т., Ўзбекистон. 1998. 11-бет.

бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжат Конституция меъёрлари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас, деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган мамлакат Асосий Қонуни олий юридик кучга ва тўғридан тўғри таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги қоида барча конституциявий меъёрлар, шу жумладан маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш масалаларига дойр меъёрлар ҳам қонунлар ва қонун ҳужжатларидан устун туришини билдиради.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан ташқари, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига (тегишли ўзгартиш ва тузатишлар билан) мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур қонунда:

а) маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этишнинг умумий принциплари;

б) маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари;

в) маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий асослари ҳамда уни амалга оширишнинг давлат кафолатлари;

г) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилишга дойр асосий ваколатлари белгиланган.

Мазкур Қонуннинг қўпгина қоидалари қатта истикболга эга, чунки улар маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишнинг энг самарали шакллари ва усулларини излаш имконини беради.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ҳам амал қилади. Уларнинг асосийлари жумласига қуйидагилар қиради:

- Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги 1994 йил 5 май Қонуни (тегишли ўзгартириш ва тузатишлар билан);

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокимиятларини бошқариш органларининг тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1996 йил 26 ноябрь ПФ-1651-сон Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига адресли ижтимоий ёрдам кўрсатишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш

органларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги 1999 йил 13 январь ПФ-2177-сон Фармони;

- Узбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни чуқур-Иштирокини янги босқичи тўғрисида»ги 2001 йил 17 апрель ПФ-2832-сон Фармони;

- Узбекистон Республикаси Президентининг «Турар жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2002 йил 26 февраль ПФ-118-сон Фармони;

- Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг • Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент вилоятида ижро этилган қарори тўғрисида»ги 1997 йил 5 июнь 443а-1 сон Қарори;

- Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мақашсий саноатни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 18 август 405-сон Қарори;

- Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла йил иш дастури тўғрисида»ги 2003 йил 7 февраль 70-сон Қарори;

- Узбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 27 апрелдаги 38-сон Буйруғи билан тасдиқланган «Аҳоли коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлиқ тўлашини таъминлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва турар жой мулкдорларидан ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги Низоми;

- Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Аҳоли коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлиқ тўлашини таъминлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва турар жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги Қонун Пизомга ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 2002 йил 13 май Ишлар Буйруғи ва х.к.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни янада яхшироқ қилиш мақсади билан турар жой мулкдорлари ширкатлари, Узбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорлари ва қўшимча қарорлари, олий суд идоралари (Олий Суд, Конституциявий суд, Олий Хўжалик суди) қарорлари билан тартибга солинади.

Ушбу қарорнинг амалга оширилуви билан қўшимча қарорлар билан тартибга солинади.

Маҳаллий (муниципал) ҳуқуқ манбаларининг навбатдаги гуруҳи

ни маҳаллий тузилма (маҳаллий ҳокимият органлари) ахриси ўз ирода-сини тўғридан тўғри ифода этиши йўли билан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг мансабдор шахслари қабул қилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Маҳаллий тузилма низоми мазкур гуруҳга мансуб ҳужжатларнинг энг муҳимидир. Низом маҳаллий тузилма томонидан мустақил ишлаб чиқилади ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органи ёки аҳоли томонидан қабул қилинади. Маҳаллий тузилма низоми қабул қилиш мажбурий бўлиб, у давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Маҳаллий тузилма низоми Конституцияга ва давлат қонунларига мувофиқ бўлиши зарур. Маҳаллий тузилма низомининг қоидалари юқорида зикр этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларига зид келган тақдирда, маҳаллий тузилмани рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин. Маҳаллий тузилманинг низоми фақат расман эълон қилинганидан кейин кучга қиради.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларининг ҳуқуқий ҳужжатлари ўз юридик хоссаларига қараб меъёрий ҳужжатларга, яъни умумий ҳулқ-атвор қоидалари белгиланган ҳужжатларга ва индивидуал ҳужжатларга бўлинади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари *қарорлар* деб аталади. Қарорларни қабул қилиш ва уларнинг кучга кириши тартиби маҳаллий тузилма низомида белгиланади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ижро этувчи органининг раҳбари ҳамда маҳаллий (муниципал) тузилма раҳбари (агар маҳаллий тузилма низомида бундай лавозим назарда тутилган бўлса) ўз ваколатлари доирасида қарор ва фармойишлар чиқарадилар.

Меъёрий хусусиятга эга бўлган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига тааллуқли, шунингдек иктисодий ва ижтимоий ривожланиш, жамоат тартибини сақлаш, маҳаллий мулк ва молия ресурсларидан фойдаланишнинг йирик масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ ҳужжатлар қарорлар шаклида эълон қилинади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бошқа органлари ва мансабдор шахсларининг ҳуқуқий ҳужжатлари, қоида тарзида, мазкур органлар тўғрисидаги тегишли низомларда белгиланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ижро этувчи органи (маъмурият) таркибий бўлимларининг раҳбарлари, одатда, ўз ваколатларига дойр масалалар юзасидан *буйруқлар* чиқарадилар.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шах-

сларининг ҳуқуқий ҳужжатлари мазкур органлар ва мансабдор шахслар томонидан ёки суд қарорига биноан бекор қилиниши мумкин.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг халқ ҳокимиятини амалга ошириш механизмининг мустақил шакли сифатидаги ҳуқуқи мақоми мазкур бошқаришни ташкил этиш ва унинг фаолиятининг барча томонларини илмий билимларнинг ягона соҳаси билан қамраб олишни талаб қилади. Илмий билимларнинг мазкур соҳаси муниципал ҳуқуқ фанидир. Ушбу билимлар соҳасининг яхлит хусусияти унинг объекти — маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ягоналиги билан белгиланади.

1.3. Бошқа давлатларнинг маҳаллий (муниципал) тизимлари

Европадаги кўпгина мамлакатлар, шунингдек АҚШ ва Япония маҳаллий тизимларининг ҳуқуқий асослари XIX асрда амалга оширилган маҳаллий сиёсатлар жараёнида юзага келган. Шунга қарамай, жамоа, шаҳар ўзини ўзи бошқариш анъаналарининг илдизлари қадимга, жамиятнинг дастлабки бўғинлари: антик даврнинг полис демократияси, ўрта асрлар шаҳар ва қишлоқ жамоаларига бориб тақалади.

Хориж мамлакатларида жойлардаги ҳокимиятни тавсифлашда икки тушунча — маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тушунчалари қўлланилади.

Маҳаллий бошқарув — маҳаллий ҳудудий бирликда марказий ҳокимият ёки юқори ҳудудий бошқарув органи маъмурияти томонидан амалга ошириладиган бошқарув фаолияти.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш юқори ҳокимият томонидан тайинладиган маъмурий органлар томонидан амалга оширилади. Масалан, Франция минтақаларида ҳукумат декрети билан тайинладиган ҳамда аҳоли билан муносабатларда Ҳукумат ва унинг аъзолари номидан иш кўрадиган республика префекта маҳаллий бошқарув органи ҳисобланади. Унга молия, хавфсизлик, ижтимоий ёрдам, иктисодий ривожланиш, ҳудудий режалаштириш ва бошқа соҳаларда давлат ваколатлари берилади. Давлат манфаатларини 'бошқа ҳудудий бирлик — департаментда ифода этувчи департамент префекта ҳам юқорида зикр этилган вазифаларни бажаради. Супрефект эса, департамент билан коммуна ўртасидаги оралиқ ҳудудий бирлик — округ ҳудудида давлат манфаатларини ифода этади.

Маҳаллий ўзини ўзи **бошқариш** — маҳаллий ҳудудий бирлик

аҳолиси — худуд жамоаси ва унинг сайлаб қўйиладиган органларининг маҳаллий аҳамиятга молик ишларни бошқариш фаолияти.

Маҳаллий бошқарув органларидан фарқли ўлароқ, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлатга бўйсунмайди, яъни давлат уларга бирон-бир мажбуриятлар юклашга ҳақли эмас.

Чет эл олимларининг фикрига кўра, «ўзини ўзи бошқариш» тушунчаси илк бор маҳаллий ўзини ўзи бошқариш муносабати билан Буюк француз инқилоби йилларида қўлланила бошланган ва давлатга нисбатан жамоанинг мустақиллигини тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган. Немис олимларининг фикрича, мазкур атама муаллифи Пруссия вазири барон фон Штейн (1757-1831) бўлиб, у маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг фаол шакли деб ҳисоблаган¹.

Маҳаллий ҳокимиятни демократик ташкил этишнинг икки тизими: Англия-Америка ва Европа тизимлари мавжуд.

Буюк Британияда маҳаллий ҳокимият органлари XIX-XX асрлар оралиғидаёқ катта ваколатлар олганлар, аммо 1970-1980 йилларда марказий ҳокимият маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга (айниқса, молия ва солиққа тортиш соҳаларида) яна бир қатор чеклашлар жорий қилди.

АҚШда маҳаллий ҳокимият органлари ўзларига берилган ваколатлар соҳасида деярли тўлиқ мустақилдирлар. Кўпгина ваколатлар ва фаолият соҳалари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўғинига берилган бўлиб, нафақат федерал ҳокимият органлари, балки штатларнинг раҳбар органларининг ҳам бирон-бир аралашувисиз амалга оширилади. Бунда маҳаллий органлар фаолияти штатларнинг конун ҳужжатлари билан тартибга солинади, чунки федерал ҳокимият штатлар ва маҳаллий ҳокимият раҳбарияти ўртасидаги муносабатларга 1868 йилдан бери деярли аралашмайди. Барча штатларнинг конституцияларига маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлайдиган моддалар киритилган, аммо мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар турли штатларда ҳар хил. Масалан, Миссисипи ва Алабамада конун ҳужжатлари рўйхати анча қисқа, бошқа штатларда эса, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалалари мазкур штатларнинг конституцияларида батафсил ёритилган².

¹«Прусское уложение об уставе городов», принятое в 1808г. //Сборник международных терминов из области права и управления. Бонн-Мюнхен. 1995.

²Современные Соединенные Штаты Америки. М., 1988. С. 79.

Англия-Америка тизими бошқарувнинг давлат, федерация субъекта ёки давлат-мустақил минтақасвдан паст барча бўғинларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бунда умумий хусусиятга эга маъмурий-худудий бирликлар бўлмайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият функцияларини маҳаллий (муниципал) палата, ижро этувчи ҳокимият функцияларини эса — префектлар, супрефектлар, маҳаллий (муниципал) префектлар амалга оширади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари метёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қиладилар, маҳаллий солиқларни белгилайдилар ва ундирадилар, маҳаллий хизматларни, шу жумладан транспорт, савдо хизматларини, қурилишни ташкил этадилар, маданий, тарихий ёдгорликларни муҳофизат қиладилар ва ҳ.к.

Европа тизими маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий бошқарувни ўзида мужассамлаштиради. Европа Кенгаши 1985 йил 15 октябрда қабул қилган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартияси 3-моддасининг 1-қисмига асосан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун доирасида, маҳаллий аҳоли манфаатларида фаолият кўрсатиб, давлат ишларининг катта қисмини тартибга солиш ва у пи бошқариш ҳуқуқи ва реал лаёқати тушунилади.

Бунда маҳаллий бошқарувга маъмурий назорат қилиш, яъни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қабул қилган ҳужжатларнинг қонунийлигини текшириш ваколатлари берилади. Мазкур ҳужжатларнинг қонунийлиги устидан судга шикоят бериш мумкин. Ўз навбатида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ўз ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишга ҳақлидирлар.

Бир қатор давлатларда ўзини ўзи бошқаришнинг аралаш моделлари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Мазкур моделлар Англия-Америка ва Европа тизимларининг унсурларини ўз ичига олади, шунинг учун ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил (гишинг Европа тизими турли кўринишларга эга.

1) Бошқарувнинг барча бўғинларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий бошқарувни бирлаштириш (масалан, Италияда):

- вилоятдан қуйи бўғинларда — провинциялар ва коммуналарда фвқат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари — Кенгашлар таш-1 им этилади. Давлат бошқаруви вазифаларини бажариш Вазирлар Кенгаши томонидан тайинланувчи префект зиммасига юкланади;

- коммунада давлат бошқаруви функцияларини синдик — тайинланадиган давлат хизматчиси бажаради.

2) Бошқарувнинг қўйи бўғинидаги ўзини ўзи бошқариш билан бошқарувнинг олий бўғинидаги давлат бошқаруви муштараклигини таъминлаш (масалан, Польшада):

- **жамоа (ғмина)да** фақат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш — сайлаб қўйиладиган Кенгаш фаолият кўрсатади. Улар ўз таркибидан жамоа бошқаруви ни ва ижро этувчи органлар — Бургомистр, Президент, Войт ва бошқаларни сайлайдилар;

- юқори бошқарув бўғинлари — воеводстволарда фақат маҳаллий бошқарув — Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан тайинланадиган ва чакириб олинадиган Воеводалар, уларнинг ўринбосарлари фаолият кўрсатади.

3) Давлат мақомига эга бўлмаган тобе ҳудудларда (Нидерландия ва Британия қарамоғидаги, Франция колонияларида) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш метрополиянинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари устидан қаттиқ маъмурий назорати билан тавсифланади:

- бошқарув давлат — метрополия бошлиғи томонидан тайинланадиган губернаторлар, олий комиссарлар томонидан амалга оширилади;

- маҳаллий аҳоли томонидан сайланадиган вакиллик органи фақат губернатор имзолаганидан кейин кучга кирадиган ҳужжатларни қабул қилади.

Шаклланиш тартиби ва ваколатларининг тақсимланиши тартибига қараб, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг икки асосий модели: парламент ва президент бошқарувини ажратиш мумкин.

Парламент модели шу билан тавсифланадики, маҳаллий маъмурият бошлиғини маҳаллий вакиллик органи ўз таркибидан сайлайди.

Президент модели шу билан тавсифланадики, маҳаллий маъмурият бошлиғини, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бошқа мансабдор шахслари (ғазначи, прокурор, судья, шериф)ни аҳоли ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг вакиллик органи сайлайди. Бундай модель АКШда амал қилади. Бу ерда шахар мэрлари Шахар Кенгаши депутатлари томонидан сайланади ва вакиллик функцияларини бажаради, шахар маъмурияти бошлиқлари эса Кенгаш томонидан ёлланган бошқарувчилар бўлиб, ижро этиш функцияларини бажаради.

1.4. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш халқ ҳокимиятининг мустақил шакли эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида фақат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (>рганлари (маҳаллий (муниципал) тузилмалар) учун энг муҳим ҳуқуқий қоидалар (уларнинг ҳуқуқий асослари) белгиланган. Мазкур моддага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг қоидаларини муфассаллаштирувчи ва муайянлаштирувчи ҳуқуқ меъёрлари ифодаланган қонунлар ёки қонун ҳужжатлари қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларининг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг асосларини (носита мустаҳкамлайдиган ҳуқуқ меъёрлари:

а) фундаментал, умумлаштирувчи хусусиятга;

б) меъерий ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари Ва мансабдор шахслари томонидан қабул қилинадиган (чиқариладиган) ҳужжатларга нисбатан устувор хусусиятга эга;

в) уларга аниқлик ва қатъийлик;

г) умум эътироф этилганлик;

д) қисқа ва лўндалик;

е) барқарорлик;

ж) сурункали амал қилиш хос.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш асосларини конституция, қонунларда ифодаланган ва аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик ил шфаларни хал қилиш соҳасидаги фаолиятининг барча тузилмалар учун энг муҳим, умумий ҳудудий, ҳуқуқий, молия-иқтисодий асосларини мустаҳкамловчи ҳуқуқ меъёрлари мажмуи деб таъриф- ланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III бобида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат эканлиги, унда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз олиниши, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жа- МОВБ бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга муво- фиқ иш кўришлари (15-модда), мазкур Конституциянинг бирорта Қондаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар Г кказадиган тарзда талқин этилиши, бирорта ҳам қонун ёки бошқа м.п.срий-ҳуқуқий ҳужжат Конституция меъёрлари ва қоидаларига ИД қслиши мумкин эмаслиги (16-модда) мустаҳкамланган.

Ҳуқуқий давлат принципларига мувофиқ, маҳаллий ўзини ўзи

бошқаришни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар муфассал тартибга солинган тақдирдагина, аҳоли маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалаларини самарали ҳал қилиш соҳасида мустақил фаолият кўрсатиши мумкин.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг асосини:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари;
3. Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳужжатлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби маҳаллий давлат ҳокимияти асослари масалаларига бағишланган. 99-моддада вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқарй) ҳокимлар бошчилиқ қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини қўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этишлари қайд этилган. Жойларда ҳокимиятнинг тақсимланиши принципига асосан икки маҳаллий ҳокимият органи: вакиллик ва ижро этувчи органлар фаолият кўрсатади. Улар ўз фаолиятини яккабошчилик асосида амалга оширадilar. Ҳокимлик институту миллий анъаналардан келиб чиқиб ташкил этилган. Зотан, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун қучли вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият зарур. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ҳокимлик институту тикланди. 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Олий Кенгашининг «Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрининг мақоми ва уни бошқариш тизими тўғрисида»ги Қарори бу йўналишда биринчи қадам бўлди. Мазкур қарорга асосан Тошкент шаҳрида вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳоким (шаҳар бошлиғи, мэри) институту ташкил этилди. 1992 йилнинг бошида бундай амалиёт бутун республикада амалга жорий этилди. 1992 йил 4 январда республика Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий органларни ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Мазкур қонунга мувофиқ, мамлакатнинг барча вилоятлари, туманлари, шаҳарларида маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил этилди — ҳоким лавозими жорий қилинди.

Мазкур қонунда ҳокимлик институту давлат қурилишининг тарихий, миллий хусусиятлари, бошқа давлатлардаги маҳаллий ҳоки-

мият органларининг ижобий иш тажрибасидан келиб чиқиб, биров-
пмиг тажрибасига кўр-кўрона таклидсиз, ҳуқуқий мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларита мувофиқ, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунди-
ГН шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлар-
дан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари
Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат
Ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли
масалаларни ҳал этадилар.

Маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўз
паколатлари доирасида мустақил иш кўрадилар. Маҳаллий Кенгаш-
иар вакиллик органлари бўлиб, ўз қарорларини жамоавий асосда
қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва юқорида зикр
•Тилган қонунга мувофиқ, ҳоким вилоят, туман, шаҳарнинг олий
МШ юабдор шахси ҳисобланади. У тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижро
пуичи ҳокимиятни бошқаради, халқ депутатлари Кенгашлари сес-
виясини тайёрлаш ишига раҳбарлик қилади, сессияларни чақиради,
аспутатларга бўлажак сессия ҳақида хабар беради, унинг ишини бо-
шқаради, шунингдек сессияда қабул қилинган қарорларни имзолайди.

Халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик орган-
Пари бўлиб, фуқаролар мазкур органларга ўз вакиллари — депутат-
Мрни сайлайдилар. Мазкур депутатлар ўз сайловчиларидан олган
паколатларига мувофиқ, уларнинг номидан иш кўрадилар.

Конституциянинг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органла-
ри ихтиерига қирадиган масалалар қайд этилган. Мазкур моддада
мпхаллий ҳокимият органларининг умумий мажбуриятлари аниқ бел-
I илаб қўйилган. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиерига қуйидаги-
Мр қиради: қонунийликни; ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг
<аш>сизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва
ЩШаний ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни
ИЖро этиш, маҳаллий солиқлар, йигамларни белгилаш, бюджетдан
ШШқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжа-
ИКҚа раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаро-
ИИ ҳолати ақтларини қайд атиштни таъминлаш; меъёрий ҳужжатлар-
НИ қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Конституциясига ва Ўзбекистон
!" I публикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни
I I ни а ошириш. Бу вазифаларни маҳаллий ҳокимиятнинг ижро этув-
ш ва нақиллик органлари биргалиқда бажарадилар.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудларида иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ривожланишни бошқарадилар. Бундан ташқари, улар ҳудудни истикболли ривожлантириш дастурлари, вилоят, туман ва шаҳар қурилиши режаларини тасдиқлайдилар. Мазкур масалаларни ҳоким тегишли халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Халқ депутатлари Кенгашлари маҳаллий бюджет ва унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлайдилар. Улар қонунга мувофиқ маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг миқдорларини белгилайдилар, маҳаллий бюджетга келиб тушувчи маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар берадилар. Агар бюджет лойиҳасини, унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ҳокимиятларнинг ваколатлари жумласига кирса, бюджетни ва унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари жумласига киради. Бюджетнинг ижро этилиши устидан

назорат уларнинг ҳар бирининг мажбуриятлари жумласига киради. Маҳаллий ҳокимият органларининг юқорида зикр этилган асосий ваколатларидан ташқари, мазкур органлар ўз фаолияти жараёнида норматив ҳужжатлар қабул қилишлари мумкин. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг мазкур ҳудудда бажарилиши мажбурийдир.

Конституциянинг 101-моддасига мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент Фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари куйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда катнашадилар. Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари куйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунган шаҳарларнинг ҳокимларини туман ҳокими тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда

халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Конституциянинг 103-моддасида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яққабощчилик асосларида амалга оширишлари ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари Ёа фаолияти учун шахсан жавоб беришлари белгиланган.

Ҳоким тегишли Кенгаш ҳудудида ҳўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарлик қилади, давлат ҳокимияти олий органларининг қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари ижро этилишини ташкил қилади, жамоат тартибини сақлаш ва жинойтчиликка қарши қураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширади, агар қўйи ҳокимларнинг қарорлари Конституция ва давлат қокимияти олий органларининг бошқа норматив ҳужжатлари, юқори халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига зид бўлса, мазкур қарорларни бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига мазкур ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисида таклиф киритади, ўзини ўзи бошқаришнинг ривожланишига қўмақлашади, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўлга солади.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Республикамизда маҳаллий вакиллик органларининг барча бўғинлари сайлов йўли билан ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ:

- сайлов қўп партиявийлик асосида ўтказилади;
- сайлов қунигача 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари мақаллий Кенгашларга сайланиш ҳуқуқига эгадирлар;
- маҳаллий вакиллик органларига сайланувчи депутатлар сони қисқартирилган (вилоят Кенгашлари ва Тошкент шаҳар кенгашларига — 60 тадан, туман ва шаҳар Кенгашларига — 30 тадан депутат);
- сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номқодларни қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

Конституцияга мувофиқ, ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча қорхоналар, муассасалар, ташкимоғлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар

томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади,

Конституциянинг 105-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий қоидалари белгиланган. Шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги аввалги давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари давлат ҳокимияти органлари тизимидан чиқарилди ва уларга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари мақоми берилди. Мазкур органлар — фуқароларнинг йиғинлари икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларга уларнинг жамият ва давлат бошқарувида иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришга, ўз ҳудудида ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал қилишга қўмаклашадилар, оммавий маданий-соғломлаштириш тадбирлари ўтказадилар, республика қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, маҳаллий депутатлар Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини мувофиқ равишда амалга ошириш жараёнида тегишли ҳокимият органларига ёрдам берадилар.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланишида бир нечта босқичларни қайд этиш мумкин.

Биринчи босқич — Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш асосларининг шаклланиши босқичи.

Собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунлари шулар жумласидан. Мазкур қонун ҳужжатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга «фуқароларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолияти», деб таъриф берилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари белгиланган: демократизм; ошқоралик; ижтимоий адолат; инсонпарварлик; маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишга мустақиллик; жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари белгиланган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши республиканинг бутун ҳудуд

дида амалга оширилади. Шаҳарчалар, кишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликларидир. Шаҳарчалар, кишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариши-п инг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибга амалга оширилади.

Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Мазкур қонун ҳужжатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратишлари, уларнинг ишларига аралашишга йўл қўймасликлари, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга дойр ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишлари я на бир қарра қайд этилган.

Қонуннинг 7-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари белгиланган — булар: шаҳарча, кишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, кишлоқ ва овулдаги маҳалла <|>уқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши); фуқаролар йиғини-П инг кенгаши; фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар; фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси; туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, кишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига қирмайди. Улар юридик шахе ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олин-шикерак.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Республика Конституцияси қоидаларига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ, фуқаролар йиғини — фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир. Номи юқорида зикр этилган қонун-

нинг 9-моддасига мувофик, фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тулган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшайётган шахслар қатнашадилар.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалаларни ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга. Фуқаролар йиғини кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади; фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тadbирлар режаларини тасдиқлайди; қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссинларига тавсия этади; тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради; йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига қирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади; ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади; ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасида қарорлар қабул қилади; пул маблағлари сарфланиши устидан иазоратни ташкил этади; атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади; гузарлар барпо этишга дойр масалаларни кўриб чиқади; маъмурий-ҳудудий бирликлар ва маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади; ер участкаларини бериш (реали-

ча ция қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ўз иакилини юборади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қонуннинг 23-моддасида биринчи марта «фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки» тушунчаси белгиланган бўлиб, у мазкур органлар томонидан қурилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда улар га берилган жамоат, ижтимоий-маиший ва бошқа мақсаддаги объектлар, шунингдек транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчадиган ҳамда кўчмас мулкни ўз ичига олади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мол-мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

Конституциямиз қоидаларига мувофиқ, кўп асрлик анъаналарга эга бўлган маҳаллага ҳуқуқий мақом берилди. Маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш шакли ҳамда фуқароларнинг кундалик эҳтиёжларини ифодаловчи орган сифатида ҳозирги кун шароитларида фуқаролик жамиятининг том маънода демократик таркибий қисмига айланди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида қайд этиб ўтганидек, узбек халқининг тарихий анъаналари ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳаллага унинг муносиб мақоми — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мақоми қайтарилди.

Маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг тарих синовидан ўтган ва Ўзбекистон халқларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган шакли бўлиб, республикада тинчлик, тотувлик ва ижтимоий барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ишончли омили ҳисобланади. Маҳаллалардаги фуқароларнинг йиғинлари ва оксоқолларнинг ваколатларини кенгайтириш жараёни бунга кўмаклашади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида маҳалла тегишли ҳудудда иктисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий масалаларни ҳал қилиш, шунингдек аҳолида, айниқса, ёшларда ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат туйғуларини тарбиялаш, дўстлик ва тотувликни қарор топтириш учун самарали ижтимоий муҳитга айланади.

«Маҳалла» республика хайрия жамғармаси фуқароларнинг ма-

халлий ўзини ўзи бошқариш органларига фаол ёрдам кўрсатмоқда.

«Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда оксоқоллар кенгашлари тегишли фаолият кўрсатади. 1999 йил ноябрда Республика Кенгаши ташкил этилди. Унинг таркибига энг катта нуфузга эга бўлган оксоқоллар ва маҳалла фаоллари ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимларининг фаоллари киритилди.

«Маҳалла» республика хайрия жамғармаси ва оксоқоллар Кенгаши аҳолининг аҳолини яхшилаш ва маърифий фаолият кўрсатишга катта эътибор бермоқда.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг **иккинчи босқичи**, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалаларига дойр фармонлари, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан ривожланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1998 йил 23 апрелдаги ПФ-1990-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокимиятларини бошқариш органларининг тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1996 йил 26 ноябрь ПФ-1651-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли адресли ижтимоий ёрдам кўрсатишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида»ги 1999 йил 13 январь ПФ-2177-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги 2001 йил 17 апрель ПФ-2832-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Турар жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2002 йил 26 февраль ПФ-3038-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент вилоятида ижро этилиши тўғрисида»ги 1997 йил 5 июнь 443а-1 сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий саноатни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 18 август 405-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги 2003 йил 7 февраль 70-сон Қарори, Ўзбекистон

гон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 27 апрелдаги 38-сон Буйруғи билан тасдиқланган «Аҳоли коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлиқ тўлашини таъминлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва турар жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ш Низоми, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Аҳоли коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлиқ тўлашини таъминлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва турар жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 2002 йил 13 май 54-сон Буйруғи, Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги 1994 йил 5 май Қонуни (тегишли ўзгартиш ва тузатишлар билан) шулар жумласидан.

Мазкур қонун ҳужжатининг 1-моддасида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказишнинг асосий принциплари таърифланган. Сайлов умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Қопуннинг 3-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти, шахсий, ижтимоий ва мулкый мавқеидан қатъи назар тенг сайлов чуқуқига эга эканлиги белгиланган бўлиб, бу ҳар бир фуқаро-сай-Човчи бир овозга эга эканлигини билдиради. Бундан ташқари, 4-моддада халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланиши белгиланган.

Қонунда шунингдек сайлов округлари тузиш (7-модда), сай-ИВ участкалари ва округ комиссиялари тузиш тартиби ва меъёри (8, 13-моддалар), вилоят, туман, шаҳар округ сайлов комиссиялари 11 инг ваколатлари, сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ВВ уларнинг ваколат муддати (17-модда), депутатликка номзодлар-пи рўйхатга олиш (24-модда) ва сайловга дойр бошқа масалалар тартибга солинади.

1.5. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг тузилмаси ва мазкур органлар фаолиятишг ташкилий асослари

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти Ии анлари тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь Қонуни (тегишли ўзгар-ппп ва қўшимчалар билан) V бобида маҳаллий ҳокимият ижро этув-

чи органларининг тузилиши ва мазкур органлар фаолиятининг ташкилий асослари белгиланган.

Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, вилоят, туман, шаҳарда ижро этувчи ҳокимиятни ҳоким бошқаради. Ҳоким биринчи ўринбосарга ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган микдорда ўринбосарларга эга бўлади.

Ҳоким ўринбосарлари, қоида тарзида, тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари жумласидан тайинланади ва тасдиқланади.

Вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ҳоким томонидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тайинланади ва лавозимдан олинади ҳамда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Туман ва шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори даражадаги ҳоким билан келишилган ҳолда тайинланади ва лавозимдан олинади ҳамда қабул қилинган қарор туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Шаҳардаги туман ва туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори ҳоким билан келишилган ҳолда тайинланади ва лавозимдан олинади.

Ҳоким ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган лавозим йўриқномаларига мувофиқ ўз функцияларини бажарадилар. Ҳоким хизмат жойида бўлмаган ёки ўз мажбуриятларини адо эта олмаган тақдирда, унинг ваколатларини ҳокимнинг биринчи ўринбосари ёки ҳокимнинг топшириғига биноан унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

Ҳоким, унинг ўринбосарлари, ҳокимиятнинг бошқа ходимлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг бошқа мансабдор шахслари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Юқорида зикр этилган қонун ҳужжатининг 22-моддасида маҳаллий ҳокимият ижро этувчи органларининг тузилмаси ва штатлари белгиланган. Маҳаллий ҳокимият ижро этувчи органлари (ҳокимиятлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан ташкил топади. Уларнинг тузилмаси, уларни ташкил этиш ва иш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмаси ва штатлари ҳоким томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмаси ва штатлари ҳоким томонидан, юқори ҳоким билан келишилган ҳолда, тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятининг тузилмаси ва штатлари тегишли ҳоким томонидан, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимияти аппаратининг намунавий тузилмаси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, туман ва шаҳар ҳокимияти аппаратининг тузилмаси ва штатлари эса — юқори ҳоким томонидан белгиланади. Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимиятининг памунавий тузилмаси ва штатлари Қорақалпоғистон Республикаси Иазирлар Кенгаши томонидан белгиланади.

Конуннинг 25-моддаси ҳоким ваколатларини тартибга солади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими:

- Олий Мажлис қонунлари ва бошқа ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, юқори органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижро этилишини ташкил қилади;

- жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва (•(илиғини муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширади, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда ишни ташкил этади;

- вилоят, туман, шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий параметрларини ва уларнинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади;

- ўз ўринбосарлари ва ижро этувчи ҳокимият таркибий бўлимларининг раҳбарларини тайинлаш ва лавозимдан олиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади;

- ҳокимият аппарата бўлимларининг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимдан олади;

- » қуйи ҳокимларнинг қарорларини бекор қилади ва қуйи халқ депутатлари Кенгашларининг Ўзбекистан Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис қонунлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистан Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, шунингдек юқори халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳоким қарорларига зид бўлган ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномаларни халқ депутатлари Кенгашининг эътиборига ҳавола этади;

- раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан таинланадиган ва лавозимдан олинадиган ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлимларининг ишини назорат қилади;

- халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қарорларини бажармаган мансабдор шахсларни интизом жазосига тортиш тўғрисидаги тақдимномани қонунда белгиланган тартибда киритади;

- мурожаатномаларни кўриб чиқади ва давлат мукофотлари билан тақдирлаш ҳақида таклифлар киритади;

- республикада ва хорижда вилоят, туман ва шаҳарнинг расмий вакили сифатида иштирок этади;

- фуқароларни қабул қилишни ташкил этади, уларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқади.

Ҳоким қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатлари жумласига киритилган вилоят, туман, шаҳар мол-мулкани ҳисобга олиш, бошқариш, режалаштириш, бюджет, молия, ҳар хил мулкчилик шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан ўзаро алоқа қилиш, қишлоқ хўжалиги, ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо, ижтимоий-маданий хизматлар кўрсатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва ҳавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади.

Назорат саволлари

1. Нима учун муниципал ҳуқуқ маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи деб аталади?
2. «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш» тушунчасига таъриф беринг.
3. Муниципал ҳуқуқ тушунчасини таърифланг.
4. Муниципал ҳуқуқ тизими нималарни ўз ичига олади?
5. Муниципал ҳуқуқ меъёрларининг ўзига хос хусусиятини ва мазкур меъёрлар қандай таснифланишини айтиб беринг.
6. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг Англия-Америка ва Европа моделларининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатинг.
7. Муниципал ҳуқуқнинг асосий манбаларини айтиб беринг.
8. Маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий асослари мазмунини очиб беринг.
9. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш амалга ошириладиган ҳудудпарни кўрсатинг.
10. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг молия-иқтисодий асослари мазмунини очиб беринг.
11. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатинг.
12. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг асосий ҳуқуқий кафолатларини кўрсатинг.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Меъёрий манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. Т., "Ўзбекистон", 2001. .
2. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги 1993 йил 2 сентябрь Қонуни (қўшимча ва ўзгартирилган билан).
3. Ўзбекистон Республикасининг "Вилоят, туман ва шаҳар халқ/н-пугатлари Кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги 1994 йил 5 май Қонуни (қўшимча ва ўзгартирилган билан).
4. "Туманга бўйсунадиган шаҳарлар ҳокимиятларининг бошқарув органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбе-

кистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 ноябрдаги ПФ-1651-сон Фармони.

5. "Аҳолига адресли ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги ПФ-2177-сон Фармони.

6. "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги bosқичи тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Турар жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент вилоятида ижро этилиши тўғрисида" 1997 йил 5 июндаги 443а-1 Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳаллий саноатни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1997 йил 18 августдаги 405-сон Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳалла йили" дастури тўғрисида" 2003 йил 7 февралдаги 70-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 27 апрелдаги 38-сон Буйруғи билан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва турар жой мулкдорлари ширкатларини коммунал хизматлар ҳақини аҳоли ўз вақтида тўлиқ тўлашини таъминлаганлиги учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги Низом.

II. Махсус илмий ва ўқув-услубий адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Узбекистан XXI асрга интилмоқда». Т., 1999.
2. Барабашев Г.В., Шеремет К.В. «Организация и функционирование местного самоуправления: опыт зарубежных стран». М., 1991.
3. Васильев В.И. «Местное самоуправление». Научно-практическое пособие. М., 1999.
4. Велихов Л. «Основы городского хозяйства». М., 1996.
5. Воронин А., Лапин В., Широков А. «Основы управления муниципальным хозяйством». М., 1997.
6. Европейская Хартия о местном самоуправлении. Совет Европы. Отдел изданий и документов. Страсбург. 1990.
7. «Канада: местное управление и самоуправление». М., 1995.
8. «Местная администрация: полномочия, структура, отношения с другими органами власти в соответствии с Конституцией США». Вашингтон. 1998.
- 9. «Местное самоуправление». Сборник международных терминов из области права и управления. Бонн-Мюнхен. 1995.
10. «Прусское уложение об уставе городов, принятое в 1808г». Сборник международных терминов из области права и управления. Бонн-Мюнхен. 1995.
11. «Современная Азия». Справочник. М., 1997.
12. «Современные Соединенные Штаты Америки». М., 1988. 79 стр.

Матнда учрайдиган мураккаб сўз ва атамалар лугати

Маъмурий мухторият — бошқарув органларининг ўз ваколатлари доирасидаги масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи.

Маҳаллий аҳамиятга молик масалалар — давлат конституцияси, федерал ёки маҳаллий қонун ҳужжатларига мувофиқ, маҳаллий тузилма низомида юқорида зикр этилган масалалар жумласига киритилган маҳаллий тузилма аҳолисининг ҳаётини таъминлаш масалалари.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг мансабдор шахси - меҳнат шартномасига асосан ишлайдиган сайлаб қўйилувчи шахсе, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида ташкилий-фармойиш функцияларини бажарувчи ва давлат хизматчиси ҳисобланмаган шахсе.

Маҳаллий, (муниципал) ўзини ўзи бошқариш — фуқароларга маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилиш имконини берадиган халқ ҳокимияти шакли.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар — маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан мустақил белгиланадиган солиқлар ва йиғимлар.

Маҳаллий референдум — маҳаллий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фуқароларнинг овоз бериши.

Маҳаллий мулк — маҳаллий тузилманинг мол-мулки.

Маҳаллий тузилма — ҳудудида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш амалга ошириладиган, маҳаллий мулк, маҳаллий бюджет ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг сайлаб қўйиладиган органлари мавжуд бўлган шаҳар, қишлоқ ёки бошқа аҳоли яшайдиган ҳудуд.

Мэр — маҳаллий бошқарув органи раҳбари, баъзи бир мамлакатларда — маҳаллий тузилма раҳбари.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг вакилик органи — сайлаб қўйиладиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи.

Префект — марказий ва минтақавий ҳокимият органи жойлардаги вакилининг алоҳида институтига.

Низом — маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти, уларнинг бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатлари, мазкур органларнинг маҳаллий бошқарувнинг маълум соҳаси ёки хўжалик-иқтисодий муносабатлардаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тартибга солувчи қоидалар тўплами.

II БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ

2.1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бошқарув органлари ролининг ошиб бориши шартлари

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш учун ғарбда маҳаллий тузилмалар деб аталувчи маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва ҳуқуқий мақомини ошириш муҳим вазифаларидан биридир.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда давлат бошқаруви органларини қайта тузиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ўта марказлаштирилган бошқарув тизимида давлат тузилишидан кўп укладли фуқаролик жамиятига ўтишда олий давлат муассасаларининг кўпгина ваколатлари аста-секин маҳаллий ҳокимият органларига, улардан эса — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида қуйидагилар маҳаллий сиёсатнинг устувор йўналишлари деб эътироф этилади:

- кўп укладли иқтисодиёт шаклланган, мамлакатнинг хўжалик ҳаётини бошқариш номарказлашган демократик давлат қуриш;
- минтақаларга сифат жиҳатидан янги иқтисодий мустақиллик бериш ва маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларини кенгайтириш;
- давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларининг етакчилик қилиши;
- маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини аҳолининг реал)ктив)жларини кондиришга йўналтириш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини кенгайтиришга, бюджетлар ўртасидаги муносабатларни мақбуллаштириш, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудида жойлашган юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ҳудудни ободонлаштириш, қўқамзорлаштириш, тозалаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи ва аҳолига хизматлар кўрсатувчи кичик ва бошқа корхоналар ташкил этишга жалб қилиш йўли билан маҳаллий фаолиятнинг молиявий негизини муқамлашга йўналтирилган ҳуқуқ меъёрлари қабул қилинди.

Давлат ва жамият тузилишининг барқарорлиги, республика ва минтақавий бошқарув органлари маҳаллий бошқарув органларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлиги, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари узбек халқининг маданияти ва анъаналарига қадимдан хослиги Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бошқарув органлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятларидир.

Маҳаллий тузилмаларнинг мустақиллиги ва масъулиятини оширишга йўналтирилган иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги ислохотларни аста-секин чуқурлаштириш негизида давлат қурилиши асосларини ислоҳ қилишнинг тадрижий йўли мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маҳаллий бошқарув органларининг ролини оширишнинг яна бир муҳим шартига айланди. Бу янги ҳўжалик юритиш шароитларида маҳаллий қурилиш вазифаларини оқилона ва режали ҳал қилиш, йнқирозли ҳолатларга йўл қўймаслик имконини берди.

Ўзбекистон Президентга И.А. Каримов илгари сурган давлат ҳокимияти органларидан маҳаллий ҳокимият органларига, улардан эса — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қўпгина ваколатларни аста-секин беришга йўналтирилган давлат курси маҳаллий бошқарувнинг аҳамиятини оширувчи муҳим шартлардан биридир. Зотан, маҳаллий тузилмалар ёрдамида давлат ҳокимият органлари алоҳида шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маиший масалаларини ҳамда ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш муаммоларини янада самарали ҳал қилишни ўрганишлари лозим.

Минтақавий иқтисодий тизимлар фақат бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солиш қонунлари асосидагина ривожланиши ва фаолият қўрсатиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мамлакат маҳаллий ҳўжалигини кенг қўламда уюштириш ҳақида доимий ғамхўрлик қилиш ҳар қандай давлатнинг функцияси бўлиши лозим.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида бу йўналишда ишларнинг фаоллашиши маҳаллий жамоаларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилмасдан ҳукумат томонидан эълон қилинган миллий иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларига эришиш, шу жумладан: аҳолининг бандлигини таъминлаш, турмуш сифати ва шароитларини яхшилаш, мамлакат алоҳида минтақаларининг иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эмаслиги англаб етилганлигини акс эттиради.

Давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида барча давлат институтларининг фаолияти маълум ҳудудга муайян даражада боғланади. Бироқ маҳаллий муаммоларни ҳал қилиш доим ҳам уларнинг асосий функцияси ҳисобланавермайди, шунинг учун давлат қурлиши тизимида давлат фаолиятининг «маҳаллий бошқарув сиёсати» деган махсус жиҳатини шакллантиришга эҳтиёж туғилади. Муайян минтақаларга таъсир кўрсатиш давлат институтлари фаолиятининг барча йўналишлари ва шаклларида пировард мақсадидир. Аммо бундай таъсирлар баъзи бир минтақалар учун самарали бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар қандай мамлакатда маҳаллий тузилмаларни ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришнинг маълум мақсадларига эришишга йўналтирилган изчил маҳаллий бошқарув сиёсатини амалга ошириш зарур.

Марказ ва минтақаларнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат маҳаллий сиёсатининг субъектлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий фаолиятни тартибга солиш заруратининг ошиб бораётганлиги иқтисодий ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган бир қатор объектив омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, мустақиллик шароитларида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг суръати ва сифатига таъсир кўрсатувчи фаол омил — ҳудудий, табиий, демографик ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг роли изчил ортиб боради.

Иккинчидан, шаҳар ва туман ҳўжаликларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, потенциал имкониятлари ва мавжуд чеклашларнинг ҳамда ҳудудга муайян ишлаб чиқариш турлари томонидан қўйилган талабларнинг етарли даражада эътиборга олинмаслиги айрим самарасиз қарорларнинг қабул қилинишига, иқтисодий ўсишнинг мавжуд захираларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келади.

Учинчидан, иқтисодни бошқариш соҳасида ваколатлар олган маҳаллий ҳокимият органлари, алоҳида объектларнинг тобелигидан қатъи назар, ўз ҳудудда яшайдиган аҳолининг турмуш даражаси, мазкур ҳудудда табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун жавобгар бўладилар.

Тўртинчидан, республикада иқтисоднинг алоҳида соҳаларида ва алоҳида тармоқларда ҳудудлар ўртасида ишлаб чиқариш юкларининг қайта тақсимланиши билан белгиланувчи ҳудудларaro утрос алоқаларнинг ўзига хос тури шаклланимoқда.

Ўзбекистан Республикаси иқтисодиёти ҳудудий бўлинмалари тизимининг ривожланишига катта таъсир кўрсатишга қодир ҳудудларни аниқлаш самарали давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Бундай ҳудудлар жумласига, авваламбор, иқтисодни ривожлантириш учун энг муҳим ресурсларга эга ҳудудларни киритиш мумкин. Зотан, мазкур ресурсларни ўзлаштириш тақчил маҳсулот ишлаб чиқаришнинг зарур даражада ўсишини таъминлаш имконини беради.

Қолаверса, ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий номунаносбликлар умумреспублика аҳамиятига молик муаммоларга айланган ҳудудларни аниқлаш зарур.

Молия ресурслари объектив чекланган шароитларда молиялаштириш ва хужалигини ривожлантириш суръатларида алоҳида минтақаларнинг бошқа минтақаларга нисбатан устувор қўйилиши муқаррар эканлигини эътиборга олиш лозим. Мазкур мажбурий чора бутун мамлакат манфаатларида амалга оширилишига қарамай, шу билан бир қаторда у ривожланаётган яхлит бир бутуннинг таркибий қисмлари бўлган ҳар бир минтақанинг потенциал имкониятларини намоён этишга тўсқинлик қилади.

Юқорида зикр этилган ҳолатларнинг мавжудлиги маҳаллий қурилиш соҳасида оқилона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг устувор йўналишларини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни талаб этади.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати

Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, маҳаллий ҳокимият органларининг конституциявий ваколатларини амалга ошириш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга берилган давлат қафолатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишнинг зарурлиги маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини кенгайтириш масаласини долзарб қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий қоидаларида турли микёсдаги маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадлари, устувор йўналишлари ва вазифа-

лари ҳамда бозор иктисодиётига ўтиш шароитларида мазкур сиёсатни амалга ошириш принциплари ва механизмлари ҳақидаги таъсирларнинг ягона тизими мустаҳкамланган.

Маҳаллий қурилишни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Европа хартиясига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва меъёрларига, Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий иктисодиёт ва маҳаллий менежментни ривожлантириш соҳасидаги халқаро шартномаларига ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади. Бунда мазкур сиёсат республика, минтақавий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда тегишли мансабдор шахсларнинг маҳаллий тузилмалар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ислох қилиш жараёнидаги фаолиятида ворисийликни таъминлашга йўналтирилган.

Мамлакатимизда амалга жорий этилаётган маҳаллий қурилишнинг конституциявий моделига асосан, Ўзбекистонда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиб, у ўз ҳокимиятини бевоқифа, шунингдек республика, минтақавий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат ҳокимияти (республика, минтақавий ва маҳаллий) органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳар бири ўз ваколатларига эга.

Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасидаги конституциявий тузумнинг негизларидан ҳисобланади, яъни, оммавий ҳокимият сифатида, улар аҳолига яқин бўлиб, фуқароларнинг маълум ҳудудда биргаликда яшашга асосланган манфаатларини ҳимоя қилади ва мазкур ҳудуд аҳолисининг ўзаро алоқалари маҳсули ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда, давлат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш, маҳаллий тузилманинг ва унда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг кундалик эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган фуқароларнинг ўзини ўзи уюштириши шакли деб эътироф этади ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди,

Давлат самарали фаолият кўрсатиши учун давлат манфаатлари ва маҳаллий манфаатларнинг, яъни ҳар бир шаҳар, қишлоқ ман-
• Илҳом, бошқа маҳаллий тузилмалар фуқароларининг умумий ман-
(>аатлари мувозанатини таъминлаш зарур. Маҳаллий ўзини ўзи бо-

шқариш маҳаллий манфаатларни ифода этувчи ролини бажаради. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида мустақилдирлар, чунки улар давлат ҳокимияти органлари тизимига қирмайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат маҳаллий мулкни, шу жумладан ерга ва бошқа табиий ресурсларга мулкдорлик ҳуқуқини эътироф этади ва ҳимоя қилади. Мазкур конституциявий ваколатлар Ўзбекистон Республикасидаги конституциявий тузумнинг асослари жумласидан бўлиб, оммавий ҳоқимият тизимида маҳаллий бошқарув органлари ҳолатининг сиёсий ва ҳуқуқий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда фуқароларнинг иштироки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш -органларига сайлаш ва сайланиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига яққа тартибда ва жамоа бўлиб мурожаат этиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят бериш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилмасини мустақил белгилаш конституциявий ҳуқуқлари билан кафолатланади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, республика ва минтақавий давлат ҳокимияти органлари сингари, фуқароларнинг турар жойга эга бўлиш, малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш, билим олиш ва бошқа бир қатор ҳуқуқларини таъминлаш учун шартшароитлар яратадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ уларнинг зиммасига маҳаллий аҳамиятга молик муҳим масалаларни ҳал қилиш, шу жумладан маҳаллий мулкни бошқариш, маҳаллий бюджетларни шакллантириш, тасдиқлаш ва ижро этиш, маҳаллий солиқ ва йиғимларни белгилаш, жамоат тартибинини муҳофаза қилиш юкланган. Маҳаллий тузилмалар ўз ваколатлари доирасидан чиқарилмаган ҳамда бошқа маҳаллий тузилмалар ва давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари жумласига киритилмаган масалаларни қўриб чиқишга ҳақлидирлар.

Қонунга мувофиқ, маҳаллий бошқарув органларига алоҳида давлат ваколатлари берилиши, мазкур органлар юқорида зикр этилган ваколатларни амалга ошириш учун зарур моддий ва молиявий ресурслар билан таъминланиши мумкин.

Маҳаллий бошқарув шаҳарлар, қишлоқ туманлари, шаҳар ва

кишлоқ манзилгоҳларида тарихий ва бошқа маҳаллий анъаналардан келиб чиқиб амалга оширилади. Маҳаллий бошқарув амалга ошириладиган ҳудудларнинг чегараси фақат тегишли ҳудудлар аҳолисининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Суд ҳимоясидан фойдаланиш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келган қўшимча харажатларни қоплаш ҳуқуқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белгиланган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқларини чеклашнинг тақиқланиши маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг кафолатларидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг маҳаллий бошқарувни амалга оширишнинг асосий принципларини белгиловчи қоидалари демократик давлатлар учун умумий бошқарувни номарказлаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи уюштириши, принципларидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимиятни ташкил этиш соҳасидаги маҳаллий тажрибани чуқур англаб етиш маҳсули бўлди.

1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маҳаллий тузилмалар маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилишлари, шунингдек фуқароларнинг яшаш жойлари билан боғлиқ жамоавий манфаатларини рўйга чиқариш учун зарур конституциявий-ҳуқуқий асосларни яратиб берди. Маҳаллий қурилишни ҳуқуқий тартибга солишнинг катта қисми минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳам амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг кўпгина минтақалари ҳудудларида маҳаллий бошқарув асосан Ўзбекистон Конституцияси таъабларига мос келадиган шаклларда амалга оширилмоқда. Аммо бир қисми I даражада маҳаллий бошқарув органлари шу жумладан маҳаллий бюджетларни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, маҳаллий мулкни бошқариш бўйича ўз конституциявий ваколатларини амалга ошириш учун мавжуд имкониятлардан яхши фойдалана олмаётдилар.

Маҳаллий бошқарув соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишларини муваффақиятли амалга ошириш маҳаллий ҳокимият органларининг жоиларда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш борасидаги фаолият қўламини кенгайтирибгана қолмасдан, балки кўйидаги масалалар бўйича маъсулликни ҳам оширади.

а) пул маблағларини давлат бюджетининг турли даражаларига ўз вақтида ва мумкин қадар тўлиқ сафарбар этиш;

б) бюджетдан ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш;

в) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги (хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш, тугатиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш);

г) ижтимоий соҳа (таълим, соғлиқни сақлаш, табиатдан фойдаланиш, ижтимоий таъминот) органларининг ишйни қўллаб-қувватлаш;

д) ҳудудий тузилма микёсида бозор инфратузилмасини (транспорт, алоқа, муҳандислик-коммунал ва молия инфратузилмасини) ривожлантириш;

е) маъмурий-ҳудудий тузилма доирасида қулай инвестиция муҳитини яратиш ва хориждан инвесторлар жалб қилиш;

ж) мавжуд меҳнат ресурсларидан минтақавий фойдаланиш ва янги иш жойлари ташкил этиш учун жавобгарлиги даражасини ошириш.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бошқарувни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга риоя қилиш асосида амалга оширилади:

- давлатнинг минтақавий ва маҳаллий сиёсатини амалга ошириш мақсадлари, йўналишлари, вазифалари ва механизмларининг ягоналиги;

- маҳаллий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга комплекс ёндашув;

- давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида республика давлат ҳокимияти органлари, минтақавий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлик ва алоқа қилиши;

- маҳаллий ислохотларни амалга оширишнинг турли босқичларида давлат сиёсатининг ворисийлигини таъминлаш;

- маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга давлат томонидан ҳар томонлама қўмаклашиш;

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари жумласига қирувчи масалаларга давлат ҳокимияти органларининг аралашмаслиги;

- давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари давлат сиёсатини амалга оширишини давлат томонидан назорат қилиш.

Маҳаллий тузилмаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

на улар барқарор мустакил ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ва фуқаролик институтлари Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқнинг фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш мақсадларида самарали ва ўзаро мувофиқлаштирилган фаолият кўрсатишига йўналтирилган бўлиши лозим.

Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув-инг шаклланиши жараёнида маҳаллий тузилмаларни янада ривожлантириш йўлига тўсқинлик қилаётган бир қатор умумий муаммолар ҳам аниқланди. Авваламбор, бу Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий тузилмалар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари яхши мувофиқлаштирилмаганлиги ва тизимга солинмаганлиги муаммосидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кучга киргунга қадар қабул қилинган бир қатор мсёрий ҳуқуқий ҳужжатларда маҳаллий бошқарувнинг конституциявий мақомига тўлиқ оғма келмайдиган қоидалар мавжуд. Бундан гашқари, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг алоҳида масалаларини тартибга солувчи меъерлар маъмурий ҳуқуқ ва ҳўжалик ҳуқуқининг бошқа соҳаларида амалда бўлган қонун ҳужжатлари ва мсёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ўзгартиришни талаб қилади.

Маҳаллий бошқарувни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ алоҳида масалалар қонун ҳужжатлари билан Тўлиқ ва изчил тартибга солинмаганлиги ҳам ўзининг салбий таъирини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг бир қатор мин-Гақаларида амалда бўлган маҳаллий бошқарув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг алоҳида меъёрларига риоя қилмаслик, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг айрим ман-Сабдор шахслари томонидан маҳаллий ҳуқуқ меъёрларининг бажарилмаслиги ҳолатлари қайд этилмоқда.

Маҳаллий бошқарув механизмини амалга ошириш билан боғ-ИЖ масалалар етарли даражада самарали тартибга солинмаганли-И и, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ургадида ваколатлар ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тақсимланмаганлиги, маҳаллий бошқарув органларининг манфаатларини суд тартибида \имоя қилиш механизмларининг номуқаммаллиги, суд қарорларининг ижросини таъминлаш масалалари яхши тартибга солинмаган-щни ҳам мазкур жараёнга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Республика ва минтақавий давлат бошқаруви органларининг

махаллий тузилмаларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини назорат қилишнинг самарали механизмини шакллантирмай туриб минтақалар мустақиллигининг сифат жиҳатидан янги кўлами ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг пировард натижалари учун жавобгарликнинг муштараклигани таъминлаш мумкин эмас.

2.3. Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий қурилишнинг устувор йўналишлари

Маҳаллий тузилмалар ўрни ва аҳамиятининг ортиб бориши давлатнинг маҳаллий қурилиш ва маҳаллий тузилмалар фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги сиёсатининг мазмуни ва йўналишларини белгилаб берди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни янада ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланган демократик давлат қурилишнинг зарур шарти — маҳаллий тузилмалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш маҳаллий қурилишни тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсатининг бош мақсадидир.

Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, маҳаллий ҳокимият органларининг конституциявий ваколатларини амалга ошириш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга *берилган* давлат кафолатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишнинг зарурлиги маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини кенгайтириш масаласини долзарб қилиб қўйди.

Маҳаллий қурилишни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Европа хартиясига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва меъёрларига, Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий иқтисодиёт ва маҳаллий менежментни ривожлантириш соҳасидаги халқаро шартномаларига ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади.

Давлатнинг маҳаллий қурилишни ривожлантириш соҳасидаги сиёсати республика, минтақавий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда тегишли мансабдор шахсларнинг маҳаллий тузилмалар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ислоҳ қилиш жараёнидаги фаолиятида ворисийликни таъминлашга йўналтирилган.

Конунга мувофик, маҳаллий бошқарув органларига алоҳида давлат ваколатлари берилиши, мазкур органлар юқорида зикр этилган ваколатларни амалга ошириш учун зарур моддий ва молиявий ресурслар билан таъминланиши мумкин.

Маҳаллий бошқарув шаҳарлар, қишлоқ туманлари, шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларида тарихий ва бошқа маҳаллий анъаналардан келиб чиқиб амалга оширилади. Маҳаллий бошқарув амалга оширилаётган ҳудудларнинг чегараси фақат тегишли ҳудудлар аҳолисининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Суд ҳимоясидан фойдаланиш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келган қўшимча харажатларни қоплаш ҳуқуқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белгиланган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқларини чеклашнинг тақиқланиши маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг қафолатларидир.

Ижтимоий аҳамиятга молик қарорлар қабул қилиш жараёнига маҳаллий тузилмаларнинг аъзоларини жалб қилиш халқ ҳокимиятини реал амалга ошириш механизмларидан биридир. Маҳаллий бошқарув органлари маҳаллий ҳокимият фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини яратибгина қолмасдан, балки аҳолига давлатнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш соҳасидаги сиёсатини тушунтирадилар, фуқаролар маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш имкониятига эга бўлишини таъминлайдилар. Соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизматлар кўрсатиш, хавфсизлик соҳаларида давлат меъёрийлари ва стандартларини қабул қилиш, шунингдек маҳаллий тузилмаларда мазкур меъёрийларни қўллаш фаолияти ҳудудларнинг инсон салоҳиятини ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилади. Бунга фақат фуқароларнинг фаол иштироки, давлат ҳокимияти ва маҳаллий жамият ўртасида доимий тесқари алоқалар ўрнатиш орқали эришиш мумкин.

Маҳаллий тузилмалар ва уларнинг бирлашмалари микёсида иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш чет давлатлар билан яқин қўшничилик алоқаларини йўлга қўйишда муҳим роль ўйнайди, халқларнинг яқинлашишига ёрдам беради.

Самарали маҳаллий қурилиш умуммиллий ресурслардан фойдаланишни мақбуллаштириш имконини беради. Зотан, маҳаллий

бошқарув органлари ўз муаммоларини ҳар бир ҳудуднинг муайян шароитларидан келиб чиқиб энг -самарали шаклларда ҳал қилишга қодирдирлар. Шунинг учун ҳам реал ишлайдиган маҳаллий бошқарув давлат ҳокимиятига республика ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишга ўз эътиборини қаратиш имконини беради ҳамда давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Ижтимоий кескинлик даражаси юқори бўлган минтақаларда зарарга ишлаётган ташкилотларнинг банкротлигини алоҳида назорат остига олиш, зарур ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имтиёзли кредитлар, энг кам иш ҳақини тўлашга дотациялар бериш йўли билан уларни мақсадли қўллаб-қувватлаш лозим.

Ортиқча меҳнат ресурсларининг мавжудлиги вазиятни янада оғирлаштираётган яхши ривожланмаган ҳудудларда, шаҳар ва қишлоқларда майда товар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, хизматлар кўрсатиш соҳасида ва агросаноат комплексидо кичик тадбиркорликни рағбатлантириш лозим.

2.4. Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ваколатларни самарали тақсимлашнинг зарурлиги

Ўзбекистан Республикасида ҳокимиятнинг барча бўғинлари фаолиятини мувофиқлаштирмасдан иқтисодий ривожланган давлат барпо этиш, сиёсий ва ижтимоий барқарорликка эришиш мумкин эмас. Давлат самарали фаолият кўрсатиши учун давлат манфаатлари ва маҳаллий манфаатларнинг, яъни ҳар бир шаҳар, қишлоқ манзилгоҳи, бошқа маҳаллий тузилмалар фуқароларининг умумий манфаатлари мувозанатини таъминлаш зарур.

Республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатлар аниқ тақсимланган бўлмаса, бу давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса мамлакатнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларидан мазкур зиддиятларни бартараф этишга катта куч ва ғайрат сарф қилишни талаб этади. Субъектив омил — тегишли мансабдор шахсларнинг ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг самарали ўзаро алоқаларини таъминлашга йўналтирилган оқилона қарорлар ишлаб чиқа олмаслиги, баъзан эса — бундай

царорларни ишлаб чиқишни истамаслиги юкорида зикр этилган муаммони янада чуқурлаштирмоқда.

Республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари уртасида вақратларни тақсимлаш, муайян вақолатлар уларни мумкин қадар самарали амалга оширишга қодир ҳокимият органлари шммасига юкланиши учун, тегишли ҳудудларнинг ўзига хос (жуғрофий, иқтисодий, демографик, этник ва х.к.) хусусиятларидан Келиб чиқиб амалга оширилиши лозим. Маҳаллий тузилмалар маҳаллий бошқарув органларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида уюшма ва иттифокларга бирлашишлари, республика давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳаллий бошқарув масалалари билан шуғуланувчи хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқалар қилиш масалаларида Иарча маҳаллий тузилмаларнинг манфаатларини ифода этувчи ягона умуммиллий ташкилот тузишлари мумкин.

Маҳаллий матбуот материалларига қараганда, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор минтақаларида амалда бўлган маҳаллий бошқарув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг алоҳида меъёрига риоя қилмаслик, шу жумладан: вилоят ҳокимиятлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси талабларига аид меъерий-техник ҳужжатларнинг қабул қилиниши, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари томонидан маҳаллий ҳуқуқ меъёрларининг бажарилмаслиги ҳолатлари қайд этилмоқда.

Маҳаллий бошқарув механизмини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар етарли даражада самарали тартибга солинмаганлиги, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари уртасида вақолатлар ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тақсимланмаганлиги, маҳаллий бошқарув органларининг манфаатларини суд тартибида қимоя қилиш механизмларининг номуқаммаллиги ҳам мазкур жараёнга ўзининг салбий таъсирини қўрсатмоқда.

Ҳал қилинмаган қўпгина масалалар маҳаллий тузилмаларнинг молиявий-иқтисодий мустақиллиги етарли даражада таъминланмаганлиги билан боғлиқ. Маҳаллий мулкни шакллантириш, тўлақонли маҳаллий бюджетларни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш (шу жумладан давлат молия ресурсларини тақсимлашда маҳаллий тузилмаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш), маҳаллий тузилмалар иқтисодий фаолиятининг барқарор меъерий пегизини яратиш ва бошқа масалалар шулар жумласидандир.

Маҳаллий тузилмалар фаолиятининг ҳамда маҳаллий бошқарув органлари ўз конституциявий ваколатларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

а) маҳаллий бошқарув органлари маҳаллий аҳамиятга молик қуйидаги масалаларни мустақил ҳал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш:

- маҳаллий мулкка, шу жумладан ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

- маҳаллий бюджетларни шакллантириш, тасдиқлаш ва ижро этиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш;

- жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

б) фуқароларнинг: турар жойга эга бўлиш; ўз соғлиғини сақлаш; тиббий ёрдам олиш; билим олиш ҳуқуқларини таъминлашда маҳаллий бошқарув органлари республика ва минтақавий ҳокимият органлари билан бир қаторда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш;

в) солиқ ва бюджет ислохотлари доирасида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий-иқтисодий негизини шакллантиришни ниҳоясига етказиш, авваламбор, қуйидагалар ҳисобига бюджет ва солиқларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш:

- маҳаллий бюджетларга йўналтирилувчи республика бюджетни маблағларини қайта тақсимлаш, маҳаллий тузилмаларнинг ваколатлари жумласига киритилган масалаларни ҳал қилиш учун мазкур тузилмаларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш;

- давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги, шу жумладан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган алоҳида давлат ваколатларининг амалга оширилишини ва давлатнинг минимал ижтимоий стандартларини белгилаш принципларини ишлаб чиқиш;

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш молиявий-иқтисодий негизининг муҳим таркибий қисми — маҳаллий мулкни фаол шакллантириш;

- кўчмас мулк бозорини ривожлантириш ва аҳолининг даромадларини жалб қилиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакилларининг иштирокини таъминлайдиган инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

- тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхона-

ларининг аҳолини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ва унга хизматлар кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

г) республика, минтақавий ва маҳаллий давлат ҳокимият органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ваколатларни ҳамда тегишли моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш;

д) маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишлари устидан самарали давлат назорати тизимини шакллантириш;

е) маҳаллий тузилмалар, шу жумладан минтақа, республика" на халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

ж) маҳаллий бошқарув органларининг фаолиятини давлат томонидан илмий-услубий, ташкилий-услубий ва ахборот билан қўллаб-қувватлаш;

з) маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида ишлаш учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва кадрларнинг малакасини ошириш самарали давлат тизимини ташкил этиш.

Маҳаллий бошқарув органларига давлат томонидан кафолатлар бериш, шунингдек давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий бошқарув тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилишларини таъминлаш қўйидагиларми назарда тутади:

а) маҳаллий тузилмалар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

б) маҳаллий мулкнинг барча шаклларини муҳофаза қилиш;

в) маҳаллий тузилмаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, мипимал бюджет билан таъминлаш меъёрийлари асосида белгиланадиган маҳаллий бюджетларнинг минимал зарур харажатларини қоплаш учун даромад манбаларини мустақамлаш йўл

билан маҳаллий бюджетларни таъминлаш;

г) маҳаллий тузилмалар иқтисодий фаолиятининг барқарор меъёрий ҳуқуқий негизини таъминлаш;

д) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида мустақил фаолият кўрсатишини таъминлаш;

е) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг суд тарти-

бида ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;
ж) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат хоки-
мият органлари томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида
юзага келган қўшимча харажатларнинг қопланиши билан боғлиқ
конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;

з) маҳаллий бошқарув органлари ўзларига берилган алоҳида
давлат ваколатларини амалга оширишлари учун зарур моддий ва
молиявий ресурсларнинг берилишини таъминлаш;

и) ҳуқуқнинг комплекс соҳаси сифатида маҳаллий ҳуқуқни
шакллантириш, маҳаллий қурилиш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқа-
риш соҳасида қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш страте-
гиясини ишлаб чиқиш;

к) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасида фундаментал ил-
мий тадқиқотлар ўтказиш;

л) замонавий маҳаллий бошқарув технологияларини ишлаб
чиқиш.

Мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши ҳар бир ма-
ҳаллий тузилмада аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, фу-
қароларда ўзлари шакллантирган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш
органлари билан демократик муносабатларга киришиш ҳамда улар-
нинг иш самарадорлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга
ошириш қўнқмаларини шакллантириш, Ўзбекистан маҳаллий ту-
зилмаларининг барқарор мустақил ривожланишини таъминлаш
имконини беради.

2.5. Минтақавий ва маҳаллий бошқарув органларининг ўзаро муносабатлари принциплари ва механизми

Давлат бошқарув тизимининг самарадорлиги у ёки бу хоки-
мият органи олдида турган сиёсий ёки ижтимоий-иқтисодий ри-
вожланишнинг муайян вазифалари қай даражада тез ва аниқ ҳал
қилинишига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, нафақат бошқарув турли
бўғинларининг фаолияти қандай ташкил этилганлиги ёки қай да-
ражада сифатли амалга ошириладиганлигига, балки уларнинг ўзаро
алоқалари қай даражада яхши йўлга қўйилганлигига ҳам боғлиқ.
Давлат бошқарувини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи амалга
оширилиши натижасида маҳаллий бошқарув даражаси умумдавлат
бошқарувининг даражасидан анча илгарилаб кетган МДХ мамла-
катларида юқорида зикр этилган муаммо айниқса долзарб аҳамият

касб этмоқда. Юзага келган вазиятнинг яна бир сабаби шундаки, илгари амал қилган юқори бошқарув бўғинининг қуйи бўғинга таъсир кўрсатиш маъмурий усуллари бекор қилинди, мазкур бўғинларнинг янги ўзаро алоқа усуллари эса ҳали пухта ишлаб чиқилмаган ва тўлиқ ишга солинмаган. Кўриб чиқиладиган муаммо янги ва анча мураккаб эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги давлат қурилиши амалиёти учун янги тушунча ҳисобланган республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқалари тушунчасининг моҳияти ва мазмунини теран тушу-пибетиш зарур.

«Минтақа», «минтақавий» деган тушунчалар маҳаллий ва хо-рижий илмий ва меъёрий манбаларда ҳар хил талқин қилинади. Натижада мазкур тушунчанинг ҳар хил талқинлари учрайди: икти-содий минтақа, жуғрофий минтақа, ҳудудий бирлик сифатидаги минтақа. Бошқарув маъносиди эса «минтақа» атамаси бошқарувнинг умумдавлат ва маҳаллий бўғинлари ўртасидаги оралик бўғинни ифода этади. «Маҳаллий» атамаси маҳаллий тузилма — шаҳар, қишлоқ ту-мани, шаҳарча ёки қишлоқлар бирлашмасининг ҳудудини бошқариш билан боғлиқ масалалар мажмуини ўз ичига олади. Хориж бошқарув амалиётида «маҳаллий» атамаси бу ердаги маҳаллий бошқарув органлари — муниципалитетлар билан бевосита боғлиқ. Муниципалитетларнинг шаклланиши «табiiий» ривожланишнинг нати-жаси ўларок фуқароларнинг ҳудудий бирлашмалари юзага келиши (жлан белгиланади. Бундан келиб чиқиб, муниципалитет деганда тарихан шаклланган ҳудудий бирлик доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тушунилади. Мазкур бошқарув органининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ҳокимият аҳолига мумкин қадар иқинлаштирилган бўлиб, биринчи навбатда фуқароларнинг кунда-лик эҳтиёжларини қондириш ва маҳаллий ҳўжалиқни тезкор бошқаришга йўналтирилган.

Юқорида келтирилган мисоллар «минтақа» ва «маҳаллий» ата-малари ҳар хил маъноларда: бир томондан, маълум ҳудудни белги-лаш учун, иккинчи томондан эса, бошқарув бўғинини тавсифлаш учун қўлланиши мумкинлигидан далолат беради. Бунда «бошқарув бўғини» ва «бошқарув органи фаолият кўрсатувчи ҳудуд» тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ, чунки бошқарув ҳамиша маълум ҳудудда (айни ҳолда — «маъмурий-ҳудудий бирликда») амал қилади.

Шрздай қилиб, «давлат бошқаруви», «минтақавий бошқарув» ва «маҳаллий бошқарув» атамалари мураккаб тизимини (давлат бо-

шқарув фаолиятининг ўзаро боғлиқ таркибий қисмлари мажмуини) ташкил этадики, одатда, бошқарув мақсадлари, вазифалари, принциплари, функциялари, усуллари, шакллари, субъектлари ва объектлари мазкур тизимнинг асосий унсурлари ҳисобланади. Мазкур унсурлар давлат Ҳокимияти ижро этувчи органлари ва мақаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг мақомини, уларнинг мақсадлари, вазифалари ва иш принципларини, ваколатлари доирасини, жавобгарлигини, ташкилий-ҳуқуқий иш шаклларини, шунингдек давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан вертикал йўналишда ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан гори зонтал йўналишда ўзаро алоқаларини белгилаш орқали ҳуқуқи расмийлаштирилади. Минтақавий ва маҳаллий бошқарув органларининг ўзаро мун

сабатлари тизимини «**ўзаро алоқалар механизми**» т шунчаси айниқса тўлиқ ифода этади. Мазкур тушунча юқорида зикр этилган органлар ўртасида мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ташкилий-техникавий алоқаларнинг мураккаб хусусиятини акс этти ади. Чунончи, мазкур механизм ўзаро алоқалар унсурларининг ма муини ўз ичига оладики, улар орасида минтақавий ва маҳаллий - бошқарув бўғинларининг манфаатларини ифода этувчи ҳокимият органларининг ўзаро алоқаларини амалга ошириш принциплари, турлар , шакллари ва йўналишларини алоҳида ажратиш зарур. Бунд мазкур ўзаро алоқаларнинг йўналишлари, авваламбор, маҳалли микёсда бошқарув функцияларини шакллантири

ва амалга ошириш босқичлари (маҳаллий ўзини ўзи бош аришни ташкил этиш ҳамда унинг ваколатларини амалга ошириш) илаи боғлиқ; принциплар эса минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро муносабатлари қуриладиган туб асослардир. Юқорида зикр этилган бошқарувни ташкил этишнинг барча босқич арида ва ўзаро алоқаларнинг барча йўналишларида юзага келадиган ҳамда ҳар хил ҳуқуқий ва ташкилий шаклларда амалга ошириладиган бошқарув алоқаларининг типлари ёки турлари ўзаро алоқалар механизмининг мазмуни учун муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, ўзаро алоқаларнинг йўналишлари ҳам, принциплари ҳам универсал хусусиятга эга, чунки улар давлат ҳокимиятининг нафақат ижро этувчи, балки бошқа органларининг ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро алоқа қилиш усуллари ҳисобланади.

Бошқарув алоқаларининг асосий турлари жумласига қуйидагилар киради:

- ваколатларни тақсимлаш;
- ваколатларни ўзаро ўтказиш (бериш);
- маҳаллий ҳокимият органларига кўмаклашиш (давлат томонидан қўллаб-қувватлаш);
- турли бошқарув бўғинлари ўртасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;
- турли ҳокимият органларининг фаолияти устидан давлат пазоратини ўрнатиш.

Бошқарув алоқаларининг юқорида зикр этилган барча турлари минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятнинг ўзаро муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутишига қарамай, **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** камровли хусусиятга эга бўлиб, уларсиз бирон-бир бошқарув вазифасини ҳал қилиш мумкин эмас.

Мувофиқлаштириш бошқарув фаолиятининг ташкилий жиҳатдан тобе бўлмаган субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларни йўлга қўйишнинг муҳим усулидир. Бошқарув алоқасининг тури сифатида, мувофиқлаштириш уюштирувчи хусусиятга эга бўлиб, фаолияти мувофиқлаштирилувчи субъектларнинг саъй-ҳаракатлари ии мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Мувофиқлаштирувчи алоқа субъектларнинг ўзаро манфаатдорлигига асосланади: муносабатларнинг иштирокчилари эҳтиёжлари ҳар хил бўлган тақдирда ҳам, мувофиқлаштириш жараёнида манфаатларни мувофиқлаштиришга ўзаро эҳтиёж шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиладики, бу умумий манфаатнинг шаклланишига кўмаклашади. Мувофиқлаштириш ўзаро хусусиятга эга: бу нафақат тўғри, балки тесқари алоқа ҳамдир, яъни иккала томон ҳам фаол иш олиб борувчи субъектлар сифатида иштирок этади.

Бошқарув амалиётини тахлиддан ўтказиш минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида юзага келадиган муофиқлаштирувчи алоқалар қуйидаги шаклларда амалга оширилишини кўрсатади:

1) **Ахборот алмашиш**. Мувофиқлаштиришнинг мазкур шакли давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг деярли барча соҳаларига, айниқса, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида ўзаро ахборот беришга гааллуқли;

2) **Давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига маслаҳатлар бериш**. Мувофиқлаштириш-

нинг мазкур шакли маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа хартиясида ҳам мустаҳкамланган;

3) **Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларни ёки ташкилий-иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш.** Мазкур шакл ҳам тўғри алоқа (маҳаллий бошқарув органлари ўз ҳужжатлари ва ҳаракатларини давлат ҳокимиятининг юқори органлари билан келишадилар), ҳам тесқари алоқа (маҳаллий ҳокимият органи давлат органларининг ҳаракатлари ёки қарорларига розилик беради) доирасида амалга оширилади;

4) **Маҳаллий тузилма ҳудудида давлатнинг алоҳида мансабдор шахсларини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиш.** Бу ўринда фаолияти маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ҳақида сўз кетаётир;

5) **Шартномалар (битимлар) тузиш.** Давлат ҳокимияти органлари ва машаллий бошқарув органлари ўртасида шартномалар (битимлар) тузиш — тезкор мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилиш шакли бўлиб, нафақат минтақавий микёсда, балки республика микёсида ҳам анча кенг тарқалган;

6) **Зиддиятларни тартибга солиш учун ўзаро келишиш тадбирларини ўтказиш.** Ўзаро келишиш тадбирлари маҳаллий бошқарувга оид барча қонун ҳужжатларида минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг юзага келувчи зиддиятларни тартибга солиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш шакли сифатида тилга олинган бўлиб, ундан томонлар судга мурожаат этишларидан олдин фойдаланиш мумкин;

7) **Қўшма органлар ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш.** Бу ерда давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг вакилларидан ташкил топган органлар ҳақида сўз кетмоқда. Мазкур мувофиқлаштириш шакли келишиш тадбирлари ёки маслаҳатлар ўтказишда, бошқа масалаларни ҳал қилишда, узоқ муддатли режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органларининг доимий ўзаро ҳамкорлиги ва алоқаларини ташкил этишда қўлланади;

8) **Минтақавий ҳокимият органлари қошида маҳаллий бошқарув органларининг ваколатхоналарини (маслаҳат органларини) ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш.** Мазкур органлар ўз табиатига кўра маслаҳат-кенгаш хусусиятига эга бўлиб, фақат ма-

халлий ўзини ўзи бошқариш органларининг вакилларида таркиб гопади, аммо, бундай ваколатхоналарнинг иши уларни ташкил этган минтақавий бошқарув органлари томонидан уюштирилади;

9) **Мурожаат этиш ҳуқуқи.** Маҳаллий бошқарув органлари ва уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон давлат ҳокимияти органларига ўз таклифларини юборишга ва бошқа турдаги аризалар билан мурожаат этишга ҳақлидирлар;

10) **Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг қонунчилик ва ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуслари билан чиқиш ҳуқуқи.** Бу мурожаат этиш ҳуқуқининг алоҳида шакли бўлиб, Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларида одатда алоҳида мустаҳкамланади.

Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш учун давлат маҳаллий қурилиш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиесатини амалга ошириш имконини берувчи бир қатор механизмларга эга.

Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий, молиявий ва ҳўжаллик юритиш соҳасидаги мустақиллигини ҳуқуқий тартибга солиш;

- маҳаллий қурилиш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалалари билан шуғулланадиган давлат органлари тизимини шакллантириш;

- маҳаллий бошқарувнинг конституциявий асосларини рўёбга чиқариш ва маҳаллий тузилмаларни ривожлантиришга кўмаклашадиган республика ва минтақавий дастурларни қабул қилиш;

- мутаносиб минимал маҳаллий бюджетларни таъминлаш, маҳаллий тузилмаларнинг солиқ негизини мақбуллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш имконини берувчи бюджет ва солиқ тизимларини тартибга солиш;

- давлат мулкига мансуб бўлган, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ваколатларини амалга ошириш учун зарур объектларни маҳаллий мулк таркибига киритиш;

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш ва кадрларнинг малакасини ошириш, шу жумладан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаб қўйиладиган ходимларнинг малакасини ошириш, номзодлар ва сайлов кампанияларининг иштирокчиларин сайловларга ва аҳоли ўз иродасини тўғридан тўғри ифода этадиган бошқа тадбирларга тайёрлаш;

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ахборот билан таъминлаш, шу жумладан маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг конституциявий асосларини аҳолига тушунтириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ислоҳ қилишнинг бориши ва муаммолари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш тизимини ташкил этишда аҳолининг роли ҳақида ахборот бериш;

- Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органлари, минтақавий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда мувофиқлаштириш процедураларидан кенг фойдаланиш.

Мазкур механизмлардан маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни қўллаб-қувватлаш узоқ муддатли республика ва минтақавий мақсадли дастурлар доирасида комплекс фойдаланиш Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бошқарув органларини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини янада самарали амалга оширишга ёрдам беради. Аҳоли, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва давлат ҳокимиятининг самарали ўзаро ҳамкорлик тизими унинг пировард натижаси бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган **минтақавий ва маҳаллий органларнинг ўзаро муносабатлари принципларини** умумлаштириб, минтақавий бошқарув органлари зикр этилган мақсадларга эришиш учун қўллашлари мумкин бўлган, қонун ҳужжатларига ва ҳуқуқий назоратнинг табиатига зид келмайдиган қуйидаги назорат шакллари ажратиш мумкин:

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг меъёрий ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш (маҳаллий тузилмаларнинг низомлари, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби);

- маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларини мувофиқлаштириш;

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини тасдиқлаш;

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий акти (орган ёки мансабдор шахснинг ҳаракати) устидан шикоят бериш;

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг (мансабдор шахснинг) ваколатларини тўхтатиш.

Давлат назоратининг юқорида зикр этилган шакллари билан бир қаторда, давлат томонидан берилган ваколатларнинг маҳаллий

органлар томонидан амалга оширилишини маъмурии назорат қилишнинг бошқа бир шакли ҳам кенг назорат воситаларига эга. Мазкур назорат шаклини давлат бошқарувининг хусусиятидан келиб чиқиб тармоқ назорати деб тавсифлаш мумкин. Бундай назорат маҳаллий бошқарувнинг қонунийлиги, самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигига баҳо беради. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Европа хартияси 8-моддасининг 2-бандига мувофиқ, «юқори ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурии назорат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бажариш топширилган казифаларнинг мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни ҳам ўз ичига олиши мумкин». Тармоқ назоратининг шакллари одатда нафақат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги умумий минтақавий қонунларда, балки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида давлат ваколатлари бериш тартиби тўғрисидаги махсус давлат қонунларида ҳам мустаҳкамланади.

Давлат ваколатларини бажармаганлик ёки номувофиқ равишда бажарганлик учун маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан юқори давлат ҳокимияти органлари томонидан қуйидаги санкциялар қўлланиши мумкин: минтақа ёки республика мулки объектларидан ва берилган молиявий маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг мазкур органлар томонидан қопланиши ҳамда улардан алоҳида давлат ваколатларининг олиб қўйилиши.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистан Президенти И.А. Каримов илгари сурган давлат ҳокимияти органларидан маҳаллий ҳокимият органларига, улардан эса — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўпгина ваколатларни аста-секин беришга йўналтирилган давлат курси маҳаллий бошқарувнинг аҳамиятини оширувчи муҳим шартлардан биридир.

Маҳаллий тузилмалар ўрни ва аҳамиятининг ортиб бориши учун юқорида зикр этилган шартлар ва омилларнинг мавжудлиги давлатнинг маҳаллий тузилмалар фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги сиёсатининг асосий принциплари, мазмуни ва йўналишларини белгилаб беради.

Барча микёедаги ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирмасдан иқтисодий ривожланган давлат қуриш, жамиятда сиёсий ва ижтимоий барқарорликка эришиш мумкин эмас. Давлат самарали фаолият кўрсатиши учун давлат манфаатлари ва маҳаллий манфаатларнинг, яъни ҳар бир шаҳар, қишлоқ манзилгоҳи, бошқа маҳаллий тузилмалар фуқароларининг умумий манфаатлари мувозанатини таъминлаш зарур.

Республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш, муайян ваколатлар уларни мумкин қадар самарали амалга оширишга қодир ҳокимият органлари зиммасига юкланши учун, тегишли ҳудудларнинг ўзига хос (жугрофий, иқтисодий, демографик, этник ва х.к.) хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим.

Ўз-ўзини текшириш ва назорат қилиш учун саволлар

1. Давлат қурилиши тизимида маҳаллий (муниципал) тузилмалар ролининг ортиб бораётганлиги нима билан изоҳланади?

2. Ҳозирги ҳбозор иқтисодиётида маҳаллий тузилмалар қандай функцияларни бажаради?

3. Давлат қурилиши тизимида маҳаллий тузилмалар қандай роль ўйнайди?

4. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маҳаллий ҳокимият органлари ролининг ошиб бориши шартларини айтиб беринг.

5. Ўзбекистан Республикасида маҳаллий қурилишнинг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

6. Узбекистон Республикасида маҳаллий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг қайси принциплари амалга оширилмоқца?

7. Республика ва минтақавий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлашда қандай қийинчиликларга дуч келинмоқца?

8. Узбекистон Республикасида амалга оширилаётган маҳаллий бошқарув сиёсатининг асосий йўналишларини айтиб беринг.

Асосий адабиётлар:

1. Узбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги 1993 йил 2 сентябрь Қонуни. Т., "Узбекистон", 1993.

2. Каримов И.А. "Ислохотлар ва янгиланиш жараёнлари қайтмасдир". Иккинчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясидаги маъруза. "Тошкент оқшоми", 39-сон, 2002 йил 5 апрель.

3. «Государственное управление (организационно-функциональные вопросы)». Учебное пособие. М., «Инфра-М». 2000.

4. Орешин В. П. «Государственное регулирование национальной экономики». М., «Инфра-М». 2000.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. Т., "Узбекистон", 2001.
2. Узбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни. Янги тахрирда. Т., Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон.
3. Каримов И.А. "Узбекистонни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари". Т., 1996.
4. Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Узбекистон шаҳар ва туманлари ҳокимларининг йиғилишида сўзлаган нутқи. Т., "Халқ сўзи", 1998 йил 28 декабрь.
5. Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2001 йил 11 январда Идоралараро мувофиқлаштириш кенгашининг йиғилишида сўзлаган нутқи. Т., "Халқ сўзи", 9-сон, 2001 йил 12 январь.
6. «Обзор социально-экономического развития регионов Республики Узбекистан». Т., «Экономическое обозрение». № 8-9.2001.
7. «Узбекистан в фокусе глобальной политики». Т., «Экономический вестник Узбекистана». № 4/5. 2001.
8. «Государственная экономическая политика». М., Учебник МГУ. 1999.
9. Воронин А.Г., Лапин В.А. «Основы управления муниципальным хозяйством». М., «Дело». 1998.
10. Совет Федерации (Р.Ф.). Научно-практическая конференция «Муниципальные образования в новой системе политических и социально-экономических координат». М., «Городское управление». № 5. 2002.

Матнда учрайдиган мураккаб сўз ва атамалар лугати

Минимал истеъмол боджети — инсонни энг зарур неъматлар билан таъминлаш имконини берадиган аҳоли даромадларининг энг кичик даражаси. У айни шароитларда инсон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган энг кам иш ҳақи (даромадлар) миқдорини ҳисоблашга асосли ёндашиш имконини беради.

Ижтимоий ривожланиш — иқтисодий ўсишни (яъни ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажмини кўпайтиришни) ва иқтисодий муносабатларнинг сифат кўрсаткичларини оширишни ўз ичига оладиган мураккаб тушунча.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати — давлат ҳокимият органларининг аҳолининг алоҳида табақаларининг турмуш даражасини ошириш, аҳолини даромадларига қараб табақалаштириш чегараларини белгилаш соҳасида маълум мақсадларга эришишга йўналтирилган ҳаракатлари. Иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг энг кам миқдорини белгилаш давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг муайян воситаларидир.

Халқнинг турмуш даражаси — аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳар хил даромадлар миқдорини тавсифловчи яқуний кўрсаткич.

Турмуш сифати — одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилиши даражаси ва сифати. У овқатланиш сифати, кийим-кечакларнинг сифати ва замонавийлиги, турар жойнинг шинамлиги, соғлиқни сақлаш, таълим, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларининг сифати, аҳолининг дам олиш имкониятлари, стрессли вазиятлар сони ва даражаси сингари кўрсаткичлар орқали намоён бўлади.

Истеъмол бюджета — халқнинг турмуш даражасини тавсифловчи ва уларнинг вазифасини кўрсатувчи аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари нисбати. Истеъмол бюджетининг динамикасини ўрганиш аҳолининг ва унинг алоҳида табақаларининг турмуш даражасида содир бўлган ўзгаришлар ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Меъёрий истеъмол бюджета — муайян шароитларда ижтимоий жиҳатдан нормал турмуш даражасини таъминлаш имконини берадиган аҳоли даромадлари даражаси. У айни шароитларда инсон нормал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ўртача даромад даражасини аниқлаш имконини беради.

Давлат мулки — давлат тегишли бўлган ва у умумдавлат манфаатларида фойдаланадиган умумий (бўлинмас) мулк шакли. Мазкур мулк иқтисод давлат секторининг негизини ташкил этади.

III боб

МАҲАЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАҲОШАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

3.1. Шаҳарларнинг ривожланиши ва маҳаллий (муниципал) иқтисодиётнинг шаклланиши шартлари

Жамиятнинг барча аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти, шу жумладан уларнинг иқтисодий фаолияти маълум ҳудудлар доирасида амалга ошади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиги, шу жумладан меҳнат ресурсларининг жалб қилиниши мана шу ҳудудларнинг сарҳадлари билан маълум даражада чегараланади.

Нисбатан кичкина ҳудудий бирликда, шаҳарми у, шаҳар ёки қишлоқ туманими - қатъи назар, ресурсларнинг чекланганлиги ва инсон эҳтиёжларининг чексизлиги ўртасидаги зиддият айниқса кескин намоён бўлади, Мазкур ҳудудларнинг меҳнат, моддий ва молиявий ресурслари қўшни ҳудудий бирликлар ва умуман мамлакат иқтисодиёти билан бирлашмасдан хўжалик ва ижтимоий вазифалар мажмуи — аҳолини иш, уй жой, истеъмол товарлари ва хизматлар, яъни инсонга ўз қобилиятларини ривожлантириш ва намоён этиш имконини берадиган нарсалар билан таъминлаш вазифаларини ҳал қилиш учун етарли эмас. Бироқ, шунга қарамай, ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик ўз ихтиёрида мавжуд ресурсларни мумкин қадар тўлиқ сафарбар этиши, маҳаллий аҳолининг фаровонлигини таъминлаш учун ташқи муҳит билан бирлашиш йўлларини топиши лозим. Аҳоли яшайдиган пунктларнинг қўлами ўсиб бориши, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва ривожланишига қараб юқорида зикр этилган вазифа мураккаблашиб боради.

Қишлоқ аҳоли яшайдиган пунктларида ҳаётни таъминлаш маълум даражада мустақил амалга ошса (бу фикр анча шартли хусусиятга эга), шаҳарларда ҳаётни таъминлаш бир қатор шартларнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Мазкур шартлар анча кенг бўлиб, мавжуд саноат корхоналари билан бир қаторда, асфальт йўллар ва жамоат транспорта корхоналари, сув таъминоти, канализация тармоқлари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, маиший ва тиббий хизматлар кўрсатувчи, ҳуқуқий тартибот ва атроф муҳитни муҳофаза қилувчи корхона ва ташкилотларнинг кенг доирасини ўз ичига олади. Бозор

инфратузилмаси субъектлари (банклар, биржалар)нинг мавжудлиги замонавий шаҳарнинг ҳаётини таъминлаш учун айниқса муҳим-Дир. Шаҳарларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш хусусиятига кура, бу шартлар пассив шартлар ҳисобланади. Шаҳар ҳаётини таъминлаш ва уни янада ривожлантириш шаҳар иқтисодийгини ташкил этиш ва бошқаришнинг самарали тизими бўлишини ҳам талаб пади. Зотан, мазкур тизим ёрдамида юқорида зикр этилган шарт-чар шаҳарларни ривожлантиришнинг реал омилига айлантирилади.

Маълум соҳаларга ихтисослашган, ўзаро алоқалар, саноат корхоналари, уй жой мавзелари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ин-фратузилма тармоқларига эга шаҳарлар самарали фаолият кўрсатиш ига нафақат аҳолисининг фаровонлиги, балки бутун миллий хўжаликнинг самарадорлиги боғлиқ бўлган алоҳида бошқарув объектига ийланади.

Барча ривожланган мамлакатларнинг тарихи мамлакат иқтисодиётида шаҳарлар ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганидан далолат Оеради. Бундай ривожланиш бир қатор омиллар билан белгиланади. Мазкур омиллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг ошиши;
2. агломерация билан белгиланган иқтисод (тежам), шу жумладан:
 - а) ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидан ички иқтисод (тежам);
 - б) манзида жойлашишдан олинадиган иқтисод (тежам);
 - в) ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидан ташқи иқтисод (тежам);
3. инфратузилманинг мавжудлиги;
4. шаҳарлардаги талабнинг кўлами.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг ортиши натижасида ундаги ишчи кучининг бир қисми озод бўлади. Бу ишчи кучи саноат корхоналари ва бошқа корхоналар жойлашган шаҳарларга келади. Агар ишчи кучи таклифининг кенгаиши ишлаб чиқаришнинг ўсишини белгилайдиган омил бўлса, аҳоли сонининг қўпайиши ижтимоий секторнинг ўсишини — уй жой қурилиши, коммунал корхоналар тармоқларининг кенгаиши ва шу кабиларни белгилаб беради.

Агломерация билан белгиланган иқтисод ишлаб чиқаришнинг «арзонлашиши»ни, яъни корхоналар бир-бирига яқин ерда жойлашиши натижасида ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар таннархининг пасайишини билдирадики, бунга фақат шаҳар шароитларида эришиш мумкин.

Агломерация билан белгиланган иқтисоднинг бир неча кўри-

нишларга эга, Маълумки, кўп сонли аҳоли ва корхоналар жойлашган таҳарлар йирик бозорлар ҳисобланади, бу эса фирмаларга ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда узоқ муддатли харажатларнинг ўртача миқдорини ва маҳсулот бирлиги харажатларини камайтириш натижасида иқтисод қилиш имконини беради. Мазкур ҳодиса ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидан ички иқтисод деб аталади.

Агломерация билан белгиланган иқтисод манзидда жойлашишдан олинadиган иқтисод кўринишида ҳам намоён бўлади.

Корхонанинг таъминотчилар ва истеъмолчиларга яқин ерда жойлашиши уларнинг транспорт харажатларини камайтиради, бу эса маҳсулот бирлиги харажатларининг камайтишига ва даромадларнинг ўсишига олиб келади. Шунинг учун ҳам янги корхона қуриш учун зарур хом ашё ишлаб чиқариладиган ва мазкур корхона маҳсулотининг истеъмолчилари яшайдиган шаҳарни танлаган маъкул.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидан ташқи иқтисод агломерация билан белгиланган иқтисоднинг навбатдаги туридир.

Бундай иқтисод фирманинг ўзини эмас, балки бутун тармоқни кенгайтиришдан олинади, Айтайлик, шаҳарда телевизорлар ишлаб чиқарадиган битта корхона мавжуд. Бунда фирма ўз маҳсулотини кафолатли таъмирлашни таъминлаш учун таъмирлаш хизматлари кўрсатадиган ўз тармоғини ташкил этиши ёки четдан таъмирловчи мутахассисларни жалб қилиши лозим бўлади. Мазкур мутахассислар тўлиқ иш куни банд бўлмайди, юқори мал акали мутахассисларни қидириш эса катта вақт сарфини талаб этади, шунинг учун ҳам юқорида зикр этилган иккала вариант ҳам кам самара беради.

Бироқ шаҳарда телевизорлар ишлаб чиқарадиган бир нечта корхона фаолият кўрсатса ва уларнинг сотув ҳажмлари анча катта бўлса, бу корхоналарга таъмирлаш хизматлари кўрсатадиган ихтисослашган фирма фаолият юритишини биргаликда таъминлаб туриш имконини беради. Мазкур фирма бир нечта корхона маҳсулотларини кафолатли таъмирлаш хизматларини кўрсатиш билан шуғулланиб, юқори малакали мутахассисларни ишга ёллаши ва уларни тўлиқ иш куни банд бўлишларини таъминлаши мумкинки, бу таъмирлаш харажатларининг камайтишига ва ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларига кафолатли хизмат кўрсатиш учун сарфлайдиган маблағларни тежаб қолишига олиб келади. Шундай қилиб, бир-бири билан боғлиқ бўлган алоҳида корхоналарнинг жойлашиш манзиллари бир вақтда аниқланади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар

ресурслар деб қараладиган оралик товарлар ва хизматларга ҳамда ўз тайёр маҳсулотини сотиш бозорларига бевосита кириш имконият-парига эга бўлишлари лозим. Худди шунингдек, оралик товар ва хизматлар билан таъминоловчилар ҳам ҳажмлари йирик кўламли ишлаб чиқаришдан ички иқтисодга эришиш имконини берадиган бозорларга бевосита кириш имкониятига эга бўлишлари зарур. Бундан хулоса шуки, иккала тоифа корхоналар ҳам шаҳарларда жойла-шишлари лозим, зеро, фақат улар ресурслар ва бозорларни етарли даражада таъминлашга ҳамда ҳар хил эҳтиёжларни тўлиқ қонди-ришга қодирдирлар.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидан ташқи иқтисод синга-ри, шаҳар инфратузилмаси ҳам харажатларда иқтисод қилиш ёки афзалликларга эга бўлиш манбаи ҳисобланади. Яъни: шаҳар ўзида жойлашган фирмаларга зарур хизматлар ва қулайликлар яратади. Ваҳоланки, бундай хизматлар ва қулайликларни мустақил яратиш фирмаларга анча қимматга тушган бўлур эди. Мазкур инфратузилма сув ва электр таъминоти, тозалаш иншоотлари, транспорт восита-лари, тадқиқот ва технологик хизматлар, молия муассасалари ва банклар, маслаҳат хизматлари ва реклама, ихтисослашган юридик хизматлар ва хоказоларни ўз ичига олади.

Бой ва ранг-баранг инфратузилма жуда катта бирлаштирувчи кучга эга бўлиб, шаҳарларнинг ўсишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Фирмалар ва тармоқлар томонидан ишлаб чиқариш ҳажми-нинг ўсишидан ички ва ташқи иқтисод омилларидан фойдаланиш-нинг зарур шarti бўлган бозор талаби шаҳарларнинг ўсишида кат-та роль ўйнайди. Йирик шаҳарларда кўп аҳоли яшаши уларда ранг-баранг товар ва хизматлар мавжудлигини билдиради. Содда қилиб айтганда, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг аҳолиси ранг-ба-ранг таом ва товарлар таклиф қилувчи турли ресторан ва дўконлар фаолият кўрсатиши учун зарур бозор талабини вужудга келтирса, Яққабоб (Қашқадарё вилояти) ёки Гурлан (Хоразм вилояти)да бун-дай маҳсулотга талаб юқорида зикр этилганга ўхшаш корхоналар-нинг рентабеллигини таъминлаш учун етарли бўлмайди. Худди шу-нингдек, театрлар, симфоник оркестрлар, юқори даражада ихти-сослашган тиббий хизматлар, профессионал спорт тижорат нуқтаи назаридан фақат йирик шаҳарларда фаолият кўрсатиши мумкин. Умуман олганда, ҳозирги ҳаётда мавжуд ўзига хос қулайликлар-нинг аксарияти шаҳарларга хослиги бу ерда мазкур таклифларга мувофиқ талабнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бу эса шаҳарлар

нафақат товар ва хизматларни нисбатан арзон ишлаб чиқариш мумкин бўлган, балки бу ерда таклиф этилувчи товар ва хизматлар доираси анча кенглиги туфайли, истеъмолчилар ўз талабларини нисбатан тўлиқ қондира оладиган жой эканлигидан далолат беради.

Шаҳарларнинг ривожланиши ва уларнинг ҳудудлари кенгайиши билан шаҳарлар ҳаёти ва фаолиятини таъминлаш жараёнларини бошқариш анча қийинлашди. Кўпгина мамлакатларда мазкур масалалар билан боғлиқ бир қатор функцияларни маҳаллий бошқарув органлари ўз зиммаларига олганлар. Мазкур мамлакатларда миллий иқтисодиёт, фирмалар иқтисоди тушунчалари билан бир қаторда, «маҳаллий (муниципал) иқтисодиёт» тушунчаси ҳам амал қилади.

3.2. Маҳаллий (муниципал) иқтисодиёт

Маҳаллий иқтисодиётнинг ривожланиши ҳақидаги фан Ўзбекистон учун маълум даража янги фандир. «Маҳаллий жамоа», «маҳаллий иқтисодиёт», «маҳаллий хўжалик» атамалари ҳатто мутахассисларда ҳам таажжуб уйғотиши мумкин, Зотан, анаъанага кўра, шаҳар ва туманга совет назарияси ва амалиётида фақат маъмурий-ҳудудий бўлиниш нуктаи назаридан қаралган.

Иқтисодиёт кўпроқ миллий ҳодиса сифатида тилга олинган, маҳаллий хўжаликка эса, кўпинча уй жой-коммунал хўжалиги деб қаралган.

Махсус адабиётларда «маҳаллий иқтисодиёт» тушунчасига таъриф берилмаган. Шунга қарамай, маҳаллий соҳага боғлиқ иқтисодий масалалар билан ишлашда қулайлик туғдириш нуктаи назаридан мазкур тушунчадан фойдаланиш ўзини оқлайди. Аниқ таърифи мавжуд эмаслигига қарамай, мазкур тушунча иқтисоддаги маҳаллий ҳодисаларни ифодалаш учун қўлланиладиган жаҳон иқтисодиёти, давлат иқтисодиёти, минтақавий иқтисод, корхона иқтисоди, оила иқтисоди сингари ўхшаш тушунчалар қаторида мутлақо табиий туюлади. Бу қаторда муайян шаҳар, туман ҳудудларидаги иқтисодий жараёнларни ёки маҳаллий тузилмаларга хос бўлган янада умумий жараёнларни ифодалайдиган шаҳар ёки туман иқтисоди ва маҳаллий иқтисодиёт сингари тушунчалар ҳам мутлақо табиий бўлиб кўринади, демакки бундай талқинда атама яшашга ҳақли.

Хар қандай ҳолатда тушунчанинг амалий аҳамияти мазкур тушунча ифода этадиган жараёнлар билан ишлаш имконияти билан белгиланади. Айни ҳолда «маҳаллий иқтисодиёт» тушунчаси маҳал-

пни микёсда содир бўладиган жараёнлар ҳақида янги тасаввурларни шакллантириш, яъни шаҳар ва туманлар микёсидаги иқтисодий ходисларни ўрганиш учунгина зарур эмас. Мазкур тушунча, авваламбор, юқорида зикр этилган жараёнлар билан ишлаш, уларни бошқариш учун зарур. Бинобарин, мазкур тушунчанинг мазмунига ана шу мақддлардан келиб чиқиб ёндашиш лозим.

«Маҳаллий (муниципал) иқтисодиёт» тушунчасининг мазмуни масаласи бугунги кунда баҳсли бўлиб қолмоқда, чунки мутахассислар орасида икки хил қараш мавжуд. Маъмурий бошқарувнинг айъанавий схемалари нуқтаи назаридан содда ва тушунарли бўлган биринчи қараш **маҳаллий иқтисодиёт маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томондан бевосита назорат қилинадиган барча иқтисодий жараёнларни камраб олишини** назарда тутати. Бунга барча бюджет процедуралари, маҳаллий тузилмаларнинг ихтиёрида бўлган мол-мулк билан боғлиқ жараёнлар, шунингдек маҳаллий тузилма аҳолисини ижтимоий таъминлашнинг иқтисодий негизи бўлган барча катгориялар қиради. Баъзан мазкур хўжалик-иқтисодий мажмуи маҳаллий хўжалик деб аталади.

Айни ҳолда маҳаллий иқтисодиёт тушунчасини шакллантириш принципи бошқариш мезонига, аниқроқ қилиб айтганда, маъмурий тобелик микёсида ёки тўлиқ мулкый қарамлик доирасида тўғридан тўғри бошқаришга асосланади.

«Маҳаллий (муниципал) иқтисодиёт» тушунчасига нисбатан бундай ёндошувда маҳаллий иқтисодиёт предметини фақат маҳаллий хўжаликни, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги (маҳаллий мулк доирасидан ташқаридаги) объектларни ва маҳаллий бюджет маблағларини бошқариш ташкил этишини назарда тутати.

Маҳаллий (муниципал) иқтисодиёт маҳаллий хўжалик даражасига боғлиқ бўлса, бошқарув билан боғлиқ алоҳида масалалар туғилмайди. Барча масалалар оддий маъмурий-бошқарув схемалари орқали ёки нисбатан мураккаб, маҳаллий бошқарув ходимлари хали унча қўникмаган холдинг типига мансуб схемалар орқали ҳал қилилган тди. Биринчи тоифага мансуб схемалар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ижро этувчи ҳокимияти аппарати билан ишлашда, яъни маъмурий тобелик ва бошқарувнинг тегишли схемалари амал қиладиган маъмуриятларда амалга оширилади. Иккинчи тоифага мансуб схемалар эса — хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланувчи маҳаллий корхона ва муассасалар билан ишлашда қўлланади. Улар ўзларининг кундалик фаолиятида мустақилдирлар, аммо

стратегиями танлаш масалаларида улар маҳаллий ҳокимият органларига бўйсундилар.

Маҳаллий (муниципал) иқтисодиётда бошқарув жараёнини юқорида зикр этилган оддий технологияларга боғлаш мумкин эмас. Зотан, барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладанириқ давлат корхоналари томонидан аҳолига ҳар хил хизматлар кўрсатиш маҳаллий аҳамиятга молик масалалар жумласига киради. Маҳаллий тузилма ҳудудида фаолият кўрсатаётган мустақил корхона маҳаллий ҳокимият органларига асло бўйсунмайди. Бундан ташқари, давлат корхонанинг маҳаллий ҳокимиятдан мустақиллигини кўриқлайди. Шу билан бир вақтда, мазкур корхонанинг (айниқса, агар у шаҳарни ҳосил қилувчи асосий корхона бўлса) ҳолатига аҳолининг боғлиқлиги анча катта бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам корхонанинг истиқболлари маҳаллий тузилманинг истиқболлари билан бевосита боғлиқ ва аксинча. Маҳаллий тузилмани ривожлантириш йўналишларини белгилашда ҳудудда фаолият кўрсатаётган асосий корхоналарнинг ривожланиш йўналишларини эътиборга олиш зарур. Бундан келиб чиқиб, маҳаллий иқтисодиёт тушунчасининг биринчи таърифини мақбул деб бўлмайди.

«Маҳаллий (муниципал) иқтисодиёт» тушунчасига нисбатан иккинчи қараш маҳаллий ҳокимиятнинг қўл остидаги корхона ва объектлардан эмас, балки ҳал қилинувчи вазифалар ёки бажарилувчи функциялардан келиб чиқиб таърифланади. Бу ўринда мулкчилик объектларини ҳамда корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини бошқариш мақсад бўла олмаслиги, бу маҳаллий миқёсда аҳолига хизматлар кўрсатиш воситаси эканлигини қайд этиб ўтиш л озим. Мазкур хизматларнинг маҳаллий хусусиятидан келиб чиқиб, улар маҳаллий хизматлар деб аталади. Маҳаллий хизматлар жумласига шаҳарлар ва туманлар ҳудудида кўрсатиладиган уй жой-коммунал, транспорт, ижтимоий-маданий хизматлар мажмуи, жамоат тартибини сақлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва сақлаш, экологик ва санитария барқарорлигини таъминлаш киради.

Маҳаллий миқёсда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш миқёсида жараёнларни бошқаришнинг умумий мақсади — аҳолининг фаровонлигини нафақат айни пайтда, балки истиқболда ҳам таъминлаш. Мазкур мақсадга фақат иқтисодий барқарорлик асосида эришиш мумкин. Иқтисодий барқарорлик ҳудудда яшайдиган фуқароларнинг иқтисодий барқарорлигидан, ҳудудда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигидан ва маҳаллий тузилма — маъ-

лум ижтимоий функцияларни бажарувчи хўжалик юритувчи субъект-Минг иктисодий барқарорлигидан ташкил топади.

Маҳаллий (муниципал) тузилма аҳолисининг иктисодий барқарорлиги (ёки беқарорлиги) шаклланадиган иктисодий майдон маҳаллий хўжалик майдони билан боғлиқ эмас.

Табиийки, бу майдон анча кенг. Унга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, маҳаллий тузилма ҳудудида жойлашган барча корхоналарда содир бўлаётган иктисодий жараёнлар қиради. Маҳаллий ўзи ии ўзи бошқариш органлари мазкур жараёнларни бевосита бошқара олмайдилар. Аммо, аҳолининг фаровонлигини таъминлашнинг бел-Гиланган мақсадлари нуқтаи назаридан, мазкур жараёнларга бефарқ қараш мумкин эмас, чунки юқорида Зикр этилган корхоналарда ишлайдиган одамларнинг фаровонлиги авваламбор мана шу жараёнларга боғлиқ. Ушбу объектив омил корхонанинг мансублигига ва ҳатто у қаерда рўйхатга олинганлигига ҳам боғлиқ эмас. Агар корхона маҳаллий тузилма ҳудудида фаолият кўрсатаётган бўлса, у фуқароларнинг фаровонлигини камида уч усудца белгилайди:

- иш жойлари билан таъминлайди;
- маҳаллий тузилма бюджети учун солиқ негизини таъминлайди;
- маҳаллий тузилма ҳудудида яшайдиган ходимларнинг даромадларини таъминлайди.

Бордию корхона маҳаллий тузилма ҳудудида рўйхатга олинган бўлмаса, бинобарин, у маҳаллий бюджетга солиқлар тўламаса, аммо корхонада маҳаллий тузилмада яшайдиган фуқаролар меҳнат қилса, корхона бандликни ва маҳаллий тузилма аҳолисининг даромадларини таъминлаш орқали таъсир кўрсатади. Иктисодий вазиятни ва ривожланиш истиқболларини кўриб чиқишда бундай таъсирни эътиборга олиш зарур. Акс ҳолда, ҳар қандай прогноз ва унинг асосида қабул қилинадиган бошқарув қарорлари амалдаги воқеликка мое келмайди, бинобарин, самарасиз ёки хавфли бўлади.

Маҳаллий (муниципал) тузилма аҳолисининг фаровонлигига таъсир кўрсатадиган ҳодисалар ва жараёнлар мажмуини ўрганиш доирасига киритиш учун ҳудудда содир бўладиган барча иктисодий жараёнларни ўз ичига оладиган «маҳаллий иктисодиёт» тушунчасини амалга киритиш лозим.

Комплекс ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳақдаги тасавурлар билан ишлашда бундай тушунчага эга бўлиш айниқса муҳим. Табиийки, маҳаллий тузилманинг ривожланиши фақат маҳаллий хўжа-

ликнинг ривожланиши билан боғлиқ эмас. Биринчидан, маҳаллий тузилма маҳаллий хўжаликка боғлиқ эмас, иккинчидан эса, маҳаллим хўжаликда жамланган ресурслар, юкорида қайд этиб ўтилганидек, ривожланиш ҳақида гапириш учун ҳаддан ташқари озлик қилади.

Маҳаллий (муниципал) тузилма ва унда яшайдиган аҳолининг ривожланиш истиқболлари шаҳардаги асосий корхона ёки тармоқнинг барқарорлигига кўп жихатдан боғлиқ. Айни ҳолда, маҳаллий тузилма ҳудудидаги иқтисодий жараёнлар ҳақида гапирганда, шаҳарни ҳосил қилувчи асосий корхоналар иқтисодини кўриб чиқиш ва эътиборга олиш зарур. Яъни, айни ҳолда ҳам маҳаллий иқтисодиёт тушунчаси маҳаллий хўжалик билангина кифояланмасдан, ҳудуддаги барча жараёнларни ўз ичига олиши шарт.

Кўриниб туриптики, маҳаллий иқтисодиёт тушунчасига иккинчи ёндошув унинг моҳиятини тўлиқроқ очиб беради,

Шундай қилиб, маҳаллий иқтисодиёт — маҳаллий тузилма ҳудудида мавжуд барча бўлган (мулкчилик шаклидан қатъи назар) барча ресурсларни аҳолига хизматлар кўрсатиш мақсадида сафарбар қилиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар мажмуидан иборат.. Мазкур ёндашув биринчи таърифни инкор этмагани ҳолда, маҳаллий иқтисодиёт тушунчасини тўлароқ таърифлайди.

3.3. Маҳаллий (муниципал) иқтисодиётнинг асосий субъектлари

Маҳаллий (муниципал) иқтисодиётнинг ривожланиши, унинг маҳаллий аҳоли фаровонлигини таъминлаш қобилияти маҳаллий иқтисодиёт субъектларининг самарали ўзаро алоқаларига кўп жихатдан боғлиқ.

Уй хўжаликлари, тадбиркорлик сектори ва маҳаллий ҳукумат маҳаллий иқтисодиётнинг асосий субъектларидир.

Уй хўжаликлари деганда миллий маҳсулотнинг охириги истеъмолчилари тушунилади. Бундай истеъмолчилар жумласига аҳоли билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ҳам қиради.

Уй хўжаликлари жамият учун инсонни яратувчидир. Уйдаги меҳнат ва таълим бутун жамиятнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Уй хўжалиги истеъмолчи сифатида моддий хизматлар (коммунал-маиший, транспорт, умумий овқатланиш ва ҳ.к) соҳасининг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Уй хўжалиги жамиятда ишлаб чиқариладиган товар ва хиз-

Майтларнинг истеъмолчисигина бўлиб қолмасдан, ишчи кучини ет-
1.11) берувчи, иқтисодийнинг мавжудлиги ва ҳаракатини белги-
| йдиган муносабатларнинг бош субъекти ҳамдир.

Аммо, бир қатор сабабларга кўра, ишчи кучини етказиб бе-
ру пч и, пул, молия ресурслари ва кўчмас мулк шаклидаги мулкнинг
ПСИ қисобланган рўзгор хўжаликлари бизнинг иқтисодийтимизда
\\п и и реал иқтисодий кучга эга эмас.

Маҳаллий иқтисодийга ўтиш, ўрта табақанинг шаклланиши
VI и и яқунланмаганлиги, шаҳар ва қишлоқ ҳамда турли минтақалар
ўртасида бозор муносабатлари нотекис ривожланаётганлигини мана
Шу сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Маҳаллий иқтисодийнинг навбатдаги субъекти — тадбиркор-
м и к сектори даромад олиш мақсадида товар ва хизматлар ишлаб
ЧИқарувчи барча субъектларни ўз ичига олади. Бу тоифага йирик
| орпорациялар ҳам, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам, хусусий
фирмалар ҳам, давлат корхоналари ҳам киради.

Тадбиркорлик сектори муайян ижтимоий-иқтисодий муҳитда
фаолият кўрсатади, бинобарин, у мазкур муҳитни эътиборга ол-
маслиги мумкин эмас. Иқтисодий муҳит (мамлакатдаги умумий-
СОДИЙ вазият), сиёсий вазият, ижтимоий муҳит (ижтимоий барқа-
рорликнинг ҳолати), маданий муҳит (тадбиркорликнинг маъқулла-
НИШИ, эҳтиёжларнинг ўзгариши), ҳуқуқий муҳит (катъий ва барқа-
рор қонунларнинг мавжудлиги), технологик муҳит (мамлакатдаги
илмий тадқиқот ва синов-конструкторлик ишларининг ҳолати),
физик-жуғрофий муҳит (фойдали қазилмалар манбалари, транспорт
Тармоқлар, дам олиш ҳудудлари яқинида жойлашганлик), шунинг-
Дек демографик муҳит (аҳолининг сони, унинг жинс ва ёш тарки-
би ва х.к.) тадбиркорлик фаолият кўрсатадиган ташқи муҳитни бел-
гилайди.

Корхоналар фаолиятига баҳо беришга нисбатан ҳар хил ёнда-
шувлар мавжуд. Аксарият мезонлар корхоиаларнинг иқтисодий на-
тижаларига асосланади. Маҳаллий иқтисодий ўчун алоҳида корхо-
нанинг самарадорлигидан ҳам кўра, ҳар бир муайян корхона ум-
ман маҳаллий жамоанинг ҳаётий қобилиятини таъминлаш ўчун нима
беришини баҳолаш муҳим.

Бу нуқтаи назардан қуйидаги мезонлардан фойдаланиш мум-
кин: даромадлилик мезони, бандлик мезони, иш жойларининг си-
фатий мезони, маҳаллий ресурслар базаси билан корхоиаларнинг
алоқаси мезони, маҳаллий иқтисодий тузилмасидан корхонанинг

урин олганлиги мезони, маҳаллий жамоанинг майдонда интеграциялашуви мезони.

Маҳаллий ҳукуматнинг иқтисодий фаолият субъекти сифатидаги роли масаласи анча мураккаб ва баҳслидир. Бу, биринчида, бошқа миқёсдаги маҳаллий ҳукуматлар серкирра бўлиб, уларнинг роли хўжалик фаолияти доирасидан четга чиқиши билан, иккинчидан эса, турли мамлакатларда жамиятни бошқариш функцияларини ҳокимият бўғинлари ўртасида тақсимлашнинг ҳар хил вариантлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Миллий ҳукуматлар билан ваколатларнинг тақсимланиши нуктаи назаридан маҳаллий ҳукуматларнинг уч асосий тури фарқланади:

- маъмурият. Маҳаллий ҳукуматга давлат бошқаруви тизимининг энг қуйи поғонаси деб қаралади. У марказ томонидан қўйилган вазифаларни амалга жорий этиш билан шуғулланади;
- агентлик. Бунда маълум молиявий-маъмурий мустақилликка эга бўлган ва марказий ҳукумат томонидан белгиланган функцияларни бажарадиган маҳаллий органлар ташкил этилади;
- мухторият. Қарорлар қабул қилиш, вазифалар қўйиш ҳуқуқларини бериш ва марказий ҳукуматдан эркин, мустақил маҳаллий ҳукумат органларини тузиш.

Маҳаллий ҳукуматлар ўз зиммаларига олишлари мумкин бўлган функциялар доираси унча кенг бўлмай, соҳалар бўйича фарқ қилади. Аммо, уларни уч гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- маҳаллий ҳукумат маҳаллий жамоада қонунийлик ва тартибнинг сақланиши устидан назорат функцияларини бажаради;
- аҳолига хизматлар кўрсатади;
- маҳаллий жамоа манфаатларини ифода этади.

Марказлашган иқтисодиёт шароитларида миллий ҳукумат одатда қайси хизмат турларини маҳаллий ҳокимиятга бериш лозимлигини белгилайди ва, шу билан бир вақтда, мазкур хизматларга ҳақ тўлаш учун маҳаллий бюджетни таъминлайди.

Бозор иқтисодиётида давлат маҳаллий бошқарувга бериладиган хизматлар сон ва турларини тартибга солмайди, маҳаллий ҳокимият органлари одатда қайси функцияларни бажаришни танлаш имкониятига эга бўладилар. Қоида тарзида, шаҳар қанча йирик бўлса, шаҳар маъмурияти аҳолига шунча кўп хизматлар кўрсатади.

Аҳолига кўрсатиладиган хизматлар, одатда, икки тоифага бўлинади: бутун аҳолига кўрсатиладиган ва яқка тартибда истеъмол

пўшмайдиغان хизматлар; аҳоли фойдаланиш имкониятига эга бўлмагани ҳам, эга бўлмагани ҳам мумкин бўлган хизматлар.

Мазкур икки тоифа хизматлар ўртасидаги тафовутларни эътиборга олиш уларни кўрсатиш усулини танлаш мезонларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий ҳукумат уларни давлат корхоналари ёки ҳукумат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиши мумкин.

Маҳаллий иқтисодиётда аҳолига хизматлар давлат сектори ва широк сектор томонидан ҳамда ноҳукумат нотижорат ташкилотлари деб аталувчи учинчи сектор томонидан кўрсатилиши мумкин. Широк секторларнинг барчаси ўзининг кучли ва заиф томонларига эга.

Маҳаллий ҳокимият органлари барқарорлаштириш сиёсатида широк этишлари мумкин. Аммо, улар ўз валютасига эмас ва пул-банк кредит сиёсати ёки валюта айирбошлаш воситаларидан фойдалана olmayдилар. Бундан ташқари, улар тарифлар ва квоталардан фойдалана olmayдилар. Шундай қилиб, амалда улар солиқ-бюджет сиёсатининг воситаларидан фойдаланишлари, ўз қўл остидаги ҳудудда илмий талабни ошириш зарур бўлган ҳолларда тақчилликни вужудга келтиришлари, ялпи талабни камайтириш зарур бўлган ҳолларда эсамисуллоғлар ёки хизматлар ишлаб чиқаришни керагидан ортқидаранча кўпайтиришлари мумкин. Бирок, иқтисодни барқарорлаштириш соҳасида маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти миллий ҳукуматнинг бу соҳадаги фаолиятига қараганда кам Самара беради. Масалан, алоҳида олинган маҳаллий ҳокимият органи ўз қўл остидаги ҳудудда ишсизликни камайтириш мақсадида маҳаллий бюджетнинг тақчиллигини камайтиради, янги иш жойлари ташкил этиш харажатларини оширади ёки тадбиркорларнинг инвестиция имкониятларини кенгайтириш учун солиқларни камайтиради. Табиийки, бу иш жойларининг бир қисмини бошқа ҳудудларнинг фуқаролари эгаллайди ёки тадбиркорлар ўзларининг ўсган даромадларининг бир қисмини бошқа ҳудудларда янги иш жойлари ташкил этиш ва мазкур ҳудуддан ташқаридан импорт маҳсулотларини харид қилишга йўналтирадилар ҳамда шу йўл билан мазкур ҳудуддан ташқарида иш жойлари ташкил этилишини рағбатлантирадилар.

3.4. Маҳаллий иқтисодиётнинг назарий модели

Турли маҳаллий тузилмаларнинг ташқи ва ички фаолият кўрсатиш шароитлари ҳар хил бўлади. Бир давлат ҳудудида ҳаммага нисбатан бир хил ташқи шароитлар яратилишига қарамай, муайян ре-

сурслар билан таъминланганлик, худудда саноат корхоналарининг мавжудлиги, аҳолининг сони ва тузилиши, транспорт тармоқларидан узокца жойлашганлик ва бошқа бир қатор шартлардаги тафовутлар ҳар бир маҳаллий тузилма иқтисодининг ўзи хослигини белгилайди. Агар бир маҳаллий тузилма маҳаллий жамоа эҳтиёжидан кўпроқ хизматлар ишлаб чиқарса, бошқа маҳаллий тузилма бундай хизматларни «импорт» қилишга эҳтиёж сезади ва ҳ.к. Бироқ, бундай тафовутларга қарамай, барча маҳаллий тузилмаларнинг иқтисодиёти кўплаб умумий белгиларга эгаки, бу уларнинг умумлаштирилган моделини тузиш имконини беради. Иқтисодий модель деганда алоҳида иқтисодий категориялар ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқаларни математик формула, график ёки схемалар кўринишида тавсифлаш тушунилади.

Маҳаллий иқтисодиёт моделини тузиш учун маҳаллий иқтисодиёт ички ва ташқи муҳитга эга очиқ иқтисодий тизим эканлиги, мазкур муҳитда тизим унсурлари ўзаро таъсирга киришиши ва тизим ташқи муҳит билан ўзаро алоқа қилишини эсга олиш лозим.

Маҳаллий иқтисодиётнинг ташқи муҳити мамлакатдаги умумий макроиқтисодий вазият, инфляция ва ишсизлик даражаси, валюта курси ва тўлов балансининг ҳолати, миллий бозор ва жаҳон бозори конъюнктураси, солиқ ва пул-кредит сиёсатининг йўналиши, инвестиция ва структуравий сиёсатнинг асосий мақсадли йўналишлари, ички ва ташқи сиёсий вазият ва ҳоказолар билан белгиланади.

Ташқи муҳит таъсирида бўлган маҳаллий жамоалар, шу жумладан маҳаллий ҳокимият органлари унга тескари таъсир кўрсатиш учун чекланган имкониятларга эга бўлади.

Шу билан бир вақтда, маҳаллий иқтисодиёт маҳаллий жамоанинг иқтисодий эҳтиёжларини кондириш учун зарур барча ишлаб чиқариш ресурсларига етарли миқдорда эга бўлмайди.

Маҳаллий жамоанинг иқтисодий эҳтиёжлари товар ва хизматларга бўлган талабларнигина эмас, балки ҳар бир жамоа аъзосининг малака даражасига мувофиқ иш жоиларини ҳам ўз ичига олади. Жамоа аъзолари мазкур иш жойларида ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришлари ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун зарур даромад олишлари лозим. Мазкур даромадларнинг миқдори ўз қармоғидаги оила аъзоларини таъминлаш, солиқлар (мулк солиғи, ер солиғи ва ҳ.к.)ни тўлаш учун ҳам етарли бўлиши зарур, Ушбу эҳтиёжларни кондириш учун маҳаллий ресурс-

ларнинг тақчиллиги маҳаллий жамоа доирасидан ташқарида иш жойи кидиришнинг асосий сабабларидан биридир.

Ишлаб чиқарилувчи ва истеъмол қилинувчи товар ва хизматларни диверсификация қилиш, уларнинг сифат хусусиятларига қуйиладиган талабларни ошириш ва бу билан боғлиқ талаб тузилишини ўзгартириш маҳаллий иқтисодиёт функциядарини бажариши янада мураккаблаштиради. Шундай қилиб, шаҳар ёки туман иқтисодиёти ўз аҳолисининг талабини қондирувчи барча товар ва хизматларни йшлаб чиқаришга кодир эмас, деб айтиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир вилоят, шаҳар ёки туман иқтисодиёти бошқа >(удудий тузилмаларнинг иқтисодиёти билан интеграциялашади ва очиқ хусусиятга эга бўлади.

Ҳар бир ҳудудий тузилманинг иқтисодий субъектлари мазкур тузилма ташқарисидан товар ва хизматлар харид қилади ҳамда бунга пул сарфлайди, шунингдек ҳудудий тузилма ташқарисида товар ва хизматларни реализация қилиб, ташқи пул тушумларини таъминлайди.

Мазкур ҳулоса маҳаллий иқтисодиёт моделини тузишда эътиборга олиниши лозим бўлган биринчи шартдир.

Маҳаллий иқтисодиёт кескин рақобат муҳитида фаолият кўрсатади. Бу товар ва хизматлар бозорида ҳам, меҳнат ва капитал бозорларида ҳам намоён бўлади.

Маҳаллий тузилмалар ҳудудига товар ва хизматлар олиб киришдан маҳаллий тузилмалар ҳудудидан товар ва хизматларни олиб чиқишнинг устунлиги маҳаллий жамоа аъзолари ва маҳаллий бюджетнинг даромадларини ошириш, тадбиркорларга эса — маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, қўшимча иш жойлари ташкил этиш имконини беради.

Маҳаллий тузилмалар ҳудудига товар ва хизматлар олиб кириш ҳам ижобий, ҳам салбий самара беради. Тадбиркорлик тузилмалари томонидан товар ва хизматлар олиб киришнинг ижобий самараси аҳоли эҳтиёжларининг янада тўлиқ қондирилишида, мазкур товар ва хизматларни айни туман ёки шаҳар ташқарисидан харид қилишга сарфланадиган вақт ва пулнинг тежалишида намоён бўлади. Тадбиркорлар бундай вазиятда ўз фаолияти учун етишмаётган маҳаллий ресурсларни тулдирадилар, савдо тармоғида қўшимча иш жойлари ташкил этадилар, улар тўлайдиган солиқлар миқдори қўпаяди.

Маҳаллий тузилма ташқарисидан ресурслар, товарлар ва хизматлар харид қилиш	Маҳаллий ҳукумат Товар ва хизматлар истеъмол қилиш З=Г Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш 313 = Маҳаллий ресурслар: ер, меҳнат, сув, бошқарув, технологиялар, фойдали қазилмалар,	Маҳаллий тузилмадан ташқарига ресурслар, товарлар ва хизматларни сотиш Сотишдан келган пул тушумлари
Пул харажатлари	Ресурслар исрофи (ишсизлик, табиий ресурслар сифатининг бузилиши)	
	<i>Ички муҳит</i> <i>Ташқи муҳит</i>	
Марказлаштирилган инвестициялар, республика бюджетидан субсидия ва дотациялар		

3.1 схема. Маҳаллий (муниципал) иқтисодиётнинг содалаштирилган модели

Маҳаллий (муниципал) иқтисодиётни тавсифлаш учун олиб қириладиган ва олиб чиқиладиган товарлар таркибини таҳлилдан ўтказиш лозим. Рентабеллик даражаси катта бўлган тайёр саноат маҳсулотлари, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларига асосланган товар ва хизматларнинг олиб чиқилиши мазкур маҳаллий тузилманинг иқтисоди бозор рақобатида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турганлигидан далолат беради, Олиб чиқилаётган товар ва хизматлар таркибида хом ашё, содда саноат маҳсулотлари ҳамда рентабеллиги паст хизматларнинг етакчилик қилиши маҳаллий жамоа рақобат мавқеининг пастлигидан далолат бериши мумкин. Бундай товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда одатда кам ҳақ тўланади, бу корхоналарга ҳам, бюджетга (шу жумладан маҳаллий бюджетга) ҳам катта даромадлар келтирмайди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият органларининг' маҳаллий жамоа аъзолари даромадларини

ошириш, янги иш жойлари ташкил этишга қўмаклашиш, худудни «кюдонлаштириш харажатларини ошириш имкониятларини кенгайтиришга имкон бермайди.

Маҳаллий товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг ресурс-Иврга (маҳаллий ва четдан олиб кириладиган ресурсларга) қарам-НИИ маҳаллий иқтисодиёт моделини тузишда эътиборга олиш лoшм бўлган иккинчи шартдир.

Маҳаллий ресурслар табиий ресурслар (ер, фойдали қазилма-Чар, сув, ҳаво), меҳнат ресурслари (меҳнат ресурслари сони, улар-пинг малакаси, кўникмалари ва ишбилармонлик қобилияти) ва капитал (жисмоний капитал — асосий воситалар ва молия капита-ми)ни ўз ичига олади. Маҳаллий ресурслар жумласига хўжалик юри-тувчи субъектлар ихтиёрида мавжуд технологияларни ҳамда қўл остидаги худудда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш ваколатлари ва имкониятларига эга бўлган бошқарув ту-шлмаларини ҳам киритиш мумкин.

Маҳаллий ресурсларни ўрганиш ва тавсифлашда қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим:

- маҳаллий иқтисодиётнинг ресурслар билан таъминланган-лиги уларнинг сонигагина эмас, балки мазкур ресурслардан фой-даланиш усули ва қўлланилаётган технологияга ҳам боғлиқ;
- ресурслар билан таъминланганлик учун ресурсларнинг се-роблиги ва тезкорлиги ҳам муҳим;
- одамлар томонидан яратиладиган ресурслар (меҳнат, капи-тал, технологиялар, бошқарув)нинг роли табиий ресурсларнинг ролига Караганда салмоқлироқдир;
- ресурслар негизининг сифати нафақат муайян ресурслар-нинг мавжудлигига, балки уларнинг комбинациясига ҳам боғлиқ.

Маҳаллий жамоадаги иқтисодий фаоллик ташқаридан кела-диган пул тушумлари ва маҳаллий тузилмадан ташқарида реализа-ция қилинадиган маҳаллий даромадлар ўртасидаги тафовутга боғ-лиқлиги маҳаллий иқтисодиёт моделини тузишда эътиборга олиш лозим бўлган учинчи шартдир. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, маҳаллий бозорларда товар ва хизматларга талабнинг таклифдан катталиги жамоа аъзоларини ўз маблағларини маҳаллий тузилма-дан ташқарида сарфлашга мажбур қилади, натижада маҳаллий бюд-жет даромадлари қисқаради, чакана савдода ишбилармонлик фа-оллигини ошириш имконияти бой берилади. Маҳаллий тузилма худу-дида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни унинг ташқарисид

сотиш хажмларининг ўсиши иқтисодий ривожланиш учун зарур молия ресурсларини кўпайтиради.

Маҳаллий иқтисодиётнинг ривожланиши ижтимоий ва хусусий секторлардаги маҳаллий раҳбарларнинг ҳаракатларига боғлиқлиги маҳаллий иқтисодиёт моделини тузишда эътиборга олиш лозим бўлган тўртинчи шартдир. Маҳаллий ресурсларни самарали бошқариш, маҳаллий иқтисодиёт субъектларининг ўзаро алоқаларини мувофиқ равишда ташкил этиш ишбилармонлик фаоллигини ошириш, маҳаллий хизматлар кўрсатиш учун молиявий имкониятларни кенгайтириш имконини беради.

Моделдан кўриниб турганидек, маҳаллий ва республика бюджетта маблағлари ҳам маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш ресурслари бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Маҳаллий ҳукумат солиқ имтиёзлари бериб, ишлаб чиқарйш ва ижтимоий аҳамиятга молик объектларни қуришга ер майдонлари ажратиб, ҳар хил маҳаллий хизматлар кўрсатишни уюштириб, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнига ҳам, уларни истеъмол қилиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади,

Шундай қилиб, маҳаллий (муниципал) иқтисодиётнинг юқорида тавсифланган модели ва унинг асосий хусусиятларининг тавсифи маҳаллий иқтисодиёт фаолиятининг мазмуни маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш, аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида бозор рақобатида етакчилик қилишдан иборат эканлигини кўрсатади.

3.5. Маҳаллий бозорларнинг умумий тавсифи

Бозор — бу одамлар учрашадиган ва битимлар тузадиган (оддир сотди қиладиган) реал ёки ҳаёлий жой. Бозор — бу алоҳида товар ва хизматларнинг сотувчилари ва харидорларини юзма-юз қилиш механизми. Одатда, товар ва хизматлар бозори, молия бозори ва ишлаб чиқариш омиллари бозори фарқланади. Кўламига қараб халқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий бозорлар тафовут этилади. Содир бўлаётган жараёнларга маҳаллий ҳокимият органларининг таъсир кўрсатиш имконияти нуктаи назаридан, маҳаллий иқтисодиётнинг ривожланиши кўп жиҳатдан маҳаллий бозорларнинг кўлами ва ривожланганлиги ҳамда самарали фаолият кўрсатиши билан белгиланади. Ушбу фаслда биз маҳаллий меҳнат, капитал ва уй-жой бозорларининг умумий тавсифини кўриб чиқамиз.

Маҳаллий иқтисодиётда капитал ва ер (ҳеч бўлмаса, қисқа муддатли даврда) ўзгармас катталиклар бўлиб қолади. Шунинг учун \Im маҳаллий тузилмада ишлаб чиқариш ҳажми ва иқтисодий ўсиш ишчи кучи, унинг миқдори, сифати ва ундан фойдаланиш усули-пишп' функцияси ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ишчи кучи I .у у та муҳим ресурс, маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш шар-гмдир.

Иш жойлари ва уларнинг сифати — маҳаллий жамоа аъзоларининг даромадлари даражасини белгилайдиган ва уларнинг турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатадиган бош омилдир.

Бозор иқтисодиётида ишчи ва иш берувчи ўртасидаги муносабатлар ишчи кучининг талаб ва таклифига асосан, аммо мавжуд институтлар тизимида қабул қилинган қоидалардан келиб чиқиб қурилади.

Бироқ, бунда меҳнат бозори маҳаллий ҳукумат томонидан тартибга солиш объекти эканлиги, маҳаллий ҳукуматнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги меҳнат бозорининг ривожланиши ёки инки розига олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Меҳнат бозори бошқа ҳар қандай товар ёки капитал бозорига ўхшаш кўпгина умумий хусусиятларга эга. Шу билан бир вақтда, меҳнат ўз ҳолича товар ҳисобланмайди. Фақат инсоннинг ишчи кучи, яъни унинг меҳнат қобилиятигина сотилади ва сотиб олинади. Бу ишчи кучининг бир жамоадан бошқа жамоага кўчишига таъсир кўрсатувчи шахсий ҳулқ-атвор жиҳатлари — иш жойини танлаш асослари, яшаш шароитлари ва ҳоказоларни ўрганишга алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Меҳнат бозори мураккаб ижтимоий институт (ижтимоий муносабатлар, иқтисодий, ҳуқуқий нормалар ва қоидалар тизими) бўлиб, унинг доирасида:

- меҳнат хизматлари сотилади ва сотиб олинади;
- жамиятда мумкин қадар катта наф қўриш мақсадида меҳнат ресурслари касблар, тармоқлар ва жуғрофий ҳудудлар бўйича тақсимланади.

Бозор иқтисодиётида ишчи кучининг қиймати меҳнатни у катта унумдорлик билан ишлатиладиган жойга кўчириш имконини берадиган «кўринмас қўл»га айланади.

Меҳнат бозорида ўзгаришлар ташқи ва маҳаллий омиллар таъсирида содир бўлади,

Ташқи омиллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- иктисодаги структуравий ўзгаришлар — ишчи кучига бўлган талабнинг тузилишини ўзгартиради ва структуравий ишсизликини келтириб чиқаради;

- иқтисодий ўсишнинг сусайиши ёки тўхташи — реал бандликнинг пасайиши билан бирга кечадиган ҳодиса;

- иш жойларининг кўпайишисиз ўсиш, яъни қайта ишлаш саноатида ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш саноатида технологияларни такомиллаштириш ҳисобига ўсиш;

- халқаро рақобат: кўпгина фирмалар нисбатан арзон ишлаб чиқариш омилларини қидириб, моҳият эътибори билан иш жойларини экспорт қилади. Шу билан бир вақтда, пухта ўйланган сиёсатда бу инвестицияларни олувчи мамлакатлар учун ўсиш, бинобарин, янги иш жойлари манбаига айланиши мумкин.

Маҳаллий хусусиятга эга омиллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқаришни маҳаллий тузилманинг бир жойидан бошқа жойга кўчириш, янги рақиб-корхоналарнинг пайдо бўлиши;

- рақобатбардош бўлмаган ёки атроф муҳитга ва аҳолининг турмуш шароитларига зарар етказаетган корхоналарнинг ёпилиши маҳаллий ишсизлик муаммосини кескинлаштиради;

- маҳаллий жамоани ривожлантириш масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар ёки бошқа институтларнинг вужудга келиши, бу ишбилармонлик муҳитининг яхшиланишига ва янги иш жойлари ташкил этилишига кўмаклашади;

- маҳаллий тузилманинг «тортиш марказлари»га нисбатан жойлашган ўрни (яқин ёки узоқшги): масалан, қишлоқ ҳудудлари шаҳар марказларидан (ва ҳатто қишлоқ туман марказларидан) узоқда жойлашганлиги ишчи кучининг жойдан жойга кўчиш имкониятларини жиддий чеклайди, маҳаллий меҳнат бозорларининг доирасини торайтиради ёки парчалайди. Натижада нисбатан барқарор марказлар ёнида қашшоқ маҳаллий тузилмалар жойлашиши мумкин.

Меҳнат бозори чегаралари маҳаллий тузилмаларнинг маъмурий чегараларига мое келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам, майдон хусусиятини тавсифлаш нуктаи назаридан, меҳнат бозори бир ҳудуд билан чегараланиши шарт эмас. У, айтайлик, яхши транспорт инфратузилмасига эга, бир-бирига яқин бир нечта ҳудудларни қамраб олиши ҳам мумкин. Зотан, юқорида зикр этилган инфратузилма одамларга анча узоқ масофаларга ишга қатнаш имконини беради. Меҳнат бозори чегаралари майдони туташ бўлмаган, аммо аҳо-

роғ Гжлан ўзаро боғланган хуудларни ҳам камраб олиши мумкин. М;)\, ллий мехнат бозорининг фаолият кўрсатиш механизми иш хақи ип |чи кучига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини таъмин- ппшиинг асосий омили ҳисобланувчи миллий мехнат бозорининг фнолият кўрсатиш механизми билан бир хил.

Капитал **бозори** — бўш турган пул маблағларини тўплаш, улар- |ш ссуда капиталига айлантириш, сўнгра ундан самарали фойдала- м м ш учун мазкур ссуда капиталини иқтисодий фаолиятнинг асосий I уОъектлари ўртасида тақсимлаш институтлари ва механизмлари 1.1|>МОҒИ.

Бозор иқтисодиётида уй хўжаликларининг даромадларига ма- цвллий иқтисодни ривожлантиришнинг асосий манбаи деб қарала- ди. Даромадлардан фойдаланилиши, яъни пул маблағларининг сар- флапиши кундалик истеъмол даражасини ва пулларни жамғариш имкониятини белгилайди. Ўз навбатида, пул жамғармалари инвес- пциялар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ривожланиш лаёқати одамлар ўз харажатларининг қайси қис- Мини жамғармалар сифатида фойдаланишга тайёрлиги ва уларнинг қайси қисми инвестицияларга айланиши, капиталлаштирилиши Вилан белгиланади. Мазкур мураккаб жараён капитал бозори, унинг п\олининг вақтинчалик бўш турган пул маблағларини жисмоний капитал га айлантириш имконини берадиган механизмлари ёрда- м ида амалга оширилади.

Капиталнинг мавжудлиги ва уни жойлаштириш маҳаллий х ужал икни ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Реал ка- Пигални тўғри жойлаштириш истеъмолчининг мустақиллигини таъ- минлашнинг зарур шартидир, чунки алоҳида шахслар — мумкин кддар катта наф кўриш мақсадида ўз сармоясини жойлаштираётган пул маблағлари эгаларининг хохиш-истаклари иқгисодиётнинг ту- зилмасини шакллантиришга таъсир кўрсатади. Агар капитал оқим- лари маҳаллий жамоа аъзоларининг эҳтиёжлари — мақсадларига мое келмаса, жамоа вақти келиб маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш гузилмасига келажакда таъсир кўрсатиш қобилятини йўқотади. Лйнан капитал иқтисодни келажак билан боғлайди.

Уй хўжаликлари билан бир қаторда, вақтинчалик бўш турган пул маблағларига эга фирмалар ҳам капитал етказиб берувчилар сифатида иштирок этади. Капиталга эҳтиёж сезаётган рўзғор хўжа- ликлари ва фирмалар унинг истеъмолчилари ҳисобланади. Капитал етказиб берувчилар пул маблағларининг эгалари, истеъмолчилар

эса — инвесторлар деб аталади. Капитал бозори пул маблағларини етказиб берувчилардан олиб, истеъмолчиларга беради.

Ривожланган мамлакатларда жамоалар ўз капиталининг катта қисмини маҳаллий уй хўжаликлари қўйган омонатлардан оладилар. Ҳукуматга ишонч ва иқтисодий ҳолатнинг барқарорлиги аҳолининг ўз пулларини омонатга қўйишга таёрлигининг бош шартларидир.

Маҳаллий тадбиркорлар сектори маҳаллий жамоа капиталининг асосий истеъмолчиларидир. Маҳаллий корхоналар аҳоли ва молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш йўли билан ўз капиталини кўпайтиришлари мумкин. Бу уй хўжалиқларига облигация ва акцияларни сотиш ёки маҳаллий молия институтлари томонидан тақдим этиладиган ссудалар орқали амалга оширилиши мумкин.

Инвестиция фаолиятида маҳаллий ҳокимият органларининг иштироки бюджет маблағларидан ёки маҳаллий қимматли қоғозларни реализация қилишдан олинган қарз маблағлари ҳисобидан таъминланиши мумкин.

Уй **жой** билан маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқаришнинг қуйидаги муҳим функциялари боғлиқ:

- ҳудудни режалаштириш;
- минтақалаштириш;
- уй жой фондиди баҳолаш;
- уй жой фондининг ҳаракатини ҳуқуқий расмийлаштириш;
- коммунал хизматлар билан таъминлаш;
- жинорий фаолиятдан ва табиий офатлардан ҳимоя қилиш (ўт ўчириш хизмати, уй-жойни суғурта қилиш ва ҳ.к.).

Шундай қилиб, маҳаллий жамоани ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва молиявий салоҳиятига уй жой бозори катта таъсир кўрсатади. Назария ва амалиёт уй жой бозоридаги ўзгаришлар маҳаллий жамоа ҳаётининг барча томонларига жиддий таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Уй жой бозори тармоқларга ажратилган бўлиб, уй жой фондини, уй жой фаолиятини, яъни уй жой хизматлари (уй жойдан фойдаланиш)ни ўз ичига олади.

Уй жой фонди бозорида уйлар, биноларнинг нархлари шаклланади. Уй жой хизматлари /бозорида уй жойдан фойдаланганлик ҳақи шаклланади. Бозор иқтисодиётида улар ягона уй жой бозорининг унсурлари сифатида ўзаро таъсирга киришади. Аммо, бозор иқтисодиётида яна бир шаҳе — ер майдонининг мулкдори ҳам фаолият кўрсатадйки, у доим ҳам уйга ўзи эгаллик қилавермайди. Би-

побарин, уй жой бозори муаммолари ер майдони бозори, худудий рсжалаштириш, шахарни минтақалаштириш муаммолари билан •|мбарчас боғлиқ.

Дархақиқат, уй жой бозорини шакллантириш — узок давом тадиган мураккаб жараён. Уй жойни хусусийлаштириш бозорни такллантиришнинг дастлабки шарти, холос.

Уй жойга хизмат кўрсатиш уй жой фондининг фаолияти ва I>уфигини таъминлашнинг зарур шарти бўлиб, уй жой бозорини шакллантириш билан бевосита боғлиқ жиддий муаммодир. Уй жойга хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва уй жой-коммунал хизмат-марга ҳақ тўлаш механизми жорий уй жой сиёсатининг диққат мар-казида турган асосий масалалардир.

Уй жойга хизмат кўрсатишни ташкил этиш уй жой-комму-пал хўжалигини бошқаришнинг янада мукамал тузилмасини из-лаш, кўп бўғинлиликни қисқартириш, буюртмачи ва пудратчи фун-кцияларини тақсимлаш йўлидан кетди. Мазкур бозорда уй жой мулк-дорларининг ширкатлари, ягона буюртмачининг хизматлари, уй жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи ҳар хил фирмалар фаолият кўрсатмоқдаки, бунинг натижасида уй жой бозорида рақобатга асос-манган бозор муҳити юзага келмоқда.

Уй жой бозори бошқа товар ва хизматлар бозоридан жиддий фарқ қилади, чунки уй жой ўзига хос, бетакрор товардир. Уй жой-ни бошқа товарлардан ажратиб турувчи беш ўзига хос хусусиятини кайд этиш мумкин:

1. уй жой фонди ранг-барангдир;
2. уй жой кўчмас мулк ҳисобланади;
3. уй жойнинг умри узок;
4. харид қилиш харажатлари анча катта;
5. жойдан жойга кўчиш харажатлари катта.

Уй жой қаерда жойлашгани уй жой бозори учун муҳим аҳами-ятга эга. Уй жой харидори уй жой билан бирга *жойнинг маълум хусусиятларини* ҳам харид қилади:

- иш жойлари, дўконлар, дам олиш жойларига яқинлик;
- ижтимоий хизматлар: мактаблар, ўт ўчириш командаси, милиция ва ҳоказолар билан таъминланганлик;
- атроф муҳит: сув, ҳавонинг сифати, шовкинлар даражаси;
- ташки кўриниши: ландшафт, уйлар ва участкаларнинг та-шки хусусиятлари.

Нихоят, уй жой бозорининг маҳаллий тузилманинг бошқа

хусусиятлари: аҳоли, ижтимоии ва психологик муҳитнинг ўзига хосликлари билан ўзаро алоқасини ҳам қайд этиб ўтиш лозим,

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, уй жой бозорининг тузилмаси, уй жой фонди билан бир қаторда, уй жой хизматлари деб аталадиган фаолиятни ҳам ўз ичига олади. Уй жой фондининг амалдаги ҳар бир бирлиги узлуксиз уй жой хизматлари кўрсатади. Фойдаланиш хизматлари ёки уй жой бозорида белгиланадиган «рента» бинолар қурилишига капитал харажатлардан ҳам кўра, кўпроқ хизматларнинг сони ва сифати ҳамда капиталлар бозоридан ташқаридаги бошқа омиллар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам уй жой бинолари (уйлар, квартиралар)нинг нархлари кўпинча бир йўналишда, уларга кўрсатиладиган хизматларнинг нархлари эса - қарама-қарши йўналишда ҳаракатланади.

Шу билан бирга, уй жой фонди бозори ва уй жой хизматлари бозори ягона уй жой бозорининг таркибий қисмлари сифатида бири бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу уй эгаси унда ўзи истиқомат қиладиган ҳолларда яққол намоён бўлади. Бу ерда икки алоҳида бозор ҳақида сўз кетмайди: мулк предмети сифатида уй жойни харид қилиш ва уй жой хизматларини харид қилиш яхлит бир бутунга айланади.

Шундай қилиб, маҳаллий меҳнат, капитал ва уй жой бозорлари бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг самарали фаолият курсатиши маҳаллий тузилмадаги иқтисодий ва ижтимоии барқарорликнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Қисқача хулосалар

Шаҳарлар кўламининг ортиши ва уларнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг ошиши, агломерация билан белгиланадиган иқтисод, шуинингдек бой инфратузилманинг мавжудлиги ва шаҳарлардаги талабнинг кўлами билан белгиланадики, бу ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисодиётнинг предмети аҳолига маҳаллий хизматлар кўрсатиш билангина чекланмайди, у аҳолининг фаровонлигини ошириш учун барча ички ресурсларнинг сафарбар этилиши на мумкин қадар кўп ташқи ресурслар жалб қилинишини ҳам таъминлаши лозим.

Маҳаллий иқтисодиётнинг ҳар бир сектори — рўзгор хўжаликлари, тадбиркорлик сектори ва маҳаллий ҳукумат мазкур ҳудудда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишида маълум роль ўйнайди.

Маҳаллий иқтисодиёт очик тизим сифатида ташки ва ички фаолият муҳитига эга, Маҳаллий иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатиши фақат ички ресурсларнинг сони ва сифати ҳамда улардан оқилона фойдаланилишига эмас, балки ташқи муҳитнинг таъсирига ҳам боғлиқ.

Маҳаллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан, меҳнат бозори ва капитал бозорининг чегаралари маҳаллий тузилмаларнинг чегараларига мое келмайди. Меҳнат бозорининг чегаралари бир-бирига яқин жойлашган, яхши транспорт ва ахборот инфратузилмасига эга бир нечта ҳудудларни қамраб олиши мумкин бўлса, капитал бозорининг чегаралари миллий чегаралардан ташқарига чиқиши мумкин.

Уй жой фондини хусусийлаштириш уй жой бозорини шакллантиришнинг дастлабки шартидир. Уй жойга хизматлар кўрсатиш, унинг фаолият кўрсатиши ва буглигини таъминлаш маҳаллий хўжалик фаолиятининг муҳим объектидир. Уй жой фонди бозори ва уй жой хизматлари бозори ягона уй жой бозорининг таркибий қисмлари сифатида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Шаҳарларнинг ривожланиши қайси омиллар билан белгиланади?
2. Маҳаллий иқтисодиёт тушунчасини таърифлашга ҳар хил ёндашувларнинг фарқи нимада?
3. Маҳаллий иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишида рўзғор хўжаликлари қандай роль ўйнайди?
4. Корхоналар фаолиятининг самарадорлиги маҳаллий тузилма манфаатлари нуктаи назаридан қайси мезонларга асосан баҳоланади?
5. Маҳаллий иқтисодиёт субъекта: — маҳаллий ҳукуматга тавсиф беринг.
6. Маҳаллий иқтисодиёт моделини тузишда қайси шартларга амал қилинади?
7. Қелтирилган моделда маҳаллий иқтисодиётнинг очик хусусияти нимада намоён бўлади?
8. Маҳаллий меҳнат бозорларидаги ўзгаришларни белгиловчи асосий омилларни санаб беринг.
9. Маҳаллий бозорларга ким капитал етказиб беради? Капитал манбаи нима?
10. Уй жой бозори тузилмасининг мазмуни нимада?

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги 1993 йил 2 сентябрь Қонуни. Т., "Ўзбекистон", 1993.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни. Янги таҳрирда. Т., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон.
3. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". Т., "Ўзбекистон", 1997.
4. Алимов Р.Х. и др. «Основы муниципальной экономики и менеджмента». Т., «Узинкомцент». 2002.
5. Велихов Л. «Основы городского хозяйства». М., 1996.
6. Воронин А.Г., Лапин В.А., «Основы управления муниципальным хозяйством». М., «Дело». 1998.
7. Градов А.П. «Национальная экономика. Курс лекций». СПб. «Специальная литература». 1997.

8. Ларина Н.И., Кисельников А.А. «Региональная экономика и странах с рыночной экономикой».
9. Маршалова А.С. «Основы теории регионального воспроизводства». М., «Экономика». 1998.
10. «Муниципальный менеджмент». Под ред. Морозовой Т.Г. Москва. «Банки и биржи». 1997.
11. Филиппов Ю.В., Авдеева.Т.Т. «Основы развития местного хозяйства». Москва. Издательство «Дело». 2000.

Кўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Турар жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон Фармони.
2. Бабун. Р., «Проблемы муниципальной экономики». Журнал «Муниципальная экономика». №2. 2000.
3. Васильев В.И., «Местное самоуправление». М., изд.г.Тихомирова. 1999.
4. Европейская хартия о местном самоуправлении. Совет Европы. Отдел изданий и документов. Страсбург. 1990.
5. Методические рекомендации Коллегии Минмакроэкономстата Республики Узбекистан по анализу социально экономического развития и оценки хода экономических реформ на уровне административно- территориальных образований от 01. 12. 1995.
6. «Региональная экономика». Учебное пособие. Под ред. М.В. Степанова. М., « ИНФРА.-М». 2001.
7. «Словарь современной экономической теории». Под общей редакцией Дэвида У. Пирса. Москва., «Инфра-М». 1997.
8. Хусанов О. «Муस्ताкиллик ва махаллий хокимият». Т., ИПК «Шарк». 1996.
9. Черногородский В.Н., «Реструктуризация экономики крупного региона». М., 1999.
10. Чжен В.А. и др. «Рыночное регионально-отраслевое развитие». Т., ИПК «Шарк». 1997.

Матвда учрайдиган мураккаб сўз ва атамалар луғати

Агломерация билан белгиланган иқтисод — шаҳарларнинг ривожланиши омили, ишлаб чиқаришнинг арзонлашиши, яъни корхоналар бир-бирига яқин ерда жойлашиши натижасида ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар таннархининг пасайиши,

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси — товар ва хизматлар оқимларининг сотувчидан харидорга томон ҳаракатини енгиллаштирадиган иқтисодийнинг таркибий унсурлари. Алоқа воситалари, транспорт (йўллар, аэропорт), бинолар, канализация, электр таъминоти тармоқлари.

Иқтисодиёт — аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фовдаланиш тизими.

Маҳаллий иқтисодиёт — аҳолига маҳаллий хизматлар кўрсатиш мақсадида ҳудуддаги барча иқтисодий ресурсларни сафарбар қилиш фаолият предметини ташкил этувчи маҳаллий тузилма иқтисоди.

Маҳаллий иқтисодиёт субъектлари — фаолияти ва ўзаро алоқаларига маҳаллий тузилма аҳолиси фаровонлигининг ўсиши боғлиқ бўлган рўзгор хўжаликлари, тадбиркорлик сектори ва маҳаллий ҳукумат.

Маҳаллий иқтисодиёт модели — маҳаллий иқтисодиётдага алоҳида иқтисодий категориялар ва ходисалар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро таъсир ва алоқаларни математик формула, график ёки схемалар кўринишида тавсифлаш.

Маҳаллий ресурслар — табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, капитал, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида мавжуд технологиялар ҳамда қўл остидаги ҳудудда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш ваколатлари ва имкониятларига эга бўлган бошқарув тузилмалари мажмуи.

Меҳнат бозори — доирасида меҳнат хизматлари сотиладиган ва сотиб олинладиган, меҳнат ресурслари касблар, тармоқлар ва жуғрофий ҳудудлар бўйича тақсимланадиган мураккаб ижтимоий институт.

Капитал бозори — бўш турган пул маблағларини тўллаш, уларни ссуда капиталига айлантириш, сўнгра ундан самарали фойдаланиш учун мазкур ссуда капиталини иқтисодий фаолиятнинг асосий субъектлари ўртасида тақсимлаш институтлари ва механизмлари тармоғи.

Уй жой бозори таркиби — уй жой фонди ва уй жой хизматлари мажмуи.

IV БОБ

МАҲАЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

4.1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий фаолиятни тартибга солиш шартлари

Минтақавий иқтисодий тизимлар фақат бозор иқтисодиёти-ИИНГ ўзини ўзи тартибга солиш конунлари асосидагина ривожлани-Ш и ва фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мамлакат хўжалигини кенг қўламда ташкил этиш ҳақида доимий ғамхўрлик 1 ,п ниш ҳар қандай давлатнинг функцияси бўлиши лозим. Ривожлан-Ган мамлакатларда бу йўналишда ишларнинг фаоллашиши маҳаллий жамоаларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилмасдан ҳукумат то-монидан эълон қилинган миллий мақсадларга эришиш, шу жумла-дан аҳолининг бандлигини таъминлаш, турмуш сифати ва шароит-м.чрени яхшилаш, мамлакат алоҳида минтақаларининг иқтисодий ри-иожланиш даражасини тенглаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга >ришиш мумкин эмаслиги англаб етилганлигини акс эттиради.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда давлат бошқаруви- I [и қайта қуриш тажрибаси шуни кўрсатадики, маҳаллий бошқарув орган-ларининг фаолиятини давлат томонидан республика ва минтақавий бошқарув органлари шахсида назорат қилиш ва мувофиқлаштириш-п инг самарали механизмини шакллантириш маҳаллий органлар иши- I шнг сифатини оширишнинг долзарб йўналишларидан биридир.

Бунда «маҳаллий фаолиятни тартибга солиш» деганда маҳал-лий қурилиш жараёнини маълум тартибга бўйсундириш, шу жумла-дан маҳаллий ҳокимият органларини ташкил этиш ва уларнинг фа-олият кўрсатишининг маълум қоидаларини ишлаб чиқиш, уларнинг республика ва тармоқ бошқарув органлари билан изчил алоқалари-ни йўлга қўйиш, шунингдек уларнинг фаолиятини республика ми-кёсида тартибга солишнинг бошқа йўналишлари тушунилади.

Жаҳон тажрибаси ҳамда Ўрта Осиёнинг алоҳида мамлакатла-рида содир бўлган воқеалар маҳаллий тузилмаларнинг шакллани-ши жараёнларига давлатнинг аралашмаслиги сиёсати муқаррар ра-вишда миллий иқтисодиёт ва жамиятнинг яхлитлигига путур етқа-зишга қодир бўлган ҳар хил зиддиятларнинг кучайишига олиб ке-лишини кўрсатади.

Ўзбекистан Республикасининг ўзига хос хусусиятлари, ути и кўлами, минтақавий ранг-баранглиги, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитлари маҳаллий тузилмаларни ривожлантиришга нисбатан ўзига хос ёндашувларни шакллантиришни талаб қилди. Бундай муносабат миллий иқтисодий майдонда мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш, маҳаллий миқёсдаги мураккаб муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, барча минтақалар ва умуман республиканиш баркарор ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш зарурати билан белгиланади,

Маҳаллий тузилмаларнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг асосий шартларини 4.1-схемада кўриш мумкин.

4.1- схема

МАҲАЛЛИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Ўзбекистонда маҳаллий тузилмалар фаолиятини самарали тар-
ГИБа солишининг ўрни ва аҳамиятининг ортиб бораётганлиги яна
вир қатор субъектив шартлар билан белгиланадики, уларнинг энг
Мухимлари жумласига қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти-
НШИ барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг қайт-
1. и лиги;

2) бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида маҳаллий ҳоки-
миет органлари сифат жиҳатидан янги мақомга эга бўлиши;

3) минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мутано-
СБ ривожланиши учун маҳаллий органлар жавобгарлиги даража-
гиинг ортиши;

4) Ўзбекистон Республикасида маҳаллий қурилиш меъёрий-
\уқуқий негизининг номукамаллиги;

5) Ўзбекистоннинг турли минтақалари ижтимоий-иқтисодий
ривожланиши суръатларининг нотекислиги;

6) ҳудудий тузилмаларнинг номутаносиб ривожланиши хавф-
хтларларининг пайдо бўлиши эҳтимоли;

7) республика бюджета ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги
момутаносиблик даражасининг катталиги;

8) республика маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг
лксарияти бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида иш тажриба-
сига эга эмаслиги;

9) маҳаллий менежмент соҳасида махсус маълумотга эга бўлган
ёки махсус тайёргарликдан ўтган маҳаллий органлар ходимлари-
пинг етишмаслиги.

Бирок минтақалар мустақиллигининг сифат жиҳатидан янги
қўлами ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг
пировард натижалари учун жавобгарликнинг муштараклигини таъ-
минлаш юқорида қайд этилган объектив ва субъектив омилларни
фаол амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий ту-
зилмаларнинг уйғун ривожланишини таъминлайдиган республика,
минтақавий ва ҳудудий давлат бошқаруви органларининг саъй-ҳара-
катларини мувофиқлаштиришнинг самарали тизимини шакллан-
тиришни талаб этади.

4.2. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий иқтисодий ташкилотларнинг тартибга солишни ташкил этишнинг асосий тамойиллари ва механизми

Маҳаллий бошқарувни ислоҳ қилиш даврида маҳаллий тузилмалар роли ошишининг юқорида зикр этилган шартлари ва омилларининг мавжудлиги маҳаллий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, мазмуни ва йўналишини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий фаолиятни тартибга солишнинг асосий тамойиллари:

- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маҳаллий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг устуворлиги тамойили;
- Ўзбекистон Республикасида маҳаллий фаолиятни тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизи, тартиби ва усулларининг ягоналиги тамойили;
- мамлакатнинг барча маҳаллий тузилмаларига тенг имкониятлар бериш тамойили;
- маҳаллий қурилиш соҳасидаги жаҳон тажрибасидан фойдаланиш тамойили;
- маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини институционал ва функционал назорат қилишнинг муштараклиги тамойили;
- қуйи маҳаллий органларнинг фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларни республиканинг турли давлат бошқаруви органлари ўртасида аниқ тақсимлаш тамойили;
- маҳаллий тузилмалар фаолиятига давлатнинг мумкин қадар кам аралашishi тамойили;
- умумдавлат, тармоқ манфаатлари ва ҳудудий манфаатларнинг оқилона муштараклигига эришишга доимий интилиш тамойили.

Маҳаллий фаолиятни тартибга солишнинг юқорида санаб ўтилган тамойиллари (4.2-схемага қаранг) Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган маҳаллий органлар фаолиятини республика ва минтақавий давлат бошқаруви органлари томонидан тартибга солишни ташкил қилиш механизмнинг негизини ташкил этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ



Ўзбекистон Республикасида маҳаллий тузилмаларнинг фполиятини тартибга солиш ва ривожлантириш учун жавобгар дайлат ҳокимияти органларининг тузилмаси қонун чиқарувчи хокимият, ижро этувчи хокимият ва суд хокимиятини ўз ичига олади. Мазкур хокимият бўғинларининг ҳар бири маҳаллий тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатиши ва ўз ҳуқуқларини бажаришига йўналтирилган конституциявий белгиланган функцияларни бажаради.

Қонун чиқарувчи хокимият функцияларини Олий Мажлис бажаради. У минтақалар ва уларнинг таркибига кирувчи маҳаллим тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш механизмининг негизини ташкил этувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқади ва қабул қилади.

Ижро этувчи хокимият кўп поғонали хусусиятга эга бўлиб, юқорида зикр этилган ҳудудий тузилмаларнинг фаолиятини бошқаришнинг республика, минтақавий ва маҳаллий органларини, шу жумладан Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, шаҳар ва туман хокимиятларини ўз ичига олади.

Суд хокимияти Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи хокимият органлари маҳаллий тузилмалар фаолиятига нисбатан қабул қилган қонунларга қатъий риоя қилинишини назорат қилади.

Ҳар учала хокимият бўғинларининг салоҳиятини ёппасига ишга солиш маҳаллий тузилмалар иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожланишини таъминлаши лозим. Мазкур ривожланиш ижтимоий ишлаб чиқариш ялпи кўрсаткичлари ҳажмининг ошиши билангина эмас, маҳаллий тузилмалар аҳолисининг ҳаётини таъминлаш жараенининг сифат кўрсаткичари ўзгариши билан ҳам тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизми қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) маъмурий-ҳўжалик тузилмаси микёсида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш;

б) давлатнинг маҳаллий ривожланиш соҳасидаги сиёсатининг мақсадлари ҳудудларнинг ҳаётий манфаатларига тўлиқ мое келишини таъминлаш;

в) умумдавлат ва минтақавий иқтисодий манфаатларнинг муштараклигига эришиш йўлидан бориш;

г) минтақаларнинг табиий-хом ашё ресурслари ва ижтимо-

н1 иктисодий салоҳиятидан янада самарали фойдаланилишини рнМштлантириш;

д) ҳудудлар микёсида ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнла- !...и бошқаришни жиддий децентрализация қилиш;

с) хўжалик юритувчи субъектларнинг олдида турган умум- цйшшп, тармок, идора мақсадларини мазкур субъектлар фаолият I ўрсатаётган минтақаларни ривожлантиришнинг реал ижтимоий- Иктисодий мақсадларидан янада аниқроқ ажратиш;

ж) маҳаллий ҳокимият органларининг ўз ҳудудларини мута- ...иб ижтимоий ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишдаги мупақиллигини янада кенгайтириш;

з) аҳолининг барча ижтимоий табақалари муносиб ҳаёт ке- чиришига эришиш имкониятларида мавжуд асосиз минтақавий шфовултарни тугатиш учун замин яратиш.

Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини назорат қилиш || мувофиқлаштириш механизмнинг сиёсий, иктисодий, ижтимо- п(1, табиатни муҳофаза қилиш, маъмурий-хўжалик ва бошқа фаоли- и г соҳаларини ўз ичига олувчи **функционал жиҳатшшнг** мазмунига плоҳида эътибор бериш лозим (4.3-схемага қаранг).

4.3-схема



Кўриб чиқилаётган тартибга солиш механизмнинг моҳияти- ни тушуниб етишда маҳаллий тузилмаларнинг иктисодий фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш давлат тизимининг қуй- идаги асосий **иерархик поғоналарини** билиш муҳим аҳамиятга эга:

- умумдавлат поғонаси;
- вилоят поғонаси;

- шаҳар поғонаси;
- туман поғонаси;
- шаҳарча ёки қишлоқ кенгашлари даражаси;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла йиғинлари) поғонаси.

Амалий нуктаи назардан, маҳаллий тузилмаларнинг **иқтисодий фаолиятини давлат томондан тартибга солишни ташкил этишнинг** асосий усулларини, шу жумладан бевосита ёки маъмурий бошқариш усуллари ҳамда билвосита ёки иқтисодий бошқариш усулларини билиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзаро жавобгарлик тамойиллари асосида қуриладиган **бюджетлар ўртасидаги муносабатлар**, барча маҳаллий органлар учун ягона методологиянинг қўлланиши, маҳаллий тузилмаларнинг даромадларини тенглаштириш, қарама-қарши молиявий оқимларни мумкин қадар камайтириш, маҳаллий ҳокимият органларининг ўз даромадларини оширишдан манфаатдорлигини ошириш, бюджетлар ўртасидаги муносабатларнинг ошқоралиги маҳаллий тузилмалар фаолияти давлат томонидан тартибга солиш усулларининг негизини ташкил этади.

Мутахассислар маҳаллий менежмент соҳасида маҳаллий тузилмалар фаолиятининг **бюджет соҳасини тартибга солиш** усулларининг 4 туркумини ажратадилар:

1) бюджет даромадларининг тартибга солувчи манбаларини белгилаш ва тақсимлаш. Даромадларнинг тартибга солувчи манбалари юқори маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан белгиланади. Даромадларнинг тартибга солувчи манбаларини бюджетлар уртасида тақсимлаш мазкур даромадлардан ажратмаларнинг тасдиқланган меъёрийлари ёрдамида амалга оширилади;

2) бюджет манбаларининг ўзини қайта тақсимлаш. Улар жумласига қуйидагилар киради: а) юқори ҳокимият вакиллик органлари томонидан тегишли қуйи ҳудудий ҳокимият органларининг бюджетларига ҳар қандай тартибга солувчи даромадларнинг узок муддатга (камида 5 йилга) тўлиқ ёки қатъий белгиланган фоиз миқдориди бириктирилиши; б) юқори ҳокимият вакиллик органлари томонидан тегишли қуйи ҳокимият органларининг бюджетларига ўзларига бириктирилган даромадларнинг берилиши;

3) юқори бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан қуйи бюджетларга кўрсатилувчи беғараз ёрдам. Мазкур усуллар туркумига дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар киради.

4) бир маҳаллий бюджетларга бошқа маҳаллий тузилмалар-
ИИГ маблағларидан ажратиладиган ссудалар.

Маҳаллий тузилмаларнинг фаолиятини иқтисодий тартибга
И пни и щ инг яна бир муҳим воситаси бу **солиқ соҳасини тартибга**
Юлиш бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг ривожланишига давлатнинг
Вилиосита таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуини ўз ичига
швди.

Монополияга қарши тартибга солиш маҳаллий тузилмаларнинг
фволиятига иқтисодий таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуи-
ди муҳим ўрин тутади. У давлат томонидан амалга ошириладиган
рвқобатга асосланган бозор самарали фаолият кўрсатишини таъ-
щинлаш ва унинг ҳаддан ташқари монополиялашишига йўл қўймас-
ВИКка йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг кўпгина минтақаларида мураккаб экологик
низият юзага келганлиги туфайли, сўнгги йилларда **экологик тар-**
Тибга солиш устувор аҳамият касб этмокда. У республика ва маҳал-
н и й ҳокимият органлари томонидан умумиқтисодий усуллар ёрда-
мида табиатдан фойдаланишни яхшилашга, атроф муҳитга салбий
таъсирни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини
лмалга оширишни назарда тутади.

Тартибга солишнинг мазкур тури Ўзбекистон Республикаси-
пинг амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг
фаолияти доирасида **маъмурий тартибга солиш (тақиқлаш-чеклаш)**
усуллари билан узвий алоқада амалга оширилмокца.

Талабалар Ўзбекистон Республикасида маҳаллий тузилмалар-
нинг фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг қуйидаги
асосий шакллари билишлари ҳам долзарб аҳамиятга эга:

1) маҳаллий иқтисодий сиёсатнинг узоқ муддатли истиқбол-
га мўлжалланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

2) маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини тартибга
солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш;

3) минтақаларда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш
ва хорижий инвесторларни жалб қилиш;

4) кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишига кўмак-
лашиш;

5) маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарлари ва мута-
хассисларининг малакасига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш
ва тасдиқлаш;

6) минтақаларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, 1 кўмаклашиш, уларга имтиёзлар бериш;

7) рақобат муҳитини шакллантириш ва ғирром нарх-наио рақобатига қарши кураш;

8) молия бозорининг турли сегментлари барқарор фаолият кўрсатиши устидан самарали назоратни амалга ошириш.

Жаҳон амалиёти давлатнинг халқ ҳўжалигига иқтисодий воситалар ёрдамида таъсир кўрсатишига асосланган **индикатив тартибга солиш** маҳаллий тузилмалар фаолиятини тартибга солишнинг энг истиқболли шакли эканлигини кўрсатади. Бу давлат инвестициялари, хусусий сектор ва жалюа сектори маҳсулотларини давлат томонидан истеъмол қилиш, давлатнинг солиқ сиёсати, ишлаб чиқаригдни ссуда капитали бозори орқали давлат томонидан тартибга солиш, минтақавий иқтисодиётнинг ривожланишини дастурлаштириш ва прогноз қилиш,

Маҳаллий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш минтақалардаги иқтисодий ҳаёт устидан назоратни ўзгартириш ёки кучайтиришга йўналтирилган қонунлар, ҳукумат ҳужжатлари тўғламини ўз ичига олади. Бунда давлат томонидан тартибга солишнинг икки асосий тури фарқланади: нарх-наво, маҳсулотлар, стандартлар ва ҳажмларни назорат қилишга йўналтирилган бевосита **иқтисодий тартибга солиш**; аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш принциплари ва тартибини, ҳавони тозалаш қоидаларини, ҳудуднинг экологик хавфсизлигини таъминлаш тартибини белгилайдиган **ижтимоий тартибга солиш**.

Макро ва микродаражада қўлланиладиган ҳар хил тўғри ва эгри тартибга солиш воситалари — маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар маҳаллий иқтисодий сиесатни амалга оширишнинг асосий воситаларидир.

Маҳаллий иқтисодий сиёсат қуйидаги воситалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин:

- ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогноз қилиш;

- минтақаларда иқтисодий объектлар ва ижтимоий соҳани ривожлантиришда давлатнинг бевосита иштирок этиши;

- давлат буюртмаларини жойлаштириш;

- ташкилий, ҳуқуқий ва ахборот таъминоти;

- минтақаларни минтақавий ҳокимият органларининг вако-

млплари ва имкониятлари чекланган фаолият соҳаларида қўллаб-қувватлаш;

- иқтисодий механизмлар ва тартибга солиш воситаларини куллаш;

- эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш имкониятини Урганиш.

Функционал нуктаи назардан, маҳаллий иқтисодиётни тар-ТИБга солиш жараёни республика ва минтақавий ҳокимият орган-пари томонидан амалга ошириладиган ҳар хил (қонунчилик, маъмурий ва иқтисодий) чора-тадбирлар мажмуидир. Мазкур тадбир-илрнинг мақсади ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожла-нишидаги номутаносибликларни бартараф этиш, уларнинг сало-хиятидан янада тўлиқ фойдаланиш ва мамлакатнинг инқирозли ,\удудларини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Маҳаллий тузилмаларнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишга ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўрт секторли моделини асос қилиб олишни тавсия этиш мумкин. Маз-кур моделнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардир:

- бошқа секторлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни истеъмол қилибгина қолмасдан, ўз истеъмоли учун ўзи ҳам маҳсулот ишлаб чиқарадиган рўзғор хўжаликлари сектори;

- иқтисоднинг реал ишлаб чиқариш сектори маҳсулотларини истеъмол қиладиган ва шу билан бир вақтда, бир секторда ишлаб чиқарилган қийматни бошқа секторлар ўртасида қайта тақсимлаб, реал сектордан рўзғор хўжаликларига узатиш механизми бўлиб хиз-мат қиладиган давлат сектори корхоналари ва муассасалари;

- қўшимча қиймат ишлаб чиқариладиган, ички ва ташқи бо-зорларда маҳсулотига талаб мавжуд бўлган даромадли ишлаб чиқа-риш секторининг корхоналари;

- етарли даражада талабга эга бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқа-радиган, шунинг учун ҳам бу ерда қўшимча қиймат яратилса-да, тўлиқ реализация қилинмайдиган, зарарга ишлайдиган ишлаб чи-қариш сектори корхоналари,

Мазкур секторларнинг ўзаро таъсири маҳаллий тузилма ми-қёсидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг реал ўзаро алоқалари-ни нисбатан тўлиқ акс эттиради, шунинг учун ҳам бундай модель маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш жараёнида қисқа муддатли асослашлар ва ҳисоб-ки-тоблар ўтказиш учун мого келади.

Маҳаллий иқтисодий ҳудудий ривожлантиришни тартибга солишнинг асосий воситалари жумласига қуйидагилар кириди: мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош схемалари; алоҳида тармоқларни жойлаштириш ва ривожлантириш схемалари, ҳудудий режалаштириш схемалари.

Бюджетни самарали тартибга солиш маҳаллий иқтисодиспш тартибга солиш механизмининг тузилмасида марказий ўринни эгаллайди. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тармоқяар, минтакалар ва аҳолининг табақалари ўртасиди тақсимлаш ва қайта тақсимлаш мақсадида молиявий ресурсларни давлат органлари қўлида жамланиши;
- давлат ҳокимияти функцияларини амалга ошириш ваколатлари берилган органларни давлат томонидан таъминлаш;
- мамлакат учун муҳим йўналишларнинг иқтисодий ўсишини рағбатлантириш;
- аҳолининг кам таъминланган табақалари, пенсионерлар ва ёш авлодни ижтимоий ҳимоя қилиш.

Давлатнинг маҳаллий тузилмаларга нисбатан самарали бюджет сиёсати иқтисодий фаолликнинг умумий даражасига фаол таъсир кўрсатиш, бозор иқтисодиётининг мувозанатини сақлаш, минтақавий иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари ва умуман миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантириш мақсадида давлат дарамадлари ва харажатлари даражасини тартибга солиш имконини беради.

Инфляцияга қарши кураш, миллий валюта курсини қўллаб-қувватлаш, бозор фаолияти учун нормал шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми — мутаносиб пул-кредит сиёсати маҳаллий тузилмалар учун алоҳида аҳамият касб этади.

Пул-кредит сиёсатининг воситалари қуйидагиларни ўз ичига олади: бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги сиёсат (дисконтлаш сиёсати), очик бозордаги операциялар, мажбурий захиралар сиёсати.

Мамлакатнинг жорий ва стратегик мақсадларига мувофиқ, халқаро, валюта ва бошқа иқтисодий муносабатлар соҳасида амалга оширилувчи тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган валюта сиёсати юқорида зикр этилган пул-кредит сиёсати билан узвий боғлиқ. Валютани тартибга солиш валюта сиёсатининг воситаси бўлиб, унга давлат органлари миллий валюта ва муҳим чет эл валюталарининг маълум нисбатини, мамлакат ичида чет эл валютасининг муо-

миё/ы оўлиши, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тарти-
қ Уриатиш мақсадида амалга оширувчи иқтисодий чора-тадбир-
лар на қопун ҳужжатлари меъёрлари тизимини ўз ичига олувчи ва-
қМ I исбатининг таркибий қисми деб қараш лозим.

Республикада мураккаб демографик вазият юзага келганли-
и п.тиборга олсак, меҳнат бандлиги даражасини ошириш жара-
(Нширғи тартибга солиш маҳаллий тузилмаларнинг ижтимоий ри-
пи. I. нлишини тартибга солиш механизмнинг тузилмасида марқа-
ши ўринни эгаллайди.

Бандликни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий
Ўйалишлари:

- иш жойларини яратиш ва сақлаб туриш тизимини тартибга
I олиш;
- иш жойларига бўлган талаб ва тақлиф масалаларини тар-
ш(о)га солиш;
- таълим, касбий тайёргарлик ва кадрларни қайта тайёрлаш
тизимини ривожлантиришда давлатнинг иштироки.

Давлат ваколатларини бажармаганлик ёки номувофик равишда
Пажарганлик учун маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бош-
қариш органларига нисбатан юқори давлат ҳокимияти органлари
томонидан қуйидаги санкциялар қўлланиши мумкин: минтақа ёки
республика мулки объектларидан ва берилган молиявий маблағ-
лардан мақсадсиз фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг
мазкур органлар томонидан қопланиши ҳамда улардан алоҳида дав-
лат ваколатларининг олиб қўйилиши.

4.3. Маҳаллий фаолиятни тартибга солишнинг самарали механизмини шакллантириш йўлидаги қийинчиликлар

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий тузилмалар фаолияти-
ни тартибга солишнинг самарали механизмини шакллантириш жа-
раёнига, авваламбор, мазкур давлат қурилиши институтининг нис-
батан ёшлиги ва институционал жиҳатдан яхши ривожланмаганли-
ги тўсқинлик қилмоқда. Бу ерда маҳаллий ҳокимият органлари фа-
олиятини ҳамда уларнинг республика ва тармоқ бошқарув органла-
ри билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъерий-ҳуқуқий
негизнинг номукамаллигини ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ма-
ҳаллий фаолиятни тартибга солишнинг самарали усулларини амал-
га жорий этишдаги сусткашликлар иқтисодий ҳусусиятга эга бир

қатор муаммолар мавжудлиги билан изоҳланади. Кўпгина минтш I ларнинг бир ёкдама, тор тармоқли ривожланиши, йиллар даиоми да шаклланган хўжалик алоқаларининг узилиши ва анъанавий со тиш бозорларининг йўқотилиши ,билан боғлиқ халқ хўжалиги ту зилмасининг номукамаллиги оқибатлари, ишлаб чиқари'ш уск) наларининг жисмоний ва маънавий эскириши даражасининг КП талиги, корхоналарни тубдан такомиллаштириш учун инвестиции ресурсларининг қаттиқ тақчиллиги шулар жумласидан.

Давлат ва маҳаллий ҳоқимият органлари ўртасидаги муносм батларнинг илғор шаклларини амалга жорий этишга ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар ҳам жиддий тўсқинлик қилмоқда. И ж тимойи соҳанинг алоҳида эҳтиёжлари бюджетдан таъминланмагаи лиги, бир қатор маҳаллий тузилмаларда демографик вазият кескии бўлиб турганлиги, Ўзбекистоннинг алоҳида минтақаларида меҳнат лаёқатсиз аҳоли салмоғининг, шунингдек маҳаллий ҳоқимият орга ларининг ёрдамига муҳтож аҳоли табақалари салмоғи катталиг шулар жумласидандир. Маҳаллий курилиш соҳасидаги турли субъектларнинг реал ҳолатидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган аҳолини ижтимоий таъминлашнинг илмий асосланган стандартлари мавжуд эмаслиги, аксарият ижтимоий соҳа объектлари эскириш даражаси нинг катталиги, шунингдек маҳаллий ҳоқимият органлари қўл остидаги ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришнинг кескин муам моларини ҳал қилиш учун етарли ваколатларга эга эмаслиги ўзи нинг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Жойларда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлар ва жавобгарликни республика, тар моқ ва минтақавий бошқарув органлари ўртасида таксимлаш билан боғлиқ кўпгина долзарб масалалар ҳал қилинмаганлиги ҳам маҳал лий фаолиятни тартибга солиш механизмининг иш сифатига сал бий таъсир кўрсатмоқда. Ислохотлардан олдинги даврда кўпгина минтақаларда кузатилган хўжалик юритиш экстенсив усулларининг салбий таъсири, маҳаллий тузилмаларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти конун ҳужжатлари билан яхши тартибга солинмаганли ги, экология соҳасидаги ашаддий коидабузарларга қарши курашда маҳаллий органларига етарли ҳоқимият ваколатлари берилмаган лиги, шунингдек Ўзбекистондаги турли минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларида келиб чиқиб ишлаб чиқилган экологик хавфсиз ликнинг илмий асосланган стандартлари мавжуд эмаслиги шулар жумласидандир.

Г.-пиклий-техникавий хусусиятга эга субъектив омиллар жум-
н П1)са маҳаллий хокимият органлари ўз худудиди жойлашган
ппаларнинг иктисодий салоҳиятини яхши билмаслиги, хўжа-
| . . . >ритишнинг илғор шакларини амалга жорий этишдаги суст-
I шшиқлар, маҳаллий тузилмаларнинг кўпгина раҳбарларида йил-
| |р м.-томила шаклланган эскича карашларнинг сақланиб қолган-
| П1 и П3 киритиш мумкин.

4.4. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий иктисодиётни тартибга солишнинг самардорлигини ошириш йўллари

Миллий иктисодиётни эркинлаштириш ва жамият ҳаётини лсмократлаштириш шароитларида қуйидагилар маҳаллий хокими-
н органларининг фаолиятини тартибга солиш механизмини тако-
мшшаштиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

1. Маҳаллий хокимият органларининг ҳуқуқий мақомини оши-
I м 1 • [[на мазкур органлар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизини
|.и.омиллаштириш, уларнинг иктисодий мустақиллигини кенгай-
П1риш ҳамда табиий-хом ашё, моддий-техника, молия ва инсон
рресурсларидан самарали фойдаланилиши учун жавобгарлигини
ошириш.

2. Кўпгина маъмурий-хўжалиқ функцияларини ва бошқарув-
инг ижтимоий-иктисодий воситаларини марказдан жойларга бе-
ри I и йўли билан давлат бошқарув фаолиятини номарказлаштириш;

3. Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг дол-
Ц рб муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этаётган хўжалиқ
юритувчи субъектларга қўшимча солиқ имтиёзлари бериш;

4. Маҳаллий бошқарув органларининг моддий-техника база-
сини мустаҳкамлаш, худуднинг бозор муносабатлари инфратузил-
масини кенгайтириш, замонавий телекоммуникация ва ташкилий
техника воситалари ёрдамида маҳаллий тузилмаларни бошқариш-
ии такомиллаштириш;

5. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари
қўлами ва даражасини ошириш, уларни мамлакат иқтисодий ва
маданий ҳаётининг марказларига айлантириш.

Яқин истикбодда қуйидагилар давлатнинг бандлик соҳасида-
ги маҳаллий сиёсати самардорлигини оширишнинг асосий вази-
фаларига айланиши лозим:

- бўш меҳнат ресурсларини ривожланаётган тармоқларнинг

корхоналарига ўтказиш, янги илғор ишлаб чиқаришлар учун касбухона тейёргарлиги ва кадрларни қайта тейёрлашни ташкил этиш;
- самарасиз корхоналар ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишсиз қолган фуқароларни самарали қўллаб-қувватлаш, уларни касбий жиҳатдан қайта тейёрлаш.

Узоқ муддатли истиқболда ривожланаётган тармоқларда, истеъмол соҳасида ва бозор инфратузилмаси ташкилотларида янги иш жойлари ташкил этиш давлатнинг бандлик соҳасидаги маҳаллий сиёсатининг бош йўналишига айланади.

Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, хориждан тўғри ва портфель инвестицияларини жалб қилиш, минтақаларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳисобига минтақаларнинг ташқи иқтисодий фаолияти қўламини кенгайтириш маҳаллий тузилмаларнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади.


Ташқи савдо айланиши ўсиш суръатларининг кўрсаткичлари, экспорт салоҳиятининг ўсиши, товар ва хизматлар импортининг қисқариши, қўшма корхоналар фаолияти ва маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш эҳтиёжларига чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг натижалари ҳақидаги маълумотлар юқорида зикр этилган соҳада амалга оширилаётган ишларнинг бош мезонларидир.

• Маҳаллий иқтисодиётни тартибга солиш механизмини шакллантириш анча мураккаб жараён эканлигани эътиборга олсак, маҳаллий ҳокимият органларининг ишини маҳаллий фаолиятни тартибга солиш ваколатларига эга бўлган республика бошқарув органлари томонидан назорат қилиш ва мувофиқлаштириш самардорлигининг асосий мезонларини тўғри белгилаш муҳим яҳамият касб этади.

Худудий тузилмалар ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш суръатлари ва сифати, шунингдек худудларнинг мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга мазкур ислохотлар жараёнининг таъсири даражаси давлат бошқарувининг турли поғоналари (давлат, шаҳар, туман ҳокимиятлари, шаҳарча ва қишлоқ кенгашилари)да маҳаллий фаолиятни самарали тартибга солишнинг бош мезонларидир.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари фаолиятининг сифатини тартибга солиш мезонларини тузилишига қараб муайян иқти-

МАҲАЛЛИЙ ТУЗИЛМАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИ ТУРКУМЛАШ



содий ва жисмоний кўринишга эга бўлган 8 та мустақил йўналишим ажратиш мумкин (4.4-схемага қаранг).

Маҳаллий тузилмалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш ва мувофиқлаштиришнинг самарадорлигига баҳо беришни юқорида зикр этилган мезонларидан муваффақиятли фойдаланиш;

- мамлакатнинг турли минтақаларида юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий вазиятни янада яхшироқ назорат қилиш;

- республиканинг алоҳида маъмурий-худудий тузилмаларида иқтисодий ислох қилиш жараёнларининг суръатлари ва йўналишларини қиёсий таҳлилдан ўтказиш;

- қолоқ маҳаллий тузилмаларни лниқлаш ва мазкур қолоқликни тугатиш ёки камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги кескинлик «ўчоқлари»ни аниқлаш ҳамда энг кескин ва долзарб муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўриш;

- иқтисодий ислохотларнинг боришини ҳамда мамлакатнинг алоҳида минтақаларида содир бўлаётган ижтимоий ва ҳўжалик жараёнларига уларнинг таъсирини назорат қилиш;

- маҳаллий тузилмаларда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини ривожлантиришнинг умумий йўналишлари ва тенденциялари билан ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирини баҳолаш имконини беради.

Маҳаллий тузилмаларнинг фаолиятини тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг юқорида зикр этилган истикболли йўналишларини муваффақиятли амалга ошириш минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг сифатига, давлат қурилишининг барқарорлигига, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатиши муқаррар.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида маҳал-
п| п1 тузилмаларнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг
маълум тизими вужудга келди. Мазкур тизим мамлакатнинг маъму-
рпй-хўжалик тузилмаларида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий
жараёнларга давлат томонидан таъсир кўрсатишнинг бир қатор прин-
циплари, шакллари ва усуллари ўз ичига олади.

Аммо маҳаллий иқтисодиётни тартибга солишнинг яхлит ва
мукамал тузилмаларга эга бўлган механизмини шакллантириш учун
республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртаси-
да ваколатларни аниқ тақсимлаш зарур, чунки бусиз маҳаллий фа-
олият устидан самарали назорат ўрнатиш мумкин эмас.

Юқорида зикр этилган механизмнинг тузилмасида тўғридан
тўғри ёки маъмурий бошқарув усуллари, маҳаллий тузилмаларнинг
фаолиятини билвосита ёки бевосита иқтисодий бошқариш усулла-
рининг муштараклигига эришиш муҳим ўрин эгаллаши лозим. Бун-
дан ташқари, маҳаллий тузилмалар (вилоят, шаҳар, туман ҳокими-
ятлари, шаҳарча ва қишлоқ кенгашлари)нинг иқтисодий самара-
дорлиги мезонларини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ме-
зонлар ҳудудий тузилмалар ҳаётининг барча томонларини ислох
қилиш суръатлари ва сифатини, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисо-
дий жиҳатдан мутаносиб ривожланишини таъминлашга уларнинг
таъсири даражасини қамраб олиши лозим.

Маҳаллий тузилмаларнинг иқтисодий фаолиятини тартибга
солишнинг самарали механизмини амалга татбиқ этиш соҳасида
катта қийинчилик ва камчиликларнинг мавжудлиги мазкур муам-
мони ҳал қилишга нисбатан янгича ёндашувларни муттасил қиди-
риш, бунда бой хориж тажрибасидан ва узбек халқининг маҳаллий
ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги энг яхши анъаналаридан фойдала-
ниш зарурлигини кўрсатади.

Назорат қилиш ва ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Маҳаллий тузилмаларнинг фаолиятини тартибга солишни мохияти нимада?
2. Бозор иқтисодиёти шароитларида маҳаллий иқтисодпи I тибга солиш жараёни қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
3. Бозор иқтисодиёти шароитларида маҳаллий иқтисодиё п Iи тартибга солиш объектларини айтиб беринг.
4. Бозор иқтисодиёти шароитларида маҳаллий иқтисодиёппп тартибга солиш субъектларини айтиб беринг.
5. Маҳаллий тузилмаларнинг иқтисодий фаолиятини тартиб солишнинг қийинчиликлари нималарда намоён бўлмоқда?
6. Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти тартибга солишнинг асосий принципларини айтиб беринг.
7. Ўзбекистонда маҳаллий фаолиятни тартибга солиш меха низмининг вазифаси ва мазмунини айтиб беринг.
8. Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини тартибга солиш иқтисодий усулларининг вазифаси ва мазмунини айтиб беринг.
9. Маҳаллий тузилмалар фаолиятини тартибга солиш маъмурий-техникавий усулларининг вазифаси ва мазмунини айтиб беринг.
10. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий иқтисодиётни самарали тартибга солишни ташкил этиш йўлида қандай муаммолар ва қийинчиликларга дуч келинмоқда?

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги 1993 йил 2 сентябрь Қонуни. Т., "Ўзбекистон", 1993.
2. Каримов И.А. "Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари". Т., 1996.
3. Градов А.П. «Национальная экономика». СП «Специальная литература». 1997.
4. «Государственная экономическая политика». М., Учебник МГУ. 1999.
5. Орешкин В.П. «Государственное регулирование национальной экономики». М., «Юрист». 1999.
6. Совет Федерации Р.Ф.. Научно-практическая конференция. «Муниципальные образования в новой системе политических и социально-экономических координат». Городское управление № 5.2002.
7. Методические рекомендации Коллегии Минмакроэконом-

• и и РУз по анализу социально-экономического развития и оцен-
п кода экономических реформ на уровне административно-терри-
н.Н1.ли.пых образований от 01,12.95.

8. Черноградский В.Н. «Реструктуризация экономики крупно-
• региона». М., 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бо-
Шкириш органлари тўғрисида"ги Қонуни. Янги тахрирда. Т., Ўзбекис-
юи Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т., "Ўзбеки-
. юн", 2000.

3. Бовыкин В. «Новый менеджмент». М., «Экономика». 1997.

4. Васильев В.И. «Местное самоуправление». Учебное и науч-
но-практическое пособие. М., Издание г-на Тихомирова М.Ю., 1999.

5. Вершигора Е.Е. «Менеджмент». Учебное пособие. М., «Инф-
фра-М». 2000.

6. Глушенко В.В. «Менеджмент. Системные основы». М., НПЦ
«Крылья». 2000.

7. Иванов С.А. «Методы и рыночная технология экономичес-
кого управления». М., «Дело и Сервис». 1999.

8. Ейел Б. Тшпт§ №§оиаиоп lпlo a Согрогаle СораЫШу. - Нашак!
Низтекз Кеyle\у, 1999, УО1. 77, № 3, р. 55-70

9. Кравченко А.И. «Социология менеджмента». М., ЮНИТИ.
1999.

10. «Менеджмент. Мастерство». М., ЗАО «Олимп-бизнес». 1999.

11. Олейник А.Н. «Институциональная экономика». М., «Ин-
фра-М», 2000.

12. «Финансовый менеджмент». Под ред. Поляка Г.Б., М., «Фи-
нансы». 1997.

13. Филиппов Ю.В., Авдеева Т.Т., «Основы развития местного
хозяйства». М., «Дело». 2000.

14. Якобсон Л.И. «Экономика общественного сектора. Основы
теории государственных финансов». М., «Аспект-Пресс». 1996.

Матнда учрайдиган мураккаб сўз ва атамалар лугати

Тўғридан тўғри чет эл инвестициялари — узок муддатли и. и халарни амалга ошириш билан боғлиқ инвестициялар.

Чет элнинг портфель инвестициялари — ҳар хил қиммат қоғозларни харид қилиш йўли билан капитални жойлаштириш унинг миқдорини ошириш.

Реал инвестициялар — маҳаллий иқтисодийнинг муайям тир моёга реал капитални тўғридан тўғри жойлаштириш.

Молиявий инвестициялар — мулкдорлик ҳуқуқини қўлга I и ритиш мақсадида ёки трансферт операцияларини амалга ошириш учун капитални қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар)га жойлаштириш.

Минимал истеъмол бюджети — инсонни энг зарур неъматлар билан таъминлаш имконини берадиган аҳоли даромадларининг энг кичик даражаси. У айни шароитларда инсон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган энг кам иш ҳақи (даромадлар) миқдорини ҳисоблашга асосли ёндашиш имконини беради.

Ижтимоий ривожланиш — иқтисодий ўсишни (яъни ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажмини кўпайтиришни) ва иқтисодий муносабатларнинг сифат кўрсаткичларини оширишни ўз ичига оладиган мураккаб тушунча.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати — давлат ҳокимият органларининг аҳолининг алоҳида табақаларининг турмуш даражасини ошириш, аҳолини даромадларига қараб табақалаштириш чегараларини белгилаш соҳасида маълум мақсадларга эришишга йўналтирилган ҳаракатлари. Иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг энг кам миқдорини белгилаш давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг муайян воситаларидир.

Халқнинг турмуш даражаси — аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳар хил даромадлар миқдорини тавсифловчи умумий кўрсаткич.

Турмуш сифати — одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилиши даражаси ва сифати. У овқатланиш сифати, кийим-кечакларнинг сифати ва замонавийлиги, турар жойнинг шинамлиги, соғлиқни сақлаш, таълим, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларининг сифати, аҳолининг дам олиш имкониятлари, стрессли вазиятлар сони ва даражаси сингари кўрсаткичлар орқали намоён бўлади.

Истеъмол бюджети — халқнинг турмуш даражасини тавсифловчи ва уларнинг вазифасини кўрсатувчи аҳолининг пул даромад-

м» ц1 харажатлари нисбати. Истеъмом бюджетининг динамикаси-
шиш аҳолининг ва унинг алоҳида табақаларининг турмуш

I .) ж ила содир бўлган ўзгаришлар хақида хулоса чиқариш имко-
нкми Псради.

Меърий истеъмом бюджета — муайян шароитларда ижтимо-
ий *и\атдан нормал турмуш даражасини таъминлаш имконини
• I"ипап аҳоли даромадлари даражаси. У айни шароитларда инсон
Нирмгл қаёт кечириши учун зарур бўлган ўртача даромад даражаси-
мн ииикдаш имконини беради.

Давлат мулки — давлат тегишли бўлган ва у умумдавлат ман-
фйитларида фойдаланадиган умумий (бўлинмас) мулк шакли. Маз-
нр мулк иқтисод давлат секторининг негизини ташкил этади.

УБОБ
МАҲАЛЛИЙ ТУЗИЛМАЛАРИШШГ ИЖТИМОЙИ-
ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИГА БАҲО БЕРИШ

5Л. Иқтисодий салоҳият: таърифи, баҳолаш
мезонлари ва иқтисодий салоҳият тушунчасининг
таркибий қисмлари

Иқтисодий салоҳият тушунчаси

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва алоҳида минтақаипт иқтисодий салоҳияти фарқланади.

Иқтисодий минтақаларнинг ўзига хосликларини тўлиқ эъти борга олиш ва уларни ривожлантириш йўналишларининг юкси даражада асосланганлигини таъминлаш учун минтақаларнинг иқти содий салоҳиятига комплекс баҳо бериш зарур.

Минтақанинг иқтисодий салоҳияти — бу минтақа хўжалш комплекслари тармоқларининг маълум даврда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қурилишни амалга ошириш, юк ташиш ва аҳолига хизматлар кўрсата олиш қобилиятидир. Иқтисодий салоҳият минтақанинг иқтиоедий ва ижтимоий соҳаларини батафсил тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Иқтисодий салоҳият меҳнат ресурсларининг сони ва уларнинг касбий таиергарлиги сифати, саноат ва қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватлари ҳажми, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш имкониятлари, транспорт йўлларининг узунлиги ва транспорт воситаларининг мавжудлиги, ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожлариш даражаси, фан ва техника ютукдари, гразведка қилинган фойдали қазилма ресурслари, яъни биргаликда жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ташкил этадиган унсурлар билан белгиланади.

Шундай қилиб, минтақавий ривожланиш салоҳияти деганда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайдиган омиллар мажмуи тушунилади. Салоҳият (потенциал) деганда минтақанинг ички ва ташқи функцияларни бажриш, иқтисодий фаолиятни амалга ошириш имкониятлари тушунилади, деб айтиш мумкин. Бундай имкониятлардан фойдаланилиши ҳам, фойдаланилмаслиги ҳам мумкин.

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти, бошқа мамлакатлар иқтисодиётига унинг таъсири ва, аксин-

ниш мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволига жаҳон хўжа-
Ш мшим' таъсири ҳар бир мамлакат иқтисодий салоҳиятининг кўла-
| иқ| исодий ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва иқтисодий қудрати
| 1м II мазкур мамлакатда ишлаб чиқариладиган товар ва хизмат-
Нфнпнг ҳажми, тузилиши, сифати ва техникавий даражаси, шу-
II...**ик** мамлакат ўз худудида ва чет элда тўплаган моддий ва бо-
Шк Оопликлар тушунилади.

Иқтисодий салоҳиятни *сон жиҳатидан* потенциал ЯИМ//
И М М кўрсаткичи орқали пулда ифодалаш мумкин. **Потенциал ЯИМ**
I. <.и иқтисодий салоҳият) деганда мавжуд ишлаб чиқариш ресурсла-
I>и; капитал, ишчи кучи, табиий ресурслардан тўлиқ фойдаланилган-
тп>и, нъни ресурслар тўлиқ банд этилганида олиниши мумкин бўлган
ЦШлаб чиқариш ҳажми тушунилади.

Ресурсларнинг тўлиқ банд этилиши юкланмаган ишлаб чиқа-
риш кувватлари салмоғини уларнинг умумий ҳажмининг 10-20%
цнражасида ва ишсизликнинг табиий даражасини ишчи кучлари
умумий сонининг 5,5-6,5% даражасида саклаб туришни назарда ту-
||ЦII. Бу кўрсаткичлар турли мамлакатлар бўйича ҳар хил бўлиши
мумкин, аммо барча ҳолларда ресурсларнинг тўлиқ банд этилиши
умардан 100% фойдаланилишини истисно этади.

Агар Оукен коэффициенти маълум бўлса, ресурсларни тўлиқ
Гишд этиш йўли билан олинган миллий даромад орқали ифодалан-
гап ишлаб чиқариш салоҳиятини куйидаги формула бўйича аниқ-
лаш мумкин:

$$Y_r = Y / (1 - k(i - i^*)), \quad (5.1)$$

бу ерда Y_r — ресурслар тўлиқ банд этилганида потенциал мум-
кин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми;

Y — амалда эришилган ишлаб чиқариш ҳажми;

k — Оукен коэффициенти;

i — ИШСИЗЛИКНИНГ амалдаги даражаси;

i^* - ИШСИЗЛИКНИНГ табиий даражаси.

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш имконият-
лари фойдаланиладиган ресурсларнинг камчилиги билан чекланади.
Бундай чекланганлик жамиятнинг ривожланишига қараб сакланибги-
на қолмай, баъзан ортиб ҳам боради. «Салоҳият» (потенциал) тушун-
часига жалб этиладиган ресурслар ва маблағлардан янада тўлиқ ва са-

марали фойдаланиш мезони деб қараш керак, Унинг ишлаб чиқариш ни бошқаришдаги максадли функциялари ана шулардан иборат.

Халқ ҳўжалигининг максадларидан бири сифатида ишлаб чн қаришнинг потенциал даражасига фақат ишлаб чиқаришнинг бар ча омиллари самарали фаолият кўрсатган тақдирдагина эринни мумкин. Шунинг учун ҳам бу омилларни муттасил такомиллашти риш ва уларнинг унумдорлигига баҳо бериш — бозор иқтисодистп ни тартибга солишнинг асосий муаммоларидан бири.

Ишлаб чиқариш омиллари

Ишлаб чиқариш омиллари деганда анъанага кўра ишлаб чиқй риш жараёнини амалга ошириш имконини берадиган шарт-шароитлар тушунилади. Иқтисод фанида Ж.-Б. Сей томонидан асос солинган ишлаб чиқариш омилларининг маржиналистик назарияси кенг тарқалган. Ушбу назария неъматлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жарасида иштирок этувчи иқтисодий ресурслар сингари ишлаб чиқариш омилларини кўриб чиқади. Бундай омиллар жумласига кўйидагилар қиради:

- меҳнат; ер (табиий ресурслар); капитал; тадбиркорлик,

1. *Меҳнат (Ш* — бу неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга йўналтирилган инсоннинг ҳар қандай ақлий ёки жисмоний фаолиятидир. Меҳнатга тўланадиган ҳақ иш ҳақи (У) деб аталади. Инсон ўз меҳнат қобилияти билан жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи ҳисобланади. Бугунги кунда аҳолининг *ақлий ва маънавий салоҳияти* мамлакатнинг ҳақиқий бойлигига айланиши керак, деган қараш тарқалмоқда. Иқтисод ва сиёсатнинг ривожланиши, ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусиятлари, умуман мамлакатнинг қиёфаси унда яшайдиган аҳолининг ақлий ва маънавий салоҳиятига боғлиқ. Ўзбекистан Президентга И.А. Каримов бунга алоҳида эътиборни қаратади ва халқ жамиятнинг энг катта бойлиги сифатида улкан салоҳиятга эга эканлиги, бу салоҳиятни рўёбга чиқариш жамиятнинг ривожланиши ва тараққиётининг кучли омили бўлиб хизмат қилишини қайд этади. Инсон салоҳияти мамлакат ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан жадал олға юришини таъминлайдиган энг фаол, бунёдкор омилдир¹. Шунинг учун ҳам инсон капиталига бугунги кунда иқтисодий ўсишнинг муҳим омили деб қаралади. Инсон капиталига қилинган инвестициялар жамият учун энг самарали ва ўзини тез оқлайдиган инвестициялардир.

2. *Табиий ресурслар (2)* — бу товар ва хизмаларни яратишда ммилладиган табиий неъматлар (фойдали қазилмалар, ўрмон, | \м по ва ҳоказолар)дир. Иқтисодчилар ишлаб чиқариш омилла- ИИ маъносида келган табиий ресурслар ҳақида сўзлаганда кўпинча атамасини қўллайдилар. Ердан фойдаланганлик учун тўланган и рента (К) деб аталади. Шундай қилиб, рента — бу ер эгаси • •или фойдадир.

3. *Капитал (К)* ~ бу меҳнат унумдорлигини ошириш мақса- ш Ц одамлар томонидан яратилган ишлаб чиқариш ресурслари (ма- шиалар, бинолар, компьютерлар, трубопроводлар, темир йўллар Ц \оказолар)дир. Капитал деганда тағин ишлаб чиқаришнинг жис- Мопий элементларини харид қилишда ишлатиладиган пуллар (қисқа (аврда) тушунилади. Бировнинг пулидан ёки жисмоний капитали- /,п\ фойдаланганлик учун олинадиган ҳақ фоиз (г) деб аталади. Бу \,п, капитал етказиб берувчилар оладиган фойдадир.

4. *Тадбиркорлик* — бу ўзига хос меҳнат фаолияти тури: товар на хизматлар ишлаб чиқариш учун зарур бошқарувчилик ва ташки- потчилик кўникмаларидир. Ушбу ишлаб чиқариш омили ишлаб чи- қ. фишни ташкил этишда ташаббускорлик, топқирлик ва таваккалчи- ликни назарда тутади. Тадбиркорнинг вазифаси — юқорида зикр Эпилган ишлаб чиқаришнинг уч омилини энг самарали, оқилона усулда бирлаштиришдан иборат. Шундай қилиб, тадбиркорлик да- ромади — бу тадбиркорлик омили (ғайрат, таваккалчилик, янги- ликлар) учун олинган муқофотдир.

Келтирилган ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши ўзгармас, турғун эмас.

XX аернинг ўрталари фан-техника инкилоби бошланиши би- лан бир қаторда, ахборот тобора етакчи роль ўйнай бошлади, инду- стриал иқтисод эса постиндустриал иқтисодга айлана бошлади. Ҳозирги замон иқтисодида энг кўп *ахборотга* — технологик, ишлаб чиқариш, тижорат, фан ва маданият ахборотларига эга бўлган иш- лаб чиқарувчи бозорда ютиб чиқади. *Ахборот — бу моҳият эътибори билан янгилик унсурларига эга, маълум фаолият соҳаси ҳақида маъ- лумот олиш ва мақбул қарорлар қабул қилиш имконини берадиган маълумотлардир.*

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистан XXI аср бўсағасида: хавфеизликка таҳид, бар- қарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари». Т., «Ўзбекистан», 1997. 244-бет.

Ҳозирги замон менежментида ахборот иқтисодий салоҳишп дан тўлақонли фойдаланиш имконини берадиган асосий восит! бўлиб хизмат қилади. Компьютер техникасига асосланган ҳозирги замон ахборот технологиялари кашф этилиши билан ахборот бир томондан ишлаб чиқариш кучларининг унсурига, иккинчи томондан эса — миллий бойлик унсурига айланиб бормоқда. Ахборот омил ва ҳозирги замон фан ютуқлари ва янги технологиялар билан узвий боғлиқ бўлиб, улар ўз холича мустақил омил бўлиб хизмат қилади, чунки ишлаб чиқариш самарадорлигини, инсон салоҳияти имкониятларини оширишга хал қилувчи таъсир кўрсатади.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар самарали фаолият кўрсатган тақдирдагина миллий хўжаликда барча ресурслардан самарали фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқариш омилларининг ривожланиши ва улардан фойдаланилиши даражаси ишлаб чиқариш функциясида ўз ифодасини топадики, уни умуман миллий хўжалик учун ҳам, минтақа ва алоҳида фирма учун ҳам аниқлаш мумкин. Ишлаб чиқариш омилларининг ҳар қандай тўплами билан мазкур омиллар тўпамидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мумкин бўлган энг катта ҳажми ўртасидаги нисбат ишлаб чиқариш функциясини таърифлайди.

Ишлаб чиқариш функцияси деганда мавжуд билим даражаси ва фойдаланилаётган технологиялардан келиб чиқиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўсишига турли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини акс эттирувчи математик ифодаланган ботиклик тушунилади. Ишлаб чиқариш функциясидан ҳар қандай берилган товарлар ҳажмини ишлаб чиқариш учун зарур харажатларнинг энг кичкина ҳажмини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Иқтисодий ривожланиш даражасининг кўрсаткичлари

Турли мамлакатлар ёки минтақалар ишлаб чиқариш омиллари ва ривожланиш шартларай уйғунлигининг ҳар хиллиги иқтисодий ривожланиш даражасини бир хил нуктаи назардан баҳолаш имконини бермайди. Бунинг учун бир қатор асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ/ЯММ ёки миллий даромад;
2. Миллий (минтақавий) иқтисоднинг тармоқ тузилиши;

3. Аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (алоҳида тармоқларнинг ривожланиш даражаси);
4. Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати;
5. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ/ЯММ. Иқтисодий ривожланишнинг даражасини таҳлилдан ўтказишда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичлари муҳим ўрин тутadi. ЯИМ айти Минтака ҳудудида ишлаб чиқарилган якуний маҳсулот (ялпи ишлаб чиқариш) миқдорининг минтака аҳолиси сонига нисбати тарзида ҳисобланади:

ЯИМ

$$\text{Аҳоли жон бошига ЯИМ} = \dots \dots \dots (5.2)$$

Аҳоли сони

Минтақавий иқтисоднинг тармоқ тузилиши. Халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган яна бир кўрсаткич бу **минтақавий иқтисоднинг тармоқ тузилишидир**. У тармоқлар бўйича ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичларига асосан таҳлилдан ўтказилади. Энг аввало халқ хўжалигининг йирик моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўргасидаги нисбат ўрганилади. Бу нисбат авваламбор қайта ишлаш саноатининг салмоғига қараб аниқланади.

Йирик хўжалик комплекслари: ёнилғи-энергетика, агросаноат, қурилиш ва конструкция материаллари, мудофаа, ҳарбий-саноат комплексларининг салмоғи ҳам таҳлилдан ўтказилади.

Алоҳида минтақалар ва вилоятларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига баҳо беришда тармоқ тузилишининг динамикасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш. Мамлакат ёки алоҳида минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражасини шунингдек **аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш** кўрсаткичлари ҳам таърифлайди. Мазкур кўрсаткичлар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисобланади:

- асосий тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- узоқ муддат хизмат қилувчи товарларнинг мавжудлиги.

Асосий тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсат-

кичлари мамлакат еки минтақанинг электроэнергетика, металлургия, машинасозлик каби тармоқлар ишлаб чиқарадиган асосий ми сулот турларига бўлган эҳтиёжларини кондириш имкониятларини хақида хукм чиқариш имконини беради.

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган саноат махсулотларининг муҳим турлари орасида статистикада прокат, металл қирқуичи дастгоҳдар, автомобиллар, минерал ўғитлар, кимёвий толалар, қоғаз ва бошқа бир қатор махсулотлар ишлаб чиқариш ҳам ажратилади.

Мамлакат ёки минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлилдан ўтказишда аҳоли жон бошига асосий *озиқ-овқат махсулотлари*: ғалла, сут, гўшт, шакар, картошка ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларига баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга, Мазкур кўрсаткични айтайлик FAO² ёки миллий институтлар томонидан ишлаб чиқилган бундай махсулотларни истеъмол қилишнинг оқилона меъёрлари билан таққослаш аҳолининг мамлакатда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат махсулотларига бўлган талабларининг кондирилиши даражаси, озиқ-овқат рационининг сифати ва ҳоказолар хақида хукм чиқариш имконини беради,

Мамлакатда узоқ муддат хизмат қилувчи товарлар: музлатгичлар, кир ювадиган машиналар, телевизорлар, енгил машиналар, видеоаппаратура, шахсий компьютерлар ва ҳоказолар мавжудлиги (ёки ишлаб чиқарилиши)нинг ҳар 1000 кишига (ёки ўртача статистик оилага) тўғри келган кўрсаткичлари ҳам юқорида зикр этилган кўрсаткичларга яқин туради.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва сифати кўп жиҳатдан истеъмол бўйича ЯИМ тузилиши билан таърифланади. Хусусий якуний истеъмол (шахсий истеъмол харажатлари) тузилишини таҳлилдан ўтказиш айниқса муҳимдир. Истеъмол қилишда узоқ муддат хизмат қиладиган товарлар ва хизматлар салмоғининг катталиги аҳолининг турмуш даражаси нисбатан юқори эканлигидан, бинобарин, мамлакат иқтисодий ривожланишининг умумий даражаси ҳам юқорилигидан далолат беради.

Аҳолининг турмуш даражасини аниқлашда одатда иккита ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар: «истеъмол савати» ва «тирикчилик минимуми» кўрсаткичлари таҳлилдан ўтказилади.

² FAO — (инглизча Food and Agriculture Organization) — БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти.

Турмуш даражаси тагин куйидаги кўрсаткичларга қараб аниқ-Яанади:

- меҳнат ресурсларининг ҳолати (умрнинг ўртача узоклиги, | олининг маълумоти даражаси, аҳоли жон бошига асосий озик-ОВқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши калорияларда, про-III таркибида, меҳнат ресурсларининг малака даражаси, ҳар 10 мпг кишига ҳисобланган ўқувчи ва талабалар сони, ЯИМда таъ-пим харажатларининг салмоғи);

- хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиши (ҳар 10 минг кишига ҳисобланган врачлар сони, ҳар минг кишига ҳисобланган касалхона ўринлари сони, аҳолининг турар жой, рўзғор буюмлари пилан таъминланганлиги ва хоказолар).

Сўнгги йилларда жаҳон амалиётида турмуш сифатини аниқ-лаш учун кўпгина иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар (аҳоли-нинг маълумоти даражаси, умрнинг узоклиги, иш ҳафтасининг да-иомийлиги ва бошқалар)ни ўзида бирлаштирган «инсоннинг ри-вожланиши индекси» қўлланилмоқда (бу ҳақда 5.5 фаслда батафсил сўз юритамиз).

Иқтисодай самарадорлик кўрсаткичлари

Ушбу туркум кўрсаткичлари кўп жиҳатдан иқтисодий ривож-ланиш даражасини тавсифлайди, чунки мамлакатнинг асосий ва айланма капитали, меҳнат ресурсларининг ҳолатини ва улардан фойдаланиш даражасини — бевосита ёки билвосита — акс эттиради.

Шунинг учун ҳам иқтисодий салоҳиятга баҳо бериш муҳим иқтисодий категория - самарадорлик билан чамбарчас боғлиқ.

Самарадорлик тушунчаси ва унинг турларм. Умумий маънода са-марадорлик — бу мақбул натижага эришиш учун мавжуд имкониятлар-дан энг яхши усулда фойдаланиш қобилиятидир. Иқтисод ишлаб чиқа-риш имкониятлари эфи чизигининг исталган нуктаси самарали деб ҳисобланади, чунки мазкур ҳолларда мавжуд ресурсларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажмига эришилади. Бу «техникавий самара-дорлик» (паратго-самарадорлик) деб аталади, яъни берилган харажат-лар ва технологияларда жамият истеъмолчиларнинг талаби (истакла-ри)дан қатъи назар энг катта ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаради.

Иқтисодий самарадорлик шу билан фарқ қиладики, у сама-рали талабни эътиборга олади. Унинг шартлари куйидагича:

- ресурсларнинг тўлиқ банд этилиши;
- бозор талабидан келиб чиқиб ресурсларни самарали қя лаштириш;

- мавжуд технологияларнинг энг яхшиларидан фойдаллпшп

Мавжуд иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланилипп | эришишнинг асосий воситалари қуйидагилардир:

- янги технологиялар ва ишловчиларнинг юксак малак;н и ҳисобига эришиладиган меҳнат унумдорлигининг ўсиши;

- янги технологиялар, табиий ресурсларни қазиб олиш, уларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш ҳисобига табиий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш;

- товарлар, капитал, ишчи кучи, ахборот ва технологиялар бозорлари оқилона фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш;

- бозорларнинг фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлайдиган институтларни ривожлантириш;

- кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун рақобат муҳитини вужудга келтириш ҳамда ишлаб чиқариш ресурслари, ахборот ва технологияларидан мазкур корхоналарнинг фойдаланиши имкони-ятини кенгайтириш.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларнинг қапа бир тизими ёрдамида баҳоланадики, уларни иқтисодий салоҳиятнинг **сифат ва сон кўрсаткичларига** ажратиш мумкин.

Иқтисодий салоҳиятнинг **сифат кўрсаткичлари** жумласига қуйидагилар киради:

- минтақада фаолият кўрсатаётган меҳнат, капитал, технология бозорларининг самарадорлиги;

- минтақа табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги;

- институционал ривожланишнинг ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлайдиган инфратузилманинг ривожланиш даражаси;

- жамиятнинг иқтисодий эркинлиги даражаси;

- кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиш даражаси.

Иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари 5.1 жадвадда келтирилган.

5.1 жадвал

• ИФЛТ КЎРСАТКИЧЛАРИ	СОН КЎРСАТКИЧЛАРИ
! Ўшарни эркилик даражаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. ЯИМда, банд этилганларнинг умумий соида нодавлат секторининг салмоғи 2. Бозорда эркин пархларда реализация қилинган товар ва хизматлар салмоғи. 3. Монополизация даражаси (корхоналарининг умумий соида монополизация қилинган корхоналар сопи). 4. Монополизация қилинган корхоналар махсулотининг салмоғи.
II Фполият кўрсатастган мсхмат, Капитал , технология бозорларининг • импрдорлип!	<ol style="list-style-type: none"> 1. Товар бозорларининг товарга бойлиги. 2. Ишеизлик даражаси. 3. Ингчи кучига бўлган самарали талаб (алохида даврда янги буш жойлар умумий сонининг янги ишчи кучи таклифига нисбати): <ol style="list-style-type: none"> 3.1. Ишчи кучига бўлган талабининг инвестицион ўсиш билан нисбати; 3.2. Лхоли турли табакаларининг мсхнат фаолиятига жалб этилганлиги (банд этилганлар билан иктисодий фаол шахслар сонининг нисбати). 4. Тижорат баклари фоиз ставкаларининг даражаси ва ўзгариши. 5. Лхборот бозорларининг даражаси ва очиклиги.
III. Табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг гамардорлиги	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ишлаб чиқаришда талаб этиладиган материал, ресурслар ва капиталнинг хажми. 2. Мсхнат унумдорлиги. 3. Иинестия лойиҳаларининг ўзипи окдаш даражаси. 4. Махсулот ишлаб чиқаришнинг умумий хажмида қўшилган қийматининг салмоғи.
IV. Институционал ривожланишнинг кз иктисодий ўсишни қўллаб-қувватлайдиган инфратузилманиннг ривожланиш даражаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Молия сектори (банклар, суғурта ташкилотлари, қимматли қоғозлар бозори ва шу кабилар)нинг рипожланиши ва иш самарадорлиги кўрсаткичлари. 2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси (транспорт, алоқа, сув, газ таъминоти, электрэнергия)нинг ривожланиш кўрсаткичлари. 3. Ижтимоий инфратузилма (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, жисмоний тарбия, истеъмол хизматлари кўрсатиш). 4. Савдо.
V. Кичик ва ўрта бизнеспинг ривожланиш даражаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Туман ЯИМда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг салмоғи. 2. Банд этилганларнинг умумий соида кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг салмоғи. 3. Кичик ва ўрта бизнеспинг тармоқ тузилиши.

5.2. Табиий-ресурс салоҳияти ва уни баҳолаш Табиий-ресурс салоҳияти тушунчаси.

Табиий ресурслар

Табиий ресурсларнинг мавжудлиги, уларнинг сони, сифатӣ ва уйғунлиги ҳудуднинг табиий-ресурс салоҳияти билан белгиланади ҳамда ишлаб чиқариш кучларини мазкур ҳудудда жойлаштиришнинг асосий шарти ҳисобланади.

Табиий-ресурс салоҳияти мавжуд фойдали қазилмаларни, ҳудуд рельефини, ер-сув ресурсларини ва сейсмик бузилиш даражасини ўз ичига олади.

Ҳудуднинг табиий-ресурс салоҳияти унинг бозорга ихтисослашишига ва ҳудудий меҳнат тақсимоотидаги ўрнига таъсир кўрсатади. Табиий ресурсларнинг жойлашиши, уларни қазиб олиш шароитлари ва улардан фойдаланиш хусусияти минтақанинг ривожланиш суръати ва мазмунига таъсир кўрсатади. Табиий шароитлар ва ресурслар хусусийлаштиришда иштирок этиш учун бошқа минтақалардан қўшимча капитал (шу жумладан чет эл капитали)ни жалб этишга қўм'аклашиши ва, аксинча, минтақа корхоналари ва аҳолисида мавжуд маблағлар хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун нисбатан қулай шароитлар мавжуд бошқа минтақаларга оқиб кетишига туртки бериши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари — бу ер остида ва унинг юзасида жойлашган, ишлаб чиқариш жараёнига ишлаб чиқариш омиллари сифатида жалб этилиши мумкин бўлган табиий ресурслардир. Шундай қилиб, табиий ресурсларнинг ўзига хос хусусиятида шундаки, улар ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилганидан кейингина ишлаб чиқариш омилларига айланади.

Ер қуррасининг **табиий шароитлари** табиий ресурсларнинг табиий пойдевори ҳисобланади. Ер қуррасининг ички иссиқлиги ва қуёш нурлари, мамлакатнинг жуғрофий ўрни ва жой рельефи, ер ости тузилиши, иқлими ва ёгингарчиликлар шулар жумласидан.

Табиий ресурслар — бу товарлар, хизматлар ва маънавий бойликлар яратиш жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган табиий шароитлар мажмуидир.

Табиий ресурсларнинг моҳият-мазмунини аниқлашни уларни туркумлашдан бошлаш керак. Авваламбор, шуни қайд этиш керакки, табиий ресурслар **реал, яъни аниқланган ва фойдаланилаётган** ҳамда **потенциал, яъни прогноз қилинган, аммо аниқ аниқланмаган**

Вулади. Реал табиий ресурслар миллий бойлик миқдорига, аҳоли-**ИШП** турмуш даражасига, мамлакат ва минтақа иқтисодий фаолият-**ПИНГ** самарадорлигига таъсир кўрсатса, потенциал ресурслар мил-**ПЙ** бойлик таркибига киритилмайди ва келажакда муваффақиятли **ИШЛ**б чиқаришни йўлга қўйиш имкониятларинигина яратади.

Иқтисодий туркумлашга асосан қуйидаги табиий ресурслар Гйфовут этилади (5.2 жадвалга қаранг):

1) умумий аҳамиятга молик табиий ресурслар;
2) моддий ишлаб чиқариш ресурслари, шу жумладан саноат ресурслари (ёнилғи, металллар, сув, ёғоч, балиқ) ва қишлоқ хўжалиги ресурслари (тупроқ, суғориш учун сув, ем-хашак экинлари, овланадиган хайвонлар);

3) ноишлаб чиқариш соҳаси ресурслари, шу жумладан бево-сита истеъмол қилинадиган ресурслар (ичимлик суви, ёввойи ўсим-ликлар, овланадиган хайвонлар) ва бавосита истеъмол қилинади-ган ресурслар (масалан, кўкаламзор жойлар ва сув ҳавзаларидан дам олиш учун фойдаланиш)

Такрор барпо қилиниши ёки қилинмаслиги нуктаи назаридан табиий ресурслар икки хил бўлади: **тикланадиган табиий ресурслар** (ўсимликлар, **тупроқ, сув, ҳайвонот олами**) ва **тикланмайдиган** та-биий ресурслар (нефть, газ, кумир ва ҳоказо).

Тикланадиган табиий ресурслар — бу ишлатилишига қараб табиий жараёнлар ёки инсоннинг онгли фаолияти таъсирида қайта тикланадиган ресурслардир.

Бунга гидроэнергетика ресурслари мисол бўлиши мумкин — бугун оқаётган сувнинг потенциал энергиясини ўзгартириш ҳисо-бига электр энергияси ишлаб чиқарган гидроэлектростанция эрта-га бу «хом ашё» билан яна таъминланади. Шу асно — инсоннинг ҳеч бир таъсирисиз — иш чексиз узоқ давом этиши мумкин. Шу билан бир вақтда, тупроқнинг ҳрсилдорлиги ҳам муттасил юксак даража-да сақланиши мумкин, аммо бу инсоннинг таъсирини, жумладан - тупроқни ўғит билан тўйинтиришни талаб этади. Бу нуктаи на-зардан тикланадиган ресурслар **туганмас** ресурслардан, яъни та-биат инсоннинг иштирокисиз вужудга келтирадиган ресурслар (куёш энергияси, сув ва шамол энергияси, табиатда сув айланиши ва ҳока-золар)дан фарқ қилади.

Тикланмайдиган табиий ресурслар — бу тўлиқ туғганидан кейин тиклаш мумкин бўлмаган ресурслардир. Уларни табиат қайта тиклай олмайди. Бундай ресурслар жумласига авваламбор фойдали

казилмалар киради. Уларни казиб олиш ва ишлатиш мавжуд ресурсларнинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келади. У бойликлар қай га тикланмайди, шу сабабли меҳнат маҳсули бўлган бойликни кўпайтириш учун тикланмайдиган табиий бойликларни эҳтиёткорлик билан авайлаб ишлатиш, имкон бўлган тақдирда уни келажак учун сақлаб қўйиш керак.

5.2 жадна л

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИ БАҲОЛАШ

Табиий ресурслардан фойдаланиш мақсадлари Иқтисодий туркумлани:	Табиий ресурсларнинг турлари (тамом бўлиш принципинга кўра)		
	Тамом бўладиган табиий ресурслар		Тамом бўлмайдиган табиий ресурслар
	Тикланмайдиган	Тикланадиган	
I. Умумий аҳамиятта молик табиий ресурслар II. Моҳдий ишлаб чиқариш ресурслари, шу жумладан: 1) саноат ресурслари; 2) қишлоқ хўжалиги ресурслари. III. Нопишлаб чиқариш соҳаси ресурслари, шу жумладан: а) бевосита истеъмол қилинадиган ресурслар; б) бевосита истеъмол қилинадиган (рекреацион) ресурслар	Минерал-ҳом ашё ресурслари: а) ёнилғи-энергетика ресурслари; б) металл-руда ресурслари; в) нometалл ресурслари.	Гидроэнергетика ресурслари Тупроқ, ўсимликлар, ҳайвонот олами. Сув, ёрвойи ўсимликлар, овланадиган ҳайвонлар. Ўрмон, сув ҳавзалари, ўсимликлар	Идро энергияси, қуёш энергияси, шамол ва оқар сувларнинг геотермал энергияси. Иқлим шароитлари

Табиий ресурслар нотекис тақсимланган бўлиб, бунинг натижасида турли ҳудудлар, мамлакатлар, минтақалар ва ҳатто китъалар **ресурслар билан ҳар хил таъминланган**. Бошқача қилиб айтганда, улар ҳар хил ресурс салоҳиятига, яъни табиий ресурслар миқдори ва улардан фойдаланиш ҳажмларининг нисбатига эга.

Бу кўрсаткични ҳар бир ресурс тури бўйича мазкур ресурс етадиган йилларда ёки унинг аҳоли жон бошига ҳисобланган захиралари миқдорида ифодалаш мумкин.

Минтақалар орасида ресурс салоҳиятининг даражаси бўйича Бухоро, Навоий, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ажралиб туради. Навоий ва Жиззах вилоятларида ер майдонлари ва сув ресурслари анча чекланган.

Ресурс салоҳияти (РС) қуйидаги формула бўйича баҳоланади:

$$PC = 3 \times PK \quad (5.3)$$

бу ерда 3 — тегишли тоифага мансуб табиий ресурсларнинг ихиралари (махсус методика бўйича ҳисобланади), РК - ресурс кстати (ресурслар бирлигига нисбатан пулда ҳисобланади).

Ўзбекистоннинг умумий ресурс (минерал-хом ашё) ресурс са-поҳияти 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқ микдорга баҳоланган.

Табиий ресурсларга баҳо беришда кўплаб (иктисодий, ижтимоий, техникавий, экологик-жуғрофий) омилларни эътиборга олиш л озим. Табиий ресурсларга иктисодий баҳо беришда куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- сони ва жамланиши (фойдали қазилманинг жами захиралари ва майдон бирлигига нисбатан ўлчанган захиралари билан аниқланадиган коннинг кўлами);
- сифати, таркиби ва хоссалари (фойдали элемент таркиби, унинг салмоғи; ернинг унумдорлиги, сувнинг сифати, қуёш фаоллиги кучи);
- кулай ерда жойлашганлиги (фойдаланиш имкониятлари: катламларининг қуввати ва жойлашиш шароитлари), шунингдек фойдаланиш шартлари (техника, технология, транспорт нуктаи назаридан фойдаланиш имкониятлари);
- йиллик қазиб олиш ҳажми.

Бозор иктисоди шароитларида ҳар бир табиий ресурс ўзининг бозор, биржа баҳосини олиши керак, зотан, у чекланган, бетакроп иктисодий бойлик ҳисобланади. Табиий ресурсларнинг бозор қиймати ресурсларнинг қимматлилиги кўрсаткичи кўринишида бўлади.

Миллий иктисод микёсида табиий ресурсларга иктисодий баҳо беришда икки усул — харажатлар ва рента усуллари қўлланади. **Харажатлар усули** табиий ресурсга жойланган меҳнат натижаларига баҳо беришга, **рента усули** эса - мазкур ресурсдан келажакда олиниши мумкин бўлган фойдага баҳо беришга асосланади. Баъзан иккала усулнинг комбинацияси қўлланади.

Харажатлар (меҳнат) усулининг асослари С.Г. Струмилин томонидан яратилган. Ушбу усул ёрдамида ресурсларни дастлабки ўзлаштириш харажатлари миқдори аниқланган, бунда фойдаланиш жараенида ресурсларни кўлаб-қувватлаш ва тиклаш харажатлари ҳисобга олинмаган. Усулнинг моҳияти — табиий ресурсларни ўзлаштиришга сарфланган барча меҳнат харажатларини ҳам меҳнат, ҳам пул ўлчов бирликларида ўлчашдан иборат.

Рента усули табиий ресурсдан куриладиган фойдани табак,* лаштирилган ренти ишлаб чиқиш асосида аниқлашни назарда тутди. Ушбу усул XX асрнинг 30-йилларида халқ хўжалиги балансидаги қишлоқ хўжалик ер майдонлари ва табиий ресурсларнинг *бошқ/И* турларига баҳо бериш учун қўлланила бошланган. Бунда миллий да ромаднинг ўсишида табиий ресурслардан олинган фойда ажратилган. Бундай принциплар кўпгина қайта баҳолашлар асосига ётган ва реал молия операцияларида табиий омилларнинг иштирокини аниқлаб берган. Рента усулини қўллаш табиий ресурслар кадастрлари ва бонитети материалларининг жалб этишни назарда тутди.

Ер асосий табиий ресурс сифатида баҳоланади ва асосий ишлаб чиқариш омилига айланади. Ривожланган мамлакатларда ерга унинг табиий-иқлимий салоҳияти, асосий ишлаб чиқариш омили ва яшаш муҳити сифатида уни асраш зарурати нуктаи назаридан баҳо берилади.

Ер салоҳияти деганда кўпгина омиллар таъсирида ўзгариладиган, барча ўзгаришлар биржа баҳосида, ерга белгиланган бозор нархида ўз ифодасини топадиган катталиқ тушунилади.

Рента ёндашуви нуктаи назаридан ернинг нархи — бу капиталлаштирилган рентадир:

$$EC = \frac{B}{3} \times 100\%, \quad (5.4)$$

бу ерда K — рента;

δ — банк фоизи меъёри;

EN — ер нархи.

Ерга бундай баҳо бериш ерга нисбатан хусусий мулкдорлик институтининг узок ривожланиши натижаси бўлиб, бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларга хосдир.

Табиий омиллар **рекреацион салоҳият миқдори** — **инсоннинг жисмоний ва маънавий кучларини тиклаш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолият (дам олиш, туризм) билан шуғулланиш учун минтацанинг имкониятлари ва тайёрлигини** белгилаб беради. Рекреацион ресурсларни тахлиддан ўтказиш рекреацияни, шу жумладан чет эл туризмини ривожлантиришнинг потенциал имкониятларини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Бунда табиий ландшафтларнинг ўзига хослиги ва минтақадаги экологик вазият, тарих ва меъморчилик ёдгорликлари, бальнеологик ресурслар, маданий марказлар, спорт марказларининг мавжудлиги ҳамда янги марказлар ташкил этиш ва туризмнинг хилма-хил шакллари ривожлантириш имкониятлари эътиборга олинади.

Кўпгина табиий ресурслар ва хизматлар учун анъанавий бо-Юрлар, стандарт талаб ва таклифлар мавжуд эмас. Бу ерда табиий бойликларни микро ва макро даражада иқтисодий баҳолаш ва кел-Гусида қарорлар қабул қилиш учун тахдиддан ўтказиш муҳимдир. Табиий объектларнинг иқтисодий қиммати қанча баланд бўлса, қмбул қилинган, турли лойиха ва дастурларда ўз ифодасини топган иқтисодий қарорлар экологик жihatдан мутаносиб бўлиши, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни тежаш манфаат-илридан келиб чиқиши эҳтимоли шунча катта бўлади. Роберт Кон-Станц раҳбарлигидаги экспертлар гуруҳи амалга оширган тадқиқот жараёнида табиат функциялари ва хизматларининг 17 туркуми аж-ратилди: иқлимни, атмосферанинг газ таркибини, сув ресурслари-НИ, тупрокнинг таркибини тартибга солиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, генетик ресурслар ва ҳоказо. Олимлар бу функцияларни ўрта ҳисобда 35 трлн. долларга тенг деб баҳоладиларки, бу инсон юмонидан яратилган ЯИМдан (йилига 18 трлн. доллар) икки бара-нар каттадир.

Табиатга баҳо бериш ва унинг асосий функциялари: 1) таби-ий хизматлар билан таъминлаш; 2) чиқиндилар ва ифлосланиш-ларнинг ассимиляцияси; 3) одамларни табиий хизматлар (рекреа-ция, эстетик лаззатланиш ва х.к.) билан таъминлаш функциялари-ни эътиборга олишга нисбатан комплекс ёндашув нуктаи назари-дан умумий иқтисодий бойлик (қиймат) — lolal есопогшс уаше кон-цепцияси энг истиқболли концепциядир. Нисбатан яқинда — XX асрнинг 90-йилларида юзага келган бу концепция назарияда ҳам, амалиётда ҳам жаҳон миқёсида эътироф этилган.

Умумий иқтисодий қиймат катталиги икки кўрсаткич — фой-даланиш қиймати (истеъмол қиймати) ва фойдаланмаганлик қий-матининг йиғиндиси бўлиб, у яшаш қийматининг катталиги билан белгиланади ва авваламбор табиатнинг жамият учун аҳамиятининг ижтимоий жihatларини акс эттиради.

$$TEU = \text{ЦУ} + \text{МЦУ}, \quad (5.5)$$

бу ерда TEU — умумий иқтисодий бойлик (қиймат);

ЦУ — фойдаланиш қиймати;

МЦУ — фойдаланмаганлик қиймати.

Табиатнинг умумий иктисодий бойлиги (қиймати)

Категориялар	Бевосита фойдаланиш қиймати		Бавосита фойдаланиш қиймати	Четта сурилган муқобил қиймати (потенциал бойлик)	Фойдаланилмаган илм қиймати (янаш қиймати)
	Олинмайдиган фойдаланиш турлари	Олинмайдиган фойдаланиш турлари			
Умумий	Тирикчилик воситалари, тиждорий фойдаланиш, дори-дармонлар, дам олиш жойлари, янаш жойлари	Рекреация, таълим, илмий тадқиқотлар, транспорт	Моддалар айланishi, ишланishi тартибга солиш, сув олишнинг тартибга солиш, санитария функцияси	Келажакда бевосита ва бавосита фойдаланишнинг потенциал турлари	Этик, маданий мерос, бойлик
Экосистемалар (масалан, сув-ботқоқ майдонлари)	Ёшил, сув ҳавзаларининг биологик ресурслари, агроэкосистемалар	Қушларини кузатиш, сув спорти, ҳавасга балиқ овлаш	Сув тошишга қарши кураш, қирқоқларни мустаҳкамлаш, қушларнинг қишлоқларнинг ҳимоя қилиш ва ҳ.к.	Келажакда товар ва хизматлар олиш имконияти	Кўчма турларни кузатиш, беғоналарнинг дахл этишнинг ҳеслаш йўли билан ҳимоя қилиш
Турлар (масалан, дарахт турлари)	Ёғоч, ёшил, мева, ешмас, дори-дармонлар, кўришнинг материаллари, техник хом ашё	Селекция ишлари, фармацевтик, кимёвий ва биокимёвий тадқиқотлар	Углеродни аксимуляция қилиш, азотни қайтатиш, эрозиядан ҳимоялаш, ҳайвонларнинг янаш муҳити	Тикланадиган ўрмон ресурслари ва келажакда кўрсатиладиган хизматлар	Ўрмонларни дам олиш жойлари сифатида, маросимлар учун муҳофаза қилиш ва ҳ.к.
Генетик раиғ-баранглик (масалан, маданий ўсимликларнинг ишлари)	Овқат-овқатлар	Ўсимликлар селекцияси	Эволюцион бойлик	Наваларнинг яшилдиришнинг иштиқоблари	Генофонднинг муҳофаза қилинишнинг таъминлаш

Ўз навбатида, фойдаланиш қиймати уч қўшилувчининг йиғиндисидан ҳосил бўлади:

$$\text{ЦУ} = \text{ВШ} + \text{ШУ} + \text{ОУ}, \quad (5.6)$$

бу ерда ЭЦУ — бевосита фойдаланиш қиймати;

ШУ — бавосита фойдаланиш қиймати;

ОУ — четта сурилган муқобилнинг қиймати.

Фойдаланмаганлик қиймати кўпинча тирикчилик қиймати миқдори билан аниқланади, баъзан унга мерос қиймати ҳам кирилади. Умуман олганда, бу кўрсаткич энг аввало табиатнинг жамият учун аҳамиятининг ижтимоий жиҳатларини акс эттиради. Шундай қилиб, умумий иктисодий бойлик миқдори тўртта қўшилувчининг йиғиндиси кўринишида (5.5 ва 5.6 формулаларидан келиб чиқиб) аниқланади:

$$TEU = B11Y + \text{ШУ} + \text{ОУ} + \text{ЕУ}, \quad (5.7)$$

бу ерда ЕУ — тирикчилик қиймати.

5.3 жадвалда умумий иқтисодий бойликда ҳисобга олинади-
|.1м табиий функциялар ва хизматларга мисоллар келтирилган.

5.3. Ишлаб чиқариш салоҳияти ва уни баҳолаш усуллари.

Ишлаб чиқариш салоҳияти тушунчаси

Капитал ва унинг тузилиши.

Ишлаб чиқариш салоҳияти — бу маълум давр оралиғида зарур ассортимент ва сифатга эга бўлган маҳсулотни маълум миқдорда ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Ишлаб чиқариш салоҳиятига баҳо бериш энг аввало капитал-
н инг тузилишини, миқдорини ва самарадорлигини таҳлилдан ўтка-
зишни назарда тутати. Ҳозирги замон иқтисодиёти юз, беш юз йил
олдинги хўжалиқдан ёки ривожланган давлат колоқ давлатдан ав-
иаламбор ишлатилаётган капиталнинг сони ва сифатига қараб фарк
қилади.

«Капитал» сўзи лотинча «сарИаН8»дан келиб чиққан бўлиб,
«бош», «асосий» деган маънони англатади. Ишлаб чиқаришнинг
алоҳида омили сифатида капитал *одамлар даромад олиш учун бўлгу-
си иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш мақсадида яратган* бар-
ча ишлаб чиқариш ресурслари — дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, янги
технологиялар ва ишловлар, дастурий маҳсулларни бирлаштиради.

Иқтисодий нуктаи назардан *реал капитал* (ишлаб чиқариш
капитали), яъни ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги капитал
ҳамда *пул капитали*, яъни молиявий шаклдаги капитал тафовут
этилади. Баъзан товар капитали ҳам тафовут этилади.

Реал капитал, яъни жисмоний шаклда фаолият кўрсатадиган
капитал асосий ва айланма бўлади (5.1 схемага қаранг).

Асосий капитал жумласига асосан бир йилдан ортиқ, бир неча
йил, ҳатто ўн иилликлар давомида хизмат қиладиган ва бир нечта
ишлаб чиқариш цикли давомида аста-секин фойдаланиладиган мол-
мулк киради.

Асосий капитал бир нечта ишлаб чиқариш циклида фаолият
кўрсатганлиги туфайли унинг қиймати уч ўлчамда акс эттирилади:

1. ишлаб чиқариш жараёнига киритилган (фойдаланишга топ-
ширилган) пайтдаги дастлабки қиймати;

2. ҳозирги (фойдаланишнинг айна давригача бўлган) қиймати (қолдиқ қиймати),'

3. фойдаланишдан чиқариладиган пайтдаги тиклаш қиймати Асосий капиталнинг эскириши, бинобарин, унинг қиймати миқдори турли баҳолаш тизимларида акс эттирилади.

Реал капитал

Асосий капитал	Айланма капитал (моддий айланма воситалар)			
Бино ва иншоотлар	Машиналар, жихозлар, инструмент ва инвенторлар, кррамол, уй хўжалигида узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар	Патентлар, махсулот белгилари, муаллифлик ва бошқа ҳуқуқлар (номоддий активлар)	Хомашё, ёнилри, энергия, материаллар ва ярим фабрикатлар	Тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр махсулот захираси, қайта сотишга мўлжалланган махсулотлар

5.1 схема. Реал капиталнинг тузилиши

Асосий капиталки дастлабки қиймати бўйича баҳолаш — бу мазкур капитал ишлаб чиқариш жараёнига киритилган йили унинг қийматининг пул ифодасидир. Бундай баҳолаш асосий капиталнинг эскиришини ҳисобга олиш имконини бермайди. Асосий капиталнинг турли йиғиндилари миллий иқтисод тармоқларида турли даврларда амалга киритилиши уларнинг турли йилларнинг ўзаро таққослаб бўлмайдиган нархларида ўлчанадиган қийматларининг тўпламини шакллантиради.

Қолдиқ қиймати бўйича баҳолаш деганда асосий капиталнинг фойдаланишга киритилган пайтдаги қийматининг айна давригача эскиришини эътиборга олган ҳолдаги пул ифодаси тушунилади.

Тикланган қиймати бўйича баҳолаш — бу асосий капиталнинг фойдаланишдан чиқарилган пайтдаги қийматининг пул ифодасидир. Ҳар бир ишлаб чиқариш циклида айланма капитал бир марта

Ни тўлиқ ишлатилади (яъни ўзининг истеъмоли қийматини тўлиқ йўқотиши).

Моддий айланма воситалар, яъни ишлаб чиқариш ғамлама-
• 11 Ж (снилғи, хом ашё, материаллар), тугалланмаган ишлаб чиқа-
I....., тайёр маҳсулот ғамламалари ва қайта сотишга мулжалланган
мпшрлар реал айланма капиталини ташкил этади. Бу - айланма ка*-
Питнлнинг иқтисодий таърифи.

Агар моддий айланма воситаларга таъминотчилар ва харидор-
|йр Гшлан ҳисоб-китоблардаги маблағларни, корхона кассасидаги
иуп маблағларини ва иш ҳақи харажатларини кўшсак, бухгалтерия
| прифи бўйича айланма капитал (айланма воситалар)ни оламиз.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш

Асосий капитал реал сектордаги фирмалар, корхоналарнинг
(ют таркибий қисми бўлиб, фирма (тармоқ, минтақа, бутун мам-
цакат)нинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кўп жиҳатдан белгилаб
(кради.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарига нисбатан айна
қолда ишлаб чиқариш қувватлари ҳақида гапирилади.

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш салоҳияти (ИЧС)ни умум-
мий кўринишда қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\text{ИЧС} = \Phi - \text{Чу} \quad (5.8),$$

бу ерда Φ — асосий ишлаб чиқариш фондлари;
у - лойиҳада белгиланган фонд қуввати.

«Салоҳият» тушунчасидан жалб этилувчи ресурслар ва маб-
лағлардан самарали ва тўлиқ фойдаланиш мезонлари сифатида фой-
даланилади.

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш салоҳиятининг миқдори
асосий фондларнинг ҳажми, тузилиши, такрор ишлаб чиқарили-
шини тавсифлайдиган кўрсаткичлар, шу жумладан фонд қуввати,
фондларни янгилаш, уларнинг эскириши ва муомаладан чиқари-
лиши, шунингдек капиталнинг сиғими сингари курсаткичларга
бевосита боғлиқ.

Агар айланма капитал миқдорини асосий капитал миқдори
билан солиштирадиган бўлсак, кўпгина фирмалар ва тармоқларда
айланма капитал миқдори асосий капитал миқдоридан анча кам-
лигининг гувоҳи бўламиз, Шунга қарамай, айланма капитал ўз но-

мига асосан ҳўжалик ҳаётида асосий капиталдан анча тез айлаипди
Натижада маҳсулот таннархига айланма капиталнинг кўшган ҳи(саси асосий капиталнинг хиссасидан анча катта бўлади. Асосий кн питал ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бир неча **ЙИП** давомида қисмларга бўлиб (амортизация орқали) ўтказса, айланм!
капитал — узоғи билан бир йил давомида ўтказади. Айланма капп тал куйидаги кўрсаткичлар ёрдамида таҳдиддан ўтказилади: талаб киладиган материал, энергия, металл сарфлари, шунингдек айланма воситаларнинг айланувчанлиги, жорий ва абсолют ликвидлик коэффициентлари.

Бозор иқтисодида капитални баҳолашга нисбатан 3 асосий ёндашув мавжуд: даромад ёндашуви; бозор ёндашуви; харажат ёндашуви.

Даромад ёндашуви баҳоланаётган корхонадан олинадигаи бўлғуси даромадларга берилган баҳога асосланади. **Бозор** ёндашуви-га мувофиқ баҳоланаётган корхона қиймати ўхшаш ёки қиёсий объектларнинг сотилишини таҳдиддан ўтказиш усули, -яъни тақ-қослаш усули билан аниқланади.

Харажат ёндашуви шуни назарда тутадик, баҳоланаётган корхонанинг қийматини маънавий ва жисмоний эскиришни чегириб ташлаган ҳолда, тақрор ишлаб чиқариш ёки мулкни алмаштириш учун зарур харажатларни таҳдиддан ўтказиш асосида аниқлаш - мумкин. Учала ёндашув бир-бирини нафақат истисно этмайди, блки ўзаро боғлиқ ҳамдир. Ишлаб чиқариш салоҳияти минтақада

малга оширилаётган инвестиция фаолиятига бевосита боғлиқ-, реал капитални тақрор ишлаб чиқариш ва янгилаш

жараёнининг ўзи инвестициялаш деб аталади. **Инвестиция ар: моҳияти ва тақляли** **Инвестициялар** — бу мамла

ат ичида ва чет элда иқтисод тармоқларига капитални узок-муддатл

жойлаштиришдир. Реал инвестициялар — иқтисоднинг муайян т рмоқларига капитални жойлаштириш ва **молиявий инвестициялар** - кимматли қоғозлар харид қилиш тафовут этилади, Инвестициялашнинг мазмуни шундаки, субъектлар келаси замонда фойда кўришни кўзлаб ўз маблағларини хоз"ирги замонда жойлаштирадилар, Капитални таҳдиддан ўтказиш **дисконтлаш принципини** кўриб чиқишни ҳам назарда тутайди. Ҳар қандай инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш харажатлар ва даромадлар ўртасида за

нда узилишни назарда тутайди. Дисконтлаш деганда бўлғ-

уш даромадларни хозирги қийматиға келтириш йўли билан баҳо-ГВШ (ўлчаш) усули тушунилади. (Гап шундаки, бугун олинган фой-мд им қўшимча даромад ҳосил қилиш учун қайта инвестициялаш мумкин.)

Дисконтлаш'— бу мураккаб фоизларнинг ёзилишиға тесқари I араён. Биз бўлғуси қийматни (1 + фоиз ставкаси) мўлжаллаётган пилимизға бўлиш орқали жорий қийматни топамиз:

$$P_U = \frac{F_U}{(1 + K)^N} \quad /_5 \ 9)$$

бу ерда P_U — жорий қиймат, F_U — бўлғуси қиймат, K — фоиз ставкаси, N — йиллар сони.

Дисконтлаш фоиз ставкасидан фойдаланишға асосланади. Молиявий тахлилдан ўтқизишда фирма молиявий маблағларни қарз олиши мумкин бўлган намунавий фоиз дисконтлаш ставкаси деб олинади.

Шундай қилиб, дисконтлаш — бу бўлғуси даромадларнинг жорий (бугунги) қийматини олиш мақсадида даромадлар (фойдалар) оқимларини бир-бириға яқинлаштиришдир.

5.4. Меҳнат салоҳияти ва ижтимоий салоҳият.

Уларни иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари

Меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти

Меҳнат соҳаси - жамият иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг муҳим ва кўп жабҳали соҳасидир. У ишчи кучи бозорини ҳам, меҳнат ресурсларидан ижтимоий ишлаб чиқаришда бевосита фойдаланишни ҳам қамраб олади. Меҳнат бозорида ишчи кучининг қийматиға баҳо берилади, уни ёллаш шартлари, шу жумладан иш ҳақи миқдори, меҳнат шартлари, таълим

иш, касбий ўсиш, бандлик кафолатлари ва ҳоказолар аниқланади. Меҳнат бозори бандликнинг динамикаси, унинг асосий (тармоқ, касбий-малакавий, демографик) тузилмаларидаги, яъни ме-натнинг ижтимоий

таксимотидаги асосий тенденцияларни, шунингдек ишчи кучининг тезкорлигини, ишсизликнинг қўлами ва динамик

ини акс эттиради. *Меҳнат ресурслари* - бу жамиятдаги меҳнатға лаёқатли, билим ва малакаға, ишлаб чиқариш ёки хизмат-кўрсатиш қобилиятиға эға бўлган кишилардир. Уларнинг ас-


осии қисмини меҳнат қилиш ешида булган аҳоли ташкил и.ил! **Меҳнатга лаёқатли аҳоли** — бу аҳолининг маълум ёш доираси Пи лан чегараланган қисмидир.

Ўзбекистан Республикасининг Меҳнат кодексига биноап *ыц* нат ресурсларининг қуи чегараси 16 ёш, юкори чегараси эс.1 эр каклар учун 60, аёллар учун эса 55 ёш деб қабул қилинган. Меҳн И ресурслари иқтисодда банд этилган ва банд этилмаган меҳнатпи *Ш* ёқатли аҳолини ўз ичига олади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг сони *минтақанинг мавжуд мс * **нат салоҳиятини, яъни амалда меҳнатга лаёқатлилар сомни аю** эттиради.

Уни иқтисодий фаол аҳоли билан тавсифланадиган мавжуд меҳнат салоҳиятидан ажрата билиш керак. Иқтисодий фаол аҳоли меҳнатга лаёқатли аҳолидан кам (у иқтисодий фаолиятда иштирок этишни истамайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолини ўз ичига олмай-ди), яъни бу мамлакатнинг ишчи кучидир.

Ишчи кучи — бу иқтисоднинг мамлакат миллий даромадй яра- тилаётган соҳаларида меҳнат билан банд бўлган аҳоли, яъни мам- лакатнинг айни даврда фойдаланилаётган меҳнат салоҳиятидир. Меҳнат ресурсларининг гуруҳланишини схема кўринишида тасвир- лаш мумкин (5,2 схемага қаранг).



5.2 схема. Меҳнат ресурслари таркиби

Шундай қилиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида **иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол** аҳоли ажратилади. **Иқтисодий фаол аҳоли** деганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибига кирувчи ишла-

I млн аҳоли ва ишлаб чиқаришда иштирок этишни хоҳловчилар (и III с и злар) тушунилади.

«Ишчи кучи» тушунчаси иқтисодий фаол аҳолининг синоними л пр. Статистикага кўра ривожланган мамлакатларда барча иш- пийдиган аҳоли ва ишсизлар ишчи кучи деб ҳисобланади.

Иқтисодий нофаол аҳоли деганда давлат ва айрим кишилар |,||),|моғида бўлган, ҳеч қаерда ишламайдиган аҳоли тушунилади. I-упдай аҳоли жумласига қуйидагилар киритилади:

1. ўқувчилар, кундузги ўқув юртларида таълим олувчи ва иш- ПБ чиқаришда банд этилмаган талабалар, курсантлар;

2. имтиёзли шартларда қарилик пенсияси олувчи шахслар;

3. ногиронлигага кўра пенсия олувчи шахслар.

Шундай қилиб, меҳнат ресурсларининг сони икки тоифа шахсларни қамраб олади:

1. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли — меҳ- натга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонидан иқтисодий нофаол аҳолини, ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронларини, шунингдек имтиёзли шартларда пенсия оладиган ишламайдиган шахсларни, ишлаб чи- қаришдан ажралган ҳолда таълим олувчи ўқувчиларни айириш ор- қали аниқланади.

2. Меҳнатга лаёқатли ёш доирасидан ташқаридаги ишлаётган аҳоли — ишлаётган (16 ёшгача бўлган) ўсмирлар ва ишлаётган пен- сионерлар сони билан аниқланади.

Меҳнат турларига қараб меҳнат ресурслари икки гуруҳга бўли- нади:

- асосан акдий меҳнат билан банд бўлганлар;
- асосан жисмоний меҳнат билан банд бўлганлар.

Аҳолининг ҳудудий жойлашишини ўрганишца *шаҳар* ва *қиш- лоқ* аҳолиси тафовут этилади. Ўзбекистонда 7 минг ва ундан ортиқ аҳоли яшайдиган аҳоли пункта шаҳар деб ҳисобланади, башарти ундаги оилаларнинг камида 85% ни ишчи ва хизматчилар (яъни ноқишлоқ хўжалиги аҳолиси) ташкил этса. Аҳолисининг сони 50 минг кишигача бўлган шаҳарлар кичик шаҳарлар деб, 50-100 минг киши яшайдиган шаҳар ўртача шаҳар деб, 100-250 минг киши яшай- диган шаҳар катта шаҳар деб, 250 мингтадан кўп одам яшайдиган шаҳар йирик шаҳар деб, аҳолисининг сони 1 млн. дан ортиқ бўлган шаҳар энг йирик шаҳар деб ҳисобланади.

Аҳолини шаҳар ва қишлоқ аҳолисига ажратишни аграр ва индустриал бандлик билан аралаштирмаслик керак.

Қабул қилинган *меҳнат ресурслари билан таъминлангант.,, га қараб туркумлаш* усулига мувофиқ куйидаги минтақалар шфи вут этилади:

ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд минтақалар — табиий 11 механик ўсиш даражасининг катталиги ҳамда бўш иш жойлари сипи маслиги билан тавсифланади;

меҳнат ресурслари тақчил минтақалар — мал акал и ишчи куч камлиги билан тавсифланади, Бундай минтақалар мураккаб таби ий-иклимий шароитлари, яхши ривожланмаган ижтимоий-ишла чиқариш сохаси ва инфратузилмаси, шунингдек ишчи кадрларний кўнимсизлиги билан фарқ қилади;

иш ва меҳнат ресурслари билан таъминланган минтақалар иш жойлари билан ишчи кучи ўртасида мувозанат ўрнатилган миитақалар.

Иқтисодий фаол аҳоли бандлигининг тузилиши кўп жихатдан иқтисодий хуудларнинг ихтисослашиши даражаси ва йўналиши билан белгиланади.

Меҳнат салоҳияти: унга сифат ва сон жихатидан баҳо бериш мезонлари.

Бугунги кунда Ўзбекистон кучли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат ресурслари жами аҳолининг қарийб 50% ни ташкил этади ва хар йили 210-220 минг кишига кўпайиб бормоқда. Меҳнат ресурслари ўзининг сон ва сифат кўрсаткичларига эга бўлиб, биргаликда жамиятнинг меҳнат салоҳиятини белгилаб берувчи абсолют ўлчовни ташкил этади. Бу ўлчов ҳам ўз навбатида сон ва сифат жихатларига эга.

Меҳнат салоҳиятининг *сон* жихати куйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- а) меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий сони;
- б) юзага келган меҳнат унумдорлиги ва интенсивлиги даражасида аҳоли меҳнат қиладиган иш вақти сони.

Меҳнат салоҳияти (МС)ни ҳисоблаш учун куйидаги формула кўлланади:

$$МС = МР \times ПУ \quad (5.10),$$

бу ерда: МР — меҳнат ресурслари,
ПУ — меҳнатнинг потенциал унумдорлиги.

Меҳнат унумдорлиги меҳнат ресурсларидан самара фойдала-

миш кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қиймат ҳажми (одатда, бу ялпи ички маҳсулот, яъни алоҳида тармоқлар МВҚСулупинийг кўшилган қиймати) ё банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонига (йиллик меҳнат унумдорлиги), ё ишланган инсон Соатлари сонига (меҳнатнинг соатбай унумдорлиги) бўлиш йўли пинан аниқланади.

Мамлакат ҳўжалигининг ҳолатини аниқлаш учун **йиллик меҳнат унумдорлиги** кўрсаткичи киритилади. Мамлакатда йил давоми-ДВ ишлаб чиқарилган жами маҳсулот сонини фойдаланилаётган жами Ишчи кучи микдорига бўлиб, умуман миллий иқтисоддаги меҳнат-инг унумдорлигини аниқлаш мумкин. Жумладан, унумдорлик иқтисодда банд бўлган киши бошига ЯИМ кўрсаткичи билан тавсифланади.

Меҳнат салоҳиятининг **сифат** жиҳати қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади:

- а) меҳнатга лаёқатли аҳолининг соғлиғи, жисмоний лаёқати;
- б) аҳолининг умумий маълумоти ва касбий-малакавий тайёргарлиги даражаси.

Шундай қилиб, меҳнат салоҳиятининг сон жиҳати унинг экстенсив таркибини ифода этса, сифат жиҳати — интензив таркибини ифода этади. Ўзбекистонда меҳнат салоҳиятининг интензив таркиби анча каттадир. И.А. Каримов қайд этиб ўтганидек: «**Юксак маълумот даражаси меҳнат салоҳиятининг ўзига хос хусусиятидир**». Аҳолининг ялпи саводхонлиги масаласи республикада тўлиқ ҳал қилинган. Аҳолининг саводхонлиги даражаси 99.06% ни ташкил этадики, бу жиҳатдан республика иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан бир даражада туради».

Демографик вазиятнинг комплекс таҳлили қуйидаги ўзаро боғлиқ омиллар ва кўрсаткичларни таҳлилдан ўтказишни назарда тутати:

- **аҳоли сонининг динамикаси;**

Аҳоли сонининг динамикасига таъсир кўрсатадиган омиллар:

а) табиий ўсиш (маълум даврда туғилганлар ва ўлганлар сони ўртасидаги тафовут);

Аҳоли сонини ҳисоблаш учун табиий ўсиш коэффициентидан фойдаланилган тақдирда, қуйидаги формула қўлланади:

$$\begin{array}{l}
 \text{Хар бир} \\
 \text{йилнинг} \\
 \text{бошигача} \\
 \text{бўлган аҳоли} \\
 \text{сони}
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{l}
 \text{Олдиги йилнинг} \\
 \text{бошигача бўлган} \\
 \text{аҳоли сони}
 \end{array}
 \quad
 (H_0) +
 \quad
 \begin{array}{l}
 \text{Ушбу йилда} \\
 \text{аҳолининг ўсиши}
 \end{array}
 \quad
 \delta
 \quad
 (5.11)$$

б) механик ўсиш (миграция жараёнларини акс эттиради ва келганлар билан кетганлар ўртасидаги тафовут тарзида ҳисобланади);

• **аҳолининг сифат таркиби;**

Аҳолининг сифат таркибини белгилайдиган омиллар:

а) ёш тузилиши (турли ёш гуруҳлари сонининг нисбати);

Демографик тавсифлаш учун аҳолининг ёши алоҳида аҳамиятга эга, чунки демографик жараёнларнинг интенсивлиги одамларнинг ёш таркибига боғлиқ. Статистика тадқиқотларида ёш шахе тўлган ёшнинг яхлит сони кўринишида ҳисобланади, яъни у математика қоидаларига кўра яхлитланмайди, балки қаср қисми чиқариб ташланади. Ёшга қараб кўпинча аҳолининг қуйидаги гуруҳлари тафовут этилади: чақалоклар (0-1 ёш), боғча ёшидаги болалар (1-3 ёш), мактабгача ёшдаги болалар (4-6 ёш), мактаб ёшидагилар (7-17 ёш), меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (аёллар — 16-54 ёш, эркеклар — 16-59 ёш), фертил ёшдагилар (аёллар 15-49 ёш), пенсия ёшидагилар (аёллар — 55 ёшдан бошлаб, эркеклар — 60 ёшдан бошлаб).

б) жинс тузилиши;

Аҳолининг жинс тузилиши эркеклар ва аёлларнинг абсолют сони ҳамда аҳолининг умумий сонидан эркеклар ва аёлларнинг салмоғининг нисбий кўрсаткичлари билан тавсифланади.

в) ижтимоий тузилиши (ижтимоий табақаларга мансублик).

• **аҳоли зичлиги**

(муайян минтақада яшайдиган аҳоли зичлиги кўрсаткичи; у ҳудуднинг ўзлаштирилганлиги, одамлар хўжалик фаолиятининг интенсивлиги даражасини тавсифлашга хизмат қилади),

Статистика ахборотини тақлиф этилган схемага асосан таҳлиддан ўтказиш минтақада юзага келган ва меҳнат салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатувчи демографик тенденцияларни аниқлаш имконини беради.

Меҳнат салоҳиятига баҳо бериш.

Аҳолининг сони моҳият эътибори билан меҳнат салоҳияти бўла олмайди. Шунинг учун ҳам меҳнат салоҳиятига баҳо бериш қуйидаги кўрсаткичлар тизими ёрдамида амалга оширилиши лозим:

- банд бўлганлар сонининг динамикаси;
- мулкчилик шакллари бўйича банд бўлганлар сонининг динамикаси ва тузилиши;
- меҳнат ресурслари тармоқ тузилишининг динамикаси (банд этилган меҳнат ресурсларининг иқтисод тармоқлари бўйича тақсимланиши);
- касб-кор тузилиши;
- малакавий тузилиши;
- бандлик даражаси - банд этилганлар умумий сонининг меҳнат ёшидаги аҳоли сонига нисбати;
- ишчи кучининг баланси;
- ишчи кучининг маълумоти даражаси;
- меҳнат унумдорлиги.

Меҳнат бозори ва унинг мониторинга.

Меҳнат бозори иқтисоднинг турли сектор ва тармоқларининг муҳим боғловчи бўғинидир. Меҳнат бозори - бу ишчи кучини олди-сотди қилиш муносабатини билдиради. Меҳнат бозорида ҳам талаб ва таклиф қонуни амал қилади. Бу ерда рақобат шароитида ишчи кучининг олди-сотдиси амалга оширилади. Меҳнат бозорининг бир томонида иш кучи эгаси турса, иккинчи томонида ишчи кучига мухтож корхона, фирма туради. Улар ўртасида айирбошлаш муносабати юз беради. Шу тарзда ишчи кучига талаб ва ишчи кучи таклифи бир-бири билан боғланади.

Меҳнат бозори мониторинги деганда мазкур бозор фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикасидаги ўзгаришларни тезкор тизимли ахборот-таҳлилий кузатиб боришгушунилади. Мониторингнинг мақсади меҳнат биржасида, минтақа ва республика миқёсида юзага келаётган тенденциялар ва кескин муаммоларни аниқлабгина қолмасдан, бандликни таъминлаш, ишсизликнинг назорат қилинадиган даражасини сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан ҳам иборатдир. Мониторингни амалга ошириш учун бандлик хизматининг барча бўғинлари аниқ ишлаши, шунингдек қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига оловчи катта ахборот базаси ташкил этилиши лозим:

- икки усулда ҳисобланадиган ишчи кучига бўлган самарали талаб коэффициентлари:

- а) даврдаги янги бўш жойлари умумий сонининг янги таклиф қилинган ишчи кучининг умумий сонига нисбати;

б) йил давомида эълон қилинган бўш жойларнинг тўлдирилишининг фаол иш қидирганлар орасидан иш топган шахслар сонига нисбати,

- ишчи кучи таклифининг иш ҳақи ўсиши билан эластиклиги,

$\frac{L\%PC}{L\%u/x}$

(5 л 2) •

- ишчи кучига бўлган талабнинг инвестицион ўсиш билан эластиклиги,

$\frac{A\%PC}{A\%Oинвест}$

$\frac{A\%Oинвест}{A\%Oинвест}$

- меҳнат фаолиятига аҳоли турли табақаларининг жалб этилганлиги даражаси банд этилганларнинг мазкур тоифага мансуб иқтисодий фаол шахслар сонига нисбати кўринишида;

- ишсизлар сонининг динамикаси;

- рўйхатга олинган ишсизларнинг ёш ва малака тузилиши;

- ишсизлик даражаси.

- ортикча бандлик кўрсаткичи (бандликнинг ўзгариши билан ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши ўртасидаги тафовут).

Бунда муайян сон кўрсаткичларини таҳлилдан ўтказиш меҳнат бозоридаги умумий вазиятда содир бўлган, минтақада ижтимоий ва иқтисодий кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган сифат ўзгаришларига баҳо бериш мақсадида амалга оширилиши лозим.

Бандлик, даромадлар ва иқтисодий ўсиш нафақат ўзаро боғлиқ, балки бир-бирини белгилайдиган категориялардир, шунинг учун ҳам меҳнат салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлигини таҳлилдан ўтказиш натижалари тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг динамикаси билан, ЯИМнинг ўсиш суръати бандликнинг динамикаси билан, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати реал иш ҳақининг ўсиш суръати билан таққосланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

5.5, Ижтимоий салоҳият, унинг таркиби ва баҳолаш кўрсаткичлари

-8®)

Тадбиркорлик салоҳияти.

Инсон ресурслари фақат меҳнатни эмас, тадбиркорлик қобилиятларини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам меҳнат салоҳиятига комплекс баҳо бериш тадбиркорлик салоҳиятига баҳо бериш билан тўлдирилиши лозим. **Тадбиркорлик салоҳияти деганда одамларнинг тадбиркорлик қобилиятини рўёбга чиқариш имконияти тушунилади.**

Тадбиркорликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ёрдамида иқтисодий ресурслар — меҳнат, капитал, ер, билим ўзаро таъсирга киришади. Тадбиркорларнинг ташаббускорлиги, таваккалчилиги ва кўникмалари бозор механизми орқали бошқа иқтисодий ресурслардан мумкин қадар самарали фойдаланиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш имконини беради. Бозор иқтисодига эга кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси уларнинг иқтисодий ютуқлари, шу жумладан иқтисодий ўсиш суръатлари, инвестициялар тадбиркорлик салоҳиятининг рўёбга чиқарилишига бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Минтақанинг тадбиркорлик салоҳияти одатда тўртта кўрсаткич билан ўлчанади:

- аҳоли сонига нисбатан кичик ва ўрта бизнеснинг сони;
- минтақа ЯИМда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг салмоғи;
- кичик ва ўрта бизнесда банд этилганлар сони;
- кичик ва ўрта бизнесда банд этилган ҳар бир кишига тўғри келган ишлаб чиқариш ҳажми.

Ўзбекистонда республика ЯИМда кичик ва ўрта бизнеснинг салмоғи 2001 йилда 21,6% ни ташкил этди.

Энг унумли кичик ва ўрта бизнес корхоналари Тошкентда, Навоий, Хоразм, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида фаолият кўрсатмоқда. Бу минтақаларда (ҳар 10 минг кишига ҳисоблаганда) энг кўп кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олинган.

Ижтимоий салоҳият ва унга баҳо бериш мезонлари.

Ижтимоий салоҳият қуйидаги кўрсаткичлар тизимини таҳлилдан ўтказишни назарда тутиши лозим:

- **ижтимоий хизматларни маблағ билан таъминлаш:** а) таъ-

лим харажатлари (ЯИМга нисбатан % да), жами, шу жумладан давла I харажатлари; б) соғлиқни сақлаш харажатлари (ЯИМга нисбатан % да), жами, шу жумладан давлат харажатлари;

- таълим кўрсаткичлари: балоғат ёшидан ўтган аҳолининг маълумоти даражаси; ўқув юртларида таълим олиш йиллариниш сони; тегишли ёш тоифалари таркибида таълим олувчиларнинг салмоғи; турли босқичларнинг таълим билан қамраб олинганлиги; олип ва ўрта таълим ўқув юртларида тахсил олувчилар сони; ўқув юртлари сони;

- **соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари:** соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлар кўрсатиш кўрсаткичлари (касалхоналар, амбулаториялар, касалхоналардаги кундузи ва узукун даволаниш ўринлари сони); соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятининг кўрсаткичлари (аҳоли сонига нисбатан врачлар, ҳамширалар, касалхоналардаги ўринлар сони);

- **аҳолининг саломатлиги кўрсаткичлари:** кутилаётган умрнинг узунлиги (ёш); аҳолининг ўлиш даражаси (умуман мамлакат, минтақа бўйича); гўдақлар, 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг даражаси; оналар ўлимининг даражаси; ижтимоий хавфли касалликлар (таносил касалликлар, ОИТС (СПИД), сил, юқумли касалликлар) билан касалланиш даражаси;

- **атроф-муҳит ҳолатининг кўрсаткичлари:** хаво, тупроқ ва ичимлик сувининг ифлосланиш даражаси, уларда ҳаёт учун хавфли элементлар таркиби; тоза сув манбалари билан аҳолининг таъминланганлиги; табиий офатлар (сув тошиши, сел килиши ва ҳ.к.)дан аҳолининг хавфсизлиги даражаси; тупроқнинг шўрланиши, унумдорлиги тавсифи.

Мазкур кўрсаткичлар халқаро амалиётда қабул қилинган инсоннинг барқарор ривожланиши мезонларидир.

Аммо, иқтисодий салоҳиятнинг ижтимоий жиҳатини қўйи-даги динамик кўрсаткичлар: пул даромадлари (аҳоли жон бошига ҳисобланган), истеъмол харажатлари (жами ва аҳоли жон бошига), чакана савдо айланмаси ҳажми (жами ва аҳоли жон бошига), пуллик хизматларнинг амалга оширилиши ҳажми (жами ва аҳоли жон бошига) кўрсаткичлари билан тўлдирмасак, у тўлиқ бўлмайди.

Бозор иқтисоди шароитларида ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши фақат барқарор тўлов лаёқатили талабга асосланиши мумкин. Шунинг учун ҳам минтақанинг иқтисодий ривожланишига ва унинг мамлакат халқ ҳўжалигидаги ўрнига баҳо беришда аҳолининг

му даромадлари, истеъмол харажатлари, чакана савдо айланмаси мм пуллик хизматларнинг амалга оширилиши ҳажми сингари тав-ОИФлар жуда муҳимдир.

Минтақада ижтимоий соҳанинг ривожланишини бошқаришга НИСбаган янгича ёндашувларни қидириш ахборот базасини вужудга I адтириш зарурати билан боғлиқ. Ўзбекистонда республика ва унинг Минтақаларида инсоннинг ривожланишига интеграл баҳо бериш Методикаси ишлаб чиқилган. Бунда инсон ривожланишининг интеграл баҳоси (ИРИБ) қуйидаги кўрсаткичлар асосида аниқланади:

- 1) болалар ва оналар ўлими даражаси;
- 2) ишсизлик даражаси;
- 3) касб-ҳунар таълими билан қамраб олинганлик;
- 4) аҳоли жон бошига ҳисобланган (минтақавий) ЯИМ, минтақавий харид қилиш қобилияти (ХҚҚ)га киритилган тузатиш билли, ўртача ойлик миқдори.

ИРИБни тузиш учун кўрсаткичларнинг қуйидаги чегара (минимал ва максимал) миқдорлари белгиланади (5.4 жадвалга қаранг):

5.4 жадвал

Кўрсаткичлар номи	Минимал миқдори	Максимал миқдори
Болалар ўлими даражаси	0	100
Оналар ўлими даражаси (ҳар 10000 янги туғилган чақалоққа нисбатан)	0	100
Ишсизлик даражаси	0	10
Касб-ҳунар таълими билан қамраб олинганлик	0	100
Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ, ХҚҚга киритилган тузатиш билан, ҳар ойда	1000	50000

Ҳар бир миқдор учун қуйидаги формулалар бўйича алоҳида индекслар ҳисобланади:

1. Болалар ўлими даражасининг индекси (БЎДИ)

$$БЎДИ = \frac{\text{амал. миқдори} - \text{макс. миқдори}}{\text{мин. миқдори} - \text{макс. миқдори}}$$
2. Оналар ўлими даражасининг индекси (ОЎДИ)

$$ОЎДИ = \frac{\text{амал. миқдори} - \text{макс. миқдори}}{\text{мин. миқдори} - \text{макс. миқдори}}$$
3. Ишсизлик даражасининг индекси (ИДИ)

$$ИДИ = \frac{\text{амал. миқдори} - \text{макс. миқдори}}{\text{мин. миқдори} - \text{макс. миқдори}}$$

4. Касб-хунар таълими билан камраб олинганлик индекси (КТҚИ)

$КТҚИ = (\text{амал, микдори} - \text{макс. микдори}) / (\text{мин, микдори макс, микдори})$.

5. Даромад даражасининг индекси (ДДИ)

$ДДЦ = (\text{амал, микдори} - \text{макс. микдори}) / (\text{мин, микдори I макс, микдори})$.

(Дастлабки уч индекс инверсион индекслар, яъни амалдаги миқдор канча ком бўлса, шунча яхши натижа беради; 4-5 индекслар — тўғридан тўғри индекслар, яъни амалдаги миқдор канча кўп бўлса, шунча яхши натижа беради.)

Аҳоли жон бошига ҳисобланган (минтақавий) ЯИМни (минтақавий ХҚҚга киритилган тузатиш билан) аниқлаш учун ҳар бир минтақа бўйича ЯИМнинг амалдаги микдорига истемол товарлари тўплами қиймати билан мазкур тўпланинг Тошкент шаҳридаги ва муайян вилоятдаги қиймати ўртасидаги тафовутни акс эттирувчи коэффициентга қараб тузатиш киритилади (товарлар қиймати ҳақидаги маълумотлар озик-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат маҳсулотларининг стандарт тўплами бўйича олинади). Ҳисоб-китоблар қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$ХҚҚ = ТҚ_{\text{тошк}} / ТҚ, \quad (5.14),$$

бу ерда ХҚҚ, — 1 вилояти коэффициента;

ТҚ<тошк>" Тошкент шаҳридаги тўпланинг қиймати;

ТҚ, - 1 вилоятидаги тўпланинг қиймати.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган (минтақавий) ЯИМ ҳажми (минтақавий ХҚҚга киритилган тузатиш билан) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$ЯИМ_{((ХҚҚ)} = ЯИМ_{1(ашш)} \cdot Ч ЯИМ, \quad (5.15),$$

бу ерда ЯИМ_{1(ХҚҚ)} — аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ (минтақавий ХҚҚга киритилган тузатиш билан);

ЯИМ_(амая) - 1 вилоятининг амалдаги ЯИМи.

Минтақалар ЯИМи миқдорларининг (минтақавий ХҚҚга киритилган тузатиш билан) бир-биридан фарқи уч бараварга етмайди, шунинг учун ҳам дисконтлаш мақсадга мувофиқ эмас.

ИРИБ ҳар бир минтақа учун унинг компонентлари индексларининг оддий ўртача микдори сифатида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{ИРИБ.} = [(2/3 \text{ ЧБЎДИ.}) + (1/3 \text{ ОЎДИ.}) + \text{ИДИ.} + \text{КТҚИ.} + \text{АДИ.}] : 4 \quad (5.16)$$

ИРИБ ҳар йили ҳисобланади.

Тошкент вилояти учун ИРИБни ҳисоблашга мисол (кўрсаткичлар шартли):

Кўрсаткичлар номи	Амалдаги миқдори (шартли)
Болалар ўлими даражаси	27
Оналар ўлими даражаси (ҳар 10000 янги туғилган чақалоққа нисбатан)	17
Ишсизлик даражаси	3,5
Касб-ҳунар таълими билан қамраб олинганлик	71
Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ, ХҚҚга киритилган тузатиш билан, ҳар ойда	19600

1. Болалар ўлими даражасининг индекси (БЎДИ)
 $\text{БЎДИ} = (27 - 100)/(100 - 0) = 0,73.$

2. Оналар ўлими даражасининг индекси (ОЎДИ.)
 $\text{ОЎДИ} = (17 - 100)/(100 - 0) = 0,83.$

3. Ишсизлик даражасининг индекси (ИДИ.)
 $\text{ИДИ} = (3,5 - 10)/(10 - 10) = 0,65.$

4. Касб-ҳунар таълими билан қамраб олинганлик индекси (КТҚИ)

$\text{КТҚИ} = (71 - 0)/(100 - 0) = 0,71.$

5. Даромад даражасининг индекси (ДДИ)

$\text{ДДИ} = (19600 - 1000)/(50000 - 1000) = 0,38.$

$\text{ИРИБ} = [(2/3 \cdot 0,73) + (1/3 \cdot 0,83) + 0,65 + 0,71 + 0,38] : 4 = 0,62.$

Тендер ривожланиши индекси

Халқаро ҳисоб-китобларда турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири деб қабул қилинган инсоннинг ривожланиши индекси (НБ1) эркаклар ва аёлларнинг турмуш даражаси ўртасидаги тафовутни (тенгсизликни) ҳисобга олиш имконини бер-

майди. Шунинг учун ҳам эркаклар ва аёлларнинг турмуш даражасига (жинсий тенгсизлик даражасидан келиб чиқиб) янада тўлиқ баҳо бериш учун сўнгги даврда жаҳон амалиетида тендер ривожланиши индекси (ОО!) қўллана бошланди.

Тендер ривожланиши индекси қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида эркаклар ва аёллар ўртасидаги жинсий тенгсизлик даражасини кўрсатади:

- туғилишда ўлчанадиган (кутилаётган) умрнинг узунлиги;
- маълумоти даражаси;
- ХҚҚ бўйича ўлчанадиган даромад даражаси.

Тендер ривожланиши индексини ҳисоблаш уч босқичда амалга оширилади.

Биринчидан, юқорида зикр этилган кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича эркаклар ва аёлларнинг индекслари қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$\text{Аниқланаётган индекс} = \frac{\text{Амалдаги миқдори} - \text{минимал миқдори}}{\text{Максимал миқдори} - \text{минимал миқдори}}$$

Иккинчидан, эркаклар ва аёллар бўйича алоҳида ҳисобланган мазкур гуруҳга кўрсаткичларининг ҳар бири тендер тафовутларини аниқлаш мақсадида бирлаштирилади. Натижада қуйидаги формула бўйича ҳисобланадиган умумий (тенг тақсимланадиган) индекс олинади:

Тенг тақсимланадиган индекс = {[аёл аҳолининг салмоғи (аёллар индекси¹⁶)] + [эркак аҳолининг салмоғи (эркаклар индекси¹⁶)]} / ¹⁶

€ — тенгсизликни акс эттирувчи коэффицент.

Эркаклар ва аёллар салмоғи тахминан бир хил ва 50% га тенг бўлганида, $\epsilon = 2$ бўлса, умумий индексни ҳисоблаш формуласи қуйидагича ўзгартирилади:

Тенг тақсимланадиган индекс = {[аёл аҳолининг салмоғи (аёллар индекси⁻¹)] + [эркак аҳолининг салмоғи (эркаклар индекси⁻¹)]}''

Бунда мазкур формула эркаклар ва аёллар индексларининг мувозанатини кўрсатади.

Учинчидан, тендер ривожланиши индекси (СО!) ўртача кўрсаткич сифатида (уч тенг тақсимланган индексларни бирлаштириш йўли билан) ҳисоблаб чиқарилади.

ОБ1 ни ҳисоблаш учун (жаҳон амалиётида қабул қилинган) мақсадли кўрсаткичлар

Кўрсаткич	мах. миқдор	мин. миқдор
Аёллар умрининг узунлиги	87.5	27.5
Эркеклар умрининг узунлиги	82.5	22.5
Қатгаларнинг саводхонлиги даражаси (%)	100	0
Умумий рўйхатга олиш даражаси (%)	100	0
Баҳоланган даромад (PPP US \$)	40,000	100

Гевдер ваколатлари коэффициента

Бундан ташқари, жамият ҳаётида аёлларнинг ўрни ва иштироки даражасини баҳолаш учун тендер ваколатлари (СЕМ) коэффициента (ўлчови) ҳисобланади. Аёлларнинг қобилятидан ҳам кўра кўпроқ улар учун жамиятда мавжуд имкониятларга асосланган ушбу кўрсаткич қуйидаги асосий соҳаларда тендер тафовутлари даражасини ҳисобга олади:

- сиёсатда иштирок этиш ва қарор қабул қилиш имконияти (нараментдаги эркеклар ва аёллар сони (салмоғи) кўринишида ўлчанади);

- иктисодда иштирок этиш ва бу соҳада қарор қабул қилиш имконияти (иккита кўрсаткич билан ўлчанади: 1) конун чиқарувчилар, юқори мартабали амалдорлар ва менежерлар орасида эркеклар ва аёлларнинг фоиз улуши; 2) эркеклар ва аёлларда касбий ва техникавий лавозимларнинг фоиз улуши);

- икгисодий ресурсларга эгалик (эркеклар ва аёлларнинг ХҚҚ бўйича АҚШ долларарида баҳоланган даромадлари ҳажми билан ўлчанади).

Бу йўналишларнинг ҳар бири учун тенг тақсимланган (умумий) ЕБЕР индекси ўртача кўрсаткич кўринишида ўлчанади.

ЕБЕРни ҳисоблашца қуйидаги формула қўлланади:

$$ЕБЕР = \{[аёл аҳолининг салмоғи (аёллар индекси¹⁶)] + [эркак аҳолининг салмоғи (эркеклар индекси¹⁶)]\}^{1/6}$$

6 — тенгсизликни акс эттирувчи коэффициент.

Эркаклар ва аёллар салмоғи тахминан бир хил ва 50% га теНН бўлганида, $v = 2$ бўлса, умумий индексни ҳисоблаш формуласи куйидагича ўзгартирилади:

$$\text{ЕБЕР} = \{[\text{аёл аҳолининг салмоғи (аёллар индекси}^1)] + [\text{эркак аҳолининг салмоғи (эркаклар индекси}^1)]\}^m$$

Сиёсат ва иқтисод соҳаларида қарорлар қабул қилиш имконияти тендер ваколатлари даражасини ҳисоблашда умумий индекс кўрсаткичи 50 га бўлинадй. Сўнг даромад даражасини аниқлайдиган учинчи индекс ҳисобланади. Ниҳоят, тендер ваколатлари даражасининг умумий кўрсаткичи (коэффиценти) юқорида зикр этилган уч кўрсаткичдан оддий ўртача кўрсаткич сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Ушбу кўрсаткичлардан жаҳонда мамлакатлар ва минтақалардаги тендер тафовутларидан келиб чиқиб турмуш даражасига баҳо бериш учун мамлакатлараро таққослашларда кенг фойдаланилади,

5.6. Аҳолининг ижтимоий неъматлар билан таъминланганлига кўрсаткичлари

Аҳоли соғлиғининг ҳолати ва соғлиқни сақлаш органларининг фаолияти кўрсаткичлари куйидаги гуруҳларга бўлинадй:

1) абортлар сони; туғилганларнинг умумий сонидан улик туғилганларнинг салмоғи; янги туғилганларнинг умумий сонидан нормадан чекланишлар билан туғилганларнинг салмоғи; болалар ўлими коэффиценти;

2) ногиронлар сони; уларнинг гуруҳлар бўйича (I, II, III гуруҳлар ажратилади), ногиронлик сабаблари бўйича гузилиши; аҳолининг умумий сони ногиронлар салмоғи (алоҳида гуруҳлар ва минтақалар бўйича);

3) аҳолининг умумий касалланиши кўрсаткичлари, бунда касалликларнинг асосий гуруҳлари ажратилади — юрак-қон томири касалликлари; юқумли касалликлар (шу жумладан: грипп, қизамиқ, қичима, таносил касалликлар ва х.к.); зарарли шишлар; жароҳатланиш ва захарланишлар; нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органларининг касалликлари ва х.к.;

4) наркологик касалликлар (алкоголизм, гиёҳваидлик ва захарвандлик) ва рухий касалликлар (психоз, олигофрения, бошқа рухий касалликлар) билан касалланиш кўрсаткичлари;

5) актив сил касаллиги билан хасталаниш кўрсаткичлари

Барча тоифа касалланишларга нисбатан статистика икки кўрсаткични рўйхатга олади: 1) биринчи марта қўйилган ташхисли касаллар сони; 2) даволаш-профилактика муассасаларида ушбу ташхис билан рўйхатга олинган касалларнинг умумий сони.

Соғлиқни сақдаш ташкилотлари ва муассасаларининг фаолияти қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида акс эттирилади:

1) соғлиқни сақдашнинг моддий-техника негизи: касалхоналар, амбулаториялар, поликлиникалар, корхоналар ва муассасалардаги тиббий пунктлар, санаторий ва профилакторийлар ва ҳ.к. сони; мазкур муассасаларнинг қуввати: ўринлар сони, бир сменада қабул қилиниши мумкин бўлган ташрифлар сони, санаторий ва профилакторийлардаги ўринлар сони, болалар боғчалари, меҳрибонлик уйлари, ногиронлар, қариялар ва фахрийлар уйларидаги ўринлар сони;

2) тиббий муассасаларнинг тегишли кадрлар билан таъминланганлиги: врачлар ва ўрта тиббий персонал сони (умумий сони ва ҳар 10000 кигяига тўғри келган сони), алоҳида тиббий ихтисосликлар бўйича врачлар билан аҳолининг таъминланганлиги (ҳар 10000 кишига тўғри келган сони), ўрта ва олий тиббий муассасаларида тиббий кадрларнинг тайёрланиши ва чиқарилиши;

3) тиббий муассасаларнинг фаолияти: амбулатория-поликлиника муассасаларига ташриф буюрувчилар сони; уйда ва амбулаторияда тез тиббий ёрдам кўрсатилган одамлар сони; турли тиббий кўриклардан ўтган шахслар сони (шу жумладан мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва ҳ.к.), стационар даволанишдан ўтган касаллар сони, стационарнинг тўлиш коэффициенти, касалларнинг ўлими коэффициенти, тузалиш коэффициенти.

Соғлиқни сақдаш муассасаларини маблағ билан таъминлаш манбалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағлар; корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан олинган маблағлар, шу жумладан хайрия ва хомийлик фаолияти; аҳолининг маблағлари; тиббий суғурта фондининг маблағлари; халқаро тиббий ёрдам ва инсонпарварлик ёрдами.

Жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишини статистик тавсифлаш учун қуйидагиларни акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими қўлланилади: жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник

негизи (стадионлар, спорт базалари, спорт заллари, бошқа спорт иншоотлари сони ва уларнинг сиғими); иқтисоднинг бу тармоғида банд этилган ходимларнинг меҳнат салоҳияти (сони, малакаси, тренер ва инструкторларнинг тузилиши; хизмат кўрсатувчи ходимлар сони); турли спорт турлари билан шуғулланувчилар сони (хаваскорлар ва профессионаллар ажратиб кўрсатилади); маблағ билан таъминлаш манбалари (чипталар сотилишидан келган тушум; хомийлик; корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг маблағлари; клубларнинг тижорат фаолиятидан олинган даромадлар).

Минтақада *таълимнинг* ривожланишини таҳдиддан ўтказиш кўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади: доимий ишлайдиган мактабгача тарбия муассасалари; умумий таълим мактаблари; бошланғич, ўрта ва олий махсус таълим муассасалари; тижорат таълим муассасалари (гимназиялар, лицейлар, коллежлар, университетлар); мактаб-интернатлар; касал болалар учун махсус мактаблар; хар хил ўқув юртларининг сони; профессор-ўқитувчилар таркибининг сони ва тузилиши; таълим олувчи ўқувчи ва талабалар сони; хар хил ўқув юртлари битирувчилари сони.

Фан ва илмий ташкилотлар (илмий-тадқиқот, конструкторлик, лойиҳалаш ва лойиҳалаш-изланиш ташкилотлари; олий ўқув юртлари, корхоналар ва ташкилотларнинг илмий бўлимлари ва х.к.) фаолиятини таҳдиддан ўтказишда кўйидаги кўрсаткичларга баҳо берилади: ходимлар сони, бажарилган илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ишларининг қиймати, аспирантлар сони, аспирантура битирувчилари, докторантлар сони, ёқланган номзодлик ва докторлик диссертациялари сони.

Ижтимоий салоҳиятга баҳо беришда минтақадаги маданий-оқартув муассасалари (кутубхоналар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, музейлар, театрлар, кинотеатрлар ва х.к.)нинг сонини ҳисобга олиш керак, бунда мазкур муассасалар томонидан ўтказилган тадбирлар сонига ва бундай тадбирларда иштирок этганлар сонига баҳо берилади.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти китоблар, журналлар, газеталарнинг сони ва тиражи, радиотингловчилар ва теле-томошабинлар аудиторияси ва х.к. билан тавсифланади.

Буш вақтнинг мавжудлиги ва ундан фойдаланилиши ҳам жамият ривожланишининг ижтимоий натижалари жумласига киради. Буш вақт деганда хизмат мажбуриятлари, рўзгор ишлари, физиологик эҳтиёжлар (ейиш, ухлаш, ўзига қараш, ҳаммомга тушиш,

сартарошхонага бориш, даволаниш ва ҳ.к.)ни кондиришга сарфланган вақтдан кейин инсон ихтиерида қоладиган вақт тушунилади. Бу бўш вақтдан таълим олиш, болаларни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, маданий эҳтиёжларни кондириш, дам олиш, шахсий ишларни юритиш ва ҳоказоларга сарфлаш мумкин.

Қисқача хулосалар

Минтақанинг иқтисодий салоҳияти — бу минтақа хўжалик комплекслари тармоқларининг маълум даврда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қурилишни амалга ошириш, юк ташиш ва аҳолига хизматлар кўрсата олиш қobili ятидир.

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш имкониятлари фойдаланиладиган ресурсларнинг камчилиги билан чекланади. Бундай чекланганлик жамиятнинг ривожланишига қараб сақлаб қолмай, баъзан ортиб ҳам боради. «Салоҳият» тушунчасига жалб этиладиган ресурслар ва маблағлардан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш мезони деб қараш керак. Унинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги мақсадли функциялари ана шулардан иборат.

Турли мамлакатлар ёки минтақалар ишлаб чиқариш омиллари ва ривожланиш шартлари уйғунлигининг ҳар хиллиги иқтисодий ривожланиш даражасини бир хил нукта назардан баҳолаш имконини бермайди. Бунинг учун бир қатор асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади: аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ/ЯММ ёки миллий даромад; миллий (минтақавий) иқтисоднинг тармоқ тузилиши; аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (алоҳида тармоқларнинг ривожланиш даражаси); аҳолининг турмуш даражаси ва сифати; иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Иқтисодий салоҳиятга баҳо бериш муҳим иқтисодий категория - самарадорлик билан чамбарчас боғлиқ.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларнинг катта бир тизими ёрдамида баҳоланадики, уларни иқтисодий салоҳиятнинг **сифат ва сон кўрсаткичлари**га ажратиш мумкин.

Турли мамлакатлар ёки минтақалар ишлаб чиқариш омиллари ва ривожланиш шартлари уйғунлигининг ҳар хиллиги иқтисодий ривожланиш даражасини бир хил нукта назардан баҳолаш имконини бермайди. Бунинг учун бир қатор асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади: аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ/ЯММ ёки миллий даромад; миллий (минтақавий) иқтисоднинг тармоқ тузилиши; аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (алоҳида тармоқларнинг ривожланиш даражаси); аҳолининг турмуш даражаси ва сифати; иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Иқтисодий салоҳиятга баҳо бериш муҳим иқтисодий категория - самарадорлик билан чамбарчас боғлиқ.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларнинг катта бир тизими ёрдамида баҳоланадики, уларни иқтисодий салоҳиятнинг **сифат ва сон кўрсаткичларига** ажратиш мумкин.

Табиий ресурслар нотекис тақсимланган бўлиб, бунинг натижасида турли ҳудудлар, мамлакатлар, минтақалар ва ҳатто қитъалар **ресурслар билан ҳар хил таъминланган**. Бошқача қилиб айтганда, улар ҳар хил ресурс салоҳиятига, яъни табиий ресурслар миқдори ва улардан фойдаланиш ҳажмларининг нисбатига эга.

Табиий ресурсларга баҳо беришда кўплаб (иқтисодий, ижтимоий, техникавий, экологик-жуғрофий) омилларни эътиборга олиш лозим.

Ишлаб чиқариш салоҳияти — бу маълум давр оралиғида зарур ассортимент ва сифатга эга бўлган маҳсулотни маълум миқдорда ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Ишлаб чиқаришнинг алоҳида омили сифатида капитал **одамлар даромад олиш учун бўлеуси иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш мақсадида яратган** барча ишлаб чиқариш ресурслари — дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, янги технологиялар ва ишловлар, дастурий маҳсулларни бирлаштиради.

Иқтисодий нуқтаи назардан **реал капитал** (ишлаб чиқариш капитали), яъни ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги капитал ҳамда **пул капитали**, яъни молиявий шаклдаги капитал тафовут этилади. Баъзан товар капитали ҳам тафовут этилади.

Ишлаб чиқариш салоҳияти (ИЧС)ни умумий кўринишда қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин: $ИЧС = — \Phi \ Ч \ у\$.$

Инвестициялар — бу мамлакат ичиди ва чет элда иқтисод тармоқларига капитални узрқ муддатли жойлаштиришидир. Реал инвестициялар — иқтисоднинг муайян тармоқларига капитални жойлаштириш ва **молиявий инвестициялар** - қимматли қоғозлар харид қилиш тафовут этилади,

Меҳнатга лаёқатли аҳоли — бу аҳолининг маълум ёш доираси билан чегараланган қисмидир.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида **иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол** аҳоли ажратилади.

Иқтисодий фаол аҳоли деганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибига кирувчи ишлаётган аҳоли ва ишлаб чиқаришда иштирок этишни хоҳловчилар (ишсизлар) тушунилади.

Мехнат ресурслари ўзининг сон ва сифат кўрсаткичларига : и и бўлиб, биргаликда жамиятнинг мехнат салоҳиятини белгилаб (к* рувчи абсолют ўлчовни ташкил этади. Бу ўлчов ҳам ўз навбатида сон ва сифат жиҳатларига эга.

Мехнат бозори мониторинги деганда мазкур бозор фаолияти нинг асосий кўрсаткичлари динамикасидаги ўзгаришларни тезкор тизимли ахборот-таҳлилий кузатиб бориш тушунилади. Мониторингнинг мақсади мехнат биржасида, минтака ва республика миқёсидм юзага келаётган тенденциялар ва кескин муаммоларни аниқлабгина қолмасдан, бандликни таъминлаш, ишсизликнинг назорат қилинадиган даражасини сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ҳам иборатдир.

Тадбиркорлик салоҳияти деганда одамларнинг тадбиркорлик қобилиятини рўёбга чиқариш имконияти тушунилади,

Ижтимоий салоҳият қуйидаги кўрсаткичлар тизимини таҳлилдан утказишни назарда тутиши лозим: ***ижтимоий хизматларни маблағ билан таъминлаш; таълим кўрсаткичлари; сотиқни сақлаш кўрсаткичлари; аҳолининг саломатлиги кўрсаткичлари; атроф муҳит ҳолатининг кўрсаткичлари.***

Аммо иқтисодий салоҳиятнинг ижтимоий жиҳатини қуйидаги динамик кўрсаткичлар: пул даромадлари (аҳоли жон бошига ҳисобланган), истеъмол харажатлари (жами ва аҳоли жон бошига), чакана савдо айланмаси ҳажми (жами ва аҳоли жон бошига), пуллик хизматларнинг амалга оширилиши ҳажми (жами ва аҳоли жон бошига) кўрсаткичлари билан тўлдирмасак, у тўлиқ бўлмайди.

Минтакада маданият ва спортнинг ривожланиши даражасини аниқлашда тегишли ташкилот ва муассасаларнинг моддий-техникавий негизига, уларнинг кадрлар билан таъминланганлиги даражасига ва мазкур ташкилот ва муассасалар томонидан кўрсатилган хизматларнинг сифатига баҳо берилади.

Уч имконият — узок ва соғлом умр кечириш, билим олиш ва ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш — муносиб турмуш даражасининг муҳим шартларидир. Шунинг учун ҳам соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларининг ривожланиш даражаси ва даромадлар ҳажми (аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми) инсонни ривожлантириш индекси (ИРИ)га унинг муҳим таркибий қисмлари сифатида киритилади.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Иқтисодий салоҳиятга таъриф беринг.
2. Иқтисодий самарадорликнинг қайси кўрсаткичларини бимасиз?
3. Ишлаб чиқариш омиллари деганда нималар тушунилади?
4. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлаш учун аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичининг ўзи етарли эмаслиги сабаби сизнингча нимада?
5. Нима учун инсон капитал ига бугунги кунда иқтисодий ўсиши инг муҳим омили деб қаралади?
6. Табиий салоҳиятга таъриф беринг.
7. Табиий ресурслар нима?
8. Табиий ресурсларнинг қайси туркумларини биласиз? Мисоллар келтиринг.
9. Ресурс билан таъминланганлик нима?
10. Ресурс салоҳияти қандай баҳоланади?
11. Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашнинг қайси усуллари мавжуд?
12. Рекреацион салоҳият нима?
13. Ишлаб чиқариш капитали нима?
14. Капитал ишлаб чиқариш омили сифатида қандай таърифланади?
15. Асосий капиталга баҳо беришнинг қандай усуллари мавжуд?
16. Инвестицияларга таъриф беринг. Инвестицияларнинг қайси турларини биласиз?
17. Ишлаб чиқаришда капиталнинг иштироки қандай таърифланади? Капиталнинг ўртача ва энг катта коэффицентларини таърифланг.
18. Меҳнат салоҳиятига таъриф беринг.
19. Меҳнат ресурслари нима? «Ишчи кучи» билан «банд этилганлар» тушунчаларининг фарқи нимада?
20. Меҳнат ресурслари таркибини айтиб беринг.
21. Минтақалар меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги даражасига қараб қандай ажратилади?
22. Меҳнат баланси нима?
23. Меҳнат салоҳияти қандай ҳисобланади?
24. Инсон капитали нима?

25. Инсоннинг ривожланиши индекси нима ва у нима учун ўлчанади?
26. Тадбиркорлик салоҳияти нима ва у қандай ўлчанади?
27. Аҳолининг даромадлари даражасига баҳо беришнинг қандай усуллари мавжуд?
28. Ижтимоий салоҳиятга таъриф беринг.
29. Мамлакатда маданият ва спортнинг ривожланиши кўрсаткичларини айтиб беринг.
30. Статистикада таълимни тавсифлаш учун қайси кўрсаткичлардан фойдаланилади?
31. Аҳоли соғлиғининг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни айтиб беринг.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". Т., "Ўзбекистон", 1997.
2. Бобылёв С. Н, А.В Стеценко. «Экономическая оценка природных ресурсов и услуг». Вестник Московского Университета № 81.2000.
3. «Макроэкономика». Учеб.пособие для вузов. Под ред. И.П.-Николаевой. ВЗФИ. М., ЗАО «Финстатинформ». 1999. 213 стр.
4. Маршалова А.С, НОВИКОВА. С. «Основы теории регионального воспроизводства» М., «Экономика». 1998.
5. «Обзор социально-экономического развития регионов Республики Узбекистан» Экономическое обозрение. № 8-9. 2001.
6. «Экономика». Под. ред. проф. АС. Булатова. М., «Юрист». 2000.

Фойдаланилган адабиётлар рўяхати:

1. Комаров М.П.. «Инфраструктура регионов мира». М., 2000.
2. Копанов Г.В. «Региональная экономика». Ижевск., «Персей». 1994.
3. Ларина Н. И., Кисельшков А.А. «Региональная политика в (гранах с рыночной экономикой)». М., «Экономика». 1998.
4. «Макроэкономика». Учеб. Пособие для вузов. Под ред. И.П. Николаевой. ВЗФИ. М., ЗАО «Финстатинформ». 1999. 213 стр.
5. «Микроэкономика. Теория и российская практика». Учебник. Под ред. А.Г.Грязновой и А.Ю.Юданова. М., ИТД «КноРус». 1999.544 стр.
6. «Обзор социально-экономического развития регионов Республики Узбекистан». Экономическое обозрение. № 8-9. 2001.
7. «Региональная экономика». Учеб. Пособие. Под ред. М. В. Степанова. М., «ИНФРА. - М». 2001. 463 стр.
8. Сиденко А.В. и др. «Статистика». Учебник. М., «Дело и Сервис». 2000.464 стр.
9. «Узбекистан в фокусе глобальной политики». Экономический вестник Узбекистана. № 4/5. 2001.
10. Шишов С. С. «Экономическая география и регионалистика». М., ЗАО. «Финстатинформ». 1998. 127 стр.
11. «Экономика». Под. ред. проф. А.С. Булатова. М., «Юрист». 2000.
12. «Экономическая статистика». Учебник. Под.ред. Ю.Н.Иванова. М., «ИНФРА-М». 1998. 480 стр.

Матнда учрайдиган мураккаб атама ва иборалар луғати

Тикланадиган табиий ресурслар - бу ишлатилишига қари табиий жараёнлар ёки инсоннинг онгли фаолияти таъсирида қ. . . . тикланадиган ресурслардир.

Дисконтлаш деганда бўлғуси даромадларни ҳозирги қийма тига келтириш йўли билан баҳолаш (ўлчаш) усули тушунилади,

Ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари — бу ер остида ва унши юзасида жойлашган, ишлаб чиқариш жараенига ишлаб чиқариш омиллари сифатида жалб этилиши мумкин бўлган табиий ресурслардир.

Изокванта деганда берилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ишлаб чиқариш имконини берадиган ишлаб чиқариш омиллари уйғунлигининг ҳар хил вариантларини ифода этадиган эгри чизик, нуқталарнинг геометрик ўрни тушунилади.

Инвестициялар — *бу мамлакат ичида ва чет элда иқтисод тармоқларига капитални узок муддатли жойлаштиришдир. Реал инвестициялар* — иқтисоднинг муайян тармоқларига капитални жойлаштириш ва *молиявий инвестициялар* - қимматли қоғозлар харид қилиш тафовут этилади.

Ахборот - бу моҳият эътибори билан янгилик унсурларига эга, маълум фаолият соҳаси ҳақида маълумот олиш ва мақбул қарорлар қабул қилиш имконини берадиган маълумотлардир.

Капитал (К) — бу меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида одамлар томонидан яратилган ишлаб чиқариш ресурслари (машиналар, бинолар, компьютерлар, трубопроводлар, темир йўллар ва ҳоказолар)дир.

Айланма капитал ҳар бир ишлаб чиқариш циклида бир марта ёки тўлиқ ишлатилади (яъни ўзининг истеъмол қийматини тўлиқ йўқотади).

Асосий капитал жумласига асосан бир йилдан ортиқ, бир неча йил, ҳатто ўн йилликлар давомида хизмат қиладиган ва бир нечта ишлаб чиқариш цикли давомида аста-секин фойдаланиладиган мол-мулк киради.

Асосий капитални дастлабки қиймати бўйича баҳолаш - бу мазкур капитал ишлаб чиқариш жараенига киритилган йили унинг қийматининг пул ифодасидир.

Тикланган қиймати бўйича баҳолаш - бу асосий капиталнинг фойдаланишдан чиқарилган пайтдаги қийматининг пул ифодасидир.

Крдиқ қиймати бўйича баҳолаш деганда асосий капиталнинг фойдаланишга киритилган пайтдаги қийматининг айна давргача || киришини эътиборга олган ҳолдаги пул ифодаси тушунилади.

Тикланмайдиган табиий ресурслар - бу тўлиқ тугаганидан и пик тиклаш мумкин бўлмаган ресурслардир.

Капиталнинг энг катта коэффиценти — бу капиталнинг КОЙлаштирилиши (инвестициялар, унинг ўсиши) ва маҳсулот ёки Иромаднинг тегишли ўсиши нисбатидир.

Потенциал ЯИМ (ёки шунисодий салоҳият) деганда мавжуд ... лаб чиқариш ресурслари: капитал, ишчи кучи, табиий ресурслар- /;ш тўлиқ фойдаланилганида, яъни ресурслар тўлиқ банд этилганид- дп олиними мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми тушунилади.

Табиий-ресурс салоҳияти табиий ресурсларнинг мавжудлиги, улар- нпиг сони, сифати ва уйғунлиги худуднинг билан белгиланади. Табиий- ресурс салоҳияти мавжуд фойдали қазилмаларни, худуд рельефини, Вр-сув ресурсларини ва сейсмик бузилиш даражасини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш функцияси деганда мавжуд билим даражаси Ва фойдаланилаётган технологиялардан келиб чиқиб ишлаб чиқа- рилаётган маҳсулотнинг ўсишига турли ишлаб чиқариш омиллари- пинг таъсирини акс этирувчи математик ифодаланган боғлиқлик тушунилади.

Рекреацион салоҳият деганда инсоннинг жисмоний ва маъ- навий кучларини тиклаш ва ривожлантиришга иуналтирилган фао- лият (дам олиш, туризм) билан шуғулланиш учун минтақанинг имкониятлари ва тайёрлиги тушунилади.

Ресурс билан таъминланганлик деганда ресурс салоҳияти, яъни табиий ресурсларнинг катталиклари билан уларнинг миқдорлари ўртасидаги нисбаттушунилади.

Капиталнинг ўртача коэффиценти — бу ишлатилган капи- тал ва олинган маҳсулот ёки даромад нисбатидир.

Меҳнат ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омили сифатида неъматлар яратиш ва хизматлар курсатишга иуналтирилган ақлий ва жисмоний фаолиятни ўзида мужассамлаштиради.

Шунисодий фаол аҳоли деганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибига кирувчи ишлаётган аҳоли ва ишлаб чиқаришда иштирок этишни хоҳловчилар (ишсизлар) тушунилади.

Шунисодий нофаол аҳоли деганда давлат ва айрим кишилар қарамоғида бўлган, ҳеч қаерда ишламайдиган аҳоли тушунилади.

Шунисодий салоҳият — қаранг: **ишлаб чиқариш салоҳияти**.

VI БОБ

МАҲАЛЛИЙ ТУЗИЛМАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖПАНТИРИШНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ

6.1. Ижтимоий-иқтисодий прогноз тушунчаси, унинг вазифалари ва мазмуни

Мамлакат яхлит иқтисодий тизимининг бир қисми ҳисобланган минтақавий иқтисодга мамлакат иқтисодий тизими фаолиятининг барча асосий хусусиятлари:

- ижтимоий-иқтисодий муносабатлар;
- фаолиятнинг ташкилий шакллари;
- хўжалик юритиш механизми;
- ишлаб чиқариш алоқалари ҳосдир.

Шундай қилиб, *минтақажнг ижтимоий-иқтисодий тизими* — бу моддий ва бошқа неъматлар ишлаб чиқариш, уларни айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларини қамраб олувчи эҳтимол тутиладиган мураккаб динамик тизимдир.

Бозор иқтисоди тизимининг ривожланишига кўмаклашиш мазкур тизимнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бу куйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- такрор ишлаб чиқариш жараёни бозор хусусиятига эгаллиги билан;
- тармоқлараро ва минтақалараро алоқаларнинг мураккаблашиши билан;
- фаолият кўрсатаётган иқтйеоднинг турли жиҳатлари ўртасида уйғунликни саклаш зарурати билан;
- нестандарт инқирозли вазиятларда мақбул ечимлар топишга бозорнинг лаёқатсизлиги билан.

Прогноз кўрсаткичлари бозор иқтисодининг самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи асосий кўрсаткичлар қаторида туради.

Минтақалар ресурс салоҳиятининг келажакдаги реал ҳолатини тахмин қилиш бугунги кунда айникса долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу авваламбор бозор иқтисодига ўтиш даврининг ресурс имкониятлари чекланган шароитларида мазкур ресурслардан самарали фойдаланиб, бозор иқтисоди сари жадал ҳаракат қилиш зарурати билан изоҳланади. Бундай шароитларда ходисаларни прогноз қилиш уларга олдиндан тайергарлик кўриш, уларнинг ижобий ва

| албий окибатларини эътиборга олиш, бир катор холларда эса — уларнинг ривожланиш жараёнига аралаштириш, уларни назорат қилиш имконини беради. Бунда прогнозлар ўз вақтида қилинган, илмий асосланган ва ишончли бўлиши керак. Прогнозларда тўғри қарор қабул қилиш учун ахборот етарли бўлиши лозим.

Минтакавий ривожланишни прогноз қилиш прогноз воситаларининг кенг ассортиментинигина эмас, унинг ресурс салоҳияти ва минтакавий ривожланишнинг устувор йўналишларини ҳам илмий билишни талаб этади.

Ижтимоий-иқтисодий прогноз (ИИП) деганда мавжуд статистикадан; илмий билиш усулларида фойдаланиб; агентнинг харақатларида амал қилаётган қонуниятлардан; меъёрий-ҳуқуқий чеклашлардан келиб чиқиб; прогноз қилиш усуллари ва воситалари ёрдамида иқтисодий агентнинг келажакдаги ҳолатини илмий асосда ишлаб чиқиш жараёни тушунилади.

Иқтисодий агентнинг келажакдаги ҳолатини билиш ИИП предметини, агентларнинг фаолияти ва ўзаро таъсири механизмларинигина эмас, мазкур агентларнинг таркибини, уларнинг мақсад ва вазифаларини, меъёрий-ҳуқуқий чеклашларни, объектив қонуниятларни ва ҳоказоларни ҳам ўз ичига олувчи кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш жараёни эса ИИП объектини ташкил этади.

Минтакадаги тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўрганилаётган жиҳатига қараб, мазкур жараённинг ҳар хил элементлари: ишлаб чиқариш кучлари, молиявий салоҳият, меҳнат ресурслари, аҳолининг турмуш даражаси ва ҳоказолар иқтисодий прогноз қилиниши мумкин.

Прогнозларни олиш ва қўйилган мақсадга мувофиқ ўрганилаётган иқтисодий агентнинг ҳолатини янада яхшилаш мақсадида кундалик воқеликка таъсир қилатиш учун мазкур прогнозлардан фойдаланиш ИИПнинг вазифаси ҳисобланади.

ИИП умумий илмий-диалектик тадқиқот усулларида ва фақат иқтисодга ёки модель аппаратларига хос бўлган воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Прогноз объектларига қараб, нафақат иқтисод фанлари, балки бошқа фанлар ва, табиийки, амалиёт ютуқларидан ҳам кенг фойдаланилиши лозим.

Прогноз натижалари, ишлаб чиқилаётган тегишли иқтисодий агентни ривожлантириш режасининг дастлабки мўлжаллари сифатида, агентнинг асосий стратегик вазифаларига зид бўлмаслиги

керак, яъни маълум концептуал принципларга амал қилиши лозим.

Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий прогноз қилиш кулладаги принципларга асосланиши лозим: стратегик ва жорий наш фаларнинг ягоналиги; прогнознинг тизимлилиги; илмий асосланганлиги; ривожланишнинг объектив қонуниятларига прогнознинг мувофиқлиги.

Прогнознинг *тизимлилиги* бир иқтисодий агент доирасиди тадқиқотнинг турли жihatлари бўйича мувофиқлаштирилган || зиддиятсиз прогнозлар олиш имкониятини назарда тутди.

Илмий асосланганлик принципи прогнозлар тузиш бу соҳад тўпланган маҳаллий ва чет эл тажрибасини ҳамда бу соҳада қўл киритилган ютуқларни чуқур ўрганишга асосланиши керак, деб кўрсатади.

Ривожланишнинг объектив қонуниятларига прогнознинг *мувофиқлиги* принципи иқтисоднинг ривожланишидаги барқарор тенденциялар ва ўзаро алоқаларни аниқлаш жараёнинигина эмас, уларга баҳо бериш ва реал иқтисодий жараёнларнинг назарий аналогии и яратишни ҳам таърифлайди.


6.2, Ижтимоий-иқтисодий прогноз усуллари ва моделлари

Ижтимоий-иқтисодий прогноз усуллари — бу тадқиқот объектининг келажакдаги ҳолати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва жараёнларни ўрганишда фойдаланиладиган иқтисод, математика, бошқа фанлардан ва амалиётдан олинган билимлар мажмуидир.

Прогноз қилиш усуллари ягона туркумлаш усули мавжуд эмас, аммо куйидаги схемани (6.1 схемага қаранг) ижтимоий-иқтисодий прогноз усуллари туркумлашга нисбатан ендашувлардан бири деб олиш мумкин. Бу схемада прогноз қилиш усуллариининг формаллаштирилганлик даражаси туркумлаш мезони деб қабул қилинган.

Прогноз қилиш усуллариини туркумлашда прогноз қилиш усуллариини мазмунан тизимга солиш прогноз объекти, иқтисодий ривожланиш жараёнлари ва уларнинг қонуниятлари билан белгилашниини назарда тутиш зарур.

Ушбу туркумлаш усулига кўра иқтисодий прогноз қилиш усуллариини интуитив ва формаллаштирилган усулларга ажратиш мумкин.



6.1-схема. Прогноз қилиш усуллари туркумлиниши

Прогноз қилишнинг интуитив усуллари прогноз объекти анча мураккаблиги туфайли кўпгина омилларнинг таъсирини эътиборга олиш мумкин бўлмаган, ноаниқлик катта бўлган, ишончли ахборот бўлмаган, объектни предметли тавсифлаш ёки математик формаллаштиришнинг иложи бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Бундай ҳолларда эксперт баҳолашлардан фойдаланилади. Мазкур усуллар туркуми шунга асосланганки, жамоавий фикрлашда, биринчидан, патижаларнинг аниқлик даражаси катта бўлади, иккинчидан, экспертлар томонидан бериладиган индивидуал мустақил баҳоларни ишлаб чиқишда унумли ғоялар туғилиши мумкин. Бунда **индивидуал ва жамоавий** эксперт баҳолашлари тафовут этилади.

Индивидуал эксперт баҳолашлари таркибига қуйидагилар киради: «интервью» усули, бунда эксперт «савол-жавоб» схемаси бўйича мутахассис билан бевосита алоқа қилади; таҳлилий усул, бунда бирон-бир прогноз қилинадиган вазият мантикий таҳдидан ўтказилади, таҳлилий маълумотлар тузилади; ҳар хил шароитларда жараён ёки ҳодиса мантиғини аниқлашга асосланган сценарий ёзиш усули.

Жамоавий эксперт баҳолашлари усуллари асосан «ғояларни жамоавий тўплаш» («мия ҳужуми») усули, «Дельфи» усулини ўз ичига олади.

Прогноз қилишнинг эксперт баҳолашлар туркумига эвриспп прогноз қилиш усули киради. Бунда бирон-бир эвристика ёрдамшм эксперт баҳолашларни «қидириш дарахти» тузилади ва ўрганшқу/п

Эвристик прогноз қилиш усулининг тузилиши қуйидаги асо- сий элементлардан ташкил топади: эксперт командаларини тузиш ва экспертларнинг лаёқатини баҳолаш; масалаларни ишлаб чиқиш ва эксперт баҳолашлар жадвалларини тузиш; экспертлар ишипи таҳлидан ўтказиш; эксперт баҳолашлар жадвалларини қайта иш- лаш алгоритмлари; олинган прогнозларни вариантларга ажратиш усули, прогноз моделларини синтез қилиш.

Формаллаштирилган усуллар туркумига иккита кичик туркум: экстраполяция ва моделлаштириш туркумлари киради.

Тизим, ҳодисалар барқарор бўлган, истикболдаги жараёнлар, кўрсаткичларнинг динамикаси уларнинг ўтган даврдаги ўзгариш тенденциялари билан белгилан ҳолларда экстраполяция усули қўлла- нилади. Ривожланиш узлуксиз, силлиқ бориши, ўтган замондаги кучлар келажакни назорат қилишга кодирлиги назарда тутилади. Прогноз ўтмишни келажакдаги проекциясига айланади.

Вақт қаторларини таҳлидан ўтказиш, ретроспектив қаторни ишлаб чиқиш экстраполяция усулининг муҳим элементиدير. Вақт қаторини ишлаб чиқиш силлиқлаш ва текислашни, ўзгаришларни минималлаштирувчи коэффицентларни кидиришни ўз ичига олади.

Биринчи кичик туркумга сирпанувчи ўртача катталиқлар, экспоненциал силлиқпаш, энг кичик квадратлар усуллари киради.

Сирпанувчи ўртача катталиқлар усули навбатдаги вақт кўрсат- кичи ўз катталигига кўра сўнгги ойлардаги (йиллардаги) ўртача катталиққа, масалан, охириги 3 ойдаги ўртача катталиққа тенглиги- ни назарда тутди. Экспоненциал силлиқлаш усулида прогноз ста- тистик йўллар билан аниқланадиган махсус коэффицентлар ёрда- мида ўлчанган амалдаги рақамлар ва прогноз рақамларининг йи- ғиндиси тарзида аниқланади. Энг кичкина квадратлар усулининг мохияти шундаки, ўрганилаётган ҳодисани тавсифловчи функция шундай танлаб олинадики, кузатилаётган нуқталарда ҳисобланган рақамларнинг амалдаги рақамлардан ўртача квадратик оғиши энг кичкина бўлсин.

Прогноз қилишда қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий жа- раёнларни моделлаштириш усули иқтисодий-математик моделар ишлаб чиқиш ва уларнинг ечимини топиш асосига қурилади. Ама- лий математика, айниқса, унинг бўлимлари, чизиқли ва макбул

дастурлаштириш, математик статистика, уинлар назарияси, чи-Зиксиз (параметрик, статистик ва бошқ.) дастурлаштириш ва хокаюлар моделлаштиришнинг негизини ташкил этади.

Моделлаштириш кўпгина омилларни эътиборга олиш, ўзаро гаъсирларни аниқлаш, энг яхши вариантлар ва ечимларни танлаш имконини беради. Иктисодий ўсиш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, юк ташишни мақбуллаштириш, тармокдараро мувозанат моделлари айникса кўп қўлланилади. Хар бир модель амалдаги ҳодисаларни юкланган параметрлар доирасида акс эттиради, буни масалаларни ечиш натижаларини тахдиддан ўтказишда эътиборга олиш галаб этилади.

Иккинчи кичик туркумга баланс, меъёрий ва имитациявий моделлаштириш киради.

Баланс усули мазкур бўлимнинг асосий усулларида бири бўлиб, эҳтиёжларни ресурслар билан боғловчи, яъни иктисодда асосий муаммонинг ечимини топишга қўмаклашувчи усул сифатида универсал аҳамиятга эга. Баланс усули ёрдамида номутаносибликлар аниқланади, халқ хўжалиги пропорциялари тартибга солинади, режа бўлимлари билан кўрсаткичлари ўртасидаги зарур нисбатлар тартибга солинади, резервлар аниқланади, иктисодий мувозанат ўрнатилади. Барча баланслар иккита бўлимдан ташкил топади: биринчи бўлимда ресурсларнинг ва уларнинг манбалари кўрсатилади, иккинчи бўлимда эҳтиёжлар ёки ресурсларни тақсимлаш аниқланади.

Тармокдараро баланс — баланс моделининг ёркин намунасидир. Мазкур модель маҳсулотларни тақсимлаш ва уни ишлаб чиқариш харажатларини ўзаро боғлашни назарда тутаети. Бу усул фан ва амалиётда «харажатлар — маҳсулот» усули номи билан машхур.

Меъёрий усулда меъёрлар ва меъёрийлар қонунчилик негизида ёки меъёрий негизда олдиндан ишлаб чиқилади. Меъёр - бу мумкин бўлган энг катта миқдордир. Меъёрий деганда ишлаб чиқариш жараёни элементларининг нисбати (норма элементи) тушунилади. Меъёрлар барча аҳамиятли кўрсаткичларга белгиланади. Ресурс, иктисодий, ижтимоий меъёрлар ва меъёрийлар тафовут этилади. Зарур ҳолда улар муайянлаштирилади ва алоҳида йўналишлар, объектлар, минтақалар бўйича табақалаштирилади. Масалан, куйидаги меъёрийлардан фойдаланилади:

- ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги меъёрийи — аҳоли жон бошига, асосий фондлар қийматининг бирлигига нисбатан ҳисобланган миллий даромад;

- ижтимоий ривожланиш меъёрийи ~ аҳоли жон бошига НИ батан истеъмол, турар жой майдони, касалхоналардаги беморларп мўлжалланган ўринлар сони, тирикчилик минимуми ва бошқала>,
- капитал сармоялар меъёрийи — солиштирма кўрсаткичлар;
- қувватлардан фойдаланиш меъёрийи;
- меҳнат ва меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрийи;
- хом ашё ва материаллар сарфи меъёрийи;
- молиявий меъёрийлар — амортизация, даромадлилик даражаси, мажбурий тўловлар ва бошқалар;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш меъёрийлари — сув сарфи, ҳавонинг тозалиги ва бошқалар.

Меъёрийлар ёрдамида бозор ва бозордан ташқари иқтисодий муносабатлар тартибга солинади. Бозор муносабатлари соҳасида солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар ва ажратмалар, захира фондларининг меъёрийлари, резерв талаблари, тижорат банклари низом капиталининг энг кам миқдорига қўйиладиган талаблар, иш куни, ҳафтаси, меҳнат таътилининг узунлиги меъёрийлари ва бошқа меъёрийлар амал қилади. Ноишлаб чиқариш соҳасида энг кам пенсия миқдори, маориф соҳасидаги харажатлар, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатиш соҳасидаги харажатларнинг меъёрийлари ҳамда республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан таъминланадиган бошқа меъёрийлар ҳам қўлланилади.

Меъёрийлар кўринишида шунингдек иқтисодий хавфсизликнинг бўсаға миқдорлари ҳам белгиланади, масалан:

- озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг бўсаға миқдори — купи билан истеъмол ҳажмининг 15-20% миқдорида;
- банк капиталида чет эл сармоясининг салмоғи — купи билан 12%.

Бозор иқтисоди шароитларида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ва пропорциялари ҳам конъюнктура кўрсаткичлари: товар нархи, акциялар курси, фоиз ставкалари, валюта курси ва бошқалар ёрдамида билвосита прогноз қилинади ва режалаштирилади. Ишлаб чиқарувчилар бундай кўрсаткичлар орқали сигналлар олиб, ишлаб чиқариш дастурларига, экспорт-импорт операцияларига тузатиш киритадилар. Конъюнктура кўрсаткичларининг даражаси асосан бозор негизда аниқланади.

Бундай шароитларда имитация модели прогнознинг ишончлилигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий прогноз қилиш усулларининг иккала туркуми —

интуитив усуллар ҳам, формаллаштирилган усуллар ҳам прогноз объекта ва унинг ўтган замонда ривожланиши ҳақида мавжуд маълумотларга асосланади, бунда интуитив усуллар эксперт-мутахассисларнинг баҳолашларига қараб олинган ахборотга, формаллаштирилган усуллар эса — тегишли воситалар ёрдамида олинган ахборот негизига қурилади.

Комбинация қилинган усуллар иқтисодий прогноз қилиш усулларининг туркумлари орасида алоҳида ўрин тутади. Улар бошқа ҳар хил усулларни, масалан, жамоавий эксперт баҳолашлари ва моделлаштириш ёки статистик усулларни ҳамда экспертларни сўровдан ўтказишни бирлаштиради. Бунда фактографик ахборотлар ва эксперт ахборотларидан фойдаланилади.

Эришилиши мумкин бўлган натижалар ва прогноз қилинган ривожланиш йўллари баҳолаш нуқтаи назаридан уларни уч босқичга: тадқиқот, дастурий ва ташкилий босқичларга ажратиш мумкин.

Тадқиқот прогнозининг вазифаси бўлғуси ривожланишнинг эҳтимол тутилган натижаларини аниқлаш ва қўплаб вариантлар орасидан битта ёки бир нечта ижобий натижаларни танлаб олишдан иборат. Масалан, аҳоли фаровонлигининг ошишини аҳоли турмуш даражасининг ўсишида, моддий ва бошқа неъматлар ҳажмининг ортишида акс эттириш мумкин.

Мазкур босқичнинг асосий мақсади эҳтимол тутилган истикболларнинг кенг доирасини прогноз даврид ечими топилиши лозим бўлган бир ёки бир қатор муайян муаммолар кўринишида очиб беришдан иборат.

Прогнознинг дастурий жиҳати мақбул ва зарур натижаларга эришиш йўллари (вариантларини) аниқлашни назарда тутади.

Прогнознинг ташкилий жиҳати у ёки бу вариант бўйича маълум натижага эришилишини таъминлайдиган ташкилий-техникавий тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Ташкилий жиҳатда мавжуд иқтисодий ресурслар ва тўпланган илмий салоҳият ҳақида тасавурлардан келиб чиқилади. Бу ерда фаннинг ташкилий кўрсаткичлари мажмуини ривожлантиришнинг асосланган гипотезаси таърифланиши, тавсия этилган ресурсларни тақсимлаш схемасига ва прогноз даврида илмий салоҳиятнинг ўсиш истикболларига баҳо берилиши керак.

Прогноз қилишнинг юқорида кўриб чиқилган босқичлари одатда комплекс бўлиб келади ва ўзаро таъсирга киришади.

Прогноз қилишнинг тегишли моделларини жалб этган ҳолда

тадқиқот объектини моделлаштириш прогноз қилиш усулларидин бири ҳисобланади. У таҳлилий тадқиқот, маълумотлар базасини тайёрлаш, асосий ўзаро таъсирларни математик ва (ёки) матикий формаллаштириш, ахборотни ўрганиш ва яхлитлаштириши ўз ичига олади.

Объект ёки ходисани дастлабки ўрганиш негизида модель тузиш, унинг муҳим хусусиятлари ёки белгиларини ажратиш, мсдални назарий ёки экспериментал таҳдидан ўтказиш, моделлаштириш натижаларини объект ёки жараён ҳақида маълумотларга так, қослаш, моделга тузатиш ва аниқлик киритиш моделлаштириш жараёнининг мазмунини ташкил этилади,

Иқтисодий моделлаштириш ретроспектив статистика маълумотларига ишлов бериш, алоҳида ўзгарувчан катталикларни ва уларнинг кўрсаткичларини баҳолашга асосланади. Модель иқтисодий прогноз қилишнинг муҳим воситаларидан биридир.

Аммо иқтисодий моделларни туркумлашга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас, шунинг учун ҳам қуйида нисбатан кенг тарқалган ёндашувлардан бирини кўриб чиқамиз.

1. Воқеликни акс этириш усулига қараб:

- аналог;
- портрет (иконик);
- концептуал;
- структуравий;
- функционал туркумлашлар тафовут этилади.

2. Ишлаб чиқиш мақсади ва қўлланилишига (вазифасига) қараб:

- баланс;
- имитацион;
- тавсифий (дескриптив);
- мутаносиблик модели;
- меъёрий (пресскрептив) моделлар тафовут этилади (бу ерда мақбуллаштириш модели айниқса кенг тарқалган).

3. Математик тавсифлаш усулига қараб:

- таҳлилий;
- эҳтимолий;
- детерминлаштирилган;
- чизиқли ва чизиқсиз;
- дискрет ва узлуксиз;
- регрессной;

- иқтисодий;
- тармоқ;
- математик-статистик;
- рақамли моделлашлар тафовут этилади.

4. Вақт белгисига қараб:

- статик;
- динамик;
- тренд;
- нуқтали моделлашлар тафовут этилади.

5. Иқтисодий агентни тавсифлашнинг ички тузилишига қараб:

- автоном;
- глобал;
- ёпик;
- макроиқтисодий (агрегат);
- микроиқтисодий;
- очик;
- кўп секторли (кўп тармоқли, куп маҳсулли) моделлашлар;
- моделлар тизими (кўп босқичли, кўп поғонали) тафовут

угилади.

Кўрсатилган барча моделлар моделларга ва улардан иқтиодий тадқиқотларда фойдаланилишига бағишланган классик ва амалий дарсликларда яхши тавсифланган.

6.3. Маҳаллий тузилмаларни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини прогаоз қилиш

Минтақавий иқтисод тизими, ҳар қандай иқтисодий тизим сингари, замон ва макондан ташқарида мавжуд бўлмайдиган, унда ресурслар сурункали ҳаракат қилади, уларнинг элементлари ва таркибий қисмлари муттасил фаолият кўрсатади.

Шунинг учун ҳам иқтисодий тартибга солиш, айниқса, минтақа молиявий ресурсларидан имкон қадар самарали фойдаланиш, ўз табиий, меҳнат ва бошқа ресурсларини ишга солиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳолининг ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантириш ва ташқаридан ресурсларни жалб этиш мақсадида минтақа иқтисодий муҳитини мунтазам такомиллаштириш минтақа иқтисод тизимини бошқаришга нисбатан асосий ёндашувга айланиши керак.

Ҳозирги замон бошқаруви концепцияси маркетинг сиёсати

билан минтақавий иқтисодий бошқарувни бирлаштиришга асосланиши лозим. Молиявий бошқарув минтақа иқтисодий бошқарушининг бош бўғинига айланиши керак, Бозорни бошқариш ҳозирги замон концепцияси мамлакат, тармоқлар, минтақалар, корхоналар ва ташкилотлар микёсида рақобат устунликларига эришишни назарда тутиши, улар келажакда минтақаларнинг мустақиллиги ва имкон қадар етарли молиялаштирилишини таъминлаши керак.

Жаҳон, миллий ва минтақавий иқтисод ривожланишидаги ноаниқликлар ва ўзгарувчанликни эътиборга олувчи реал прогнозлар бошқарувнинг негизини ташкил этиши лозим.

Бунда ишлаб чиқаришнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини ва минтақа иқтисодининг ўсиш омилларини прогноз қилиш, минтақа ресурс салоҳиятини (шу жумладан, молияв, меҳнат ресурслари салоҳиятини) прогноз қилиш, ижтимоий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасининг турли жиҳатларини прогноз қилиш, бозор иқтисоди шаройтларида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг мақбул тузилишини прогноз қилиш устувор йўналишларга айланиши керак.

Юқорида келтирилган асосий модель аппаратлари ва моделлар кўпгина дарсликларда ва классик монографияларда яхши баён этилганлигини эътиборга олиб, қуйида прогноз қилишнинг молиявий оқимлар негизига қурилган нисбатан янги моделларини кўриб чиқамиз.

Молиявий ресурслар ва харажатлар балансининг бирлаштирилган матричаси мана шундай моделлардан биридир. У молиявий оқимларни молиявий ресурсларнинг негизини ишлаб чиқариш босқичидан то улардан якуний фойдаланиш босқичигача акс эттиради.

Бу ерда ҳужжатлардаги бошланғич маълумотларнинг ишончлилигини оддий текшириш (молиявий менежментнинг биринчи босқичи) эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг ўзаро таъсирларини ҳам текшириш механизми таклиф этилади.

Маълумки, ҳар қандай босқич (давлат, минтақа, корхона ва ташкилот) иқтисодий агентлари молиявий ресурсларининг негизини уларнинг моддий соҳа корхоналари ва ташкилотларида яратиладиган қўшилган қиймати ҳамда пулли хизматлар кўрсатувчи номоддий соҳа иқтисодий агентларининг қўшилган қиймати ташкил этади.

Молиявий ресурслар ва харажатлар балансида қўшилган қийматнинг катта қисмининг (шу жумладан яқка тартибдаги, шахсий

Врдамчи хўжаликлардаги қўшилган қийматнинг) ҳаракати ҳамда I пи шли ҳудудий тузил ма молиявий ресурсларининг ташкил топи-|ци, уларнинг бирламчи тақсимланиши ва қайта тақсимланиши, шунингдек истеъмол, жамғариш ва бошқа эҳтиёжларга улардан и куний фойдаланилиши акс эттирилади.

Унда тақсимлаш муносабатлари бошқа статистик ишловларга қараганда тўлиқроқ акс эттирилади. Бундан ташқари, у:

- тегишли ҳудудларда вужудга келтирилган манбаларга қараб молиявий ресурсларнинг ялпи ҳажми Ни ва улардан фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

- молиявий ресурслар негизида турли пул фондларининг таркиб топиши йўллари ва уларнинг ўзаро муносабатларини кузатиш имконини беради.

Бинобарин, молиявий ресурслар ва ҳаражатлар балансининг методологик асосини молиявий ресурсларнинг таркиб топтирилиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланилишининг бир қатор босқичларини уларнинг негизи - қўшилган қиймат вужудга келган пайдан бошлаб, иқтисодий фаолият (ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, жамғариш, ташқи минтақа билан ўзаро муносабатлар)ни ҳисобга олиш орқали акс эттириш ташкил этади.

Мазкур баланс қўшилган қийматнинг қайси қисми молиявий ресурслар шаклини касб этишини, улар қандай тақсимланиши ва ишлатилишини кўрсатади. Молиявий ресурслар ва ҳаражатлар баланси деганда асосий маҳаллий баланслардан бири - бирлаштирилган молиявий баланснинг мазмун ва қўлам. жиҳатидан кенгайтирилган шакли тушунилади.

Молиявий ресурслар айланишининг муҳим босқичларини изчил акс эттириш таклиф этилаётган молиявий ресурслар ва ҳаражатлар баланси матрицали схемасининг бош методологик. принципи ҳисобланади. Ваҳоланки, маҳаллий балансларда молиявий ресурсларнинг вужудга келиши, тақсимланиши, улардан фойдаланилиши босқичлари ва бошқа босқичлар қатъий қайд этилмайди. Натижада мазкур балансларда даромадлар ва ҳаражатларни кўшишда иқтисодий жиҳатдан фарқ қиладиган, ресурслар оқимлари ҳаракатининг турли босқичларини тавсифлайдиган катталиклар келиб чиқади. Масалан, хўжаликлар маҳсулот, хизматлар ва мол-мулкни сотишдан оладиган даромадлар солиқ шаклидаги бюджет тизими даромадлари ҳамда берилган узоқ муддатли кредитларнинг суммалари билан бир қаторга қўйилади.

Худудий молиявий ресурслар ва харажатлар баланси таклиф этилаётган схемасининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг матрица шакли молиявий ресурслар ҳаракати ва улардан фойдаланилиши босқичларини изчил ақс эттириш имконини беради: хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти ва аҳоли маблағлари бир қисмининг жалб этилиши жараёнида молиявий ресурсларнинг вужудга келиши; минтақа худудида фаолият кўрсатаётган пул маблағлари фондларини мазкур ресурслар ҳисобидан тўлдириш; молиявий ресурсларни уларнинг мазкур минтақадаги асосий йўналишлари бўйича сарфлаш.

Бу минтақа молиявий ресурслари ҳолатини, шу жумладан корхоналар ва ташкилотлар, бюджет ва кредит тизимлари, шу жумладан аҳоли маблағларини комплекс, кўп жиҳатли таҳлилдан ўтказиш имконини беради.

Юқорида зикр этилган босқичларнинг ҳар бири молиявий ресурслар ва харажатлар баланси матричасида алоҳида ажратилади, молиявий ресурслар йиллик окимларининг баланс, структуравий, сабаб-оқибат муносабатлари тизимлари ақс эттирилади.

Молиявий ресурслар ва харажатлар балансида иқтисодий фаолият унинг асосий функцияларини ифодаловчи тўртта умумлаштирилган счётлар кўринишида ақс эттирилади:

- ишлаб чиқариш счёти;
- тақсимлаш счёти;
- якуний фойдаланиш счёти;
- ташқи алоқалар счёти.

Хўжалик юритувчи субъектлар икки гуруҳга ажратилади:

- аҳоли;
- корхоналар ва ташкилотлар.

Улар 1-Ф, 1-ВЭС (қўшма корхоналар), 1-НГС (ширкатлар ва кичик корхоналар) шакллари бўйича ҳисоб берадиган корхоналар ва ташкилотларни ўз ичига олади.

Молиявий ресурслар ва харажатлар баланси сатрида (эгада) даромад манбалари, шу жумладан молиявий ресурсларнинг манбалари, устунларда (кесимда) эса — улардан фойдаланилиши кўрсатилади.

Эгада қуйидаги счётлар ажратилади:

1. Қўшилган қиймат «Ишлаб чиқариш» счёти. Унда иқтисодий агентлар ва аҳоли ажратилади.

2. «Тақсимлаш» счёти. Унда дастлабки тақсимлаш ва молия-

ий ресурслар фондларини ташкил этишда қайта таксимлаш ажратилади. Мазкур фондларнинг номлари ва уларнинг манбалари кўрсатилади.

3. Истеъмол, жамғариш ва бошқа мақсадларда «Якуний фойдаланиш» счёти.

4. «Ташқи алоқалар» счёти, «Жами» сатри, колдик сатри ва баланс.

Кесимда ажратиладиган счётлар:

1. Қўшилган қиймат «Ишлаб чиқариш» счёти. Унда иктисодий агентлар ва аҳоли ажратилади.

2. «Таксимлаш» счёти. Унда қўшилган қиймат баланс даромади, соф солиқлар ва ресурслар кўринишида манбаларига қараб таксимланади, таннарх таркибида қўшилган қиймат ва бюджетдан ташқари фондлар ажратилади.

3. «Якуний фойдаланиш» (молиялаш манбалари) счёти. Унда корхоналар ихтиёрида колдириладиган ресурслар, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, кредит-банк ва суғурта ташкилотларининг ресурслари ажратилади.

4. «Ташқи алоқалар» счёти, «Жами» сатри, колдик сатри ва баланс.

Ҳар бир счёт ўзининг сатр ёки устундаги ҳолатига қараб ҳар хил ахборотни акс эттиради ва маълум ҳисоб-китоблардан ташкил топади, бу ҳисоб-китоблар ҳам, ўз навбатида, хусусий счётлар (субсчётлар)га эга бўлиши мумкин. Агар сатрда ресурс қандай таркиб топтирилиши кўрсатилса, устунда — у нимага ишлатилиши акс этирилади.

Бунда маҳаллий баланслар, маҳаллий бюджет, аҳолининг пул даромадлари ва харажатларининг баланси ва бошқалар иктисодий мазмунига кўра бир хил кўрсаткичлар бирлаштириладиган молиявий ресурслар ва харажатлар балансининг таркибий қисмларига айланади, Бинобарин, молиявий ресурслар ва харажатлар баланси бир қатор маҳаллий иктисодий балансларни ва бошқа манбаларни ўзида бирлаштиради.

Счётлар кесимига маҳаллий баланслар ва бошқа манбалар кўрсаткичларининг ўзаро таъсирини акс эттирувчи ахборот кирилади. «Бўшлиқлар»нинг мавжудлиги методологик жиҳатдан асосли, чунки баланснинг барча счётлари ҳам бир-бири билан ўзаро таъсирга киришавермайди. Масалан, «Ишлаб чиқариш» счётининг минтақа молиявий ресурслари негизини ташкил этувчи қўшилган

қиймати қайси иқтисодий агентлар ҳисобига таркиб гот при ,, >, ни кўрсатувчи сатрида «аҳоли» агентидан кейин бўш устумлр I ди, чунки мазкур жадвалда ушбу агент охиргидир.

Счётнинг устунларида биз киритган ҳар бир агент)ж111 I шн ган қиймат солиғининг қиймат тузилиғия кўрсатилади.

«Таксимлаш» счёти иккита ҳисоб-китобдан ташкил киник Биринчиси устунларда қўшилган қиймат эгри солиқлар кури НИШ! да, баланс даромади, иш ҳақи, амортизация ва таннархниш I....I компонентлари дастлабки таксимланиши, сатрларда — икти..... агентлар бўйича худди шу кўрсаткичлар келтирилади.

Иккинчи ҳисоб-китобда сатрларда аҳоли, иқтисодий .ипи лар, маҳаллий бюджетлар, нобюджет органлар, банклар ва бонн I кредит институтлари, суғурта ташкилотлари ва бошқаларншп пул фондлари кўринишида молиявий ресурсларнинг таркиб топ тип жараёни, устунларда эса — дастлабки ресурсларни пул фондларип таксимлаш йўналишлари кўрсатилади.

«Якуний фойдаланиш» счётининг сатрларида харажатлар йўн> лишлари (истеъмол, жамғариш ва бошқалар) бўйича сарф-хара жатлар, устунларда эса — пул фондлари ресурсларининг ўзаро на якуний фойдаланиш учун қайта таксимланиши акс эттирилади.

«Ташки алоқалар» счёти минтақанинг даромадлари ва хара жатларини худуддан ташқаридаги агентлар нуктаи назаридан акс эттиради.

Тузиш методикаси минтақада ишлаб чиқарилган қўшилган қийматнинг молиявий ресурслар негизини ташкил этувчи қисми ни аниқлашни ҳамда уни таксимлаш жараёнини тегишли пул фон дларининг босқичлари (дастлабки ва кейинги таксимлаш, якуний фойдаланиш ва бошқалар) ва турлари (аҳоли, корхоналар, маҳал лий бюджет, нобюджет фондлари, кредит институтлари ва бошқа лар) бўйича акс эттиришни назарда тутди.

Молиявий дастурлаштириш (МД) — бу асосан молиявий оқим ларни тартибга солиш йўли билан умуман мамлакат миқёсида мак роиктисодий мақсадларнинг маълум мажмуига эришишга йўналти рилган ўрта муддатли иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнидир.

Аммо, ахборот билан маълум тайёрлаш ишлари амалга оши рилса, уни минтақавий тузилмаларга нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин.

МД мақсадлари мажмуи иқтисоднинг макродаражадаги фао-

ЦПИ 1-орий кўрсаткичларини (агар улар қоникарли бўлса) сакдаш-
 мм НИ мпжуд (алоҳида маҳаллий баланслар тартибга солилмаганли-
 III, ннннция суръатининг баландлиги, иқгисодий ўсиш суръатининг
 ... < 1(1(1 на игу кабиларда намоён бўлувчи) макроиктисодий ному-
 11(11мкларни бартараф этишни назарда тутиши мумкин.

МД қўйилган мақсадларга эришиш учун макроиктисодий си-
 I.и носиталаридан (кредит ёки пул сиёсати, бюджет сиёсати ва
 МЙмрГюшлаш курслари сиёсати сингари) ҳамда структуравий сиё-
 ўнг носиталаридан (савдо сиёсати, саноат сиёсати, қишлоқ хўжали-
 иёеати, хусусий секторга дойр сиёсат сингари) фойдаланишни
 мнтрдатутади.

Банк тизимининг *бирлаштирилган баланси ва иқтисод реал*
,,,, гиб чицарган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) МД моделининг боғ-
ЦОВи бўғинларидир.

Бунда мазкур бирлаштирилган баланс пассиви моддаларининг
 ЙНикланган суммаси иқтисоддаги пул таклифини (M_s)ифода этади.

Модомики, ҳар қандай балансда аниқланган пассивлар сум-
 ВК к ҳамиша активлар суммасига тенг экан,

$$NFA_b + rCO_b + SCE_b + N0^{\wedge} = M_s = C + B$$

эга бўламиз, бу ерда:

$K F^{\wedge}$ - банк тизимининг соф ташқи активлари (ташқи ак-
 ПИВлар — ташқи мажбуриятлар + соф расмий халқаро захиралар);

$N00,,$ — банк тизими ҳукуматга берган соф кредитлар (хуку-
 мпта берилган кредитлар — ҳукумат депозитлари);

SCE_b — банк тизими иқтисоднинг қолган қисмига (корхона-
 ларга, аҳолига) берган кредитлар;

$N0^{\wedge}$ - банк тизимининг бошқа соф активлари;

C — баланс пассивида муомалада бўлган нақдина;

B — касса балансининг депозитлари.

Бошқа томондан, пулга бўлган талаб (M_n) реал ЯИМ (Y) ва
 иархларнинг умумий даражаси (P) кўпайтмасининг пул айланиши
 тезлиги (U)га бўлинмасига тенг, яъни:

$$M_n = Y * P * k,$$

бу ерда $k = 1/U$

Иқтисодий тенглик $M_n = M_a$ ни назарда тутати, бундан

$$rCF^{\wedge} + N00, + SCE_b + M)Д, = Y * P * k$$

Табакалаштириб, яъни ушбу нисбатга жўшқинлик бери б,
 ДБОТА,, + ДБ]ЧСС_б + ДОСКЕ,, + ДЭМОА, = ДБУ * Р * к ++
 ДБР * V * к. + ДБк*У*Р

ни оламиз, бу ерда ДО - ўзгариш белгиси.
 Тағин қуйидаги тенглик маълум:

$$CA ++ KA ++ EO == KBYFap$$

бу ерда:

СА — жорий операциялар счёти қолдиғи;

КА — капиталга эришиш билан боғлиқ операциялар счёти қолдиғи;

ЕО - хатолар;

шунингдек қуйидаги тенглик ҳам маълум:

ДБМСС,, = **8ВВ** - БОТ - ЕХФ, чунки **8ВВ** = БОТ + ЕХФ +
 ДОИСС,,

бу ерда;

ЗВО — давлат бюджетининг қолдиғи;

БМФ — бюджет дефицитный ички нобанк молиялаш (давлат қимматли қоғозлари);

ЕХФ — бюджет дефицитный ташқи молиялаш,

Шундай қилиб,

$CA + KA + EO + \mathbf{8ВВ} - БОТ + ДОСКЕ_б + ДБ]ЧОА,, = ДБУ*Р*к$
 $+ ДБР*У*к + ДБк*У*Р$

(9)

Энди, соддалаштириш учун тўлов балансидаги хатоларни (ЕО) ва банк тизими бошқа соф активларидаги ўзгаришларни (ДО1М0А,,) нолга тенг деб олинса,

$CA + KA + \mathbf{8ВВ} - БОТ - ЕХФ + ДБСКЕ_б = ДБУ*Р*к +$
 $ДБР*У*к + ДБк*У*Р$

(10)

Тенглик, тўғрироғи, айният (10) иқтисод фаолиятининг тўлов баланси, марказий банк кредит сиёсати (ДБСКЕ_б), ҳукуматнинг бюджет сиёсати (**8ВВ** — ОИФ - ЕХФ), иқтисодий ўсиш (ДБУ) ва инфляция (ДБР) сингари асосий кўрсаткичлари бир-бири билан қандай боғлиқлигини кўрсатади.

Молиявий дастурларни ишлаб чиқиш жараёни кўп босқичли

ни даврий хусусиятга эга. Мазкур жараеннинг тўрт асосий боскичи-ми ажратиш мумкин:

1-боскич. Мақсадларни аниқлаш, масалан:

- иқтисодий ўсишнинг мақбул суръатларини;

- ташқи қарздорлик даражасидаги мақбул ўзгаришни аниқлаш.

2-боскич. Миллий иқтисоднинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи ташқи омилларни баҳолаш, масалан:

- худудларда — асосий савдо ҳамкорлари ва рақибларда жами талаб ва жами таклифнинг ўсиш суръатларини;

- асосий экспорт ва импорт товарлари ва хизматларига жаҳон пархларининг ўзгаришини баҳолаш.

3-боскич. Макроиқтисодий сиёсат (бюджет ва пул сиёсати)-нинг асосий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш.

4-боскич. Хўжалик механизмини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, масалан:

- ташқи савдо сиёсатининг ўзгариши;

- инвестиция сиёсатининг ўзгариши;

- солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш;

- зарур ҳолда мақсадларга тузатиш киритиш.

Молиявий дастурларни ишлаб чиқишда махсус дастурлар пакетларидан фойдаланиш мумкин. Улар ишловчиларга молиявий дастурларнинг ҳар хил кўрсаткичларини ўзаро боғлаш ва шу тарика ички зиддиятсиз дастурлар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Молиявий дастурларни ишлаб чиқишда икки омилга — ошкоралик ва изчиллик омилларига алоҳида эътибор бериш тавсия этилади.

Демографик прогноз қилиш. Демографик прогнозлар узоқ муддатли комплекс ижтимоий-иқтисодий режалаштиришнинг муҳим элементиدير. Иқтисод ва ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳаси йўқки, унда узоқ муддатли режалаштиришда демографик прогноз маълумотлари қўлланилган бўлмасин.

Демографик прогнозлар фаол хусусиятга эга. Улар аҳолининг келажақдаги хусусиятларини аниқлаш билангина чекланмайди. Масалан, у ёки бу минтақада аҳолининг сони ва ёш-жинс таркибинини истикболдаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга таққослаб, демографик жараёнларда мақбул ва мумкин бўлган ҳолатлар ўртасидаги тафовутларни аниқлаш мумкин. Агар бундай тафовутлар катта бўлса, жамият мазкур жараёнлар ўртасидаги номуносивликларни

бартараф этиш ёки камайтириш чораларини кўриши мумкин. Би нобарин, демографик прогнозлар ижтимоий жараёнларни бошқл ришнинг муҳим элементиدير. Улар жамиятнинг ривожланиш ис тикболларини билиш негизида ижтимоий-иқтисодий ходисаларнинг! ривожланишига изчил таъсир кўрсатиш, уларни мамлакат учуй мақбул томонга йўналтириш мумкин.

Демографик прогноз килиш демографик таҳлилнинг бош ва зифаларидан бири ва пировард мақсадиدير. Унинг ёрдамида аҳоли табиий ва механик силжишининг кутилаётган кўрсаткичлари, ахол и хаётининг ўрғача узунлиги, туғилиш, вафот этиш, жинслар нисба- ти ва ҳоказолар аниқланади. Натижада мамлакат ёки унинг алохида минтақалари аҳолисининг келажақтаги сони ва ёш-жинс тузили - ши таркиб топади.

Алохида демографик кўрсаткичларнинг ўзгаришига аҳоли миграцияси жиддий тузатишлар киритади. Аҳолининг механик сил- жишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш асосидагина мин- тақаларнинг реал демографик прогнозини таъминлаш мумкин.

Хаётнинг ўрғача узунлиги жуда кўп ижтимоий-иқтисодий ва демографик омилларни ўзида жамлайдиган демографик вазиятнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Бундай прогнозлар бошқа кўпгина истикболли ҳисоб-кито- бларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қидади. Масалан, аҳоли хақидаги маълумотларни эътиборга олмасдан" ишлаб чиқариш ва истъёмол- қилиш, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳоказоларнинг истикболларини аниқлаш мумкин эмас.

Қисқача хулосалар

Бозор иқтисодиёти шароитларида хўжалик юритиш иқтисо-цистнинг барча босқичлари ва соҳаларида прогноз воситаларининг ривожланишига жуда катта туртки берди.

Прогнозлардан режаларни илмий асослаш учун фойдаланилади. Уларнинг мақсади иқтисодий кўрсаткичлар ўсишининг муҳим қонуниятлари ва тенденцияларини аниқлаш, уларнинг прогноз қилинаётган даврдаги миқдорларига баҳо беришдан иборат.

Прогнознинг кўплаб усул ва моделлари мавжуд бўлиб, улар прогнознинг мақсади, хусусияти, прогноз вазифасининг чекловчи шартларига қараб прогноз кўрсаткичларининг маълум даражада тўғри миқдорларини олиш имконини беради. Бу ишларни янада асосли режалаштиришга кўмаклашади.

Маҳаллий тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлани-шини прогноз қилишда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ва иқти-содий ўсиш омилларини кенг қўламда прогноз қилиш, минтака-ларнинг ресурс салоҳиятини (шу жумладан молия, меҳнат ресурс-ларини), ижтимоий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасининг турли жиҳатларини, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини про-гноз қилиш устувор йўналишларга айланиши лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитларида фаол иқтисоднинг молия-вий жиҳати етакчи ўрин тутди. Аммо, бозорнинг кўпгина воситала-ри тўлақонли намоён бўлмаган бозор иқтисодиётига ўтиш шароит-ларида прогноз қилишда молия оқимлари билан ишлайдиган баланс моделларидан, масалан, молиявий Моделлаштириш, молиявий ре-сурслар ва харажатлар баланси усулларидан фойдаланиш зарур.

Ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлган Ўзбекистон шаро-итларида демографик прогнозлар комплекс ижтимоий-иқтисодий режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Нима учун бозор иқтисодиётининг шаклланишига фаол т.п. сир кўрсатиш зарур?
2. Ижтимоий-иқтисодий прогнознинг вазифаси нимадан иборат?
3. Ижтимоий-иқтисодий прогнознинг предмети ва объекти.
4. Ижтимоий-иқтисодий прогнознинг асосий принциплари.
5. Прогноз усуллари ва моделлари.
6. Интуитив прогноз усуллари қачон қўлланилади?
7. Формаллаштирилган прогноз усуллари нимага хос?
8. Баланс моделининг асосий фазилати.
9. Прогноз моделларини туркумлаш.
10. Маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг прогноз ҳисоб-китобларидан фаол фойдаланишни талаб этувчи устувор йўналишлари.
11. Молия ресурслари ва харажатлар баланси моделининг мазмуни.
12. Молиявий дастурлаштириш моделининг концепцияси.
13. Демографик прогноз қилишнинг аҳамияти.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда". Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XVI сессиясида 1999 йил 14 апрелдаги маъруза Т., "Ўзбекистон", 1999.
2. Л. Е. Басовский «Прогнозирование и планирование в условиях рынка». М., 1999.
3. В.В. Киселев «Комплексный прогноз экономики США». М., 1989.
4. В.А. Колемаев «Математическая экономика». М., 1998.
5. Матрусов Н.Д. «Региональное прогнозирование регионального развития». М., 1995.
6. Мотышина М.С. «Методы социально-экономического прогнозирования». М., 1994.
7. «Прогнозирование и планирование в условиях рынка». Под редакцией Т.Г. Морозовой, А.В. Пикулькина. М., 1999.
8. «Региональная экономика». Под редакцией Т.Г. Морозовой. М., 1999.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтиш-Нинг ўз йўли". Т., "Ўзбекистон", 1993.
2. В.В. Киселев «Комплексный прогноз экономики США». М.,1989.
3. Мотышина М.С. «Методы социально-экономического прогнозирования». М., 1994.
4. Матрусов Н.Д. «Региональное прогнозирование регионального развития». М., 1995.
5. Колемаев В.А. «Математическая экономика». М., 1998.
6. «Региональная экономика». Под редакцией Т.Г. Морозовой. М., 1999.
7. «Прогнозирование и планирование в условиях рынка». Под редакцией Т.Г. Морозовой, А.В. Пикулькина. М., 1999.
8. Басовский Л. Е. «Прогнозирование и планирование в условиях рынка». М., 1999.
9. Замков О.О. «Эконометрические методы в макроэкономическом анализе». М., 2001.
10. «Построение макроэкономической модели для анализа политики переходного периода». 1998 г.
11. Фонд «Евразия», грант. Т., 98-0394. Ташкент. 2000.
12. Хазанова Л.Е. «Математическое моделирование в экономике». М., 1998.
13. Бочаров В., Леонтьев В. «Корпоративные финансы». М., СПб., 2002.
14. Крушвиц и др. «Финансирование и инвестиции». СПб. М., 2000.
15. Д. Брюммерхофф «Теория государственных финансов». «Пионер-Пресс». 2002.
16. «Государственные и муниципальные финансы». Учебник для вузов. М., «Финансы». 1999.

Матнда учрайдиган мураккаб атама ва иборалар лупи и

Маҳаллий тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими — илмий ва бошқа неъматлар ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақен | лаш ва истеъмол қилиш жараёнларини қамраб олувчи муш I и эҳтимолий динамик тизим.

Ижтимоий-иқтисодий прогноз қилиш - МаВЖуд Статистиклч ||| илмий билиш усулларида фойдаланиб; агентнинг ҳаракатларидк амал қилаётган қонуниятлардан; меъёрий-ҳуқуқий чеклашлардйН келиб чиқиб; прогноз қилиш усуллари ва воситалари ёрдамида иқти содий агентнинг келажакдаги ҳолатини илмий асосда ишлаб чи қиш жараёни.

Ижтимоий-иқтисодий прогноз қилиш усуллари — тадқиқо! объектнинг келаси замондаги ҳолати ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва жараёнларип ўрганиш учун қўлланиладиган иқтисодий, математик, бошқа фан соҳалари ва амалиётдан олинган билимлар мажмуи.

Иқтисодий моделиштириш - ретроспектив статистика маълумотларига ишлов бериш, алоҳида ўзгарувчан катталикларни ва улар нинг кўрсаткичларини баҳолашга асосида иқтисодий тизим ҳул к атворини математик ёки бошқача формаллаштириш.

Молия оқими - товар ёки пул шаклида (сотувчи, жўнатувчида) ва пул ёки товар шаклида (харидор, олувчида) ифодаланган эквивалентларни ихтиёрий айирбошлаш акти (масалан: солиқлар, субсидиялар, трансфертлар).

Пул оқими — товар ёки пул шаклида (сотувчи, жўнатувчида) ва пул ёки товар шаклида (харидор, олувчида) ифодаланган экви-валентларни мажбурий айирбошлаш акти.

Молиявий дастурлаштириш - асосан молиявий оқимларни тартиб-га солиш йўли билан умуман мамлакат миқёсида макроиқтисодий мақ-садларнинг маълум мажмуига эришишга иуналтирилган ўрта муддатли иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни.

Молиявий ресурслар ва харажатлар баланси — молиявий оқим-ларни молиявий ресурслар асосини ишлаб чиқариш босқичидан улардан якуний фойдаланишга қадар акс эттирувчи матрица.

Демографии прогноз қилиш — аҳолининг кутилаётган табиий ва механик силжиши кўрсаткичларини, аҳоли умрининг ўрғача узун-лигини, гуғилиш, вафот этишлар сонини, жинслар тафовутини ва хоказоларни аниқлаш.

VII БОБ

МУНИЦИПАЛ МЕНЕЖМЕНТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

7.1. Муниципал менежмент тушунчаси ва унинг мазмуни

«Маҳаллий менежмент» тушунчаси маҳаллий тузилмани ҳамда Маҳаллий ҳокимият органининг бошқарув аппарати ходимларини бош қариш соҳасидаги илмий билимлар ва амалий тажрибани ўз ичига Олади. Шу муносабат билан унга менежментнинг бошқа шакллари-дан (ишлаб чиқариш, тижорат, техника, банк, молия менежменти на ҳоказолардан) фарқ қиладиган бошқарув фаолиятининг муста-ИП тури деб қараш лозим. «Маҳаллий менежмент» тушунчасини маҳаллий ҳокимият органлари (вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятла-ри, посёлка ва қишлоқ кенгашлари)нинг олий (топ-менежмент) ва урта бўғин раҳбарлари гуруҳи деб талқин қилиш мумкин.

Инглиз тилининг Оксфорд луғатида менежментга бошқарув ҳокимияти ва санъати, ресурсларни бошқариш бўйича алоҳида мо-\|ирлик ва маъмурий кўникмалар деб таъриф берилган. Бунга асос-ланиб, «маҳаллий менежмент» атамасини маҳаллий тузилмаларнинг мутаносиб ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъ-минлаш мақсадида маҳаллий фаолиятни бошқариш тамойиллари, усуллари, воситалари ва шакллари мажмуи деб таърифлаш мумкин.

Охириги йилларда хорижий адабиётларда маҳаллий (муници-пал) менежментни бошқарув тўғрисидаги фан, бошқарув жараёни, бошқарув санъати, бошқарув функцияси сифатида таърифловчи турли хил услубий ёндашувлар учрамоқда. Юқоридаги таърифларнинг ҳар бири етарли даражада асосга эга ва мавжуд бўлишга ҳақли. Чунки бу нарса дунёнинг кўпгина мамлакатлар маҳаллий (муниципал) қури-лишининг кўп йиллик амалиёти билан тасдиқланган.

Маҳаллий менежментнинг моҳиятини ва ўзига хос хусусият-ларини таърифлашда, авваламбор, унинг жараён хусусиятига эга эканлигини қайд этиб ўтиш муҳим. Ҳозирги замон маҳаллий ме-нежментини энг аввало касбий тайёргарликдан ўтган мутахассис-ларга маҳаллий тузилмалар ва қўл остидаги ходимлар фаолиятини тўғри қўйилган мақсадлар, ҳўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ва аҳолининг саъй-ҳаракатларини мохирона муво-фиқлаштириш йўли билан прогноз қилиш, уюштириш ва мазкур

фаолиятга тегишли тузатишлар киритиш имконини берадипш имтеграцион жараён деб тавсифланади.

Маҳаллий тузилмаларни бошқаришнинг ўзига хос хусу< и>Плари ҳар бир минтақанинг тарихий ўзига хосликлари, табиий-иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий шароитлари ҳамда маҳаллий ҳокимиёт органи ҳал қилишга бурчли бўлган вазифалар билан белгилашди, Мазкур менежмент турининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у давлат манфаатларини минтақа аҳолисининг ва минтақанши ўзининг манфаатлари билан боғлашни назарда тутди. Бу анча мураккаб вазифа бўлиб, маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарлиридан мазкур минтақа аҳолисининг ҳуқ-атворини белгилайдиги меъёрлар, анъаналар, эътиқодлар ва кадриятлар мажмуини ўз ичига олувчи юксак ташкилотчилик маданиятини талаб этади.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитларида маҳаллий тузилмаларни бошқариш санъати бошқарув жараёнининг барча шакллари на босқичларининг ягоналигини, иқтисодий, ташкилий-техникавий ва ижтимоий-психологик бошқарувнинг яхлит тизимини ташкил қилишини талаб этади.

Мазмунан олиб қараганда, маҳаллий менежмент маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ёки сайлаб қўйиладиган органларининг маҳаллий фаолият субъектлари ва жараёнлари барқарор ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, тартибга солиш ва ўзаро ҳамкорлик қилишга йўналтирилган изчил ҳаракатларини ифода этади.

Бунда маҳаллий тузилмаларни мамлакат миқёсида бошқариш жараёни **бошқарувчи кичик тизим** (давлат ҳокимиятининг олий органлари) ҳамда **бошқарилувчи кичик тизим** (вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятлари)нинг ўзаро алоқасини ўз ичига олади.

Маҳаллий тузилмалар миқёсида мазкур жараён маҳаллий бошқарув органлари (бошқарувчи кичик тизим)нинг маҳаллий фаолият субъектлари, шу жумладан ҳўжалик юритувчи субъектлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолининг турли табақалари (бошқарилувчи кичик тизим) билан ўзаро алоқасини ўз ичига олади.

Маҳаллий ҳокимият органлари миқёсида бошқарув жараёни олий ва ўрта бўғин раҳбарлари (бошқарувчи кичик тизим)нинг тобе таркибий тузилмалар ва уларнинг ходимлари (бошқарилувчи кичик тизим) билан ўзаро алоқасини қамраб олади.


Юқорида зикр этилган бошқарув поғоналари бир-биридан тўздан фарқ қилишига ва ўзига хос хусусиятларига эга эканлигига

^чммай, тегишли усуллар, тузилма, норма ва меъерийларга эга (Канлиги билан тавсифланади ҳамда умумий маҳаллий қурилиш қараёнида маълум функцияларни бажаради.

Бошқарувчи ва бошқарилувчи кичик тизимларнинг ўзаро мунофиқлиги, ҳамкорликдан манфаатдорлиги ва нисбатан мустақиллиги самарали маҳаллий менежментнинг муҳим шартидир.

Маҳаллий қурилиш соҳасидаги бошқарув фаолиятининг мазмуни ҳақида сўз кетганда, унинг уч асосий шаклига эътиборни қаратиш лозим (7.1 схемага қаранг).

7.1 Схема



Эвристик фаолият стратегик ёки тактик қарорларнинг вариантларини излаш ва ишлаб чиқишни назарда тутати;

Маъмурий фаолият бошқарувчилик, ресурсларни тақсимлаш, назорат ва мотивлаштиришни ўз ичига олади;

Операторлик фаолияти ҳужжатлаштириш, бирламчи ҳисобга олиш, техникавий алоқаларни йўлга қўйиш, ҳисоблаш ва ҳоказоларни қамраб олади.

Бошқарув фаолиятининг юқорида зикр этилган шакллари билан маҳаллий бошқарув ходимларининг турли гуруҳлари шуғулланади. Уларнинг ҳар бири ходимлардан тегишли ишбилармонлик фазилатларини ва зарур даражада касбий лаёқатни талаб этади.

Талабалар маҳаллий менежмент усуллариининг мазмунини тўғри тасаввур қилиши уларда маҳаллий тузилмаларни бошқариш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Методологик нуқтаи назардан маҳаллий менежментнинг усуллари мажмуини ташкилий, маъмурий, иқтисодий ва ижтимоий-психологик туркумларга ажратсак, мақсадга мувофиқ бўлади (7.2 схемага қаранг).

Бошқарувнинг **ташқилий** усуллари умумий мақсадларни қўйиш

— режалаштириш, ташкил этиш, йўналиш олиш, меъёрлаштириш, кадрларни жой-жойига қўйиш ва мониторинг, назорат қилиши. шунингдек маҳаллий тузилмалар фаолиятини бошқаришнинг бошқа муҳим процедураларини ўз ичига олади.

Бошқарувнинг **маъмурий** усуллари у ёки бу таркибий бўлинмалар ёки ходимларни тартибга солиш, меъёрлаштириш, фармойиш бериш, жазога тортиш ва рағбаглантиришни назарда тутди.

7.2 Схema



Бошқарувнинг иқтисодий усуллари молия ресурсларини сарфбар этишни, уларни мақбул тарзда сарфлашни, моддий шартшароитлар яратишни, шунингдек маҳаллий фаолият субъектлари учун иқтисодий рағбатлантириш тизимини ташкил этишни ўз ичига олади.

Бошқарувнинг **ижтимоий-психологик** усулларига ижобий маънавий-психологик муҳитни, ҳар бир маҳаллий ходимнинг юксак ташкилий маданиятини шакллантириш, ошқоралик, танқид ва ўзини ўзи танқидни ривожлантириш, ижтимоий ҳамкорлик муҳитини яратиш ва ҳоказолар киради.

Маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш стратегиялари, маҳаллий ҳокимият органларининг иш режаси, уларнинг фаолиятини бошқаришнинг мақбул тузилмалари, шакллари Ёа усуллари, шунингдек самарали бошқарув қарорлари маҳаллий менежмент маҳсулидир,

7.2. Ҳозирги замон муниципал менежментининг вазифаси ва асосий функциялари

Самарали маҳаллий қурилиш соҳасида тўғри стратегия ишлаб чиқиш, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни ўз вақтида мотивация қилиш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва барча манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини самарали мувофиқлаштириш ҳисобига натижаларни прогноз қилиш, режалаштириш ва уларга эришиш маҳаллий менежментнинг асосий **мақсадларидир.**

Маҳаллий (муниципал) тузилмаларни бошқариш жараёнида маҳаллий менежерларнинг муҳим **вазифалари** жумласига маҳаллий бошқарув органларининг барча таркибий бўлинмалари ҳудуднинг мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, мулкчиликнинг илғор шакллари жорий этиш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ижтимоий соҳанинг моллий-техника базасини кучайтириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ иш олиб боришини ташкил этиш қиради.

Қўйилган вазифаларнинг ҳал қилинишига эришиш учун маҳаллий ҳокимият органлари:

- маҳаллий тузилмаларни ривожлантиришнинг стратегия ва тактик мақсадларини тўғри белгилашлари;

- минтақани ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш билан боғлиқ устувор вазифаларни ва уларни ҳал қилишнинг кетма-кетлигини аниқлашлари;

- қўйилган вазифаларни белгиланган муддатларда ҳал қилиш учун сиёсий, иқтисодий, ташкилий-техникавий тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари;

- ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш ва маҳаллий тузилманинг ижтимоий инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш учун зарур молиявий ва моддий-техника ресурсларини аниқлашлари ва уларни қидиришда иштирок этишлари;

- белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатишлари ҳамда стратегик ва тактик иш режаларига тегишли гузагишлар киритишлари зарур.

Маҳаллий қурилиш соҳасидаги маҳаллий менежментнинг мазмунини унинг вазифаларига қараб тавсифлаш мумкин. Бунда бош-

карув фаолиятининг куйидаги 10 асосий функциялари ажратилади: бошланғич ҳолатга баҳо бериш, прогноз қилиш, режа/тминриш, ташкилий тузилмаларни ажратиш, мувофиқлаштириш, мотивация, ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш, ИЮвация, мониторинг, назорат қилиш ва тартибга солиш.

Маҳаллий тузилманинг бошланғич ҳолатини таҳлилдан уқазииш маҳаллий тузилмалар фаолиятини самарали бошқаришни ташкил этишнинг таянч нуқтасидир. Бунда таҳлилдан ўтказиш тушуи часига маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини самарали бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида ахборот йиғиш, уни қайта ишлаш, турқумлаш, тизимга солиш ва сақлаш киради. Таҳлилдан ўтказилган ахборот деганда маҳаллий тузилманинг бошланғич ҳолатини тўғри баҳолаш имконини берувчи янги ахборот тушунилади. Ахборотни таҳлилдан ўтказиш учун гистограммалар, диаграммалар, графиклар каби математик воситалар, шунингдек ҳар хил оғзаки алоқа воситалари талаб этилади.

Йиғилган ахборот асосли (репрезентатив), сифатли ва ҳажман ихчам бўлиши лозим.

Стратегик бошқариш ташкилотнинг *ташқи ва ички* муҳитини таҳлилдан ўтказишни назарда тутлади. Ташқи муҳитни таҳлилдан ўтказиш тегишли равишда *микромуҳитни ва ўзини қуршаган муҳитни таҳлилдан ўтказишни* назарда тутлади.

Миқромуҳитни таҳлилдан ўқазииш куйидагиларни ўз ичига олади:

- иқтисодий омиллар (инфляция, валюталарнинг курслари, ишсизлик даражаси, фоиз ставкалари, солиқ ставкалари, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ва х.к.) таъсирининг таҳлили;
- маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш режимининг таҳлили;
- маҳаллий тузилманинг ривожланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган сиёсий омиллар таҳлили;
- ижтимоий омиллар (аҳолининг ўсиши ва ёши, маълумоти даражаси, турмуш даражаси, эътиқодлари, урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий кадриятлари) таҳлили.

Маҳаллий ҳокимият органларини қуршаган муҳитни таҳлилдан ўқазииш куйидагиларни назарда тутлади:

- маҳаллий ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланувчилар ва уларнинг асосий ихтисосликлари таҳлили;
- ҳудудни ривожлантиришни молия, моддий-техника ва ахборот ресурслари билан таъминловчилар таҳлили;

- маҳаллий хизматлар бозоридаги асосий рақиблар таркибининг таҳлили;

- минтақада шаклланаётган ишчи кучи бозорининг таҳлили.

Маҳаллий тузилманинг ички муҳитини таҳлилдан ўтказиш куйидагиларни назарда тутди:

- маҳаллий бошқарув органи кадрлар таркибининг таҳлили;

- ташкилий жараёнлар (алоқа воситалари, меъёрлар ва қоидалар, процедуралар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар нисбати, тобелик поғоналари ва ҳ.к.) таҳлили;

- маркетинг жараёнлари (маълум хизматлар турини танлаш, иарх белгилаш стратегияси, хизматларни таклиф қилиш стратегияси, маҳсулотларни сотиш бозорини ва хизматларни сотиш тизимларини танлаш, жамоатчилик билан алоқа қилиш ва ҳ.к.) таҳлили;

- маҳаллий тузилманинг молиявий ҳолати таҳлили.

Маҳаллий фаолиятни прогноз қилиш маҳаллий менежментнинг иккинчи муҳим функцияси бўлиб, у маҳаллий тузилма фаолиятининг истиқболини аниқлашни назарда тутди.

Прогноз қилиш жараёнининг асосий вазифалари жумласига куйидагилар кириди:

- мазкур соҳада ривожланишнинг асосий тенденцияларини аниқлаш ва таҳлилдан ўтказиш, урганилаётган катталikka жиддий таъсир кўрсатадиган кўрсаткичларни танлаш;

- прогноз усулини ва олдиндан аниқлаш мўлжалланган даврни танлаш; объектнинг сифат кўрсаткичларини прогноз қилиш;

- ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий даражаси кўрсаткичларини ҳамда ташқи муҳитнинг прогноз кўрсаткичларига таъсир этувчи бошқа унсурларини прогноз қилиш.

Прогноз уч ҳолда амалга оширилиши мумкин:

1) режалаштириш жараёндан олдин (масалан, маҳаллий тузилманинг ташкил топиши ва фаолияти тарихига асосланиб унинг ривожланишининг устувор йўналишлари прогноз қилинади, мазкур йўналишлар аниқланганидан сўнг маҳаллий фаолиятнинг бўлғуси кўрсаткичлари прогноз қилинади);

2) режалаштириш жараёни билан параллель равишда (масалан, минтақа ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг бош схемасини прогноз қилиш ва бунга асосан касб-хунар таълими тизимини режалаштириш);

3) режалаштириш жараёндан кейин (масалан, валюта курсларининг кескин ўзгариши, инфляциянинг ортиши муносабати би-

лан жорий даврда келажакка оптимистик ва пессимистик прогноз лар тузилади).

Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини прогноз қилишнинг муҳим усуллари жумласига қуйидагилар киради:

А) қисқа муддатли прогноз қилиш усули, у қаторни силтлашга асосланади (масалан, тез бузиладиган маҳсулотлар ёки кен! номенклатура товарларини ҳар куни ёки ҳар ҳафтада харид қилиш ни режалаштиришда муваффақиятли қўлланилмоқда; харид қилиш дан олдин бўлғуси сотувларнинг ҳажмлари прогноз қилинади);

Б) узоқ муддатли прогноз қилиш усули, у қаторнинг ривожланиши тенденцияларини аниқлашга асосланади (масалан, нисбат;ш узоқ даврлар (чорак, ярим йил, йил)га ёнилғи-энергетика ресурслари етказиб берилишининг бўлғуси ҳажмларини прогноз қилишда қўлланилади);

В) эксперт баҳолалар усули (янги товарлар, технологиялар ишлаб чиқиш, валюта курслари, инфляциянинг ўсишини ва хоказоларни тахмин қилишда қўлланилади);

Г) «ақлга ҳужум қилиш» усули (инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида далилларгина эмас, қарши далиллар ҳам талаб этилган ҳолларда қўлланилади);

Д) ривожланиш сценарийларини прогноз қилиш усули (масалан, маҳаллий ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланувчиларнинг бўлғуси ҳаракатларини аниқлашда, шунингдек сифат жиҳатидан янги тадқиқотлар ўтказиш жараёнида қўлланилади).

Режалаштириш бошқарув жараёнининг мақсадларини, уларга эришишнинг самарали усуллари ва воситаларини аниқлаш имконини берувчи муҳим босқичдир. Режалаштириш функцияси маҳаллий тузилма фаолиятининг стратегик ва тактик мақсадларини аниқлаш, бунинг учун зарур маблағларни топиш ва муайян шароитларда қўйилган мақсадларга эришишнинг энг самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини беради. Стратегик ривожланиш режаларига асосан маҳаллий ҳокимият органларининг жорий ва истиқбоддаги фаолияти таъминланади.

Режалаштиришнинг шакли ва мазмуни маҳаллий тузилмани ривожлантиришнинг мақсадлари ва стратегиясига боғлиқ.

Маҳаллий тузилмалар фаолиятини режалаштириш стратегиясининг қуйидаги турлари фарқланади:

А) замонда ўсиш стратегияси (масалан, минтақада аҳолига курсатиладиган хизматлар ҳажмини, ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ошириш).

Б) замонда чегараланган ўсиш стратегияси (аҳолига кўрсатилдиган хизматлар ҳажмини режалаштириш).

В) замонда ўсишни камайитириш стратегияси (аҳолига кўрсатилдиган хизматлар таннархини, шунингдек маҳаллий тузилмалар флюидининг тармоқ кўрсаткичлари ва молиявий кўрсаткичларини камайитириш),

Г) қисқартириш стратегияси (маҳаллий тузилма фаолиятини бошқариш поғоналарини ёки функцияларини, аппарат тузилмаси, ходимлари ва шу кабиларни қисқартириш).

Д) аралаш режалаштириш стратегияси (юқорида зикр этилган стратегия вариантларининг ҳар хил унсурлари ва ёндашувларидан фойдаланиш ҳисобига).

Маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш муддатига қараб:

1) *қисқа муддатли* (тезкор) (бир йилгача муддатга) режалаштириш;

2) *ўрта муддатли* (1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга) режалаштириш;

3) *узоқ муддатли* (3 йилдан ортиқ муддатга) режалаштириш фаркланади.

Ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларини ўз вақтида тўғри қўйиш маҳаллий тузилманинг келгуси ривожланишини кўп жиҳатдан белгилайди. Бунда стратегик мақсад аниқ ва лўнда, одатда, кўрғазмали усулда таърифланган бўлиши лозим. Мақсад ва вазифаларни қўйиш босқичи маҳаллий ҳокимият органларининг ривожланишини дастлабки таҳлилдан ўтказиш ва прогноз қилиш босқичлари билан боғлиқ. Дастлаб белгиланган мақсадлар ва вазифаларга қундалик фаолият жараёнида тегишли тузатишлар киритилиши мумкин.

Ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчи омиллари: ташқи иқтисодий вазият, давлат ичидаги сиёсий вазият, мамлакатдаги иқтисодий ҳолат, инфляция даражаси, давлат бошқарувининг юқори органлари, миқозлар билан ўзаро муносабатлар, маҳаллий ҳокимият органи жамоасидаги психологик муҳит ва мотивация, бу ерда мавжуд ташкилий маданият ва ҳоказолар маҳаллий ташкилот фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Мазкур омиллар реал иш натижаларига эришиш имконини беради. Бу натижалар қўйилган мақсадлардан ижобий ёки салбий томонларга фарқ қилиши мумкин.

Менежернинг санъати оптимистик ва пессимистик прогнозлар-

ни таққослаш ҳамда маҳаллий тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисотт ривожланишидаги салбий тенденцияларни башорат қилишдан иборат

Маҳаллий тузилма барқарор ривожланиши учун маҳаллий фаолиятни режалаштириш ва ташкил этиш функцияларини билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ерда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида жорий кўрсаткичларнинг меъёрий кўрсаткичлар ёки режа топшириқларидан оғишини бартараф этишни назарда тута диган самарали тартибга солиш механизми зарур.

Бошқарув тузилмаси доирасида ва тобе ташкилотларда меъсрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва меъёрий кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш тартибга солиш механизмининг муҳим таркибий қисмидир.

Назорат тизими тақсимлаш хусусиятга эга бўлиши лозим. Барча назорат функцияларини битта махсус назорат бўлимига юкламаслик керак. Бунга асосан назорат қилишни талаб этадиган барча жараёнларни аниқ белгилаб олиш лозим. Иш юритиш тизимини, бошқарув ишининг сифатини, ҳўжалик фаолиятини, молия ресурсларининг тақсимланиши ва ишлатилишини назорат қилиш, меъёрий назорат ва техникавий назорат шулар жумласидан.

Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини бошқаришдаги **боғловчи жараёнлар** маҳаллий менежмент тузилмасида муҳим ўрин тутади. Улар бошқарувнинг тўрт асосий функцияси: режалаштириш, ташкил этиш, мотивация ва назорат қилишни ўзаро боғлайди. Маҳаллий қурилиш соҳасида қарорлар қабул қилиш ва алоқаларни йўлга қўйиш боғловчи жараёнларнинг энг муҳимларидир.

Маҳаллий тузилманинг ҳолати ва унинг таркибий қисмлари, шу жумладан маҳаллий ҳокимият органининг ходимлари ҳақида дастлабки ахборот маҳаллий менежментнинг **предметини** ташкил этади.

Маҳаллий қурилиш соҳасида бошқарув фаолиятини **амалга ошириш шакллари**га кузатиш, таҳлил қилиш, муносабатларга қиришиш, алоқаларни йўлга қўйиш, мотивация, ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш инноватика, мониторинг ва назоратни қиритиш мумкин,

Маҳаллий менежмент воситалари таркибига аналитик ҳужжатлар ва маълумотномалар, фактологик материал, социологик сўровларнинг натижалари, замонавий ташкилий техника, алоқа воситалари, маънавий ва моддий стимуллар ва хоказолар қиради.

Ҳозирги замон маҳаллий менежментининг юқорида зикр этил-

пи мақсадлари ва функцияларини тез ва тўлиқ амалга татбиқ этиш Маҳаллий тузилмаларнинг иш сифатини жиддий ошириш ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш-Гй мазкур тузилмалар қўшган ҳиссани ошириш имконини беради.

7.3. Ҳозирги замон муниципал менежменти асосий унсурларининг таркиби ва мазмуни

Маҳаллий менежментнинг асосий унсурларини, шу жумладан маҳаллий қурилиш соҳасидаги бошқарув фаолиятининг предмети, шакллари, воситалари ва маҳсулларини аниқ тасаввур қилиш маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини самарали бошқариш сирларининг моҳияти ва мазмунини тўғри тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий тузилманинг ҳолати ва унинг таркибий қисмлари, ҳдмда маҳаллий ҳокимият органи ходимлари ҳақидаги дастлабки ахборот маҳаллий менежментнинг **предметини** ташкил этади.

Маҳаллий фаолият соҳасида бошқарув фаолияти **шакллари**га кузатиш, тинглаш, мутолаа қилиш, таҳлил қилиш, муносабатларга киришиш, алоқаларни йўлга қўйиш, мотивация, ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш ва назоратни киритиш мумкин. Маҳаллий менежмент **воситалари** аналитик ҳужжатлар ва маълумотномалар, ташкилий техника, алоқа воситалари, маънавий ва моддий стимуллар ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш стратегиясига тегишли самарали бошқарув қарорлари ёки маҳаллий ҳокимият органи томонидан шакллантирилган иш дастури кўринишидаги ахборот маҳаллий менежмент **маҳсули** ҳисобланади.

Ташкилий маданият маҳаллий менежментнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у маҳаллий ҳокимият органида ишлайдиган ходимларнинг аксарият қисми томонидан қабул қилинган кадриятлар, қарашлар, қутишлар, эътиқодлар, анъаналар ва ҳулқ-атвор меъёрларини ўз ичига олади.

Маҳаллий ҳокимият органлари микёсида ташкилий маданиятнинг уч даражаси ажратилади:

- 1) *юзак*и (инсон ботиний ҳис қилувчи).
- 2) *онгли* (маҳаллий ҳокимият органининг кўпчилик аъзолари онгли равишда идрок этувчи кадриятлар).
- 3) *чуқур* (яширин, онгсиз равишда идрок этиладиган тахминлар ва ҳулқ-атвор тарзи).

Ташкилий маданиятнинг субъектив ва объектив унсурлари фаркланади.

Маҳаллий (муниципал) тузилмалар ташкилий маданиятишпп **субъектив унсурларига** қуйидагилар киради:

- мазкур маҳаллий ташкилотнинг тарихи;
- маҳаллий ҳокимият органи етакчиларининг тарихи;
- мазкур маҳаллий ҳокимият органида амал қиладиган ташкилий тақиқлар;
- мазкур маҳаллий ҳокимият органида мавжуд анъаналар на удумлар;
- ходимлар ўртасида ишга дойр мулоқотлар тили ва ҳ.к.

Маҳаллий тузилмалар ташкилий маданиятининг **объектив унсурларига** қуйидагилар киради:

- ташкилотнинг жойлашган манзили;
- биносининг дизайни;
- иш жойларининг жиҳозланганлик даражаси;
- офис жиҳозлари ва мебелининг даражаси ва сифати;
- мижозларга хизмат кўрсатиш сифати;
- маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ошкорлик ва ҳ.к.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳозирги замон ташкилий маданияти ютуқларининг ходимлар томонидан муваффақиятли ўзлаштирилиши бозор иқтисодига ўтаётган мамакатларда маҳаллий ҳокимият органларининг иш самарадорлигини оширишнинг реал омилларидан бирига айланиши мумкин, чунки у катта маблағ сарфламасдан маҳаллий жамоа аъзоларига хизмат кўрсатиш сифатини жиддий яхшилаш имконини беради.

7.4. Замоनावий муниципал тузилмалар фаолиятини бошқаришнинг асосий тамойиллари

Муниципал менежмент тамойиллари самарали бошқарувни амалга оширишнинг маълум қоидалари тўпламидир. Маҳаллий менежментнинг умумий, барча менежмент турларига хос бўлган тамойиллари ва фақат маҳаллий тузилмаларни бошқаришга хос бўлган хусусий тамойиллари фаркланади.

Муниципал менежментнинг ривожланган мамлакатларда амал қиладиган **умумий тамойиллари** жумласига қуйидагилар киради:

- бошқарувнинг илмийлигини амалиёт ва санъат унсурлари билан уйғунлаштириш;

- бошқарув фаолиятининг функционал ихтисослашувини унисрсаллик билан уйғунлаштириш;

- марказлашган режалоштириш ва тартибга солишни кенг мушчакиллик ва ўзини ўзи бошқариш билан мақбул уйғунлаштириш;

- бошқарув тизимининг ҳар бир бўғинида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ягоналигини таъминлаш;

- бошқарув ҳаракатлари мажмуининг изчиллиги ва тадрижийлиги;

- тортишув ва рақобатбардошлик унсурларининг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси шароитларида самарали маҳаллий бошқарувнинг **ўзига хос тамойиллари** жумласига қуйидагилар киради:

- маҳаллий тузилмаларнинг фаолиятини бошқаришга нисбатан давлат ёндашувининг устунлиги;

- хўжалик юритишнинг пировард натижалари учун маҳаллий ҳокимият органларининг давлат ва маҳаллий тузилма аҳолиси олдида жавобгарлиги;

- маҳаллий тузилмаларнинг барча поғоналари ва бўғинлари ўртасидаги алоқаларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

- маҳаллий ҳокимият органида ва унинг сайлаб қўйиладиган органларида маҳаллий ходимларнинг ижодий қобилятини намоён этишга қўмақлашадиган ижобий психологик ва ишчанлик муҳитини шакллантириш;

- атроф-муҳитдаги ўзгаришларга барча хўжалик юритувчи субъектларнинг тез ва мувофиқ мослашиши;

- маҳаллий ҳокимият органларининг сайлаб қўйиладиган органлари аъзолари ва ходимларини маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш;

- ҳалоллик, ижтимоий адолат ва миллий мансублиги ёки лийнй эътиқодидан қатъи назар, аҳолининг турли табақаларига нисбатан ишонч тамойилларини амалга татбиқ этиш;

- менежментнинг сифат, янги кашфиётлар, ресурслар устидан самарали назорат, ходимлар билан мунтазам иш олиб бориш каби асосий омилларига таяниш.

Маҳаллий ҳокимият органлари муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун улар самарали менежментнинг умумий ва махсус тамойилларига қатъий риоя қилишлари зарур.

7.5. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий тузилмалар фаолиятини самарали бошқариш жараёнининг мазмуни

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида бон и I рунинг тўрт поғонаси: маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, маҳаллий бошқарув, давлат бошқарувининг минтақавий ва республика бўғи лари шаклланди.

Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча СОХларини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичининг мураккабли!и Ц ўзига хос хусусиятлари маҳаллий менежментнинг барча жиҳатларини пухта ишлаб чиқишни ва маҳаллий тузилмаларни бошқариш муаммоларига нисбатан комплекс ёндашувни амалга оширишнинг талаб этади.

«Маҳаллий менежмент» иқтисодий категорияси кўп вазифали бўлганлиги учун мазкур соҳа олимлари ва мутахассислари маҳаллий бошқарувнинг маъмурий-ҳудудий тузилма вазифаларини аниқлаш ва мазкур тузилмани ривожлантириш стратегиясини шакллантириш, уни ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш, бошқарув тузилмасини оптималлаштириш, маҳаллий тузилма фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбаларини излаш ва молиявий таъминлашнинг самарали механизмини амалга ошириш, мазкур ҳудуднинг табиий, моддий-техника ва инсон ресурсларини бошқариш, шунингдек бу ерда иш олиб бораётган маҳаллий ҳокимият органи фаолиятини операцион ва техникавий бошқаришни ташкил этиш каби муҳим таркибий қисмларга ажратмоқдалар. Уларнинг ҳар бири бир-бирини тўлдиради ҳамда бозор иқтисоди шароитларида маъмурий-ҳудудий тузилманинг барқарор ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради.

Маҳаллий тузилмаларни бошқаришни такомиллаштириш муаммосининг институционал жиҳатини ўрганишда Ўзбекистон Республикасида маҳаллий менежмент шаклланишининг икки асосий йўналишига эътиборни қаратиш лозим.

Биринчи йўналиш *мазкур бошқарув турининг маҳаллий миқёсда институционал ривожланиши* билан боғлиқ. Бу ерда беш кичик йўналишларни кузатиш мумкин: умумий маҳаллий бошқарувни яхшилаш, ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш (ижтимоий хизматларни яхшилаш ва маъмурий процедураларни ривожлантириш), маҳаллий режалаштириш ва дастурлаштириш процеду-

раларини яхшилаш, инсон (меҳнат) ресурсларини режалаштириш, ипестиция лойиҳаларини бошқариш.

Маҳаллий менежмент шаклланишининг иккинчи йўналиши унинг **миллий миқёсда институционал ривожланиши** билан боғлиқ ва давлат бошқаруви жараёнларини марказдан жойларга ўтказиш (децентрализация қилиш) вазифаларини самарали ҳал қилиш мақсадида республика ҳокимияти салоҳиятини кучайтиришга йўналтирилган. Бунда маҳаллий ривожлантиришни амалга ошириш, шу жумладан маҳаллий аҳамиятга молик миллий ахборот тизимларини шакллантириш, муқобил ва секториал (тармок) инвестициялашни ривожлантириш, маҳаллий молияни такомиллаштириш ва хоказолар учун қулай шароит яратадиган тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Аниқроқ қилиб айтганда, **маҳаллий миқёсда институционал ривожлантиришни** амалга ошириш учун маҳаллий бошқарув органлари қуйидаги ишларни амалга оширишлари лозим:

Маҳаллий тузилмаларни умумий бошқариш йўналиши бўйича:

- ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш; бу аҳолига хизматлар кўрсатишни яхшилаш, соддалаштирилган маъмурий процедураларни шакллантириш, маҳаллий бошқарув органлари ишида аҳолининг иштироки тизимини ташкил этишни назарда тутиши лозим;

- маҳаллий режалаштириш процедураларини кучайтириш, шу жумладан бюджетни тузиш, маҳаллий бошқарув органларига умумий фаолиятни яхшилашга қўмақлашадиган яхши натижаларга эришиш имконини берадиган ёки истиқболдаги инновацион инвестицияларни белгилайдиган маҳсулот турларини аниқлаш.

Молиявий бошқарувни кучайтириш йўналиши бўйича:

- молиявий режалаштиришни яхшилаш, шу жумладан янги молиявий процедураларни амалга жорий этиш ҳамда маҳаллий бошқарув органларига капитал ва қўп йиллик режаларни ривожланиш дастурлари билан мувофиқ ҳолатга келтиришга ёрдам бериш;

- молиявий ҳисобни яхшилаш, бу маҳаллий бошқарув органларининг ҳисобварақлари китобини юритиш, ҳисобот, молиявий назорат ва бошқарувни яхшилашни ўз ичига олади;

- қўчмас мулкдан солиқ олиш ва ерни режалаштиришни яхшилаш мақсадида соддалаштирилган ер кадастрини тузиш ва мавжуд ер эгалари ҳақида ахборот тўплаш;

- даромадларни йиғиш ва харажатларни назорат қилишни яхшилаш, харажатларни қоплаш стратегиясини ишлаб чиқиш, бу

маҳаллий бошқарув органларига даромадларни ўз вақтида олиш и I харажатларни қоплаш манбаларини аниқлаш имконини берадм,

Маҳаллий ахборот тизимларини бошқариш йўналиши бўйича

- бошқарувга йўналтирилган ахборот тизимларини шакллан тириш. Мазкур тизимларда ҳар хил манбалардан олинган ахборот тўпланадик, бу ҳисоботни самарали юритиш имконини беради;

- тор тармоқ хусусиятига эга ахборот тизимлари, бошқарув тармоқларининг талабларига жавоб бериши лозим бўлган ахборот тизимларининг спецификацияларини тузиш ва амалга ошириш.

Марказлаштирилган бошқарув миқёсида маҳаллий ривожланиш кўйидагиларни назарда тутса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- инвестиция лойиҳаларини бошқариш, бу инфратузилма на ишлаб чиқаришни бошқариш операцияларини назорат қилиш учу и тегишли дастурлар тузиш техникавий ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантиришни ўз ичига олади;

- ижтимоий дастурлар, субсидияларни бошқариш, коммунал хизматлар, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида тор тармоқ режалаштириши;

- маҳаллий юрисдикциядаги лойиҳаларни асословчи ҳужжатларни инвестициялашдан оддин ўрганиш;

- кадр ресурсларини, шу жумладан касбий ўсиш ва рағбатлантиришни режалаштириш, маҳаллий бошқарув органида ходимларнинг малакасига қўйиладиган талабларни ва кадрлар бўлимини кучайтириш;

- институционал ривожланиш, бу режа тузиш ва уни амалга ошириш, маҳаллий бошқарув органларини қиёсий баҳолаш, самарали ахборот алмашишни таъминлаш учун маҳаллий бошқарув органларида ахборот тизимларини ривожлантиришни назарда тутиши лозим;

- маҳаллий тузилмалар фаолиятини бошқаришнинг самарадорлигига баҳо бериш кўрсаткичларини «шлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш; маҳаллий бошқарув органларининг фаолияти умумий самарадорлик, солиқ интизоми, харажатларнинг қопланиши, қарзларни олиш салоҳияти каби мезонлар бўйича баҳоланиши лозим.

Ривожланишнинг стратегияи муқобилларини тахлилдан ўтказиш йўналиши бўйича:

- маҳаллий сиёсатнинг муқобилларини уч йўналиш: бюджетлар уртасидаги солиқ муносабатларини яхшилаш, стратегияни ислох қилиш, шаҳар ҳўжалигини ривожлантириш сиёсати йўналишлари-

да таҳлилдан ўтказиш. Таҳлилнинг асосий мақсади — марказий ва маҳаллий миқёсларда рағбатлантириш тизимларини яхшилаш;

- маъмурий сиёсат муқобилларини таҳлилдан ўтказиш, маҳаллий бошқарув органлари ходимлари ва ташкилий бирликларининг фаолиятини яхшилаш, мўлжалланаётган тузатишларни танлаш юзасидан тавсиялар бериш ва уларни амалга ошириш;

- маҳаллий бошқарувни узоқ муддатли режалаштириш, шу жумладан узоқ муддатли режалаштириш соҳасида миллий ва халқаро тажрибани ақс эттирувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Маҳаллий молияга минтақавий ва тармоқ инвестицияларининг таъсирини баҳолаш йўналиши бўйича:

- соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой қурилиши харажатлари ва инфратузилма тармоқларининг бошқа жорий харажатларига инвестициялашнинг таъсири;

- ижтимоий секторга қилинган инвестициялар маҳаллий ривожланишга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш учун уларни янада мувофиқлаштириш зарурлиги.

Маҳаллий менежментнинг ҳуқуқий ривожланиш, ахборот хизмати кўрсатиш, кадрлар билан таъминлаш каби кичик тизимлари функционал нуқгаи назардан муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда бозор иқтисодида ўтиш даврида маҳаллий бошқарув олдида ўта масъулиятли ва муҳим вазифалар турибди. Уларнинг ҳал қилиниши жуда кўп омишларга боғлиқ бўлиб, улар орасида муаммоларни ҳал қилишга нисбатан мақбул ёндашувларни маҳаллий қурилиш соҳасидаги энг яхши жаҳон тажрибасидан фойдаланиш ва уни Ўзбекистон шароитларига ижодий мослаштириш йўли билан шакллантириш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Қисқача хулосалар

«Муниципал менежмент» атамасини маҳаллий (муниципал) тузилмаларнинг мутаносиб ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида маҳаллий фаолиятни бошқариш тамойиллари, усуллари, воситалари ва шакллари мажмуи деб таърифлаш мумкин. Мазкур тушунча маҳаллий тузилмани ҳамда маҳаллий ҳокимият органининг бошқарув аппаратага ходимларини бошқариш соҳасидаги илмий билимлар ва амалий тажрибани ўз ичига олади.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳозирги замон ташкилий маданияти ютуқларининг ходимлар томонидан муваффақиятли ўзлаштирилиши бозор иқтисодига ўтаётган мамакатларда маҳаллий ҳокимият органларининг иш самарадорлигини оширишнинг реал омилларидан бирига айланиши мумкин, чунки у қатга маблағ сарфламасдан маҳаллий жамоа аъзоларига хизмат кўрсатиш сифатини жиддий яхшилаш имконини беради,

«Муниципал менежмент» иқтисодий категорияси кўп вази­фали бўлганлиги учун мазкур соҳа олимлари ва мутахассислари маҳаллий бошқарувнинг маъмурий-худудий тузилма вазифаларини аниқлаш ва мазкур тузилмани ривожлантириш стратегиясини шакллантириш, уни ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш, бошқарув тузилмасини оптималлаштириш, маҳаллий тузилма фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбаларини излаш ва молиявий таъминлашнинг самарали механизмини амалга ошириш, мазкур худуднинг табиий, моддий-техника ва инсон ресурсларини бошқариш, шунингдек бу ерда иш олиб бораётган маҳаллий ҳокимият органи фаолиятини операцион ва техникавий бошқаришни ташкил этиш каби муҳим таркибий қисмларга ажратмоқдалар. Уларнинг ҳар бири бир-бирини тўлдиради ҳамда бозор иқтисоди шароитларида маъмурий-худудий тузилманинг барқарор «а мутаносиб ривожланишини таъминлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради.

Мухокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Муниципал менежмент нима ва у менежментнинг бошқа чурларидан нима билан фарқ қилади?
2. Ҳозирги замон иқтисодида маҳаллий (муниципал) тузилмаларнинг функциялари нималардан иборат?
3. Давлат қурилиши тизимида маҳаллий тузилмалар қандай роль ўйнайди?
4. Муниципал менежментнинг объекти нима?
5. Муниципал менежментнинг субъектларини айтиб беринг.
6. Муниципал менежментни амалга оширишнинг асосий тамойилларини айтиб беринг.
7. Муниципал менежментни амалга оширишнинг асосий усулларини айтиб беринг.
8. Муниципал менежментни амалга оширишнинг асосий шаклларини айтиб беринг.
9. Маҳаллий фаолият соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
10. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг асосий тамойиллари ва босқичларини айтиб беринг.

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. Т., "Ўзбекистон", 2001.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги 1993 йил 2 сентябрь Қонуни. Т., "Ўзбекистон", 1993.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни. Янги таҳрирда. Т., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон.
4. Каримов И.А. "Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари". Т., 1996.
5. Васильев В.И. «Местное самоуправление». Учебное и научно-практическое пособие. М., Издание г-на Тихомирова М.Ю., 1999.
6. Воронин А.Г., Лапин В.А. «Основы управления муниципальным хозяйством». М., «Дело». 1998.
7. Государственная экономическая политика. М., Учебник МГУ. 1999.
8. Совет Федерации (Р.Ф). Научно-практическая конференция «Муниципальные образования в новой системе политических и социально-экономических координат». Городское управление № 5.2002.

Матнда учрайдиган мураккаб сўз ва атамалар луғати

ТАШКИЛОТНИНГ ТАШҚИ МУҲИТИ - маҳаллий тузилма субъектлари ва унда содир бўлувчи жараёнлар мажмуи.

ТАШКИЛОТНИНГ ИЧКИ МУҲИТИ - маҳаллий тузилма-инг муайян қиёфасини шакллантирувчи субъектлар, объектлар ва жараёнлар мажмуи.

КОММУНИКАЦИЯ — маҳаллий тузилманинг бошқарув тузил масидаги таркибий қисмларининг ўзаро алоқалари бўлиб, маҳаллий тузилмаларнинг турли бўғинларига ваколатлар ва жавобгарликни ўтказиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни ўз ичига олади.

БОШҚАРУВНИНГ КОМПЛЕКСЛИГИ - маҳаллий тузилма фаолиятини таҳлилдан ўтказиш, режалаштириш ва бошқаришнинг тўлиқлиги, тизимлилиги ва ўзаро боғлиқлиги тавсифи.

БОШҚАРУВНИНГ ЖАМУЛЖАМЛИГИ - маҳаллий ҳокимият органи фаолиятининг маҳаллий фаолиятнинг муайян объектига нисбатан амалга ошириладиган функцияларининг жамланганлиги.

БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИ — маҳаллий тузилма ходимларининг ҳулқ-атвор андозаларини бевосита ёки билвосита шакллантирадиган, айна тузилмага хос бўлган кадриятлар, қарашлар ва меъёрлар мажмуи.

БОШҚАРУВ МЕТОДИ — қўйилган мақсадга эришиш учун маҳаллий ҳокимият органи жамоаси ёки алоҳида ходимларига бошқарув субъекти томонидан таъсир кўрсатиш усуллари.

ХОДИМЛАРНИ МОТИВЛАШТИРИШ - руҳий омил бўлиб, маҳаллий ҳокимият органи ходими фаолиятининг манбаи, сабабидалили ва ҳар хил эҳтимоллари, ходимларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантириш воситасидир.

БОШҚАРУВ ПРИНЦИПЛАРИ - маҳаллий органларнинг ходимлари маълум шароитларда ва тегишли миқёсда қарор қабул қилишда риоя қилишлари лозим бўлган асосий қоидалар.

БОШҚАРУВ МАҚСАДИ — маҳаллий тузилма фаолиятини бошқариш тизимининг эришилиши лозим бўлган мақбул ҳолати.

БОШҚАРУВ ПРОЦЕДУРАСИ - маҳаллий менежментни амалга ошириш билан боғлиқ муайян бошқарув операцияларини бажариш, ишларни кўриб чиқиш ва юритишнинг маълум тартиби.

РЕЖАЛАШТИРИШ — маҳаллий тузилмани бошқаришни

олдиндан белгилаш ёки уни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш.

ТУЗИЛМА — маҳаллий тузилманинг стратегик ва тактик м.п. садларини амалга оширишда уни бошқариш тизимининг таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар мажмуи.

ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ - маҳаллий тузилмани бошқариш тизимининг режалаларини ва амалдаги ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни таққослаш.

ДИСКОНТЛАШ — дисконт ставкасидан келиб чиқиб, булқу си инвестицияларни ҳисоб-китоб даври ёки жорий даврга келтириш усули.

КОНЦЕПЦИЯ — айни ҳодиса ёки тизимнинг моҳиятини ва ўзаро алоқаларини очиб берувчи ҳамда муаммони ҳал қилишга кўмаклашадиган кўрсаткичлар, омиллар ва шартлар зимини аниқлаш, фирманинг стратегиясини шакллантириш, шахснинг хулқатвор қоидаларини белгилаш имконини берувчи асосий ғоялар, принциплар ва қоидалар мажмуи.

ИКТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК УСУЛЛАР - юзага келган ёки режалаштирилаётган шароитларда ҳўжалик қарорларини белгилувчи энг яхши, мақбул вариантларни танлашда қўлланиладиган таҳлилдан ўтказиш ва мақбуллаштириш усуллари.

ТАВАККАЛЧИЛИК ТАҲЛИЛИ - ҳар хил таваккалчилик турларининг манбалари, омиллари ва сабабларини аниқлаш мақсадида объектнинг тузилмасини қисмларга ажратиш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш, кўрилиши мумкин бўлган зарар ва фойдаларни таққослаш.

ҚАРОР ИШЛАБ ЧИҚИШ ТИЗИМИГА КИРИШ - ҳал қилиш лозим бўлган муаммони тавсифловчи кўрсаткичлар.

ҚАРОР ИШЛАБ ЧИҚИШ ТИЗИМИДАН ЧИҚИШ - сон ва сифат ифодасига, маълум даражада мувофиқликка ва рўёбга чиқиш эҳтимоллигига, режалаштирилган натижага эришишда таваккалчилик даражасига эга бўлган қарор.

МАҚСАДЛАР ШАЖАРАСИ — тизим, дастур, режанинг иерархия принципига кўра тузилган (бўғинларга ажратилган) мақсалари мажмуи бўлиб, унда бош мақсад (шажара боши), унга тобе бўлган биринчи, иккинчи ва кейинги босқич мақсадлари (шажара бўғинлари) ажратилади.

ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ - бошқарув қарорларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва мақбуллаштириш усуллари маж-

муи бўлиб, мақсади иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш асосида бошқарув қарорларини сон жиҳатидан асослашдан иборат.

НАЗОРАТ — менежментнинг ресурслар сарфини ҳисобга олиш ва бошқарув қарорларини амалга ошириш режалари, дастурлари, Топшириқларининг бажарилишини таъминлаш функцияси.

МОТИВАЦИЯ - маҳаллий ҳокимият органининг ходимларини режа, топшириқ ёки раҳбариятнинг бошқа муайян кўрсатмасини бажаришга рағбатлантириш.

VIII БОБ

МАҲАЛЛИЙ МОЛИЯ МЕНЕЖМЕНТИ

8.1. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг моҳияти, таркиби ва функциялари

Давлат молияси ва маҳаллий молия — бу реал пул айланишида молиявий ресурсларнинг марказлаштирилган фондларини таркиб тон тириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Молиянинг моддий негизини пул айланиши ташкил этади. Реал пул айланиши — бу қийматни ҳаракатга келтирадиган, пул тўловлари ва ҳисоб-китоблари оқимлари кўринишида кечадиган иқтисодий жараён. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаш манбалари ҳисобланган молия-ресурслари пул айланишининг объектидир.

Давлат молияси ва маҳаллий молия иқтисоднинг давлат ва маҳаллий секторлари, ишлаб чиқариш ва жамоат секторини, бюджет ташкилотлари ва муассасаларини-фивожлантиришнинг энг муҳим дастурларини молиялашнинг марказлаштирилган манбаларини таъминлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ифода этади. Уларнинг фаолияти ижтимоий йўналтирилган иқтисодни ривожлантиришнинг умумий мақсадларига эришишга қаратилган.

Давлат молияси ва маҳаллий молия давлат молия тизими доирасида фаолият кўрсатади ва унинг марказий бўғини ҳисобланади. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг таркиби 8.1 схемада келтирилган.

8.1 схема

Давлат молияси ва маҳаллий молия
Бюджет тизими
Бюджетдан ташқари фондлар тизими
Давлат ва маҳаллий кредитлаш тизими

Иқтисодий категория сифатида молия молия тизимининг Бўгинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ислох қилиш билан (юглик. Бу авваламбор макродаражадаги молия билан микродаражадаги молия ўртасидаги ўзаро алоқаларга тааллуқли.Макро аражадаги молия — бу давлат бюджети ва маҳаллий бюджет. Улар корхоналарнинг молиясига асосланади. Молия иқтисодий ривож анишнинг умумий мақсадларига эришишга қўмаклашади, шунинг чун ҳам уларни мақбул тарзда ташкил этиш талаб этилад . Давлат молияси ва маҳаллий молия учун бу айниқса муҳим. Давлат молияси ва маҳалли

молияни ташкил этиш ҳамда уларнинг иш принциплари к 1-ий белгиланиши лозим.Давлат молияси ва маҳаллий молия соҳасида қарорлар қабул қилиш ахборотлар мажмуига асосланади. Қарор қабул қилиш пайтида ҳам, қарорнинг бажарилишини назорат қилиш жараенида ҳам ахборотни таҳлилдан ўтказиш муҳим. Ахборот оператив ва статистик хисоботларда, шартнома ва битимларда, хисоб-китоб ҳужжатларида ва ҳоказоларда ифодаланади.

Давлат молияси ва маҳаллий молия давлат вазифалари ва маҳаллий вазифаларни ҳал қилиш мақсадларига изчил йўналтирилади.

Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг асосий функциялари умуман молия тизимининг асосий функцияларидан келиб чиқади. Булар — **режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш ва назорат.**

1. Режалаштириш республика билан маъмурий ҳудудлар (вилоятлар, туманлар) ўртасида ваколатларни тақсимлаш асосида мақсадларни таърифлаш ва уларга эришиш йўлларини танлашни назарда тутати. Режалаштиришга шунингдек вақтга қараб ва эълон қилинган ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқ ресурсларнинг чекланган ҳажмини тақсимлаш, уларни республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш ҳам киради. Режалаштириш функцияси тегишли молия йилига ва истикболга бюджетларни тузиш йўли билан амалга оширилади.

2. Ташкил этиш функцияси бюджетнинг тузилмасини белгилаш, бюджетни таснифлаш, бюджетни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартибини белгилаш, ваколатли кредит ташкилотларини танлаш, бюджет жараенида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органларининг ваколатларини чегаралаш, молия органлари функционал бўлимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашни ўз ичига олади.

3. Рағбатлантириш функцияси мақсадларни амалга ошириш қўлланган фаолиятга асосланади.

4. Назорат функцияси қўйилган мақсадларга эришишга қўл, илашдан иборат. Авваламбор, бу мақсадларни шакллантириш || уларга эришиш даражасига баҳо бериш учун зарур норма ва мсериуларни ишлаб чиқиш, молиявий прогнозлар рўёбга чиқиши учун зарур шарт-шароитлар яратишдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, давлат молияси ва маҳаллий молия пул айланиши билан боғлиқ. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг пул айланиши билан боғлиқ функциялари мана шу муносабатлардан келиб чиқади. Булар тақсимлаш ва **назорат** қилиш функцияларидир.

Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг тақсимлаш функцияси янги яратилган қийматни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш орқали давлат бюджетга ва маҳаллий бюджетнинг мутаносиблигини таъминлашдан иборат.

Давлат молияси ва маҳаллий молия ресурсларини марказлаштирилган манбалар орқали қайта тақсимлаш асосида фаолият кўрсатади. Тақсимлаш функциясининг моҳияти корхоналарнинг бюджет, банклар, контрагентлар олдидаги мажбуриятларини бажариш орқали янги яратилган қийматни қайта тақсимлашдан иборат. Тақсимлаш функцияси бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни амалга ошириш, шунингдек бюджет тақчиллигини молиялаш манбаларини ақиқлаш орқали амалга оширилади. Тақсимлаш функциясига турли миқёсдаги бюджетлар ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш жараёни ҳам киради.

Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг назорат функцияси давлат иштирок этадиган пул айланишнинг, пул маблағларининг марказлаштирилган ресурслари шакллантирилишини назорат қилишни ўз ичига олади.

Пул айланишнинг назорат қилиш икки шаклда амалга оширилади:

1. Молиявий кўрсаткичларнинг ўзгаришини, тўловлар ва ҳисобкитобларнинг ҳолатини назорат қилиш.

2. Молиялаштириш стратегиясининг амалга оширилишини назорат қилиш.

Биринчи шаклда санкциялар ва рағбатлантиришлар тизими қўлланилади, иккинчи шаклда эса молиявий сиёсатдаги ўзгариш-

Иврни олдиндан кўра билиш ҳамда молиялаш тартиби ва шартлари-
ш уларга мослаштириш вазифаси қўйилади.

Молиянинг назорат функцияси хамиша муайян объектга эга, у с бюджетга, ё бюджетдан ташқари фондга, ё муайян корхонага Иўналтирилган бўлади.

Молиянинг назорат функцияси қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

А) бюджетлар ва фондларга маблағларнинг ўз вақтида ва тўғри ўтказилиши устидан назорат;

Б) бюджет ва бюджет ташқари фондлар белгилаган параметрлар доирасидан четга чиқилмаслиги устидан назорат;

В) бюджет ва бюджет ташқари фондларнинг белгилаган харажатлари параметрлари доирасидан четга чиқилмаслиги устидан назорат.

Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг асосий принциплари:
- қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар негизининг ягоналиги;

- очиклик ва ошқоралик (транспарентлик);
- ваколатлар ва юритиш предметларининг чегараланганлиги;
- мақсадга йўналтирилганлик;
- , - мақсадларни амалга оширишга нисбатан илмий ёндашиш;
- тежамлилиқ ва оқилоналиқ;
- молия оқимларини марказлаштирилган асосда бошқариш.

8.2. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг тузилмаси

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими:

- давлат бюджетини ва давлатнинг бюджетдан ташқари фондларини;

- Ўзбекистон Республикаси субъектларининг бюджетларини ва ҳудудий бюджетдан ташқари фондларни;

- маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Биринчи поғона бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўри-нишида тасдиқланади. Иккинчи поғона бюджети Ўзбекистон Республикаси субъектларининг қонуни кўри-нишида тасдиқланади. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари билан тасдиқланади.

Давлат бюджетдан ташқари фондлари — бу Узбекистон Р (< публикаси давлат бюджетидан ва республика субъектларининг *бш* жетларидан ташқарида таркиб топтириладигай, пенсиялар, ёрдам пуллари ва бошқа ижтимоий-суғурта тўловларини амалга ошириш га мўлжалланган марказлаштирилган пул маблағлари фондлари (Пенсия фонди, Бандликка кўмаклашиш фонди)дир.

Мақсадли бюджет фонди - бу мақсадли йўналишда ва алохи да смета бўйича сарфланадиган даромадлар ҳисобига таркиб топти риладиган марказлаштирилган пул фонди (давлат эҳтиёжлари учу и харид қилинадиган кишлок хўжалик махсулотлари учун ҳисоб-ки- тоблар фонди)дир.

Бюджет таснифи бюджет тузилмасига кирувчи бюджет даро- мадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчилликни молия- лаштириш манбаларини гуруҳлашдан иборатдир. Ундан бюджетларни тузиш ва ижро этиш, барча поғона бюджет тизими кўрсаткичларин- нинг қиёсийлигини таъминлаш учун фойдаланилади. Бюджет тас- нифи 8.2 схемада келтирилган.

Бюджет таснифи	
Бюджет даромадлари таснифи	Молиялаштириш манбалари таснифи
	Бюджет тақчилликларини молиялаштиришнинг ички манбалари
	Бюджет тақчилликларини молиялаштиришнинг ташқи манбалари
Бюджет харажатлари таснифи	Бюджет харажатларининг функционал таснифи
	Бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи
	Бюджет харажатларининг гашкилий таснифи
Давлат қарзлари турларининг таснифи	Давлат ички қарзи турларининг таснифи
	Давлаг ташқи қарзи турларининг таснифи

8.2 схема. Бюджет таснифи

Бюджет тизимининг иш принциплари куйидагилардир:

- бюджет тизимининг ягоналиги;
- бюджет тизимининг поғоналари ўртасида даромадлар ва хар-
рлжатларнинг тақсимланганлиги;
- бюджетларнинг мустақиллиги;
- бюджетлар ва давлат бюджетдан ташқари фондлари даро-
мадлари ва харажатларини тўлиқ акс эттириш;
- бюджетларнинг мутаносиблиги;
- бюджет маблағларининг самарадорлиги ва уларнинг тежам-
ли сарфланиши;
- ошкоралик;
- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг адреслиги ва мак-
садли хусусиятга эгаллиги.

8.3. Муниципал ёки маҳаллий молия

Маҳаллий молия — бу маҳаллий аҳамиятга молик вазифалар-
ни ҳал қилиш учун ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улар-
дан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган ижтимоий-иқтисо-
дий муносабатлар мажмуидир.

Маҳаллий бюджет — давлат бюджетининг тегишли вилоят,
туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир
қисми бўлиб, унда даромадлар, манбалари ва улардан тушумлар
микдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун
ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва микдори назарда
тутилади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари жумласига маҳаллий со-
ликлар, йиғимлар ва жарималар, республика қонун ҳужжатларида
белгиланган меъёрийларга мувофиқ умумреспублика солиқларидан
ажратмалар, давлат ҳокимияти органлари мақсадли дастурларни
амалга ошириш учун маҳаллий органларга тақдим этган молиявий
мблағлар, давлат мулкни хусусийлаштириш, маҳаллий мулкни
ижарага бериш, маҳаллий заём ва лотереялардан келган тушум,
маҳаллий бошқарув органлари корхоналари ва ташкилотлари даро-
мадининг бир қисми, дотациялар, трансферт тўловлари ва бошқа
тушумлар киритилади.

Маҳаллий микёсда бюджетлар ўртасидаги муносабатлар куй-
идаги принциплар асосига курилади:

- ўзаро жавобгарлик;

Давлат бюджетдан ташқари фондлари — бу Ўзбекистон РҶ публикаси давлат бюджетидан ва республика субъектларининг бюджетларидан ташқарида таркиб топтириладиган, пенсиялар, ёрдам пуллари ва бошқа ижтимоий-суғурта тўловларини амалга оширишга мўлжалланган марказлаштирилган пул маблағлари фондлари (Пенсия фонди, Бандликка кўмаклашиш фонди)дир,

Мақсадли бюджет фонди — бу мақсадли йўналишда ва алоҳида смета бўйича сарфланадиган даромадлар ҳисобига таркиб топтириладиган марказлаштирилган пул фонди (давлат эҳтиёжлари учу ва харид қилинадиган қишлоқ хўжалик махсулотлари учун ҳисоб-ки-тоблар фонди)дир.

Бюджет таснифи бюджет тузилмасига кирувчи бюджет даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчилликни молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдан иборатдир. Ундан бюджетларни тузиш ва ижро этиш, барча поғона бюджет тизими кўрсаткичларининг қийсийлигини таъминлаш учун фойдаланилади. Бюджет таснифи 8.2 схемада келтирилган.

Бюджет таснифи	
Бюджет даромадлари таснифи	Молиялаштириш манбалари таснифи
	Бюджет тақчилликларини молиялаштиришнинг ички манбалари
	Бюджет тақчилликларини молиялаштиришнинг ташқи манбалари
Бюджет харажатлари таснифи	Бюджет харажатларининг функционал таснифи
	Бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи
	Бюджет харажатларининг ташкилий таснифи
Давлат қарзлари турларининг таснифи	Давлат ички қарзи турларининг таснифи
	Давлат ташқи қарзи турларининг таснифи

8.2 схема. Бюджет таснифи

Бюджет тизимининг иш принциплари куйидагилардир:

- бюджет тизимининг ягоналиги;
- бюджет тизимининг поғоналари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг тақсимланганлиги;
- бюджетларнинг мустақиллиги;
- бюджетлар ва давлат бюджетдан ташқари фондлари даромадлари ва харажатларини тўлиқ акс эттириш;
- бюджетларнинг мутаносиблиги;
- бюджет маблағларининг самарадорлиги ва уларнинг тежамли сарфланиши;
- ошкоралик;
- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг адреслиги ва мақсадли хусусиятга эгаллиги.

8.3. Муниципал ёки маҳаллий молия

Маҳаллий молия — бу маҳаллий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилиш учун ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Маҳаллий бюджет — давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар, манбалари ва улардан тушумлар микдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва микдори назарда тутилади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари жумласига маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва жарималар, республика конун ҳужжатларида белгиланган меъёрийларга мувофиқ умумреспублика солиқларидан ажратмалар, давлат ҳокимияти органлари мақсадли дастурларни амалга ошириш учун маҳаллий органларга тақдим этган молиявий маблағлар, давлат мулкни хусусийлаштириш, маҳаллий мулкни ижарага бериш, маҳаллий заём ва лотереялардан келган тушум, маҳаллий бошқарув органлари корхоналари ва ташкилотлари даромадининг бир қисми, дотациялар, трансферт тўловлари ва бошқа тушумлар киритилади,

Маҳаллий микёсда бюджетлар ўртасидаги муносабатлар куйидаги принциплар асосига курилади:

- ўзаро жавобгарлик;

- маҳаллий тузилмаларнинг ўзига хосликлари эътиборга ОИН ган, барча маҳаллий тузилмалар учун ягона методологиянинг қулл ниши;

- маҳаллий тузилмаларнинг даромадларини тенглаштирит;
- қарши молия оқимларини имкон қадар камайтириш;
- маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширишдан ми халлий органларнинг манфаатдорлигини ошириш;
- республика микёсида қабул қилинадиган қарорлар оқиба- тида даромадлар камайган ёки харажатлар кўпайган тақдирда, мл халлий бюджетларга юзага келган фаркни тўлаш;
- ошкоралик.

Бюджетларни, айниқса, маҳаллий бюджетларни ўз вақтида ва тўлиқ таркиб топтиришда бюджет жараёнини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. -Бюджет жараёни деганда бюджетни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш изчил босқичларининг мажмуи тушунилади. Бюджет жараёни бюджет календарини тузишдан бош- ланади. Бу календарда бюджет жараёнининг алоҳида босқичларини ижро этиш муддатлари ва бунинг учун масъул ижрочилар (масалан, туман молия бўлимларининг бўлинмалари) белгиланади.

Иккинчи босқичда бюджетнинг концептуал асослари ва бюд- жет сиёсатининг устуворликлари ишлаб чиқилади, бюджет суров- лари ва даромадларнинг прогнозлари тузилади.

Кейинги босқичда бюджет даромадлари алоҳида моддалар кесимида прогноз қилинади ва бюджетдан молиялаштириш йўна- лишлари бўйича харажатларнинг сметалари тузилади.

Шундан сўнг алоҳида бюджет ташкилотлари, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган бюджет сўровлар кўриб чиқилади, зарур ҳолда даромадлар ҳажмига белгиланган чекловлардан келиб чиқиб мазкур сўровларга тузатиш- лар киритилади.

Сўровларни кўриб чиқиш натижалари бўйича бюджетнинг дастлабки варианты тузилади ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқа- рув органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг муҳокама- сига қўйилади.

Муҳокама натижалари бўйича бюджетга ўзгартиришлар ки- ритиш ҳақида қарорлар қабул қилинади ва бюджетнинг узил-кесил варианты ишлаб чиқилади.

Кейинги босқичда бюджет маҳаллий ҳокимият органлари кен- гашларининг сессияларида муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ

1. Бюджет календарини ишлаб чиқиш	2. Бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, методик кўрсатмалар ва шакллари ишлаб чиқиш	3. Даромадларни прогноз қилиш ва харажатлар сметаларини тузиш
1. Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш	6. Бюджетнинг биринчи вариантини муҳрама қилиш ва унга тузатиш киритиш	6. Бюджет сўровларини тузиш
7. Лойиҳани ҳарқимиятда муҳрама қилиш	8. Бюджетни тасдиқлаш	9. Ижро этиш ва назорат қилиш

8.3 схема. Бюджет жараёни

Бюджет жараёнининг сўнгги босқичида бюджет ижро этилади ва бюджетнинг ижро этилиши назорат қилинади.

Бюджет календариди белгиланган муддатларга қатъий риоя қилиш зарур.

Даромадларни прогноз қилиш жараёнида уларнинг манбалари, турлари ва хиллари (солиқ ва носолиқ даромадлари, давлат трансфертлари, давлат мулки ва маҳаллий бошқарув органлари мулкидан олинган даромадлар, маҳаллий бошқарув органларининг бошқа активлари) аниқланади. Даромадларни шакллантириш жараёнига турли омилларнинг таъсирига баҳо берилади.

Бюджет харажатларини аниқлашда улар жорий харажатлар (бюджет ташкилотлари хизматчиларининг иш ҳақи, жорий трансфертлар, товар ва хизматлар харид қилиш)га ва капитал харажатлар (инвестициялар, капитал таъмирлаш)га ажратилади.

Функционал белгисига қараб соғлиқни сақлаш, маориф, уй-жой-коммунал хужалиги, транспорт, алоқа харажатлари ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар ажратилади.

8.4. Молия менежментининг асосий тушунчалари

Молия менежменти — бу пул айланишини, молия ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни бошқариш жармони, пул айланишини ва молия ресурсларини бошқариш шаклларм. усуллари ва усуллари тизимидир.


Молия менежменти барча поғона бюджетларини, шунит л < I тармоқ молияси, суғурта ва қимматли қоғозлар бозорини **камраб** олади.

Молия менежментига турли қўринишларга эга бўлган и питарал ҳодиса деб қараш лозим. Функционал нуктаи назардан олиб қараганда, молия менежменти иқтисодий бошқариш тизими ва молия механизмининг бир қисмидир. Институционал нуктаи назардан молия менежменти бошқариш органидир. Ташкилий на ҳуқуқий нуктаи назардан эса молия менежменти — бу тадбиркорлик фаолияти туридир.

Молия менежменти бошқариш тизими сифатида молия ресурсларининг ҳаракатини ва мазкур ҳаракат жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатларни бошқаришни назарда тутати. Бу ҳаракат ва муносабатларни қандай қилиб самарали бошқариш мумкин, деган саволга жавоб молия менежментининг мазмунини ташкил этади, Молия менежменти - бу молияни бошқариш мақсадларини ишлаб чиқиш ҳамда молия механизмининг усуллари ва воситалари ёрдамида уларга таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Молия менежменти бошқарув стратегияси ва тактикасини ўз ичига олади. Стратегия — бу қўйилган мақсаднинг умумий йўналиши ва мазкур мақсадга эришиш воситаларидан фойдаланиш усулидир. Мазкур усул қарорлар қабул қилишнинг маълум қоидалари ва чеклашлари тўпламига эга. Стратегия қарорнинг қабул қилинган стратегияга зид бўлмаган вариантига эътиборни қаратиш имконини беради. Қўйилган мақсадга эришилганидан кейин стратегия мазкур мақсадга эришиш йўналиши ва воситаси сифатида ўз аҳамиятини йўқотади. Янги мақсадлар янги стратегияни ишлаб чиқишни талаб этади. Тактика - бу муайян шароитларда қўйилган мақсадга эришишнинг муайян усуллари ва усуларидир. Бошқариш тактикасининг вазифаси хўжаликни юриштишнинг айни вазиятида энг мақбул қарорни ҳамда бошқариш усуллари ва усулларининг энг мақбулларини танлашдан иборатдир.

Молия менежменти бошқариш тизими сифатида икки кичик пгшмдан: бошқариладиган кичик тизим ёки бошқариш объектидан ва бошқарувчи кичик тизим ёки бошқариш субъектидан ташкил топади (8.4 схема).



8.4 схема. Молия менежменти бошқариш тизими сифатида

Хўжалик жараёнида пул оқими, қиймат айланиши, молия ресурсларининг ҳаракати, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бўлимлари ўртасидаги муносабатларнинг амалга ошиши шартларининг мажмуи молия менежментида бошқариш объекти ҳисобланади. Ҳар хил бошқарув таъсири кўрсатиш шакллари ёрдамида объектнинг изчил фаолият кўрсатишини таъминлайдиган махсус одамлар гуруҳи бошқарув субъектларидир.

Молия тизими элементларининг хоссалари молия менежментининг умумий қонунчилигини таърифлаш имконини беради: **тизмнинг алоҳида элементларининг эмас, бутун тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилиш керак.**

Молия тизими мураккаб, жўшқин ва очиқ тизим. Молия тизимининг мураккаблиги унинг таркибий элементларининг хилма-хиллиги, улар ўртасидаги алоқалар хусусиятининг ҳар хиллиги билан белгиланади.

Молиятизиминингжўшқинлиги шу билан изоҳланадики, ун II молия ресурслари, харажатлар, даромадлар, капиталга бўлган талаб ва таклиф миқдорлари ҳамisha ўзгариб туради. Молия тизими очиқ тизим, чунки у ташки муҳит билан ахборот алмашади.

8.5. Молия менежментининг функциялари

Молия менежментининг функциялари бошқарувчи тизимнинг шаклланишини белгилайди. Бошқариш объектининг функциялари ва бошқариш субъектининг функциялари тафовут этилади. Бошқариш объектининг функциялари жумласига қуйидагилар киради:

- пул айланишини ташкил этиш;
- молиявий маблағлар ва инвестиция воситалари билан таъминлаш;
- молия ишини ташкил этиш ва ҳ.к.

Бошқариш субъектининг функциялари, яъни бошқарув фаолиятининг муайян тури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборот йиғиш, уни тартибга солиш, узатиш ва сақлаш;
- қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- қарорни командага айлантириш;
- режалаштириш, прогноз ва башорат қилиш;
- ташкил этиш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш;
- рағбатлантириш;
- назорат қилиш.

Бошқариш функцияси — молиявий режалаштириш — режа топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича барча чора-тадбирлар мажмуини қамраб олади. Молиявий режалаштириш - бу одамлар томонидан муайян молиявий тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнидир. Мазкур фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун молиявий режаларни ишлаб чиқиш методологияси ва методикаси ишлаб чиқилади.

Молия менежментида прогноз қилиш деганда объектнинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларни узоқ истиқболга ишлаб чиқиш тушунилади. Бошқарув объектининг молиявий ҳолатини ривожлантиришнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш прогноз қилишнинг ўзига хос хусусиятидир.

Молия менежментида ташкил этиш функцияси молиявий дастурни биргаликда амалга ошираётган одамларни бирон-бир қоидалар ва процедуралар негизида бирлаштиришни назарда тута-

ди. Бошқарув аппаратики ташкил этиш, меъёрлар, меъёрийлар, мстодикалар ва ҳоказоларни ишлаб чиқиш, бошқарув бўлимлари ўртасида алоқалар ўрнатиш шулар жумласидандир.

Молия менежментида тартибга солиш деганда молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга ёрдам берадиган бошқариш объектига таъсир кўрсатиш тушунилади. Тартибга солиш асосан графиклар, меъёрлар, меъёрийлар, қонунлар, режа топшириқларидан четлашишни бошқариш бўйича жорий чора-тадбирларни қамраб олади.

Молия менежментида мувофиқлаштириш бошқарув тизимининг барча бўғинлари, бошқарув аппарати ва мутахассисларнинг ишини мувофиқлаштиришни назарда тутди. Мувофиқлаштириш бошқарув объекти, субъекти, бошқарув аппарати ва алоҳида ходим ўртасидаги муносабатларнинг бирлигини таъминлайди.

Молия менежментида рағбатлантириш молия хизмати ходимларини ўз меҳнатининг натижаларидан манфаатдорликка даъват этишда ўз ифодасини топади. Рағбатлантириш ёрдамида сарфланган меҳнатнинг сони ва сифатига қараб моддий бойликларнинг тақсимланиши бошқарилади.

Молия менежментида назорат қилиш молия ишининг ташкил этилишини, молиявий режаларнинг бажарилишини ва бошқа шунга ўхшаш ишларни текширишни ўз ичига олади. Назорат қилиш орқали молиявий маблағларнинг сарфланиши ва объектнинг молиявий ҳолати ҳақида ахборот тўпланади, қўшимча имкониятлар ва захиралар аниқланади, молиявий дастурларга, молия менежменти ташкилотига тузатишлар киритилади. Назорат молиявий натижаларни таҳдиддан ўтказишни назарда тутди. Таҳлил — молияни режалаштиришнинг таркибий қисми. Бинобарин, молиявий назорат молияни режалаштиришнинг тескари томони ва унга молияни режалаштиришнинг таркибий қисми деб қараш керак.

Бошқарув вазифаларини хал қилишга нисбатан ёндашувлар ҳар хил бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам молия менежменти қўп вариантлидир.

Молия менежментида энг муҳими — бошқарув объектининг молиявий манфаатларига жавоб берадиган мақсадни тўғри қўйишдир. Молия менежменти жуда жўшқин жараён. Унинг иш самарадорлиги молия бозори, молиявий вазият ва бошқарув объектининг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларга тез мослаша билишга қўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳам молия менежменти бошқарувнинг

стандарт усулларини билишга, муайян молиявий вазиятга к I ш тўғри баҳо бера олишга, вазиятдан чиқишнинг мақбул йўлини и I топиш қобилиятига асосланиши лозим.

8.6. Молия менежменти бошқарув комплекси сифатида

Молия менежменти турли молиявий активларни бошқариш билан боғлиқ. Бундай активларнинг ҳар бири тегишли бошқариш усулларини қўллашни ва молия бозорининг тегишли бўғини ҳусу сиятини эътиборга олишни талаб этади. Шунинг учун ҳам молия менежментига қуйидагиларни ўз ичига олувчи мураккаб бошқарув комплекси деб қараш мумкин:

- 1) таваккалчилик менежменти;
- 2) кредит операциялари менежменти;
- 3) қимматли қозғалар менежменти;
- 4) валюта операциялари менежменти;
- 5) қўчмас мулк билан амалга оширилаётган операциялар менежменти.

Молияни бошқариш вақтда амалга оширилади. Вақт белгиси бошқарувнинг мақсадлари ва йўналишларига таъсир кўрсатади. Мазкур белгига қараб молия менежментининг қуйидаги турлари тафовут этилади:

- стратегик менежмент;
- тезкор-тактик менежмент.

Стратегик молия менежменти инвестицияларни бошқариш-ни назарда тутди. У танланган стратегик мақсадни амалга ошириш билан боғлиқ. Стратегик молия менежменти авваламбор қуйидагиларни ўз ичига олади:

- капитални жойлаштириш лойиҳаларига молиявий баҳо бериш;
- инвестиция қарорлари қабул қилиш мезонларини танлаш;
- капитални жойлаштиришнинг энг мақбул вариантини танлаш;
- молиялаштириш манбаларини аниқлаш,

Инвестицияларга баҳо бериш хилма-хил мезонлар ёрдамида амалга оширилади. Капитални жойлаштиришдан наф қўриш мумкин, башарти:

- капитални жойлаштиришдан олинган фойда депозитдан олинган фойдадан катта бўлса;
- инвестицияларнинг рентабеллиги инфляция даражасидан юқори бўлса;

- вақт омилини эътиборга олганда ушбу лойиҳанинг рента-гк-плиги бошқа лойиҳаларнинг рентабеллигидан юқори бўлса.

Барча инвестициялар вақтда амал қилади, шунинг учун ҳам < стратегик менежментда вақт омилининг таъсирини эътиборга олиш муҳимдир, зотан, у қуйидагиларни кўрсатади:

1) пулнинг қиммати вақт ўтиши билан камаяди;

2) инвестиция даври қанча узоқ бўлса, молиявий хавф-хатар царажаси шунча катта бўлади.

Шунинг учун ҳам стратегик менежментда даромадни капи-гллаштириш, капитални дисконтлаш, компаундинг, молиявий хавф-хатарни камайитириш усуллари кенг қўлланади.

Тезкор-тактик молия менежменти деганда нақд пулларни тез-кор бошқариш тушунилади. У қуйидагиларни назарда тутати:

1) молиявий мажбуриятларни бажариш учун етарли нақд пул-лар билан таъминлаш;

2) вақтинча бўш пуллардан капитал сифатида фойдаланиш-нинг даромадлилигини ошириш.

Нақд пулларни бошқариш мақсадлари:

1) нақд пул тушумининг тезлигини ошириш;

•2) пул тўловлари тезлигини камайитириш;

3) нақд пулларни жойлаштиришдан имкон қадар катта наф кўрилишини таъминлаш.

Ҳар бир мақсаднинг ўз бошқариш усуллари мавжуд.

Товарлар (хизматлар) учун ҳисоб-китоб қилиш шартлари ва шакллари (масалан, аванс олиш, олдиндан пул тўлаш, аккреди-тивнинг самарали турлари ва бошқалар) танлаш бошқариш жараё-нида муҳим аҳамиятга эга. Таъминотчилар қуйидаги мезонларга асо-сан танланади:

- ўтмишда тўлов интизомига риоя қилишига қараб;

- молиявий барқарорлиги даражасига қараб;

- тўлов лаёқати даражаси ва динамикасига қараб.

Дебитор қарзларини бошқариш унинг давомийлигини назо-рат қилишни ўз ичига олади. Бунинг учун дебитор қарзлари юзага келиш муддатларига (1 ой, 3 ой, 6 ой, 12 ой) қараб гуруҳланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи мақсадни амалга оширишда пул маблағлари имкон қадар кўп айланишини таъминлаш учун туловларни кечга суриш имконини берадиган усуллар зарур.

Учинчи мақсадни амалга оширишда касса нақдинасини бош-

кариш усулидан фойдаланиш лозим, зотан, бу усул уни мул..... қадар камайтириш ва даромад келтирадиган активларга жойлиштириш учун пул маблағлари ҳажмини ошириш имконини беради

Молия менежменти бошқариш органи сифатида бошқаруш аппарати, яъни хўжалик юритувчи субъектни, маъмурий мм т. и ни бошқаришнинг бир қисми (маҳаллий бошқарув) кўринишиД! бўлади. Йирик объектларда бундай бошқарув аппарати вазифасипи молиявий директор ёки бош молия менежери раҳбарлигидаги миллиявий дирекция (бошқарма) бажариши мумкин.

Молиявий дирекция (бошқарма) турли бўлимлардан ташки и топади. Бўлимлар таркибини хўжалик юритувчи субъектнинг олиИ бошқарув органи ёки давлат минтақавий тузилмасининг оли ижро этувчи органи белгилайди. Молия бўлими, бухгалтерия, таҳлил сектори (бюроси) ва ҳоказолар шулар жумласидан. Бунда Моли и кии дирекция (бошқарма) тўғрисида низом бўлиши шарт. Низомда дирекциями ташкил этишнинг умумий қоидалари, унинг вазифалари, тузилиши, функциялари, хўжалик юитувчи субъектнинг бошқа бўлимлари ва хизматлари билан ўзаро муносабатлари, дирекция (бошқарма)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади.

Молиявий дирекция (бошқарма)нинг асосий функциялари:

- хўжалик юритувчи субъектни молиявий ривожлантириш мақсадини белгилаш;
- хўжалик юритувчи субъектни ва унинг бўлимларини ривожлантиришнинг молиявий стратегияси ва молиявий дастурини ишлаб чиқиш;
- инвестиция сиёсатини белгилаш;
- кредит сиёсатини ишлаб чиқиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг барча бўлимлари учун молия ресурслари харажатлари сметасини белгилаш;
- хўжалик юритувчи субъект ва унинг бўлимларининг пул окимлари режаси (схемаси)ни, молиявий режаларини ишлаб чиқиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг (маҳаллий бошқарув органининг) бизнес-режасини тузишда иштирок этиш;
- молиявий фаолиятни таъминлаш (пул маблағларидан фойдаланиш, даромад олиш, капитални тасарруф этиш);
- таъминотчилар, харидорлар ва ҳоказолар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- молиявий тижорат хавф-хатарлари, гаров, траст, лизинг ва бошқа молиявий операциялардан суғурта қилиш;

- хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ва статистика қисобини юритиш, унинг бухгалтерия балансини тузиш;

- хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятини таҳлилдан ўтказиш.

Молия менежменти тадбиркорлик фаолиятининг шакли сифатида молиявий фаолиятни соф маъмурий, буйруқбозлик йўли билан бошқариб бўлмаслигини кўрсатади. Молия менежменти атроф муҳитдаги ўзгаришларга фаол эътибор берадиган ижодий фаолиятни назарда тутади.

Молия менежментни тадбиркорликнинг шакли сифатида му-такил фаолият турига ажратиш мумкин. Бу фаолиятни профессиона-нал менежерлар ва профессионал институтлар (траст компанияла-ри, брокерлик идоралари ва хоказолар) амалга оширади. Молия менежментнинг тадбиркорлик шакли сифатидаги моҳияти қуйида-1 и айирбошлашда ўз ифодасини топади:

Пул_____ *#* Молия менежери_____ • Пул ўсиш
хизматлари" * билан

Молия менежменти молия бозорида фаолият кўрсатади. Мо-лия бозорида молия (пул) ресурслари ва инвестиция бойликларин-нинг харидорлари ва сотувчилари, уларнинг қиймати ва истеъмол қиймати ўртасидаги иқтисодий муносабатлар намоён бўлади. Мо-лия бозорининг фаолияти молия ресурсларнинг харакатини ва мо-лиявий муносабатларни бошқариш соҳасида тадбиркорлик учун асос яратади.

Молия - фақат иқтисодий категория эмас. Молия хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва савдо жараёнига таъсир кўрсатиш воситаси ҳамдир. Бундай таъсир кўрсатиш **молия меха-низми** орқали амалга оширилади. Молия механизми деганда **молия ресурсларини ташкил этиш, режалаштириш ва улардан фойдалани-шда ўз ифодасини топувчи молиявий воситаларнинг таъсири тизи ми** тушунилади. Молия механизмининг тузилишига бешта ўзаро боғлиқ унсурлар: молиявий усуллар, молиявий воситалар, ҳуқуқий таъминот, меъёрий таъминот ва ахборот билан таъминлаш киради. Молиявий усулни хўжалик жараёнига молиявий муносабатларнинг таъсир кўрсатиши усули деб таърифлаш мумкин. Молиявий усуллар икки йўналишда таъсир кўрсатади:

- молия ресурсларининг харакатини бошқариш йўналишида;
- харажатлар ва натижаларни таққослаш, моддий рағбатлан-

тириш ва пул фондларидан самарали фойдаланиш учун жаиобгпрлик *билан* боғлиқ бозор тижорат муносабатлари йўналишида.

Тижорат ҳисоб-китобларишга қўлашдан рақобат кураши шн роигларида минимал харажат қилиб, мумкин қадар катта даромал ёки фойда олиш мақсади кўзланади. Мазкур мақсаднм амалга ошириш тadbиркорлик фаолиятига жойлаштирилган (аванс қилиш ;> капиталнинг миқдорини ушбу фаолиятнинг молиявий натижаларинг таққослашни талаб этади.

Капитални жойлаштиришнинг вариантларини олдиндан қабул қилинган мезон (жойлаштирилган ҳар бир сўмга мумкин қадар катта даромад, фойда олиш, мумкин қадар оз харажатлар қилиш ва х.к.)га асосан ҳисоблаш ва таққослаш зарур. Чет эл амалиётида жойлаштирилган капитал миқдорини хўжалик фаолиятининг натижаларш таққослаш «инпут-аутпут» (триг-ошриг) атамаси билан ифодаланади.

Молиявий усулларнинг таъсири пул фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишда намоён бўлади.

Молия механизмининг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш қонун ҳужжатлари, қарорлар, буйруқлар ва бошқарув органларининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларини ўз ичига олади. Йўриқномалар, меъерийлар, меъерлар, тариф ставкалари, қабул қилинган технологиялар, тушунтиришлар, методикалар ва ишлаб чиқаришнинг товар ва хизматларни реализация қилиш билан алоқасини акс эттирувчи бошқа ҳужжатлар молия механизми фаолиятининг меъерий таъминотини ташкил этади.

Молия механизмининг фаолиятини ахборот билан таъминлаш ҳар хил иқтисодий, тижорат, технологик ва бошқа ахборотларни ўз ичига олади. Молиявий ахборот жумласига қуйидагилар киради:

- ҳамкорлар, истеъмолчилар ва рақибларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлашга лаёқати ҳақида маълумотлар;
- товар, фонд, валюта бозорларидаги нархлар, курслар, дивидендлар ва фоизлар ҳақида маълумотлар;
- биржа ва биржадан ташқари бозорлардаги ҳолат ҳақида маълумотлар;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молия ва тижорат фаолияти ҳақида маълумотлар;
- бошқа ҳар хил маълумотлар.

Кимки ахборотга эга бўлса, у молия бозорига ҳам эгалик қила-

ЦИ. Ахборотнинг баъзи бир турлари интеллектуал мулк бўлиши ва л. ц и яд орлик жамияти ёки ўртокликнинг низом капитал ига ҳисса ттриқасида киритилиши мумкин.

Юқори малакали молия менежери ҳамиша ҳар қандай ахборотни, ҳатто энг салбий ахборотларни ҳам олишга, бундай ахборотнинг асосий жиҳатларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Ахборот бўлакма-бўлак тўпланади ва биргалиқца тўлақонли ахборот қимма гига эга бўлади. Молия менежерининг ихтиёрида ишга дойр ишончли ахборотнинг мавжудлиги молиявий қарорлар ва тижорат қарорларини тез қабул қилиш, бундай қарорларнинг тўғрилигига таъсир кўрсатиш имконини берадики, бу пировард натижада молиявий патижанинг яхшиланишига олиб боради.

Юқори малакали молия менежери ҳамиша ҳар қандай ахборотни, ҳатто энг салбий ахборотларни ҳам олишга, бундай ахборотнинг асосий жиҳатларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Ахборот бўлакма-бўлак тўпланади ва биргалиқца тўлақонли ахборот имматига эга бўлади. Молия менежерининг ихтиёрида ишга дойр ишончли ахборотнинг мавжудлиги молиявий қарорлар ва тижорат қарорларини тез қабул қилиш, бундай қарорларнинг тўғрилигига таъсир кўрсатиш имконини берадики, бу пировард натижада молиявий натижанинг яхшиланишига олиб боради.

Молия менежерининг касбий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагича гуруҳланади:

А) бюджет параметрларининг бажарилишини мунтазам назорат қилиш, даромадлар ва тушумни кўпайтириш, харажатлар ва ажратмаларни макбуллаштириш, даромадларни харажатлардан ошириш ҳақида қайғуриш;

Б) режалаштириш, таҳлилдан ўтказиш, қарорлар қабул қилиш;

В) қўл остидаги хизматларда ишлайдиган ҳар бир ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгалаш;

Г) молия хизмати ҳужжатларига имзо чекиш;

Д) ҳисобга олиш-таҳлилдан ўтказиш, инвестиция, тақсимлаш сиёсатида молиявий стратегияни ишлаб чиқиш ва белгалаш ва ҳ.к.

Рўйхатни давом эттириш ва тўлдириш мумкин. Молия менежери ташкилотчилик қобилятига, одамлар билан муомала қилиш маҳоратига эга бўлиши, молия ишининг самарадорлигини ошириш учун ишга дойр муносабатларда бағрикенг ва бардошли бўлиши керак.

8.7. Маҳаллий миқёсда молиявий сиёсат

Маҳаллий субъект миқёсида молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш маҳаллий молия менежментида алоҳида аҳамиятга эга. ЯЛПИ миллий маҳсулот айнан минтақаларда ишлаб чиқарилади, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳам шу ерда содир бўлади ва улар биргаликда бутун давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда маҳаллий тузилмаларнинг ваколатлари ва маҳаллий тузилмалар ҳақидаги қонунчилик ривожланмаганлиги туфайли маҳаллий миқёсда молиявий сиёсат ишлаб чиқилмайди. Бундай шароитларда минтақаларнинг молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усуллари ва механизмларининг аҳамиятини тушуниш ва уларни билиш алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятда демократлаштириш жараенларининг янада ривожланиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ваколатларнинг берилиши мазкур масаланинг аҳамиятини янада оширади.

Мавжуд иқтисод назариясини ўрганиш минтақа миқёсида молия сиёсатининг мақсади минтақа аҳолисининг бюджетдан таъминланганлигини ошириш, аҳоли жон бошига даромадлар миқдорини кўпайтириш ва мазкур минтақада турмуш даражаси ижтимоий меъёрийларини таъминлашдан иборат эканлигини кўрсатади. Табиийки, бундай меъёрийларни ишлаб чиқиш ва уларни тасдиқлаш масаласи кўндаланг бўлади. Бундай меъёрийларнинг умумдавлат меъёрийлари билан ўзаро алоқаси алоҳида аҳамиятга эга.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди жуғрофий нуқтаи назардан анча бир хиллигига қарамай, меъёрийлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси вилоятлари, Бухоро, Жиззах вилоятлари ва бошқа вилоятлар учун бир хил бўлиши мумкин эмас.

Минтақавий меъёрийлар ва умумдавлат меъёрийларининг ўзаро алоқаси зарур, чунки минтақаларнинг бир қисми муқаррар равишда молия ресурсларининг донорлари, бир қисми эса — уларнинг реципиентларидир. Донор-минтақалар, табиийки, молия ресурсларининг нисбатан катта ҳажмига эгаллиги туфайли, ўзлари учун нисбатан катта меъёрийларни ўрнатиш имкониятига эга бўладилар.

Бу ҳозирги вақтда мавжуд бўлмаган, вазифаси Ўзбекистон Республикасининг барча минтақалари учун юқорида зикр этилган меъёрийларнинг ҳамда уларни ҳисоб-китоб қилиш методикалари-

НИГ чегараларини белгилашдан иборат бўлган қонун ҳужжатлари-пи тайёрлашни талаб этади.

Бундай ижтимоий меъёрийларсиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиқни сақлаш, таълим соҳасидаги конституци-**ЯВИЙ** ҳуқуқларини ва бошқа турмуш шароитларини таъминлаш мумкин эмас. Бундай ижтимоий меъёрийларнинг мавжуд эмаслиги маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ҳолатига ва молиявий фаолиятининг натижаларига баҳо беришнинг объектив мезонлари \ам йўқлигини билдиради. Масалан, маҳаллий бюджетнинг даромад қисми прогнозга нисбатан 120% га бажарилиши, аммо аҳолининг турмуш даражаси меъёрийларда белгиланганига нисбатан пайсиши мумкин. Ва аксинча, бир хил харажатлар миқёсида бюджет маблағлари оқилона сарфланган тақдирда меъёрийларни таъминлаш даражаси кўтарилиши мумкин.

Ресурслар билан таъминлаш минтақа молия сиёсатини ишлаб чиқишнинг ажралмас қисмидир. Макроиктисодиёт нуктаи назаридан минтақаларнинг ишлаб чиқариш қучлари, шу жумладан меҳнат ёшидаги аҳоли сони, минтақа ҳудудидаги корхоналарнинг асосий фондлари, унинг табиий ресурслари, минтақа хусусий молиявий капиталининг миқдори, минтақа молия инфратузилмасининг ривожланганлиги молия сиёсатининг ресурсларидир.

Ишлаб чиқариш қучларининг юқорида зикр этилган унсурларини ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳар қандай минтақанинг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш манбаи ҳисобланган, барча молиявий оқимларни — ҳам ташқи, ҳам ички молиявий оқимларни жамлайдиган иктисодини вужудга келтиради. Мазкур оқимлар маҳаллий тузилмалар бюджетларининг даромад қисмларини тулдиришнинг солиққа тортиладиган негизини ташкил этади.

Бинобарин, молиявий сиёсатни ишлаб чиқишда маҳаллий бошқарув органларининг молия органлари иктисоддаги барча ижобий ва салбий силжишлар (ишсизликнинг ўсиши ёки қисқариши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларининг ошиши, инвестициялар ҳажми ва уларнинг манбалари, қувватларнинг юкланганлиги)га, шунингдек табиий салоҳият, молия ресурсларининг ташқи оқимларига тўлиқ баҳо беришлари лозим.

Минтақанинг жамғарилган молия капитали миқдорини (банклар ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг активлари, суғурта компанияларининг захира фондларини), шунингдек кре-

дир, суғурта ва инвестиция ташкилотларида ишлаётган мутахассисларнинг кадр салоҳиятини тўғри баҳолаш муҳимдир. Минтақаий Шўро молиявий инфратузилмаси минтақа ресурсларининг муҳим тур • 1 ридан бири ҳисобланади, чунки ишлаб чиқилган молиявий сип и ни амалга ошириш айнан молиявий инфратузилма ташкилотлари ва муассасалари орқали таъминланади.

Маҳаллий бошқарув органининг молия менежери ягона молиявий сиёсатни амалга оширишда идора ичидаги тўсиқларни тинтириб, улардан ўта олиши керак. Худудий молия органларидан таъминлаш, назорат-тафтиш бошқармаси, суғурта назоратининг худудий бўлимлари ҳам фаолият кўрсатади. Бу органлар ўз муаммоларининг ҳал қилишда ўзларига вертикал тобе бўлган органларга мустақил чиқадилар. Амалда бу амалга оширилаётган молия сиёсатининг уюмдорлигини пасайишига олиб келиши мумкин.

Молия сиёсатини амалга ошириш йўллари қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишни назарда тутди:

- маҳаллий тузилма бюджетининг даромад қисмини етарли миқдорда таъминлаш ва маҳаллий бошқарув органи ваколатлари доирасида ақлга мувофиқ солиқ сиёсатини амалга ошириш;
- олинган даромадларни оқилона тақсимлаш ва самарали бюджет сиёсатини амалга ошириш;
- мустақил кредит сиёсатини амалга ошириш;
- суғурта соҳасида сиёсатни шакллантириш;
- қимматли қоғозлар бозорида минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш.

Ҳокимият органларининг ва бозор иштирокчиларининг манфаатларига жавоб берадиган, иқтисод реал секторининг молиявий ҳолатини яхшилайдиган, минтақа бюджетига ва юқори бюджетларга солиқлар ва йиғимларнинг тушишини барқарорлаштирадиган солиққа тортиш шароитларини яратиш солиқ сиёсатининг муҳим вазифасидир.

Олинган даромадлардан оқилона фойдаланиш, яъни бюджет сиёсатини такомиллаштириш қуйидагиларни назарда тутди:

- маҳаллий ҳокимият органларини ўз худудиди даромадларни оширишга рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратиш;
- минтақавий ва маҳаллий бюджетларни ижтимоий меъёрийлар асосида тузишга ўтиш ҳисобига мазкур бюджетларнинг харажатлар қисмини шакллантириш тартибини тубдан ўзгартириш;
- бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш.

Бюджетларнинг харажатлар қисмини ижтимоий меъёрийлар И осида тузишга ўтиш бозор иқтисодига ўтиш ислохотларини амал-ш ошириш даврида юзага келган каста камчилик — харажатлар қис-мими эришилган даражадан келиб чикиб тузишдан воз кечиш им-конини беради.

Республикада амалда бўлган қонун ҳужжатлари минтақалар-пииг ҳудудларида фаолият кўрсатувчи банклар ва уларнинг фили-;шларига маҳаллий бошқарув органларининг молия органлари то-монидан изчил таъсир кўрсатиш имкониятини деярли чеклайди. Ваҳоланкй,' маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни янада ривожланти-риш банклар минтақаларнинг иқтисодиётига узоқ муддатли инвес-тициялар қилишлари учун уларга кафолатлар беришда, маҳаллий тузилмалар ҳудудида ишлаётган барча тижорат банкларининг ри-ножланишини қўллаб-қувватлашда минтақаларнинг молия орган-лари мустақиллигини оширишни назарда тутиши лозим.

Маҳаллий ҳокимият органлари, авваламбор, маҳаллий бошқ-арув органларининг молия бўлимлари қимматли қоғоз бозорида ўз сиесатини ишлаб чиқишлари зарур. Бозор иқтисодиёти реал фонд бозорисиз фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Фонд бозорида опера-цияларни амалга ошириш учун минтақавий инвестиция компания-лари ташкил этиш, қимматли қоғозлар бозорининг барча мавжуд ва янги тузилган иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш, қарз олин-ган маблағларни инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўнал-тириш учун ўз қимматли қоғозларининг пухта ўйланган эмиссияла-рини амалга ошириш қимматли қоғозлар бозоридаги минтақавий сиёсатнинг воситаларидир.

Қисқача хулосалар

1. Давлат молияси ва маҳаллий молия иқтисоднинг данл;п ип маҳаллий секторлари, ишлаб чиқариш ва жамоат секторини, БЎД жет ташкилотлари ва муассасаларини ривожлантиришнинг энг мухим дастурларини молиялашнинг марказлаштирилган манбаларини таъминлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ифода этади. Уларнинг фаолияти ижтимоий йўналтирилган иқтисодни ривожлантиришнинг умумий мақсадларига эришишга қаратилгаи.

2. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг асосий функциялари умуман молия тизимининг асосий функцияларидан келиб чиқади. Булар — режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш ва назорат.

Давлат молияси ва маҳаллий молия пул айланидш билан боғлиқ. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг пул айланиши билан боғлиқ функциялари мана шу муносабатлардан келиб чиқади. Булар тақсимлаш ва назорат қилиш функцияларидир. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг тақсимлаш функцияси янги яратилган қийматни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш орқали давлат бюджети ва маҳаллий бюджетнинг мутаносиблигини таъминлашдан иборат. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг назорат функцияси давлат иштирок этадиган пул айланишини, пул маблағларининг марказлаштирилган ресурслари шакллантирилишини назорат қилишни ўз ичига олади.

3. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими давлат бюджетини ва давлатнинг бюджетдан ташқари фондларини; Ўзбекистон Республикаси субъектларининг бюджетларини ва ҳудудий бюджетдан ташқари фондларни; маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Биринчи поғона бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўринишида тасдиқланади. Иккинчи поғона бюджети Ўзбекистон Республикаси субъектларининг қонуни кўринишида тасдиқланади. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари билан тасдиқланади.

4. Маҳаллий молия — бу маҳаллий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилиш учун ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Маҳаллий бюджет — давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғар-

масини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар, манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

5. Маҳаллий миқёсда бюджетлар ўртасидаги муносабатлар қуйидаги принциплар асосига қурилади: ўзаро жавобгарлик; маҳаллий тузилмаларнинг ўзига хосликлари эътиборга олинган, барча маҳаллий тузилмалар учун ягона методологиянинг қўлланиши; маҳаллий тузилмаларнинг даромадларини тенглаштириш; қарши молия оқимларини имкон қадар камайтириш; маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширишдан маҳаллий органларнинг манфаатдорлигини ошириш

6. Молия менежменти бошқариш тизими сифатида молия ресурсларининг ҳаракатини ва мазкур ҳаракат жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатларни бошқаришни назарда тутди. Бу ҳаракат ва муносабатларни қандай қилиб самарали бошқариш мумкин, деган саволга жавоб молия менежментининг мазмунини ташкил этади. Молия менежменти - бу молияни бошқариш мақсадларини ишлаб чиқиш ҳамда молия механизмининг усуллари ва воситалари ёрдамида уларга таъсир кўрсатиш жараёнидир.

7. Молия менежменти бошқарув стратегияси ва тактикасини ўз ичига олади. Стратегия - бу қўйилган мақсаднинг умумий йўналиши ва мазкур мақсадга эришиш воситаларидан фойдаланиш усулидир. Мазкур усул қарорлар қабул қилишнинг маълум қоидалари ва чеклашлари тўпламига эга. Стратегия қарорнинг қабул қилинган стратегияга зид бўлмаган вариантга эътиборни қаратиш имконини беради, Қўйилган мақсадга эришилганидан кейин стратегия мазкур мақсадга эришиш йўналиши ва воситаси сифатида ўз аҳамиятини йўқотади. Янги мақсадлар янги стратегияни ишлаб чиқишни талаб этади. Тактика - бу муайян шароитларда қўйилган мақсадга эришишнинг муайян усуллари ва усулларидир. Бошқариш тактикасининг вазифаси ҳўжаликни юритишнинг айна вазиятида энг мақбул қарорни ҳамда бошқариш усуллари ва усуллариининг энг мақбуллариини танлашдан иборатдир.

8. Ҳар қандай бошқарув объекти бу яхлит тузилма ҳосил киладиган ўзаро таъсирга киришувчи элементлар мажмуидан ташкил топган тизимдир. Молия тизими кирадиган ижтимоий-иқтисодий тизимнинг асосий хоссаси шундаки, унинг негизида одамларнинг

манфаатлари ётади. Ҳар қандай тизим элементлардан ёки айни ПЯ кикот шартларида тизимдан ажратиб бўлмайдиган кичик тизимлардан таркиб топади. Бинобарин, элемент хамиша тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг *малин*сида мазкур субъект таркибий бўлимининг молиясига тизимнинг ажралмас элементи деб қаралади.

9. Молия менежментида энг мўҳими — бошқарув объектининг молиявий манфаатларига жавоб берадиган мақсадни тўғри қўйиш дир. Молия менежменти жуда жўшқин жараён. Унинг иш Самара дорлиги молия бозори, молиявий вазият ва бошқарув объектининг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларга тез мослаша билишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳам молия менежменти бошқарувнинг стандарт усуллари билишга, муайян молиявий вазиятга тез ва тўғри баҳо бера олишга, вазиятдан чиқишнинг мақбул йўлини тез топиш қобилиятига асосланиши лозим.

10. Молия менежменти бошқариш органи сифатида бошқарув аппарати, яъни хўжалик юритувчи субъектни, маъмурий минтақани бошқаришнинг бир қисми (мақаллий бошқарув) кўринишида бўлади. Молия менежменти тадбиркорлик фаолиятининг шакли сифатида молиявий фаолиятни соф маъмурий, буйруқбозлик йўли билан бошқариб бўлмаслигини кўрсатади. Молия менежменти атроф муҳитдаги ўзгаришларга фаол эътибор берадиган ижодий фаолиятни назарда тутаети.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг мрхияти нимада? Уларнинг таркибига нималар киради?
2. Давлат молияси ва маҳаллий молиянинг асосий функцияларини санаб беринг ва тавсифланг.
3. Давлат молияси ва маҳаллий молия қайси принципларга асосан тузилади?
4. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг тузил маси қандай?
5. Бюджет таснифи нима?
6. Бюджет тизими қайси принципларга асосан фаолият кўрсатади?
7. Маҳаллий миқёсда молия сиёсати қандай шакллантирилади?
8. Минтақавий миқёсда бюджет ресурсларини бошқаришнинг асосий унсурларига нималар киради?

Асосий адабиётлар:

1. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. «Финансовое право». М., «Новый юрист». 1998.
2. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. «Налоговое право». М., «Новый юрист». 1998.
3. «Государственные и муниципальные финансы» .М., «Финансы». 1999.
4. «Финансовый менеджмент», под ред. Поляк. М., «Финансы». 1997.
5. «Экономика общественного сектора - основы теории государственных финансов». Под ред. Яковсона. М., «Аспект-Пресс». 1996.

Матнда учрайдиган мураккаб сўз ва атамалар луғати

Давлат молияси ва маҳаллий молия — бу реал пул айланиш да молиявий ресурсларнинг марказлаштирилган фондларини таркиб топтириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан ну жудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Давлат бюджетдан ташқари фондлари — бу Ўзбекистан Республикаси давлат бюджетидан ва республика субъектларининг бюджетларидан ташқарида таркиб топтириладиган, пенсиялар, ёрдам пуллари ва бошқа ижтимоий-суғурта тўловларини амалга оширишга мўлжалланган марказлаштирилган пул маблағлари фондларидир.

Макроиқтисодиёт — иқтисод фанининг йирик иқтисодий агрегатлар — миллий даромад, ялпи жамғармалар, инвестициялар, бандлик, муомаладаги пул массасининг ўзаро таъсирини ҳамда уларнинг миқдори ва ўзгариш суръатларига таъсир кўрсатадиган омилларни тушунтирувчи бўлими.

Микроиқтисодиёт - иқтисод фанининг фирмалар ва рўзғор хўжаликларининг хулқ-атворини, уларнинг ўзаро таъсири хусусиятини тушунтирадиган бўлими.

Маҳаллий молия — бу маҳаллий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилиш учун ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Режалаштириш — мақсадларни таърифлаш ва уларга эришиш йўллари танилаш.

Реал пул айланиши — бу қийматни ҳаракатга келтирадиган, пул тўловлари ва ҳисоб-китоблари оқимлари кўринишида кечадиган иқтисодий жараён.

Уч поғонали бюджет тизими - қуйидагиларни:

- давлат бюджетини ва давлатнинг бюджетдан ташқари фондларини;

- Ўзбекистан Республикаси субъектларининг бюджетларини ва ҳудудий бюджетдан ташқари фондларни;

- маҳаллий бюджетларни ўз ичига олувчи бюджет тизими.

Мақсадли бюджет фонди — бу мақсадли йўналишда ва алоҳида смета бўйича сарфланадиган даромадлар ҳисобига таркиб топтириладиган марказлаштирилган пул фонди (давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар фонди)дир.

Молия менежменти — бу пул айланишини, молия ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни бошқариш жараёни, пул айланишини ва молия ресурсларини бошқариш шакллари, усуллари ва усуллари тизимидир.

Молия ресурслари - кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаш манбаси ҳисобланган пул айланиши объекти.

Бюджет жараёни - бюджетни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш изчил бошқариларнинг мажмуи.

Молия менежменти - бу молияни бошқариш мақсадларини ишлаб чиқиш ҳамда молия механизмнинг усуллари ва воситалари ёрдамида уларга таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Молиявий режалаштириш — бу одамлар томонидан муайян молиявий тадбирларнинг ишлаб чиқилиши жараёни.

Молия менежментида прогноз қилиш - объектнинг молиявий коллатидаги ўзгаришларни узоқ истикболга ишлаб чиқиш.

Стратегия молия менежменти — инвестицияларни бошқариш.

Тезкор-техникавий молия менежменти — нақд пулларни тезкор бошқариш.

Молия механизми - молия ресурсларини ташкил этиш, режалаштириш ва улардан фойдаланишда ўз ифодасини топувчи молиявий воситаларнинг таъсири тизими.

Молиявий усул — хўжалик жараёнига молиявий муносабатларнинг таъсир кўрсатиши усули.

Молия механизмнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш - конун ҳужжатлари, қарорлар, буйруқлар ва бошқарув органларининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари.

Молия механизми фаолиятини меъёрий таъминлаш - йўриқномалар, меъёрийлар, меъёрлар, тариф ставкалари, қабул қилинган технологиялар, тушунтиришлар, методикалар ва ишлаб чиқаришнинг товар ва хизматларни реализация қилиш билан алоқасини акс эттирувчи бошқа ҳужжатлар.

Молия механизмнинг фаолиятини ахборот билан таъминлаш - ҳар хил иқтисодий, тижорат, технологик ва бошқа ахборотлар.

Асосий фондлар (асосий капитал) — бу хўжалик жараёнида кўп қарра ишлатиладиган, шунга қарамай ўзининг моддий-табиий кўринишини ўзгартирмайдиган меҳнат воситаларидир.

Номоддий активлар — бу саноат ва интеллектуал мулк объектлари ҳамда бошқа мулк ҳуқуқларнинг қийматидир.

Даромадни капиталлаштириш — бу келажакда қутилаётган да-

ромадларни бугунги кунда биравааракай олинадиган қийматга айлантириш, яъни даромадларни капиталга айлантириш,

Шартли-ўзгарувчи сарф-харажатлар - ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига мутаносиб равишда ўзгаради.

Шартли-ўзгармас сарф-харажатлар - бу маълум даврдаги ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайдиган харажатлардир.

Рентабеллик бўсағаси — ўзгармас ва ўзгарувчи харажатларнинг ўзини оқлашини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ҳажми,

Айланма маблағлар (жорий активлар) - бир ишлаб чиқариш цикли давомида пул маблағларига айлантириш мумкин бўлган активлар.

Таваккалчилик - фойдадан маҳрум бўлиш ва бошқа сабабларга кўра зарар кўриш сингари ёмон оқибатлар рўй бериши эҳтимоли билан ифодаланади.

Амортизация — бу асосий фондларнинг мунтазам йиғилиб борадиган эскиришининг қиймат ифодаси, яъни тегишли активлар қийматини оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдир.

IX БОБ

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ КАДРЛАРИ МЕНЕЖМЕНТИ

9.1. Маҳаллий меҳнат бозорида ижгамой-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш

Мамлакатимиз Президентга И А Каримов ўзининг «Ўзбекистан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида меҳнат бозорини тартибга солиш ва фаол бандлик сиёсатини амалга ошириш, республиканинг ортиқча ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларида кичик ва ўрта бизнесни устувор ривожлантириш ҳисобига янги иш жойлари ташкил этишни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб ўтди.

Бу муносабат билан маҳаллий меҳнат бозорида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш алоҳида аҳамиятга эга. Маҳаллий меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида иш берувчи билан ёлланма ишчи ўртасидаги бандликни аниқлаш, меҳнат шароитлари, у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-меҳнат низоларини тартибга солишга дойр муносабатлар асосий ўринни эгаллайди. Маҳаллий меҳнат бозорида бу муносабатлар жамоавий, индивидуал ва минтақавий усуллар ёрдамида тартибга солинади. Жамоавий битимлар тузишда Ўзбекистан Республикасининг Меҳнат кодексига, Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенцияси ва тавсияларига амал қилинади. Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциясида (154-бандда) қуйидагилар қайд этилган: «Жамоавий музокаралар деганда тадбиркор, тадбиркорлар гуруҳи бир томондан, меҳнаткашларнинг бир ёки бир неча ташкилотлари иккинчи томондан: а) меҳнат ва бандлик шартларини аниқлаш; в) тадбиркорлар ёки уларнинг ташкилотлари билан меҳнаткашларнинг ташкилоти ёки ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ўтказадиган музокаралар тушунилади».

Республиканинг ортиқча меҳнат ресурслари кўп бўлган ҳудудлари, энг аввало Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарканд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари учун ишчи кучига бўлган талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш меҳнат бозорини тартибга солишнинг энг самарали усуллари.

Бу усуллар нималарда ўз ифодасини топишини батафсил кури! чиқамиз:

а) Ишчи кучига бўлган талабни ошириш усули.

Ишчи кучига бўлган талабни оширишни рағбатлантириш усулларини ўрганиш оқилона бандликни таъминлашга, шунингдек МШ кур минтақа учун самарали бўлган тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган. Уларни қўллашнинг асосий йўналишлари: кишло! хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақдаш ва реализация қили и I хамда ишлаб чиқариш кучларини ва бандликнинг ностандарт шик лларини ривожлантиришга агросервис хизматлари кўрсатиш бўйи ча иш жойлари ташкил этишни рағбатлантириш; мавжуд иш жой ларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш хамда аграр сектордан вақтинча бўшаган шахсларга мўлжалланган вақтинчалик иш жойлар ташкил этиш учун тўғридан тўғри инветсициялар хажмипи кўпайтириш.

б) Ишчи кучи таклифини камайитириш усули.

Маҳаллий меҳнат бозорига ишчи кучининг қуйилишини камайитириш ва мазкур бозорда ишчи кучининг камайишини рағбатлантириш, шунингдек ижтимоий ишлаб чиқаришда банд этилганлар ўртасида иш вақти ва иш жойларини қайта тақсимлаш йўли билан хам ишчи кучи таклифининг қисқаришига самарали таъсир кўрсатиш мумкин. Маҳаллий меҳнат бозорига ишчи кучининг қуйилишини камайитириш чора-тадбирлари жумласига қуйидагилар қиради: умумий таълим ва касбий тайёргарлик дастурларини кенгайтириш, таълим муддатларини ошириш ҳисобига бандлик соҳасига қишлоқ ёшларининг қуйилишини камайитириш; ўқув юртларида кундузги таълим жойларини кўпайтириш хамда сиртки ва кечки таълим жойларини қисқартириш; ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олувчиларнинг стипендияларини ошириш; болалаларга қараш учун таътилга чиққан аёлларнинг таътил муддатларини ва уларга тўланадиган ёрдам пулининг миқдорини кўпайтириш, уларга меҳнат стажини ҳисоблаш бўйича имтиёзлар бериш; пенсионерлар, ногиронларга ва уларга қараётган шахсларга тўланадиган пенсияларни кўпайтириш ва бошқалар.

Республикамининг ишчи кучи етарли бўлмаган минтақларида (Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, Қорақалпоғистон - Республикасида) ишчи кучига бўлган талабни камайитириш ва тклифни кўпайтириш маҳаллий меҳнат бозорини тартибга солишнинг энг мақбул усулидир.

Мазкур усулларнинг моҳияти қуйидагича:

в) Ишчи кучига бўлган талабни камайтириш усули.

Мазкур усуллар туркумига минтақа ҳокимияти у ёки бу жойларда, тармоқларда ёки касбларда амалга оширадиган ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва янги иш жойларининг ташкил этилишига монелик қилувчи қуйидаги чора-тадбирлар қиради: ортиқча ишчи кучидан фойдаланганлик учун кўшимча солиқлар белгилаш; каттик кредит сиёсати; корхоналарда ходимни ишга олганлик учун бир марталик ҳақ тўлаш тартибини ўрнатиш; ортиқча ишчи ва хизматчиларни қисқартиришни рағбатлантириш ва бошқалар. Бундан ташқари, минтақада ишчи кучига бўлган талабни камайтиришда меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва уларни тежаш муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини ошириш маҳаллий меҳнат бозорини ривожлантиришнинг **бош мақсадидир**. Мазкур бозорни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари қуйидагилардир:

» ижтимоий йўналтирилган маҳаллий меҳнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш, иш билан таъминлашнинг ўсишини ва банд этилмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини тартибга солишни таъминлайдиган кучли ва жўшқин ривожланиб боровчи бандлик хизматини ташкил этиш;

- минтақа иқтисодида туб структуравий ислохотларни амалга ошириш, оқилона бандликни ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

- меҳнатга лаёқатли ўсмирлар, кўп болали оналар, пенсионерлар ва ногиронлар учун саноатнинг қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва яқка тартибдаги меҳнат фаолияти тармоқларида иш жойлари ҳамда имтиёзли меҳнат соҳаларини ташкил этиш;

- ишчи кучига бўлган талабни ошириш ва ишсизликни камайтириш имконини берадиган кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш; ширкат, ижара, акциядорлик ва хусусий мулкчилик шаклларини ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш.

9.2. Маҳаллий тузилма кадрлари билан ишлаш тизими

Маҳаллий бошқарув кадрлари билан ишлаш тизими статик ва динамик кичик тизимлардан ташкил топади.

Статик кичик тизимга кадрлар сиёсати муаммолари, кадр-

лар тизимини ташкил этиш, кадрлар танлаш ва ҳоказолар киради

Кадрлар билан ишлаш *динамик* кичик тизими бошқаруи КО димларининг меҳнатини ташкил этиш, уларнинг иш услуби ва усуллари, ишга рағбатлантириш тизими, тарбия масалалари ва ҳоказолар киради.

Одатда тизимнинг статик қисми сўзнинг тор маъносида кадрлар билан ишлаш тизими деб, динамик қисми эса — «бошқаруя меҳнатини илмий ташкил этиш» ёки «иш услуби ва усуллари» деб аталади.

Бошқарув кадрлари билан ишлаш тизимида субъект ва объект тафовут этилади. **Субъект** деганда кадрлар функцияларини амалга оширувчи органлар ва ходимлар мажмуи тушунилади.

Объект — бу кадрлар билан ишлаш тизимининг асосий компонентлари: кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, баҳолаш ва ҳоказолардир.

Кадрлар билан ишлаш тизимининг асосий компонентларини батафеил кўриб чиқамиз.

Тизимнинг биринчи бўғини — кадрлар сиёсати. Бу кадрлар ишининг бош йўналиши, унинг энг муҳим, туб асослари мажмуидир. У узоқ муддатга мўлжалланган.

Кадрлар сиёсати деганда авваламбор мазкур даврда ва истиқболда бошқарув кадрларини бошқариш мақсадларини катъий аниқлаш тушунилади.

Хўжалик юритиш истиқболларини аниқлаш узоқ муддатга йўналтирилган кадрлар сиёсатига бўлган талабни оширади. Фақат шундагина режалар ва дастурларни кадрлар билан таъминлаш мумкин.

Кадрлар сиёсати янги вазифаларни белгилабгина қолмай, нима эскиргани, ривожланишга тўсқинлик қилаётганини ва нималарни бартараф этиш кераклигини кўрсатиб беради.

Кадрларга қўйиладиган талабларни аниқлаш кадрлар сиёсатининг муҳим натижасидир. У икки компонентдан таркиб топади.

Биринчи компонент — бошқарув кадрларига қўйиладиган умумий талаблар. Бу ўринда ишбилармонлик, омилкорлик, бадастирлик, интизомлилик, жавобгарлик ва ҳоказолар ҳақида гап бораётир,

Иккинчи компонент — бу ишлаб чиқариш ва бошқарувни ривожлантиришнинг муайян босқичига қўйиладиган талаблардир. Кадрлар сиёсатини айнан мана шу талабларни белгилайди. Масалан, бир корхонада бу молиявий барқарорлаштириш вазифалари

бўлса, бошқа корхонада — янги технологиями амалга жорий этиш қриблиятидир. Айни ҳолда худди мана шу босқичда алоҳида аҳами-ЯТ касб этадиган фазилатлар ҳақидагап боради.

Кадрлар тизимининг *штат тузилишини* таркиб топтириш кадрлар билан ишлаш тизимининг муҳим элементидир. Кадрлар тизимининг тузилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ажратишни назарда тутати ҳамда лавозимлар тизимида, улардан ўтиш тартибида («хизмат тўсиқлари»), шунингдек бошқарув касблари тизимида ва штатлар жадвалида ўз ифодасини топади.

Кадрлар билан ишлаш тизими ҳақида сўз кетганида, давлат аппаратида ва давлат секторида тузиладиган **давлат тизимини** ҳамда **нодавлат ташкилотлари** — акциядорлик, хусусий, жамоат ташкилотлари тизимини ажратиш зарур. Кадрлар билан ишлаш давлат тизими Конституция, қонунлар ва махсус қарорлар билан ҳуқуқий жиҳатдан қатъий тартибга солинган.

Нодавлат ташкилотларида баъзан изчил кадрлар билан ишлаш тизими умуман мавжуд эмас ҳамда эмпиризм ва тасодифийлик ҳукм суради.

Айрим ҳолларда нодавлат тизимларида *давлат андозаларида* тавсия этилган тартиб қўлланилади, Ташкилот хусусий бўлса-да, унда давлат ташкилотларидаги сингари тартиб ҳукм суради. Бу эмпиризмдан яхши, албатта. Аммо давлат бошқаруви андозалари кўпинча нодавлат ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олмайди ва нодавлат тузилмаларининг барча афзалликларини рўёбга чиқармайди.

Нодавлат ташкилотларида кадрлар билан ишлаш *хусусий тизимлари* айниқса катта самара беради. Улар давлат намуналари ва андозаларини эътиборга олади, аммо шу билан бир вақтда муайян ташкилотнинг барча ўзига хос хусусиятларини ҳам эътиборга олади ва хусусий ташкилотларга хос бўлган мослашувчанликни рўёбга чиқариш имконини беради. Хусусий ташкилотларда кадрлар билан ишлашдаги изланишлар ва янгиликлар кейинчалик давлат кадрлар билан ишлаш тизимлари амалиётига ҳам кириб келиши бежиз эмас.

Иккала вариант: кадрлар билан ишлаш давлат тизимининг ҳам, нодавлат тизимининг ҳам тажрибаси эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Функциялар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши қўл остидаги ходимларнинг ташаббускорлигини ошириш, янги захираларни аниқлашга кўмаклашади ва яқуний ҳисобда бутун бош-

қарув органининг муваффақиятига, шунингдек орган ходимларнинг касбий ўсишига олиб келади. Функцияларни ҳаддан ташқари марказлаштириш эса, аксинча, ходимларда фақат аниқ ишлаш ижрочилик лаёқатини тарбиялайди, уларнинг ташаббускорлигини чеклайди.

Орган (бўлим) функцияларини потенциал ижрочилар ўз олдига тақсимлашда мавжуд ихтисосликлар тўпламидан, турли эгаларининг ўртача иш ҳажмини бажариш имкониятларидан келиб чиқилади. Бунга асосланиб ходимларнинг умумий сони, уларнинг ихтисосликлари, малака даражаси ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлар аниқланади.

Функцияларни тақсимлаш деганда фақат энг умумий мажбуриятларни тақсимлаш тушунилади. Уларни муайянлаштириш, яъни ҳар бир лавозим бўйича ходимнинг вазифалари ва мақсадларини, уларнинг ишидан қандай натижалар кутиш мумкинлигини аниқлаш зарур.

Кутилаётган натижалардан ташқари вақт кўрсаткичларини, масалан, ишларни бажариш муддатларини ҳам қайд этиш керак. Ишни макон ва замонда аниқ қайд этиш навбатдаги босқич — ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш босқичига ўтиш имконини беради.

Жавобгарлик ўрнатиш орган функцияларини ходимлар ўртасида тақсимлаш жараёнининг охириги босқичидир.

Жавобгарлик моддий, маънавий ва маъмурий (шу жумладан интизомий жавобгарликдан жинойий жавобгарликкача) бўлади. Бунда умуман жавобгарлик эмас, балки муайян функциялар, вазифалар ва ҳуқуқларга асосан жавобгарлик муҳимдир. Ходимлар зиммасига жавобгарликнинг юкланиши уни раҳбар зиммасидан соқит этмайди. Жавобгарлик сақланиб қолади, уни ресурслар ва ижрочининг ваколатлари билан бериш мумкин эмас. Акс ҳолда ягона орган мавжуд бўлмас эди.

Функциялар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши бир қатор омилларга боғлиқ. Айни ҳолда ижрочиларнинг таълим ва касбий даражаси муҳим аҳамиятга эга. Бошқарув органи билимли, тажрибали ходимларни қабул қилишни мўлжалласа, функциялар ва ҳуқуқларни тақсимлаш анча тўлиқ амалга оширилиши мумкин. Ёш, фаол мутахассисларнинг мавжудлиги ҳам функцияларни кенг тақсимлашга туртки беради. Ходимлар яхши билим ва тажрибага эга бўлмаган ҳолларда эса, аксинча, катта иш ҳажми муқаррар равишда раҳбарнинг ва оз сонли мутахассисларнинг қўлида жамланади.

Бошқарув органининг тузилиши штатлар жадвалини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. *Штатлар жадвали* — бу бошқарув- I ш I и тузилишидан кадрлар тйзимига ўтиш бўғинидир.

Лавозим штатлар тузилишининг асосий бирлиги бўлиб, у бошқарув органи ваколатларининг бир қисмини ўз ичига олади ва алоҳида ходимлар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуини белги- пайди.

Давлат секторида ва хусусий секторда лавозимга қўйиладиган мажбурий ва расмий талабларни мустаҳкамлайдиган бир қатор ҳуж- жатлар амал қилади.

Жумладан, бошқарув органлари ёки уларнинг таркибий бўлим- лари тўғрисида низомларжа (режа бўлими тўғрисида низом ва ҳоқа- юларда) айна орган ёки бўлим раҳбарларининг лавозимлари тав- сифланади. Аммо раҳбарларнинг реал функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бундай низомларда баён этилган функциялар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан анча кенг.

Малакавий тавсифлар одатда уч бўлимдан ташкил топади: лавозим мажбуриятлари; билиш зарур бўлган ҳужжатлар; малака- вий талаблар. Биринчи бўлимда бундай лавозимни эгаллаган шахс- ларга топширилиши мумкин бўлган ишлар санаб ўтилади. Иккинчи бўлимда ходим билиши ва амал қилиши шарт бўлган меъёрий ҳуж- жатлар баён этилади. Учинчи бўлимда махсус тайёргарлик даражаси кўрсатилади.

Номенклатура - лавозимлар тизимининг муҳим таркибий қис- ми. Унинг икки асосий шакли мавжуд. Биринчиси — юқори орган қарори билан тайинланиши ёки озод этилиши мумкин бўлган ла- возимлар рўйхати. Иккинчиси — мазкур бошқарув органи тайин- лайдиган, аммо номзодларни у ёки бу юқори орган билан кели- шиш, улардан тавсиялар олиш керак бўлган лавозимлар рўйхати.

9.3. Кадрларни танлаш

Кадрларни танлаш — бу шундай жараёнки, унинг ёрдамида корхона ёки ташкилот бўш жойга бир ёки бир нечта даъвогарлар орасидан танлаш мезонига кўра, атроф муҳит шарт-шароитлари- дан келиб чиқиб, энг мақбул одамни танлаб олади.

Ишнинг миқдори, оғирлиги ва технологик ўзгарувчанлиги кадрларни танлашга таъсир кўрсатадиган омиллардир. Тизимли, ишончли ва оқилона танлаш усуллари катта моддий харажатларни

талаб этади, шунинг учун ҳам бундай усулларни фақат қапа тиш килотларгина қўлай оладилар. Буш (вакант) жойлар кўп, даъвогарлар сони эса ундан ҳам кўп бўлган ҳоллардагина бундай усулларни ишлаб чиқиш ўзини оқлайди. Агар корхонада бўш ЖОИЛР кўп бўлса-ю, аммо даъвогарлар сони кам бўлса, мураккаб танлов усуллари талаб этилмайди.

Кадрлар бўлимларининг ходимлари **танлаш коэффициенти дан** фойдаланиб, танлаш усуларининг самарадорлигини таҳлим дан ўтказадилар:

$$\text{Танлаш коэффициенти} = \frac{\text{Танлаб олинган хоҳловчилар сони}}{\text{Танлаш амалга ошириладиган хоҳловчилар сони}}$$

Танлаш коэффициенти турли касблар учун ҳар кил: менежерлар — 1:2, профессионал-техник ходимлар — 1:1, клерклар — 1:2, малакали ишчилар — 1:1, қора ишчилар — 1:2. Агар танлаш коэффициенти 1:1 га яқин бўлса, танлаш жараёни қисқа ва содда, танлаш амалга ошириладиган хоҳловчилар сони кам бўлади. Агар танлаш коэффициенти 1:2 бўлса, танлаш жараёни анча оғир кечиши мумкин.

Танлаш коэффициенти қанча кичкина бўлса, танлашни ташкил этиш шунча аниқ бўлиши мумкин. Танлаш коэффициенти 1:2 га тенг бўлган ҳолларда ташкилот ўз мезонларига кўпроқ жавоб берадиган ходимни ишга олиши эҳтимоли танлаш коэффициенти 1:1 га тенг бўлган ҳолларга қараганда катта бўлади. -

Ҳокимият маъмурияти куйидаги талабларга жавоб берадиган, яъни:

- юксак касбий малакаси билан ажралиб турадиган;
- кўп йиллар ишлашга тайёр;
- бахтсиз ҳодисаларнинг паст кўрсаткичига эга;
- жамоада ишлай оладиган;
- ташкилотга ташриф буюрган одамлар билан муомала қила оладиган ходимларни жалб этишга ҳаракат қилади.

Кадрларни танлаш дастури мукамал бўлиши учун ходимнинг тегишли фаолият тури учун зарур фазилатларини аниқ таърифлаш, яъни **мезонларни** аниқлаш лозим. Бу мезонлар ходимни ҳар томонлама, яъни унинг маълумоти, тажрибаси, соғлиғи ва шахсий фазилатларини таърифлаши керак. Кўпгина иш берувчилар ходимларни энг аввало маълумотига қараб танлашга ҳаракат қиладилар.

Кўрсаткичлар тенг бўлган ҳолларда иш берувчилар нисбатан юқори маълумотни паст маълумотдан, юқори даражани паст даражада афзал кўрадилар. Аммо бу хусусиятлар ишдаги муваффақиёт ва I пар билан боғланиши, маълумотлилик мезони бажариладиган ишга куйилган талабларга таққосланиши лозим. Иш берувчи маълумот-ши[г типини ва давомийлигини, муайян кўриб чиқиладиган ишга унинг мувофиқлигини ўрганишлари керак.

Иш берувчилар кўпинча ходимнинг тажрибасига қараб унинг имкониятлари ва ишга муносабати ҳақида ҳукм чиқарадилар, бундай фаолият билан илгари шуғулланган ва худди шундай ишни бажаришни истаётган одам уни ёқтиради ва яхши бажаради, деб ўйлайдилар.

Ташкилотда иш стажини рейтингини ўрнатиш иш тажрибасини ўлчаш усуллари билан бирдир. Ҳарбий хизматда унвонлар берилган сана иш стажини рейтингининг эквивалентидир. Иш стажини ҳар хил усуллар: ушбу фирмада умумий ишлаш муддати, фирмада маълум лавозимда ёки маълум бўлим таркибида ишлаш муддати ва ҳоказолар билан ўлчанади.

Иш берувчилар турли ишларни бажариш учун маълум шахс типларини маълум кўришлари мумкин. Масалан, киришимли одамларни одамовилардан афзал кўришлари мумкин. Аммо киришимлилик, одамлар билан тил топиша олиш каби фазилатлар мижозлар билан ишлайдиган ходимларга қўл келиши мумкин, бошқа вазиятларда эса улар талаб этилмайди.

Даъвогарларни иш шароитларига яқин шароитларда тестлаш номзодлар барча талабларга қай даражада мувофиқлигини аниқлаш ва номзодлар гуруҳидан энг маълумини танлаб олишнинг усуллари билан бирдир. Бундай танлаш усуллари натижа бериши учун улар етарли даражада ишончли ва асосли бўлиши керак. Агар даъвогар душанба кунги тестлашда 70 балл, пайшанба кунини ўтказилган тестлашда 40 балл ва жуми кунини 95 балл оладиган бўлса, натижаларнинг қайси бири даъвогарнинг қобилиятини аниқ акс эттиришини аниқлаш мумкин эмас: бундай тестни асосли деб топиб бўлмайди. Танлаш усулининг асослилигини унинг ўлчашда сурункали хатоларга йўл қўймаслигини таърифлайди, яъни у турли шароитларда лаёқатли эканлигини биддиради.

Агар даъвогар билан суҳбат ўтказиладиган хизматчи унинг қобилиятлари ва имкониятларига турли кунларда ҳар хил баҳо берган бўлса, бундай баҳоларни асосли деб ҳисоблаш мумкин эмас. Амалда

тестлашнинг асослилиги *турли кунларда ўтказилган икки (ёки ундан ортиқ) бир хил тестларнинг натижаларини таъсирлаш* йўли билан аниқланади. Асослиликни оширишнинг яна бир йўли *нечта муқобил танлаш усуллари (масалан, тест ва суҳбат) ти. натижаларини таъсирлаш*. Агар натижалар бир хил ёки ўхшаш бўлиши ва олинган натижани асосли деб ҳисоблаш мумкин.

Кадрларни танлашда қарор қабул қилиш жараёни одатда даъвогарлар ўқиши лозим бўлган бир неча босқичдан ташкилланади **1-босқич. Дастлабки танлаш суҳбати.** Мазкур босқичда шп турли усулларда ташкил этилиши мумкин, Баъзи бир фаолият турлари учун номзодлар кадрлар бўлимига ёки иш жойига келганлари маъқул. Бундай ҳолларда кадрлар бўлими мутахассиси ёки тармок, менежери улар билан дастлабки танлаш суҳбатини ўтказиши мумкин. Бунда корхоналарда даъвогарнинг маълумотини аниқлаш, унинг ташқи кўринишига ва шахсий фазилатларига баҳо беришга йўналтирилган баъзи бир умумий суҳбат қоидалари қўлланилади.

Шундан сўнг омадли даъвогарлар танлашнинг навбатдаги босқичдан ўтадилар. Кичкина корхоналарда ва ташкилотларда дастлабки танлаш суҳбати ёллаш бўйича асосий суҳбат (3-босқич) ўрнига ўтказилиши мумкин.

2-босқич. Ариза бланкаси ва таржимаи ҳол сўровномасини тўлдириши. Дастлабки танлаш суҳбатидан ўтган даъвогарлар ариза бланкаси ва сўровномани тўлдиришлари керак. Ёлловчилар ҳам худди шундай кетма-кетликда иш олиб борадилар.

Сўровнома бандлари сони минимал бўлиб, уларда даъвогарнинг бўлғуси иш унумдорлигига кўпроқ таъсир кўрсатадиган маълумотлар сўралиши керак. Маълумотлар даъвогарнинг олдинги ишига ва фикрлаш тарзига тааллуқли бўлиши мумкин. Уларнинг асосида даъвогарга психометрик баҳо берилди. Саволлар нейтрал услубда таърифланади ва берилиши мумкин бўлган ҳар қандай жавобларни, шу жумладан рад жавобини ҳам назарда тутди. Рақамланган бандлар бири иккинчисидан келиб чиқиши керак.

Сўровномада даъвогарнинг саломатлиги, ёшлигида содир бўлган ходисалар ҳақида маълумотлар сўралиши ҳам мумкин, Саволлар бир нечта жавобларни назарда тутиши мумкин («ёпиқ саволлар»). Масалан, даъвогарнинг маълумоти ҳақидаги умумий саволнинг ўрнига «6 синфни неча ёшда тамомлагансиз?» деган савол берилиши мумкин. Жавоб қуйидаги вариантлари назарда тутилади: «10 ёшгача»; «10-12 ёшда»; «13-14 ёшда»; «15-16 ёшда».

Даъвогарнинг бирон-бир масала юзасидан фикри хам сўралиши мумкин, масалан: «Агар мана шу компанияга ишга олинсангиз, бошқа шахарга ишга ўтказишларига рози бўласизми?» Жавоб иариантлари: «Бажонидил рози бўламан»; «Қарши эмасман»; «Рози бўламан»; «Рози бўлмайман».

Танлаш усули сифатида сўровномадан фойдаланиш учун кадрлар билан ишлайдиган мугахассис сўровноманинг ҳар бир бандини белгиланган натижали танлаш мезонлари билан таққослаши керак.

3-босқич. Ёллаш суҳбати. Ўтказилган тадқиқотлар АҚШ фирмаларида даъвогарларни танлаш юзасидан қарорларнинг 90% суҳбат ўтказиш йўли билан қабул қилинишини кўрсатди.

Ёллаш суҳбатининг бир нечта асосий типлари мавжуд:

- а) схемага асосан ўтказиладиган суҳбатлар;
- б) яхши расмийлаштирилмаган суҳбатлар;
- в) схемасиз суҳбатлар.

Ҳар қандай суҳбатнинг мақсади битта — даъвогарнинг ишга лаёқатини аниқлаш. Ахборот алмашиш одатда савол-жавоб кўринишида ўтказилади.

Мисол тариқасида «а» типига мансуб ёллаш суҳбатини ўтказишга мўлжалланган бланкани келтирамыз.

БОШҚАРУВЧИ ЛАВОЗИМИГА НОМЗОД БИЛАН СУҲБАТ БЛАНКАСИ

Сана 200_й_____

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

1. Рейтинг (баҳо)

2. Изоҳлар_____

Рейтинг (баҳо) ҳақида қарор қабул қилишда фақат даъвогарнинг қўлидан нима иш келишини эмас, унинг барқарорлигини, меҳнатқашлигини, тиришқоқлигини, одамлар билан муомала қилиш қобилиятини, ўзига ишончини, сардорлик фазилатларини, етуқлиги, мазкур ишга ариза бериши сабабларини, шунингдек уйидаги аҳволни ва соғлиғини эътиборга олиш керак.

3. Суҳбатни ўтказувчи_____

4. _____вакант лавозимига

5. Фамилияси, исми, отасининг исми_____

Туғилган санаси _____

6. Телефон рақами _____ Манзили _____

Шахар _____ Вилоят _____ У ерда қачондан бери яшайсиз? _____

7. Қуролли Кучларда хизмат қилганмисиз? _____

Агар хизмат қилган бўлсангиз, қўшин тури _____ Хизмат санаси _____

Агар хизмат қилмаган бўлсангиз, сабаби _____

8. Иш ҳақи оласизми? _____

9. Ҳозир ишлайсизми? Агар ишласангиз, мажбуриятларингизни бажаришга қачон кириша оласиз? _____

Ҳозир ишлаётган фирмангиз билан муносабатларингиз қандай

10. Нима учун мана шу вакант жойни эгалламоқчисиз?

11. Иш тажрибангиз _____

Иш тажрибангиз хақида батафсил маълумот беринг. Бундай ахборот ўта муҳим. Биринчи навбатда охириги иш жойингизни кўрсатинг. Ўқишни тамомлаганингиздан кейин ўтган ҳар бир ой нима биландир асосланиши керак. Қуролли Кучларда хизматни иш тажрибаси сифатида кўрсатинг.

ОХИРГИ ЁКИ ҲОЗИРГИ ИШ ЖОЙИНГИЗ

12. Компания _____

13. Шаҳар _____

14. _____ дан _____ гача (иш вақти)

15. Ишга қандай жойлашгансиз? _____

У ерда кимларни танигансиз? _____

16. Дастлабки ишнинг мазмуни

Аризагининг олдинги иш тажрибасидан мазкур лавозимда фойдаланиш мумкинми?

17. Иш вақт ўтиши билан қандай ўзгарган? _____

Даъвогар олдинги ишида касбий жихатдан қандай ўсган? _____

18. Бўшаган пайтингизда ишда нима билан шуғуллангансиз?

Нима учун жавоб бергансиз? _____

Бўшашдан олдинги маошингиз _____

19. Бошлигингиз _____ Унинг лавозими _____

У қандай одам? _____

Даъвогар билан унинг бошлиғи ўртасидаги муносабатлар _____

У сизни қай даражада назорат қилган? _____

Қандай ҳокимиятга эга бўлгансиз (эгасиз)? _____

20. Қўл остингизда қанча одам ишлаган? _____
Улар нима билан шуғулланган? _____
Даъвогар сардорми? _____.
21. Сиёсатни таърифлаш учун жавобгарлик _____
Даъвогар бошқарув тизимида масъул бўлганми? _____
22. Ўз ташаббусингиз ва қарашларингизни қай даражада рўёб-га чиқара олгансиз?
Даъвогар масъулиятни фаол қидирганми? _____

4-босқич. Ёллаш тестлари. Ёллаш тестлари ходимни танлаш юзасидан қарор қабул қилишда қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб, улар одамнинг бирон-бир кўрсаткичини ўлчайди. Психологлар ва ходимлар билан ишлайдиган мутахассислар бундай тестларни таклиф қилинаётган жойда бериладиган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур қобилиятлар ва фикрлаш тарзига баҳо бериш учун ишлаб чиқадилар. Котиб-референт учун зарур қобилиятлар: компьютерда матнни тез териш ва стенография қилиш, шунингдек зарур инсоний фазилатлар бўлиши мумкин. Психологлар тестнинг бундай қобилиятларни ўлчовчи бандларини тузадилар. Шундан кейин тестнинг даъвогарларни ярокли ва яроқсизга ажратиш лаёқати текширилади.

Таклиф қилинаётган ***иш жойида алоҳида ишларни бажариш тестлари.*** Улар орасида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

- 1) компьютерда дастурлаштириш тестлари — дастурчилар учун;
- 2) мўъжаз штамплаш прессида ишларни бажариш;
- 3) автоюклагич ҳайдовчиси ўрнига даъвогарларни тестлашда қўлланиладиган стандарт ҳайдовчилик тести;
- 4) симфоник оркестрга машшоқларни қабул қилишда даъвогарлар мусиқа асбобида қандай куй чалишларини тинглаб қўриш;
- 5) турли механизмлар оператори бўлиб ишлаш учун асбоблар билан муомала қилиш кўникмасини текшириш тести;
- 6) компьютерда теришни текшириш стандарт тестлари.

5-босқич. Тавсияномалар ва таърифномаларни текшириш. Ишга қабул қилиш ҳақида ариза берилганидан кейин танлаш босқичларидан бирида даъвогэрлардан олдинги бошлиқларидан тавсиянома ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар олиб келиш талаб этилиши мумкин. Тавсиянома фойдали бўлиши учун у маълум шартларга жавоб бериши керак. Тавсиянома муаллифи янги иш берувчига даъвогар ҳақида ўз-фикр мулоҳазаларини билдириш учун даъвогарнинг иш

сифати ва унумдорлигини яхши билиши керак. Ниҳоят, тавсияном! муаллифи берган маълумотлар ҳаққоний бўлиши лозим.

Агар даъвогар тавсияномани сўралган ерга тақдим этиш учун ўз қўлига оладиган бўлса, юқорида зикр этилган шартларнинг бежарилиши кафолатланмайди: даъвогар ўқиш имкониятига эга булганни туфайли кўпчилик у ҳақда ўзининг ҳақиқий фикрини билдиришга тортинади. Натижада бундай тавсияномаларнинг муаллифлари ё даъвогарнинг камчиликларига эътиборни қаратадилар, ё унинг ижобий хислатларини ошириб кўрсатадилар.

6-босиқч. Тиббий кўриқдан ўтиш. Баъзи бир ташкилотлар ЭНГ муносиб даъвогарлардан тиббий сўровномаларни тўлдиришни ёки тиббий кўриқдан ўтишни талаб қиладилар. Бу қуйидаги сабабларга кўра талаб этилади:

- даъвогарнинг ишга ёлланаётган пайтдаги соғлиғи ҳолатини билиш кейинчалик у бетоблиги туфайли компенсация талаб қилган ҳолларда асқотади;
- юқумли касалликларнинг ташувчилари бўлган шахслар ишга ёлланишининг оддини олиш зарур;
- даъвогар тақлиф этилаётган ишни бажаришга жисмонан лаёқатли эканлигини аниқлаш керак.

Бу талабларни тиббий сўровномани тўлдириш, тиббий кўриқдан ўтказиш ёки иш жараёни физиологиясини таҳлидан ўтказиш йўли билан қондириш мумкин. Сўнгги усул оғир жисмоний меҳнатни бажарувчи ходимларни танлашга мўлжалланган. Бунда мазкур ишни бажариш жараёнида чарчаш даражаси пульс уриши ва кислород ютиш соф физиологик кўрсаткичларини ўрганиш йўли билан аниқланади. Чарчоқ сунъий (аммо иш шароитларига яқин) шароитларда аниқланади.

7-босиқч. Қарор қабул қилиш. Қарорни корхона раҳбарияти қабул қилади.

Менежерларни танлаш. Менежерларни танлаш жараёнлари ва бундай жараёнларда қўлланиладиган танлаш усуллари жойи бўш бўлган менежер ишининг типига боғлиқ.

Кадрларни танлаш қарорларининг самарадорлиги. Танлаш натижалари ва бунда сарфланган харажатларни баҳолаш негизда корхона қўллаши лозим бўлган танлаш усулини тўғри танлаш мумкин. Ходимни танлашнинг етти босқичига уларга хос бўлган харажатлар даражасига қараб баҳо бериш мумкин (9.1 жадвал).

Ҳар бир босқичга малакаси нисбатан кам бўлган номзодлар-

ии ўтказмайдиган фильтр деб караш мумкин. 1, 2 ва 3-боскичлар дсярли барча холларда қўлланилади. 4, 5 ва 6-боскичлардан зарури танлаб олинади. 5-боскич алоҳида масъулият талаб этмайдиган ланозимлар учун зарур эмас.

Барча танлаш усулларининг самарадорлигига фойда ва харажатлар нуқтаи назаридан баҳо берилиши мумкин.

9.1 жадвал

Ходимларни танлаш усулларидан фойдаланишда сарфланган харажатлар

№	Танлаш усуллари (босқичи)	Харажатлар
1.	Дастлабки саралаш суҳбати	Жуда кам
2.	Ариза бланкасини тўлдирини	Жуда кам
3.	Ёллаш суҳбати	Сарфланган вақт x 1 соат харажатлари
4.	Ёллаш тестлари	5-1000 АҚШ доллари
5.	Тавсияномаларини ва хизмат рўйхатини текшириш	100 АҚШ доллари
6.	Тиббий қўриқдан ўтказини	100 АҚШ доллари
7.	Қарор қабул қилиш	

9.3. Маҳаллий бошқарув кадрлари фаолиятини баҳолаш

Маҳаллий бошқарув кадрларининг иш натижаларини таҳлилдан ўтказишда ахборот уларнинг фаолиятининг бевосита натижаси эканлиги аён бўлади.

Бошқарув ахборотни олиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ. Ахборот ёрдамида бошқарув ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади. Бошқарувнинг мазмуни шундаки, нисбатан кам меҳнат талаб этадиган ахборот орқали таъсир кўрсатиш ишлаб чиқаришда анча катта ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Мазкур жараённинг негизида бошқарув қарорлари қабул қилиш ва уларни амалга оши-

риш ётадики, уни бошқарув фаолиятининг асосий натижаои ҳисоблаш мумкин.

Бошқарув кадрлари фаолиятининг натижалари деб айИШ мумкин бўлган кўрсаткичларнинг катта бир гуруҳи мавжуд.

Жумладан, ташкилотлардан бирида иқтисод бўлими учуи ИШП баҳо беришнинг қуйидаги кўрсаткичлари жорий этилган:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талабни ўрганиш || аниқлаш;

- иқтисодий рағбатлантириш тизимини амалга жорий ЭИШ ва бошқалар.

Бошқа функционал бўлимлар учун бошқа кўрсаткичлар, ма салан, бухгалтерия учун — ҳисоботларнинг ўз вақтида тайёрланиш ва хоказолар жорий этилган. Бундай кўрсаткичларни хизматлар тўғри-сидаги низомларда (агар улар яхши тузилган бўлса) топиш мум-кин.

Баҳо бериш учун иш натижалари кўрсаткичларининг ҳар хил гуруҳлари тизими лозим бўлса керак.

Қайта ишланган ахборот сонининг кўрсаткичларидан ёрдам-чи, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг фаолиятига баҳо беришда фойдаланиш мумкин. Масалан, иш юритувчиларнинг фаолиятига шундай баҳо берилади. Ҳисобга олиш билан шуғулланадиган оддий ходимнинг ишига у юритадиган ҳисобварақлар сонига қараб баҳо бериш мумкин.

Барча ҳолатлар пухта таҳлилдан ўтказилган тақдирда, ахборот сони кўрсаткичларидан мураккаб меҳнат турларининг яқунларига баҳо беришда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг ходими иш ҳақи ва мукофотлар езадиган ходим-лар сони. Ёки раҳбарга имзога тақдим этиладиган ҳужжатлар сони, ёки бўлмаса ижрочининг назорати остида бўлган ҳужжатлар сони. Аммо бунда ишнинг мазмунига ҳам эътибор бериш ва у ўзгарма-ганлиги, бинобарин, ахборот ёки ҳужжатлар сони билан кифояла-нилса тўғри бўлишига ишонч ҳосил қилиш керак.

Чет элда (айниқса АҚШда) қайта ишланган ахборот сони кўрсаткичларидан анча кенг фойдаланилади. Аммо бу АҚШ бошқарув тизимида меҳнатнинг чуқур тақсмоти амалга оширилганлиги, ходимларнинг анча тор ихтисослашиши жорий этилганлиги билан боғлиқ. Функцияларини ҳужжатлар, чизмалар, жадваллар ёрдамида ўлчаш мумкин бўлган ходимлар салмоғи жуда баланд.

Ахборот сонини баҳолаш учун жадвал тузиш мумкин (1-шакл)

1-шакл

Бошқарув ходими меҳнатининг муаян натижалари

Кўрсаткичлар	Катталик
А. Бевосита кўрсаткичлар (ҳужжатлар, ҳисоб варақлар, варақчалар сони ва ҳоказо)	
Б. Бевосита кўрсаткичлар (қайта ишланган ахборот, чоп этилган матндаги белгилар сони ва ҳоказо)	

Бошқарув *иши* якунларининг кўрсаткичларидан функционал хизматлар - ҳисобга олиш, сотиш, молия ва бошқа хизматларнинг раҳбарларига баҳо беришца фойдаланиш мумкин. Масалан, таъмирлаш хизматининг раҳбариятига асбоб-ускуналарнинг авариясиз ишлаш вақтига қараб баҳо берилади. Ишлаб чиқаришжа жароҳатланиш ҳолатларининг йўқлиги меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятининг кўрсаткичидир.

Бошқарув ишининг якунларидан функционал хизматлар раҳбарларига баҳо бериш учун ҳам фойдаланиш мумкин (2-шакл).

2-шакл

Бошқарув ходимига бошқарув фаолиятининг натижаларига қараб баҳо бериш

Кўрсаткичлар	Катталик
А. Мазкур хизматда бошқарув ишининг натижалари	
Б. Хизмат фаолияти якунларининг мазкур ходим ҳисобига ёзилши мумкин бўлган қисми	

Ишлаб чиқариш натижаларига қараб энг аввало тармоқ раҳбарларининг фаолиятига баҳо бериш лозим. Аммо, алоҳида кўриб чиқиладиган ишлаб чиқариш натижалари баҳо бериш жараёнининг бошланиши, холос. Дастлаб ишлаб чиқариш натижаларининг бутун бошқарув тизими фаолияти билан боғлиқ қисмини ажратиш керак. Шундан кейин бу қисмга мазкур бошқарув органи қўшган ҳиссани аниқлаш лозим.

Барча ҳолатларни эътиборга олиш қийин бўлганлиги учун икки омилга берилган баҳоларни жадвалда акс эттиришга ҳаракат қилиб кўрамиз: ишлаб чиқариш натижаларига бошқарувнинг қўшган ҳиссасини, сўнг муайян ходимнинг қўшган ҳиссасини ажратамиз, бунда вақт омилидан, яъни ишнинг меъёрий муддатидан келиб чиқамиз (3-шакл).

**Бошқарув объектининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига
қараб ходимга баҳо бериш**

Кўрсаткичлар	Катталик
А. Корхонанинг иши (яқунлари)	
Б. Иш яқунларининг бошқарув ҳисобига ёзилishi мумкин бўлган қисми	
В. Бошқарув яқунларининг мазкур раҳбар ҳисобига (унинг иш стажидан ва ишнинг меъерий муддатидан келиб чиқиб) ёзилishi мумкин бўлган қисми	

Натижаларнинг таҳлили бошқарув ишининг яқунларига қараб баҳо бериш анча шартли хусусиятга эга эканлигини кўрсатади. Аммо, бошқарувнинг «мутахассислар» деб аталадиган кўп сонли ходимларига нисбатан хатто бундай баҳоларни олиш ҳам жуда қийин. Модомики, ишлаб чиқариш ёки бошқарув фаолиятининг яқунларини тўлиқ хатто раҳбар ҳисобига ёзиш мумкин эмас экан, бу яқунларга қараб алоҳида режаловчи, технолог ёки меъёрчининг иши ҳақида ҳам ҳукм чиқариб бўлмайди.

Бошқарув аппарати мутахассисларининг иш натижаларига баҳо бериш шу қадар қийин бўлиб чиқдики, **меҳнат натижаларига эмас, меҳнатнинг ўзига** баҳо беришга тўғри келди.

Вақт сарфига баҳо бериш — энг содда баҳолашдир. Аммо, бунинг учун бажарилаётган ишларнинг айнийлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Режаловчи билан таъминотчининг иш вақтини таққослаш мантиқсиздир.

Икки ходимнинг меҳнатини вақтга қараб таққослаш улар бир хил ишни бажарган ҳолдгина эмас, уларнинг иш тўпламлари бир хил бўлган ҳолда ҳам маъно касб этади. Бинобарин, аввал ишни туркумлаш, шундан кейин у ёки бу ходим бажарадиган ишлар тўпламини аниқлаш ва шунга қараб вақт сарфига баҳо бериш керак.

Энг содда тавсифлар: **иш кунининг узунлиги ва вақт сарфи**. Кўпгина бошқарув ходимларининг иш куни кўпинча — бу қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да - расмий меъерийлар доирасидан четга чиқади. Бошқа томондан, алоҳида даврларда баъзи бир ходимлар иш кунининг катта қисми иш билан юкланмай қолади. Бу муҳим муаммолар ходимлар ишига баҳо берилганда жиддий таъсир кўрсатади.

Лавозимга хос бўлган ва хос бўлмаган ишларни ажратиш му-

химдир. Аммо, баъзан бу ишни амалга ошириш жуда қийин. Лавозимлар одатда умумий тавсифланади, ишларнинг рўйхати келтирилмайди. Навозим йўриқнамалари ташкилотларнинг ўзида ишлаб чиқилади ва уларда қўпинча амалдаги ишлар қайд этилади. Бунда бир хил лавозимни эгаллаган турли ходимлар ушбу лавозимга хос бўлган ва хос бўлмаган ишларга ҳар хил ёндашадилар. Таниш, тушунарли, енгил ишларни лавозимга хос бўлган ишлар жумласига, қийин ишларни эса — лавозимга хос бўлмаган ишлар жумласига киритишга интиладилар. Бундай ёндашув ходимларнинг ишига меҳнат сарфига қараб баҳо бериш принципини жорий этишга тўсқинлик қилади.

Кундалик, жорий, вақтни-вақти билан такрорланадиган, номунтазам, нам учрайдиган ишларни ажратиш ҳам муҳимдир.

Таҳлилдан ўтказишда **стандарт қоидаларга** асосан амалга ошириладиган ишларни ва **ижодий**, нестандарт ишларни ажратиш ҳам фойдали. Биринчи туркумга мансуб ишларни ажратиш ва нисбатан паст малакали ходимга ёки ЭҲМга топшириш мумкин. Ижодий иш билан энг малакали ходимлар шуғулланганлари маъқул.

Юқорида айтилганлар ходимнинг вақт сарфига баҳо беришнинг тахминий шаклини таклиф қилиш имконини беради.

4-шакл

Ходимнинг вақт сарфига баҳо бериш

1. Баҳариладиган ишларнинг умумий рўйхати.
2. Мазкур лавозимга хос бўлган ишларнинг рўйхати ва салмоғи.
3. Такрорланадиган ишларнинг рўйхати ва салмоғи.
4. Режалаштириладиган ишларнинг рўйхати ва салмоғи.
5. Меъёрлаштириладиган ишларнинг рўйхати ва салмоғи.
6. Нестандарт, ижодий ишларнинг рўйхати ва салмоғи.

Ишнинг оғирлигига баҳо бериш. Вақт сарфи ходимнинг ишини анча юзаки тавсифлаши иқтисод фанига яхши маълум. Шунинг учун ҳам меҳнатга ҳам, унинг оғирлигига ҳам баҳо бериш керак. Мамлакатимизда ва чет элда меҳнатнинг оғирлигини аниқлаш муаммосига бағишланган жуда қўп асарлар эълон қилинган.

Меҳнат турларини таққослашда ходимнинг маълумоти ва унинг ақлига тушадиган оғирлик сингари омилларни эътиборга олиш тав-

сия этилади. Ақлга тушадиган оғирлик чиндан ҳам ишнинг хусусиятини тавсифлайди, маълумот ёки тажриба эса ишни доим ҳам тавсифлайвермайди. Маълумотлилик — бу ходимнинг хусусиятидир. У ёки бу иш турини тавсифлаш учун ходимнинг маълумотини эмас, балки мазкур иш учун зарур билимларни эътиборга олиш керак. Ходимнинг тажрибаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Меҳнатнинг оғирлигига баҳо бериш учун энг аввало мазкур меҳнатнинг мазмунини ташкил этувчи функцияларни таҳлилдан ўтказиш лозим. Бунда бажариладиган операцияларнинг хилма-хиллиги, мураккаб, комплекс ишларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга.

Баҳо бериш пайтида кўпгина омиллардан воз кечишга тўғри келади, чунки биз уларни қандай ўлчаш мумкинлигини билмаймиз. Бу, масалан, ишда ижод омилига тааллуқли.

Ишнинг оғирлигини қуйидаги шаклда баҳолаш мумкин (5-шакл).

5-шакл

Бошқарув ҳолами ишнинг оғирлигини баҳолаш

Омил	Ишнинг оғирлигини баҳолаш	
	мазкур ишнинг	таълим буйича барча ишларнинг
А. Ишнинг мазмуни		
Б. Ишнинг рағб-барақлиги, комплекслиги		
В. Мустақиллик даражаси		
Г. Раҳбарлик ишнинг қўламини ва оғирлиги		
Д. Жавобгарликнинг хусусияти ва даражаси		
Е. Ижодий ва стандарт процедураларнинг нисбати		

Баҳо бериш учун ахборот тўплаш. Баҳо бериш учун зарур ахборотни тўплаш дастури умуман олганда тайин. Ходимнинг бошқарув фаолияти натижалари, унинг иши ва ўзи ҳақида маълумотлар зарур. Аммо бу ахборот тўплаш дастурининг асосий тавсифи, холос. Уларни муайянлаштириш зарур,

Бугунги кунда ахборот тўплаш усулларининг уч асосий туркумидан фойдаланилади: хужжатлар ва бошқа ёзма манбаларни ўрганиш, суҳбатлар ва сўровлар ўтказиш, кузатиш.

Хужжатлар ва бошқа ёзма манбаларни ўрганиш авваламбор ходим ҳақида объектив маълумотлар (ёши, жинси, маълумоти, иш стажы ва ҳоказо)ни, унинг, бўлим, хизмат жамоасининг меҳнат фаолияти натижаларини ўрганишни ўз ичига олади. Материаллар батафсил кўриб чиқилади. Ходим тайёрлаган маълумотномалар, унинг таржимаи холи, матбуотда эълон қилинган мақолалари, у ҳақда биддирилган фикрлар, тавсияномалар, буйруқдар, йиғилишларнинг материаллари ва ҳоказолар ходим ҳақида ахборот манбалари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маълум тоифа мутахассисларга баҳо бериш учун киритилган ва амалга жорий этилган рационализаторлик таклифлари ҳақида маълумотлар олиш муҳим.

Ёзма манбалардан ташқари, **суҳбатлар ва сўровлар** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳатто ҳисобга олиш яхши йўлга қўйилган ҳолларда ҳам, айниқса, агар гап ходимнинг потенциал имкониятларини аниқлаш ёки ишга қабул қилинаётган ходим ҳақида кетаётган бўлса, оғзаки ахборот тўплаш зарур.

Суҳбат деганда ходимнинг ўзидан оғзаки ахборот олиш, суров деганда эса — ходим ҳақида бошқа шахслардан оғзаки ахборот олиш тушунилади.

Суҳбатни ташкил этиш ва суҳбат ўтказиладиган муҳит ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳар қандай оғзаки ахборотни олишда учраши муқаррар бўлган субъективизм элементларини енгил муҳимдир. Суҳбат ва суров ёзма материаллар пухта ўрганиб чиқилганидан кейин ўтказилиши лозим.

Кузатишлар муҳим ахборот манбаларидир. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- мазкур ходим билан боғлиқ ҳодисаларни хотирада аниқ тиклаш;
- иш жараёнида уни кузатиш;
- » ходим стажировка ёки синов муддатини ўтаётган пайтда кузатиш;
- махсус синовлар (тестлар) лайтида ходимни кузатиш;
- сунъий иш ҳолатлари (ишбилармонлик ўйинлари, мунозаралар ва ҳоказолар)да ходимни кузатиш.

Юқорида санаб ўтилган усулларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, ходимни нисбатан юқори лавозимга кўта-

риш мўлжалланаётган бўлса, уни hozирги ишида кузатиш дастури ишлаб чиқилиши мумкин, Кузатиш эркин ёки мақсадга йўналтирилган бўлиши — ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Афсуски, бундай аниқлаш усули бизда кам қўлланилади.

Ахборот тақдим этиш шакллари орасида *сўровномалар* алохида ўрин тутади. Баъзан сўровнома ахборот тўплаш усули деб ҳисобланади. Аслида сўровнома ахборот қандай (суров ўтказиш, ҳужжатлар асосида ёки кузатишлар натижасида) йўл билан олиниши ҳақида ҳеч нарса демайди. Бинобарин, сўровномани ахборот тақдим этиш усуллари жумласига киритиш мумкин.

Очиқ ва **ёпиқ** сўровномалар тафовут этилади.

Кўрсаткичларни ўлчаш. Агар тўпланган маълумотларни соиҳихатидан ўлчаш ва кўрсаткичларни таққослаш имконияти бўлганида, мазкур маълумотларнинг қиммати янада ошган бўлар эди. Шунинг учун ҳам кадрларга баҳо бериш усуллари сонихатидан аниқ ва нисбатлаш мумкин бўлган даражага етказишга ҳаракат қилдилар.

Ишлаб чиқариш якунлари сифатида ифодаланадиган бошқарув меҳнатининг натижалари натурал курсаткичлар ёки қиймат кўрсаткичларида ўлчанади. Бу ўринда бошқарув меҳнатининг натижаларини ўлчаш муаммоси кам ишлаб чиқилганлигини қайд этиб ўтиш керак. Бошқарув фаолиятининг баъзи бир миқдорий тавсифлари мавжуд. Масалан, аризаларни кўриб чиқишнинг ўртача муддатлари ташкилот ишининг сифатидан далолат беради. Дебитор ва кредитор қарзларининг ҳажми бухгалтерия ишининг якунидир. Хўжалик судида қўзғатилган ишлар ва чиқарилган ижобий ҳукмларнинг сонига қараб юридик хизматнинг ишига баҳо бериш мумкин. Бундай кўрсаткичлардан уларнинг маъноси тўғри талқин қилинган, айна шароитларда улар асосли қўллангани исботланган тақдирда фойдаланиш мумкин. Аммо, турли ташкилотларда ҳар хил шароитларда олинган кўрсаткичларни таққослаш мумкин эмас.

Энг кенг тарқалган тўғридан тўғри ўлчашга уринишлар балли баҳо бериш ва коэффициент усуллари билан боғлиқ.

Балли баҳо беришда шахснинг иши билан боғлиқ омиллар ёки унинг фазилатларига баллар шкаласи бўйича баҳо берилади. Бунинг ҳар хил вариантлари мавжуд: баҳо берилаётган ҳар бир кўрсаткичга қўйиладиган баллар сони бир хил (масалан, 7 ёки 5) ёки бир кўрсаткичларга уч балли баҳо берилса, бошқа кўрсаткичларга беш балли

1),¹о берилади, пировард натижада балл «салмоғи» ҳар хил бўлиб чиқади.

Шкалани тузишда ҳам, уни қўллашда ҳам ноҳолислик ва расмиятчилик рўй бериши хавфи балли баҳо беришнинг асосий камчилигидир. Агар бу усулни қўллашга ҳаракат қилинаётган бўлса, буни фақат ходимларни таққослаш зарурати билан изохлаш мумкин.

Ўлчашнинг яна бир кенг тарқалган усули — *коэффициент* усулидир. Бу усул балли усулдан шу билан фарқ қиладики, бунда меъёрий баҳолаш жорий этилади, амалда олинган натижа меъёрийга таққосланади ва бунинг натижасида коэффициент олинади. Масалан, Меҳнат илмий-тадқиқот институти ишлаб чиққан методикалардан бирида ходимнинг стажи, маълумоти ва ҳоказоларга баҳо беришнинг меъёрий муддатлари жорий этилган.

9.5. Маҳаллий бошқарув кадрларини танлаш ва уларни баҳолашни такомиллаштириш.

Кадрларни танлашни такомиллаштириш йуллари

Авваламбор, кадрларни танлашнинг тизимлилигини кучайтириш ва бу иш билан юқорида зикр этилган барча жабҳаларни камраб олиш керак. Бундай ёндашув бирон-бир компонентлар тушиб қолмаслигини ва ҳаммага бир хилда эътибор берилишини кафолатлайди.

Кадрларни танлашда *номенклатура* ўта муҳим ўрин тутди. Уни бошқарув механизмнинг ривожланишига қараб узлуксиз такомиллаштириш бориш зарур.

Кадрларни танлаш тизимида ротациянинг аҳамиятини ҳам кучайтириш керак. **Ротация** янги вазифаларни ҳал қилиши имконини беради ва турғунлик, расмиятчилик каби иллатларни бартавраф этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ротация техника ва технологияларни бир тармоқдан бошқа тармоққа ўтказишнинг қудратли воситасига айланиши мумкин.

Ушбу лавозимда ва умуман касбий фаолиятни яқунлашга алоқида эътибор бериш керак. Бу тажрибали кадрлар ва ёш ходимларнинг имкониятларидан имкон қадар тўлиқ фойдаланиш масаласидир. Амалиёт — ходимнинг касбий ўсишининг асосий шартидир.

Бошқарувнинг бошқа бўғинлари қатори, кадрларни танлаш ҳам режалаштирилиши керак. Боз устига, танлашнинг истиқболли-

лиги ва узлуксизлиги узоқ муддатли ёндашувни талаб этади. Шунинг учун ҳам дастурлар ва режалар тизимини ривожлантириш ҳамда уларни якка тартибда касбий ўсиш истикболлари даражасига қўйиш муҳим вазифадир.

Кадрларни танлашни унинг хизматларини мўстахкамлаш, ҳужжатларга ишлов бериш замонавий технологияларини амалга жорий этиш, кадрлар бўлимларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш нуктаи назаридан ҳам яхшилаш талаб этилади. Кадрлар иши статистикаси, яхши йўлга қўйилган ҳисобга олиш, ахборотни тўплаш ва янгилаш тизимлари зарур.

Захирадаги кадрлар билан ишлашни яхшилаш. Захирадаги ҳужжатлик кадрлари муаммоларини таҳлилдан ўтказишда биз захирадаги кадрлар сонининг меъёрийларини ўрнатиш, кадрларни ўқитиб-ўргатиш, улар билан ишлаш ва уларни захирага қабул қилишнинг маҳсул шакллари ривожлантириш ва ҳоказоларнинг муҳимлигини қайд этиб ўтдик. Бу чора-тадбирлар ижобий натижалар бериши учун юзага келган амалиётда қўшимча ўзгаришларни амалга ошириш зарур.

Бошқарув органлари аппаратининг (бир қатор лавозимлар бўйича) штатлар жадвалини тасдиқлашда ўша лавозимнинг иш ҳақи белгиланган *стажерлар* штат бирлигини назарда тутиш лозим.

Захира — бу юқори лавозимга қўтаришга яроқсиз бўлиб чиққан ходимларни саралаш воситаси ҳамдир. Захирадаги ходимларни лаёқатсиз ва яроқсиз деб топиш уларни мазкур захирага қабул қилган органларнинг обрўсига путур етказиши, деган қараш мавжуд. Аммо захира — бу тайёргарлик мактабига эмас, илгари эътибор камлиги учун яхши сезилмаган жиҳатлар аниқланиши мумкин бўлган ўзига хос «ўтказиш пункти» ҳамдир. Шунда захирага қабул қилиш яхши ишлайдиган ходимларни рағбатлантирибгина қолмасдан, амалпараст ходимларни чўчитади ҳам.

Команда муаммосига эътиборни кучайтириш. Кадрларни танлашга бўй жойга ходимни танлаш биқик процедураси деб қараш мумкин эмас. «Лавозим — ходим» нисбатидан ташқари «ушбу номзод — у ишлаши керак бўлган бошқарув жамоаси» нисбатини ҳам кўриб чиқиш зарур. Бу кадрларни танлашга бошқарув командаси нуктаи назаридан ёндашишидир.

Команда омилини эътиборга олиш жуда нозик иш. Бу ерда реал камчиликларни танқид қилувчи принципиал ходимдан кутулишга уринишларни «нумувофиклик» билан яшириш жуда осон.

Лини ҳолда ходим ўз мажбуриятларини расман бажараётган бўлсада, уни деб маълум бўлим ёки сектор умуман олганда ўзининг максимал ишга лаёқатини йўқотгани учун ҳам командада узоқ чўзиладиган низоли вазият юзага келиши хавфи мавжуд.

Бугунги кунда жамоавий ёндашув спортнинг жамоавий турларида (спорт командаларини тузишда), театрда (ансамбллар ташкил этишда), кутб станциялари ёки космик кемаларнинг экипажларини, альпинистларнинг гуруҳларини ва хоказоларни тузишда айниқса кучли ривожланган. Илмий жамоаларни шакллантиришнинг танлов тизими туфайли бундай ёндашув фанда ҳам маълум даражада мавжуд. Афсуски, кадрларни танлашга жамоавий ёндашув хўжаликни бошқаришда ҳали яхши ривожланмаган.

Олий бўнига баҳо бериш. Агар йирик фирмалар тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, барча раҳбарларга баҳо берилган ҳолатларга ҳам, баҳо берилмаган ҳолатларга ҳам дуч келишимиз мумкин. Муфассал таҳлилда амалда иккинчи ҳолатда ҳам барча раҳбарларга баҳо берилиши, аммо бу норасмий усуллар ёрдамида, стандартлаштирилган процедураларсиз амалга оширилиши кўринади. Хўш, бу вариант нима билан далилланади?

Раҳбарга баҳо бериш — шу қадар нозик иш, эътиборга олиш керак бўлган муайян ҳолатлар шу қадар кўпки, бу ишга стандарт ёндашиш мумкин эмас. Раҳбарларга якка тартибда баҳо бериш талаб этилади. Раҳбарнинг даражаси кўтарилиб боргани сари индивидуаллик даражаси ҳам ортиб боради. Шунинг учун ҳам якка тартибда аттестациядан ўтказишнинг ўзи кифоя қилади, умумий баҳолаш тизими эса мантисксиздир.

Баҳо бериш тизimini қўллаш муаммолари. Баҳо бериш тизimini қўллаш — ундан муваффақиятли фойдаланилишини кўп жиҳатдан белгилайдиган масъулиятли ҳолатдир.

Авваламбор, баҳо беришнинг мақсад ва вазифалари, унинг процедураси, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида аттестациядан ўтказилаётганларни ҳам, аттестацияни ўтказаётганларни ҳам тўлиқ хабардор қилиш керак. Бунда куйи ва ўрта бўғин раҳбарларининг позициялари муҳимдир. Агар улар баҳо беришнинг ўтказилишидан манфаатдор бўлсалар, иш муваффақиятли бўлади. Бордию раҳбар ўзига ишонч йўқолгани туфайли кўшимча назорат ўрнатишмоқчи деб ҳисобласа, у ишлаб чиқариш меъёрларига ҳам, баҳо бериш мезонларига ҳам қарши чиқади. Баҳо бериш дастурларининг муваффақияти учун янги усуллар оғиздагина эмас, амалда

хам тан олиними, уларга барча раҳбарлар ишонч билдиришлри лозим.

Баҳо беришнинг асл мақсадларини ниқоблашга катта эътибор берилди. Шунинг учун ҳам баҳо бериш дастурлари ҳақида суҳбатлашганда у ходимга қандай фонда келтиришига урғу бериш кера) «...сиз яхши баҳо оласиз, хизмат погоналаридан тезроқ кўтариласи 1. тиришқоклигингиз тақдирланади» ва ҳоказо. Баҳо бериш меҳнат уюмдорлигини оширишга йўналтирилганлигини рад этиш керак. Ходимларга баҳо бериш дастури амалга жорий этилганидан кейин ҳеч ким ишдан бўшатилмаслиги, фақат лавозимлар ва мукофотларнинг адолатли тақсимланиши содир бўлиши ваъда қилинади.

Кадрларга баҳо беришнинг асосларини ишлаб чиқиш муаммоси. Ходимларга баҳо бериш тизимларини тўлиқ таҳлилдан ўтказиш мазкур усулнинг қийинчиликлари ва ҳал қилинмаган муаммоларини ўрганишни назарда тутиши керак.

Агар бошқарув кадрларига баҳо бериш учун иш натижалари асос қилиб олинмаган бўлса, ҳўжалик раҳбарлари татбиқан эришилган натижаларга улар қандай ҳисса қўшганлиги ўрганилади.

Бундай ҳиссага баҳо беришга қўйидаги омиллар таъсир кўрсади: мазкур лавозимда ишлаш муддати, режа топшириқларининг қизғинлиги, эришилган натижаларнинг қиймати, раҳбар қўллаган воситаларнинг хусусияти ва ҳоказо. Аммо умумий назарий мулоҳаза юритишдан муайян меъёрийлар, методикаларга ўтиш керак. Буларнинг барчаси ҳозирча мавжуд эмаслиги натижаларнинг кўрсаткичларидан баҳолашда фойдаланиш имкониятини чеклайди.

Ходимнинг ўзига баҳо беришда ҳам анча оғир муаммолар туғилади. У ёки бу фазилатларнинг мавжудлигини қандай аниқлаш керак? Айтилик, нимага асосланиб уни принципиал ходим деб эътироф этиш мумкин? Бундай асослар аттестация комиссияларининг барча аъзоларида аниқ ва бир хил бўлиши керак.

Сўнги йилларда психология инсон характери хоссаларига баҳо бериш методикаларини ишлаб чиқишда анча олға силжиди. Аммо инсон характери хоссаларидан шахсга комплекс баҳо беришгача бўлган йўл анча олис. Ҳатто бир соҳага, масалан, ижтимоий-психологик фазилатларга тааллуқли турли баҳоларни таққослаш муаммоси ҳам ҳали назарий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган. У ёки бу таққослашларсиз ҳатто умумий методика бўйича олинган баҳоларни ҳам солиштириш қийин.

Шаҳе психологияси ва социологиясининг асосий қоидалари

шу жумладан бошқарув тизимида ҳам илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилмаганлиги муаммо бўлиб қолаётир. Баҳо мазмунини таърифлашдаги камчиликлар, унинг таркибий элементларини ўлчаш (ва таққослаш) усулларининг қидирилиши ҳам шу билан изоҳланади.

Ҳатто бир қарашда аниқ ва равшандек туюлган баҳо бериш процедурасида ҳам ишлаб чиқилмаган назарий масалалар мавжуд. Масалан, баҳоларнинг ошкоралиги масаласини олайлик. Агар одим-инг бартараф этиш осон бўлган шахсий камчиликлари ошкор этиладиган бўлса, бу унга зарар келтириши мумкин. Аммо ошкоралик мақтов шаклида бўлиши ва ходимнинг фаоллигини ошириши мумкин.

Баҳо бериш ва танлаш ўзаро боғлиқ бўлиши учун яна бир шарт — иккала процедура субъектларининг яқинлиги зарур. Аттестация комиссияларининг таркибига резервга қабул қилиш ёки юқори лавозимга тавсия этиш ҳақида қарор қабул қилувчи идораларнинг вакиллари киритилиши лозим.

Баҳо бериш кадрларни танлашга ёрдам бериши керак. Кадрларни танлашда ҳам баҳо бериш яқунларига таяниш лозим. Баҳо бериш танлашни сифат жиҳатидан янги, янада юқори поғонага кўтариш имконини беради. Агар баҳо беришнинг натижаларидан амадда фойдаланилмаса, у моҳият эътибори билан бефойдадир.

Танлаш билан баҳо бериш ўртасидаги алоқани кучайтириш учун процедурага оид кўпгина масалаларни ҳал қилиш керак. Баҳо бериш муддатлари шулар жумласидан бўлиб, улар танлашнинг вақт кўрсаткичларига яқин бўлиши лозим. Ходим ҳақида умумий хулоса чиқариш учун қисқа муддатли баҳо бериш етарли эмас. Узоқ муддатли баҳо бериш эса кўпгина бошқарув вазифаларини ҳал қилиш, масалан, мукофотлаш учун яроқсиздир. Узоқ муддатли дастурларнинг амалга оширилишини акс эттирмайдиган даврларга берилган баҳоларга қараганда йиллик иш яқунларига берилган баҳолар самаралироқдир.

9.6. Кадрлар фаолияти устидан назорат

Содда қилиб айтганда, *назорат* — *бу шундай жараёнки, унинг ёрдамида ташкилот раҳбарияти унинг қарорлари тўғри ё нотўғрилигини ва маълум тузатиш киритишга қай даражада муҳтожлигини аниқлайди.*

Назорат процедураси *учти аниқ тафовут этиладиган босқич-*

дан ташкил топади: стандартлар ва мезонлар ишлаб чиқиш; уйр! I реал натижаларни таққослаш; зарур тузатиш киритиш чоралариНИ кўриш. Ҳар бир босқичда турли чора-тадбирлар мажмуи амал I оширилади.

Назорат ташкилот мақсадларига эришишни таъминлайдн \ юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал қилиш учун зарур. Ундан муваффақиятли фаолиятни рағбатлантириш учун фойдаланилиши ҳам мумкин.

Дастлабки назорат одатда маълум сиёсат, процедура ва коида лар шаклида амалга оширилади. У энг аввало меҳнат, моддий на молия ресурсларига нисбатан қўлланади. **Жорий назорат** кундалш иш жараёнида амалга оширилади ва одатда ходимнинг ишини унии г бевосита бошлиғи томонидан назорат қилиш шаклида бўлади. **Яқунин назорат** иш яқунланганидан ёки унга ажратилган вақт тугаганидан кейин амалга оширилади.

Жорий назорат ва яқуний назорат тескари алоқаларга асосланади. Ташкилотларда бошқариш тизимлари чегараланмаган тескари алоқага эга, чунки тизимга нисбатан ташки элемент ҳисобланган раҳбар ходим унинг ишига аралashiши, тизимнинг мақсадларини ва иш хусусиятини ўзгартириши мумкин.

Одатда назорат ташкилот аъзоларининг хулқ-атворига кучли таъсир кўрсатади. Муваффақиятсиз лойиҳалаштирилган назорат тизимлари ходимларнинг хулқ-атворини ўзларига йўналтириши, яъни одамлар қўйилган мақсадларга эришишга эмас, балки назорат талабларини қондиришга ҳаракат қилишлари мумкин. Бундай таъсир ногўёри ахборот берилишига олиб келиши ҳам мумкин.

Назоратнинг англаб етилган мақбул стандартларини юклаш, икки томонлама алоқа ўрнатиш, ортиқча назорат қилишдан қочиш, шунингдек юкланган назорат стандартларига эришилишини рағбатлантириш йўли билан бундай муаммоларга йўл қўймаслик мумкин.

Агар назорат стратегик хусусиятга эга, муайян натижаларга эришишга йўналтирилган, мослашувчан, содда, тежамли бўлса ва ўз вақтида амалга оширилса, бундай назорат самарали бўлади.

Инсон ресурслари соҳасида назорат ташкилотларда у ёки бу лавозим мажбуриятларини бажариш ва энг яхши тайергарликдан ўтган ва малакали одамларни танлаб олиш учун зарур ишбилармонлик ва касбий билимлар ва кўникмаларни пухта таҳлилдан ўтказиш қисобига эришилади.

Кадрлар хизматининг ишига баҳо бериш — бу кадрлар фао-

лияти дастурлари билан боғлиқ фойда ва харажатларни ўлчаш ҳамда уларни корхонанинг ўтган замондаги фаолияти натижаларига, бошқа корхоналарнинг иш натижаларига ва корхона мақсадларига таққослашга йўналтирилган сурункали, қатъий расмийлаштирилган жараёндир.

Куйида ходимларни бошқариш хизмати фаолиятининг энг муҳим йўналишлари кўрсатилган:

1. Ходимлар билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш юзасидан менежерларга маслаҳат ва тавсиялар бериш.

2. Мехнат муносабатларининг умумий фалсафаси, ҳуқуқий мазмуни ва стратегиясини менежерларга етказиш.

3. Мехнат муносабатлари соҳасида менежерларга маслаҳат ва тавсиялар бериш.

4. Корхонанинг барча ходимлари билан изчил ва пухта ўйланган муносабатларни таъминлаш.

5. Шикоятларнинг кўриб чиқилиши устидан назорат ўрнатиш.

6. Штатлар сиёсати ва у билан боғлиқ муаммолар юзасидан менежерларга маслаҳат ва тавсиялар бериш.

7. Ходимларни танлаш билан боғлиқ процедураларни мувофиқлаштириш.

8. Ишга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш дастурларини, ии! ҳақи амалиётининг ҳуқуқий маъносини менежерларга етказиш.

9. Ҳақ тўлаш дастурларини рўйхатга олиш ва ходимларга маълум қилиш.

10. Ҳақ тўлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш.

11. Ёрдам пули, компенсация тўловлари, пенсиялар ва хоказоларни тайинлаш.

12. Мехнатга ҳақ тўлаш муаммоларини ҳал қилишда раҳбариятга кўмаклашиш.

13. Қадрларга оид ҳужжатларни сақлаш ва тизимга солиш.

14. Ёллаш масалаларига дойр конун ҳужжатларига мувофиқликни таъминлаш.

15. Фирманинг кадрлар сиёсати ва кадрлар дастурларининг асосий йўналишлари ва мақсадларини тушунтириш.

16. Мазкур дастурларни амалга оширишнинг амалий масалаларини раҳбарият билан муҳокама қилиш.

Ушбу схема ходимларни бошқариш хизматлари фаолиятининг кўрсаткичлари деб ҳисоблаш мумкин бўлган мезонларни юклайди. Куйида мана шу баҳо бериш мезонлари келтирилган.

Ходимларни бошқариш бўлимлари фаолиятининг самарадорлигига баҳо беришнинг асосий мезонлари:

а) Субъектив мезонлар:

1. ходимларни бошқариш бўлими билан хизматларнинг ҳамкорлиги даражаси;

2. бўлим ишининг самарадорлиги хақида тармоқ менежерларининг фикри;

3. муаммоларни ҳал қилишда ва фирма сиёсатини тушунтиришда барча ходимлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлик;

4. ходимлар билан муносабатларнинг ўзаро ишончга асосланганлиги даражаси;

5. бўлимга юборилган сўровларга қай даражада тез ва самарали жавоб берилиши;

6. бўлим фирманинг бошқа бўлимларига кўрсатувчи хизматларнинг сифатига баҳо бериш;

7. бўлим олий раҳбариятга берадиган ахборот ва маслаҳатларнинг сифатига баҳо бериш;

8. мижозлар — менежерлар ва ходимларнинг қониққанлиги ёки қониқмаганлиги.

б) Объектив мезонлар:

1. Инсон ресурсларига нисбатан раҳбариятнинг режаларини қўллаб-қувватлаш стратегиясини бўлим қай даражада амалга оширмоқда?

2. Мақсадларга эришиш борасида амалга оширилган ижобий ишлар.

3. Буюртма, талабларни бажаришга сарфланадиган ўртача вақт.

4. Бўлим бюджетининг хизмат кўрсатувчи ходимлар сонига нисбати.

Ходимларни бошқариш алоҳида дастурларининг самарадорлигига баҳо бериш ўз мақсадларига эришиш ва тегишли вазифаларни бажаришда фирма ўзини қай даражада яхши ҳис қилишини аниқлашга асосланади. Берилган баҳо ишни бажариш сифати, ходимларнинг қониққанлиги, уларнинг қўнимсизлиги ва интизомсизлиги сингари айни ҳолда муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга эътиборни қаратувчи бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қилади.

Ходимларни бошқариш хизматлари ишининг самарадорлигига баҳо бериш мезонлари қуйидагича гуруҳланиши мумкин.

1. *Иқтисодий самарадорлик:*

а) самарадорлик кўрсаткичлари (ишчи кучи қийматининг олинган натижага нисбати);

б) баҳр берилаётган дастурнинг ҳар бир ходимга нисбатан қиймати.

2. Мувофиқлик даражаси кўрсаткичлари.

3. Ходимларнинг қоникқанлиги даражаси:

а) ходимларнинг хизмат ишидан қоникқанлиги (масалан, таълим тизими, меҳнатта ҳақ тўлаш, мукофот пули, касбий ўсишдан);

б) ходимнинг ўз ишидан қоникқанлиги.

4. Хтматчилар иши самарадорлигининг билвосита кўрсаткичлари:

а) кадрлар қўнимсизлиги;

б) абсентизм (ўзбошимчалик билан ишга чиқмаслик ҳолатлари сони);

в) брак (масалан, хом ашёнинг сифатсизлиги натижасида);

г) иш сифатининг бошқа кўрсаткичлари;

д) бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги аризалар сони;

е) шикоятлар сони;

ж) меҳнат хавфсизлиги ва бахтсиз ҳодисалар сони.

Санаб ўтилган ҳар бир кўрсаткич ва уларнинг комбинацияси умуман олганда тегишли чора-тадбирларнинг самарадорлигини ифода этади. Эришилаётган натижаларнинг етарлилигига баҳо бериш учун улар олдиндан белгиланган мақсадларга такқосланади.

Баҳо беришга статистик ёндашув. Статистика маълумотлари-га асосланадиган усуллар энг кўп қўлланиладиган расмий баҳо бериш усуллари ҳисобланади. Статистик ёндашув «саволнома»га қараганда анча муқаммал бўлиши мумкин. Олинган статистика маълумотлари мазкур бўлимга оид олдинги маълумотларга ёки бошқа бирор объектга солиштирилади. Тўғри, миқдорий ўзаро алоқалар ўз ҳолича ҳеч нарсага баҳо бермайди ва тушунтирмайди. Бундай алоқаларнинг асослари муҳим; статистика фақат баҳо бериш учун муаммоларни қаердан қидириш кераклигини кўрсатади. Аммо бундай тадқиқотларнинг оддий маълумотлари ҳам ўз ҳолича муҳим бўлиб, баҳо беришга маълум ҳисса қўшиши мумкин.

Қисқача хулосалар

Меҳнат ресурсларини бошқариш давлат тизими мамлакатда асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни марказлашга тартибда тартибга солувчи давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этиши, суд ҳокимияти ва бошқаруви органлари мажмуини ўз ичига олади.

Кадрлар билан ишлаш қўйидаги асосий элементлардан ташкил топади: кадрлар сиёсати, кадрларга қўйиладиган талаблар; кадрларнинг штат-лавозим тузилишини шакллантириш; кадрларни танлаш ва бошқарув командасини тузиш; кадрларга баҳо бериш тизими.

Кадрларни танлаш •— бу шундай жараёнки, унинг ёрдамида корхона ёки ташкилот бўш жойга бир ёки бир нечта даъвогарлар орасидан танлаш мезонига кўра, атроф муҳит шарт-шароитларидан келиб чиқиб, энг мақбул одамни танлаб олади.

Раҳбар томонидан қўлланган воситаларга ҳар томонлама: иқтисодий, ижтимоий, маънавий, эгологик ва бошқа нуқтаи назарлардан баҳо бериш керак.

Бошқарув меҳнатига вақт сарфи ва ишнинг оғирлигини ўлчаш йўли билан баҳо берилади. • .

Кадрларни танлашни унинг хизматларини мустаҳкамлаш, ҳужжатларга ишлов бериш замонавий технологияларини амалга жорий этиш, кадрлар бўлимларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш нуқтаи назаридан ҳам яхшилаш талаб этилади. Кадрлар иши статистикаси, яхши йўлга қўйилган ҳисобга олиш, ахборотни тўплаш ва янгилаш тизимлари зарур.

• Фаол ва яхши ишлайдиган менежер корхонадаги вазиятнинг турли жиҳатларини таҳлилдан ўтказиш орқали ташхис қўйишга қодир одамдир. У корхонанинг ҳажми, тузилиши, мақсадлари ва иш услубини, хизматчиларнинг табиатини, ишчи гуруҳлар, уларнинг сардорларининг хусусиятларини эътиборга олади.

Мухокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Меҳнат ресурсларини бошқариш давлат тизимига қайси органлар киради?
2. Кадрларни танлаш жараёни тушунчаси.
3. Менежерларни танлаш жараёни ва усуллари.
4. Маҳаллий бошқарув кадрлари фаолиятининг натижаларига қандай баҳо берилади?
5. Ишнинг оғирлигига қандай баҳо берилади?
6. Кадрларни танлаш ишини такомиллаштиришнинг қандай йўллари бор?
7. Кадрларга баҳо бериш тизимини қандай яхшилаш мумкин?
8. Кадрлар фаолияти устидан назорат шакллари.
9. Ходимларни бошқариш хизматлари фаолиятини назорат қилишга нисбатан ёндашувлар.

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни. Т., "Ўзбекистон", 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Янги таҳрирда. Т., "Адолат", 1998.
3. Бизюкова И.В. Кадры управления: подбор и оценка. «Учебное пособие». М., «Экономика». 1998.
4. Одегов Ю.Г., Журавлёв П.В. «Управление персоналом». «Учебник». М., «Финстатинформ». 1997.
5. Травкин В.В., Датлов В.А. «Основы кадрового менеджмента». М., «Дело». 1997.
6. Ципкин Ю.А. «Управление персоналом». Учебное пособие. М., «ЮНИТИ - ДАНА». 2001.

ХБОБ

ҲОКИМИЯТЛАР ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТЕЗКОР БОШҚАРИШ

10.1. Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини стратегик бошқаришнинг вазифаси, мазмуни ва асосий тамойиллари

Ўзбекистан Республикасида давлатқурилиши жараёнларининг ривожланишига, бошқарувнинг ҳудудий тузилмалари ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ажратилишига, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларининг ҳажми янада аниқ белгиланишига қараб мамлакатда маҳаллий тузилмалар фаолиятини бошқаришнинг янада самарали тизимларини вужудга келтиришга талаб ортиб бормоқца.

Мазкур талаб маҳаллий менежмент соҳасидаги амалиётчи-мутахассислардан «стратегик бошқариш» тушунчасининг мазмунини муфассал ўрганишни талаб этади.

Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини стратегик бошқариш, нафақат маҳаллий тузилмаларнинг истикболли режаларининг тўғри қўя билиш, балки ўз ҳудудда ҳаётнинг турли хил ижтимоий-иқтисодий соҳаларида институционал ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали, ушбу мақсадларни ўз вақтида амалга ошира билишни ўз ичига олади. Маҳаллий стратегик менежментни амалга ошириш жараёнида ташқи ва ички муҳит чегараланишларига ҳамда ривожланишнинг стратегик мақсадларига муроҷият бўлган, маҳаллий тузилмаларини бошқаришнинг оитимал моделини шакллантириш муҳим ўринни эгаллайди.

Стратегик бошқаришнинг яна бир муҳим вазифаси - бу давлатнинг республика ва тармоқ бошқарув органлари билан, хўжалик субъектлари билан, жамоат ташкилотлари ва ушбу маъмурий-ҳудудий тузилма аҳолиси билан маҳаллий бошқарув органининг самарали алоқаларини таъминлаб туришдан иборат.

Маҳаллий тузилмалар фаолиятини стратегик бошқаришнинг тўғри ташкил этилиши маҳаллий ҳокимият органларига, ўз ички имкониятларига ҳамда давлат бошқарувининг республика ва тармоқ органлари ёрдамига таянган ҳолда, ўз миссияларини муваффақиятли амалга ошириш имконини беради.

Маҳаллий менежмент соҳасидаги жаҳон тажрибаси стратегия

у ёки бу маҳаллий тузилмани ривожлантиришнинг аниқ қўйилган мақсадига асосланган тақдирдагина муваффақият келтиришини кўрсатади.

Ҳозирги замон маҳаллий менежменти стратегик бошқариш усуллари тобора кўп қўлламоқда, чунки ташқи ижтимоий-иқтисодий вазият кўрсаткичлари ва маҳаллий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устуворликларида содир бўлаётган жўшқин ўзгаришлар уларни менежментнинг самарали усуллари тинимсиз излаш ва ўзининг кундалик иш услубини такомиллаштириб боришга даъват этмоқда.

Хар қандай ҳокимиятнинг ривожланиш стратегиясини унда меҳнат қиладиган мутахассислар, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари ҳамда жалб қилинган штатсиз ходимлар амалга оширадilar. Шунинг учун ҳам мазкур стратегияни ишлаб чиқишда инсон омили тўлиқ эътиборга олинishi ва ишга солиниши лозим. Стратегия қай даражада яхши ишлаб чиқилган бўлмасин, фақат уни амалга оширишдан ходимлар ва штатсиз фаолларнинг манфаатдорлига мазкур стратегияни муваффақиятли амалга татбиқ этиш имконини беради.

Ўзбекистонда маҳаллий тузилмаларнинг фаоллигида стратегик бошқарув ролининг ошиб бораётганлиги шу билан изоҳланadiки, замонавий маҳаллий тузилмаларнинг шаклланиши жараёни катта ноаниқлик билан тавсифланadиган ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устуворликлари тинимсиз ўзгариб турган шароитларда ўтмоқда. Буларнинг барчаси маҳаллий органларнинг раҳбарларини жорий номувофиқликларнинг сабабларини тез бартараф этибгина қолмасдан, балки ўз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига эришишни ҳам таъминлайдиган бошқарув услубини ишлаб чиқишга мажбур қилмоқда.

Ўзбекистан Республикасидаги маҳаллий ҳокимият органларидан ўз ҳудудий тузилмаларининг ижтимоий-иқтисодий садоҳиятини яхши билишни, мақсадларни аниқ қўйиш, уларга эришиш усуллари тўғри танлаш кўникмаларига эга бўлишни талаб этади. Зотан, бу бозор иқтисоди шароитларида маҳаллий тузилмаларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш имконини берадиган замонавий стратегик бошқаришнинг моҳиятини ташкил этади.

Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини **стратегик бошқариш** умуман олганда мураккаб, серқирра жараён бўлиб, ривожланишнинг устувор йўналишларини тўғри танлаш ва ўз маъмурий-ҳудудий тузилмаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг

узоқ муддатли мақсадларига эришишнинг самарали омилларинг ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Бутун дунёда мазкур бошқарув тури маҳаллий ҳокимият органининг олий раҳбарияти ваколатларига киради. Мазкур раҳбариятнинг асосий мажбурияти ўз ихтиёрида мавжуд барча имкониятла)) ва ресурсларни мақбул тарзда тақсимлаш йўли билан маҳаллий тузилмани узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашдан иборат.

Чет эл тажрибасининг таҳлили маҳаллий тузилма фаолиятини самарали стратегик бошқариш қуйидаги асосий тамойилларга асосланишини кўрсатади:

1) Маҳаллий тузилманинг жорий ҳолатини объектив баҳолаш.
2) маъмурий-худудий тузилмани ривожлантиришнинг устувор стратегияларини асосли ва онгли равишда танлаш.

3) маҳаллий бошқарув органларининг иш самарадорлигини ошириш учун бошқарув фаолиятининг янги шакллари ва турларини муттасил кидириш.

4) маҳаллий ҳокимият органи ва ташқи муҳит ўртасида муштарак ҳамкорлик ўрнатиш шартлари ва механизмини шакллантириш.

5) маҳаллий тузилманинг бошқарувчи ва бошқарилувчи кичик тизимлари ўртасида оқилона алоқаларни ривожлантириш.

6) республикадаги ҳар бир минтақанинг тарихий, табиий-иклимий, ижтимоий-иқтисодий ўзига хосликларидан келиб чиқиб маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш стратегияларини индивидуаллаштириш.

7) маҳаллий тузилмалар фаолиятини стратегик ва тезкор бошқариш вазифаларини ташкилий жиҳатдан аниқ тақсимлаш.

Худудий тузилмани стратегик бошқариш тизими муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун маҳаллий ҳокимият органи ўз ихтиёрида уни қуршаган муҳитда қанча ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, қабул қилиниши мумкин бўлган қарорларнинг шунча вариантларига эга бўлиши лозим. Ташқи муҳитда юзага келувчи вазиятлар сони ва мураккаблиги дам сайин ортиб боради, шунинг учун ҳам вилоят, шаҳар ёки туман ҳокимиятини бошқариш тизими тегишли равишда янги сифатлар касб этиши ҳамда мақбул бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ўз раҳбарларининг имкониятларини ошириши зарур.

Маҳаллий тузилмалар фаолиятини стратегик бошқаришнинг

асосий афзалликлари жумласига энг аввало куйида келтирилган 10.1 ОХемада кўрсатилган афзалликларни киритиш лозим.

Бундан келиб чикиб, маҳаллий тузилмалар фаолиятини стратегик бошқариш ўз мазмунига кўра бир нечта турларга бўлинади (10.2 схемага қаранг), шу жумладан:

- маҳаллий тузилманинг фаолиятини **мунтазам назорат қилиш асосида бошқариш** (маҳаллий тузилманинг барқарор ривожланиши прогноз қилинган ҳолларда қўлланади, бунда молиявий назорат кенг қўлланилади);

- **экстраполяция асосида бошқариш**, яъни ўтган даврда кузатилган тенденцияларни истикболга прогноз қилиш (одатда, бюджетларни тузиш, мақсадли бошқариш ва стратегик режалаштиришда қўлланади);

- **мутлақо янги стратегияларни ишлаб чиқиш асосида бошқариш** (ривожланишнинг янги тенденциялари аниқ кўзга ташланган ҳолларда қўлланади, бунда стратегик режалар даврларга бўлиб ишлаб чиқилади);

- **тезкор қарорлар қабул қилиш асосида бошқариш** (хўжалик тизимларининг ёки уларнинг муҳим кичик тизимларининг ривожланиш тенденцияларини кескин ўзгартириб юборадиган фавқулодда ҳолатлар юзага келганида қўлланади).

10.1 схема

Маҳаллий тузилмаларнинг ривожланиши стратегик бошқариш усулларидан фойдаланишнинг афзалликлари



Маҳаллий тузилмалар фаолиятини стратегий: бошқариш турлари



Маъмурий-худудий тузилмани стратегах: бошқариш механизмини амалга оширишда муваффақият маҳаллий тузилма фаолияти ва уни ривожлантиришнинг мақбул тартибини белгилайдиган ҳар хил кичик тизимлари ва таркибий қисмлари ўртасида тўғри нисбатни таъминлашга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Улар орасида замонавий маҳаллий менежментнинг асосий ташкил этувчи маҳаллий тузилма фаолиятини режалаштириш асосий ўринни эгаллайди.

Маҳаллий тузилмаларнинг фаолияти устидан стратегик назоратни ташкил этиш механизми кўп поғонали мураккаб тизим бўлиб, куйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

1) стратегиянинг амалга оширилишини баҳолашца фойдаланиладиган кўрсаткичларни аниқлаш, шу жумладан:

- самарадорлик кўрсаткичларини (бюджетнинг даромад қисмига тушумлар, бюджет маблағларининг сарфланиши — мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари);

- инсон ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини (меҳнат унумдорлиги, янги ташкил этилган иш жойлари, ишсизлик даражаси ва х.к.);

- ташқи муҳитнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар (амал-

даги конун ҳужжатларидаги ўзгаришлар, янги солиқлар ва тариф-Лвр; экологик вазият ва ҳ.к.);

- ички ташкилий жараёнларни тавсифловчи кўрсаткичлар (қад-рларнинг қўнимсизлиги, бошқарув тузилмасидаги ўзгаришлар, сай-ловолди кампанияларини тайёрлаш ёки ўтказиш ва ҳ.к.).

2) маҳаллий тузилмаларнинг фаолиятини назорат қилиш кўрсаткичларининг ҳолатини уларнинг иш самарадорлигини баҳо-лашнинг бозор кўрсаткичлари асосида ўлчаш ва кузатиш тизимини яратиш ва амалга жорий этиш.

3) маҳаллий тузилма фаолияти кўрсаткичларининг реал хола-тини уни ривожлантириш стратегик режасининг прогноз қилинган кўрсаткичлари билан таққослаш. Мазкур таққослашни ўтказишда уч хил вазият аниқланиши мумкин: реал ҳолат мақбул ҳолатдан яхши, реал ҳолат мақбул ҳолат билан бир хил, реал ҳолат мақбул ҳолатдан ёмон.

4) таққослаш натижасини баҳолаш ва маҳаллий тузилманинг ривожланиш натижаларига тузатиш киритиш мақсадида қарор қабул қилиш.

Стратегик бошқаришнинг моҳиятини ва воситаларини билиш маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарларига маҳаллий тузил-маларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги салбий тенден-циялар ва номуносивликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилишга нисбатан самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш им-конини беради. Аммо, маҳаллий тузилманинг улкан салоҳиятини муваффақиятли рўёбга чиқариш маҳаллий тузилмани стратегик ри-вожлантиришни аниқ ташкил этиш ва мазкур стратегик ривожлан-тиришга нисбатан вариантли ёндашув принципига амал қилишни талаб этади.

Бирок, стратегик бошқарувнинг афзаллиқларини очиб бериш-га ўтишдан олдин, маҳаллий менежментнинг Ўзбекистон учун си-фат жиҳатидан янги функциясининг турли жиҳатларини янада аниқ-роқ тасаввур қилиш зарур.

Авваламбор, бу маҳаллий тузилмага маълум натижаларга эри-шишга йўналтирилган ҳар хил (иқтисодий, ижтимоий, табиатни муҳофаза қилиш, маъмурий-хўжалик ва ҳ.к.) фаолият турларининг мажмуи деб қарайдиган стратегик бошқарувнинг **функционал жи-ҳати**га тааллуқли.

Иккинчидан, маҳаллий тузилмани стратегик бошқаришга маъмурий-худудий тузилмаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

тириш муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш жараёни деб қарай диган стратегик бошқарувнинг **жараён жиҳатини** эътиборга **ОИШ** лозим. Мазкур жараён ўз вазифаси ва хусусиятига қўра ранг-бараш бўлган кўп сонли бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишни назарда тутати.

Учинчидан, маҳаллий тузилмани стратегик бошқаришга ягона ҳудудий комплекснинг турли функционал ва таркибий унсурлари ўртасида яқин ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича изчил фаолият деб қарайдиган стратегик бошқарувнинг **унсурларга оид жиҳати** муҳим аҳамиятга эга.

Стратегик маҳаллий менежмент кўп вазифали хусусиятга эга эканлиги ва унга нисбатан ранг-баранг ёндашувлар мавжудлигини эътиборга олсак, маҳаллий тузилмалар фаолиятини стратегик режалаштириш ва тезкор бошқаришнинг моҳияти ва мазмунини билиш муҳим аҳамият касб этади, чунки маҳаллий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устуворликлари ва ташқи ижтимоий-иқтисодий вазият кўрсаткичларининг жўшқин ўзгариши менежментнинг самарали усулларини муттасил қидириш ва кундалик иш услубини такомиллаштиришга даъват этади.

10.2. Маҳаллий фаолиятни стратегик режалаштиришнинг вазифаси ва тамойиллари

Маҳаллий тузилма ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги учун стратегик режалаштиришга шунчаки менежерларнинг барча зарур ҳаракатларни назарда тутати билиш қобилияти деб эмас, балки иш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳар хил тасодифларни баҳорат қилиш ва уларни бартараф этиш ёки қўрилиши мумкин бўлган зарар миқдорини мумкин қадар камайтириш учун мақбул имкониятлар топиш санъати деб ҳам қараш лозим,

Шу муносабат билан маҳаллий тузилмалар фаолиятини самарали стратегик бошқариш энг аввало маҳаллий фаолиятни комплекс режалаштириш тизимига таянишини кўрсатади. Мазкур тизим **стратегик режалаштириш** деб аталади.

Маҳаллий ҳокимият органининг фаолиятини стратегик режалаштириш — ҳозирги замон маҳаллий менежментининг асосий унсури, чунки унинг асосида маҳаллий тузилмани бошқариш ташкил этилади, маҳаллий ҳокимият органларининг ходимлари мотивацияланади, уларнинг фаолияти назорат қилинади ва маҳаллий фао-

лият пировард натижаларининг умумий самарадорлигига баҳо берилади.

Ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилган маҳаллий тузилмани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш *стратегияси* самарали стратегияда режалаштиришнинг негизини ташкил этади. Мазкур стратегияда маҳаллий ҳокимият органи раҳбариятининг ушбу органнинг ривожланиш истиқболлари ва унинг олдида турган стратегик мақсадларга эришиш йўллари ҳақидаги стратегик қарашлари ўз ифодасини топади.

Маҳаллий иқтисоднинг дастлабки бўғинлари учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси керакли ресурсларнинг зарур ҳажмини аниқлаш ва уларни олиш, ташкил От яқин ва узоқ истиқболларда самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида мазкур ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш учун вазифалар ва стратегик мақсадларнинг муштараклиги демакдир.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитларида стратегик режалаштириш мақсад ва вазифаларни кўйиш, зарур иқтисодий ресурсларни ишга солиш негизда уларни амалга ошириш стратегияси ва тактикасини белгилаш директив режалаштиришдан индикатив режалаштиришга ўтиш демакдир.

Бунда индикатив режалаштиришга давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш воситаси, бозор иқтисоди жараёнига унинг асосий таъсир кўрсатиш усули деб қараш лозим. Вазифаларига кўра, индикатив режалаштириш мамлакат иқтисодининг ҳолати ва унинг ривожланишини тавсифловчи, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига мое келувчи параметрлар (кўрсаткичлар) тизимини шакллантириш ҳамда белгиланган кўрсаткичларга эришиш мақсадида ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга давлат томонидан таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш жараёнидир.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари сифатида маҳаллий тузилма ривожланишининг динамикаси, тузилиши ва самарадорлигини, унинг молияси, пул муомаласи, товарлар ва қимматли қўғозлар бозорининг ҳолатини, нарх-наво ҳаракати, бандлик, аҳолининг турмуш даражаси ва ҳоказоларни тавсифловчи кўрсаткичлар қўлланади.

Индикатив режалаштириш бозор иқтисоди шароитлари учун энг мақбул режалаштириш усули бўлиб, бугун дунёда худудларни макроиқтисодий ривожлантиришни давлат томонидан режалашти-

риш шакли сифатида кенг тарқалган. Индикатив режа директии ҳу сусиятга эга эмас, унда мажбурий топшириқлар кам белгилапади, у асосан йўналтирувчи ёки тавсиявий хусусиятга эга.

Ўзбекистоннинг вилоят, шаҳар ёки туман ҳокимиятлари фўли олиятига стратегик режалаштиришни муваффақиятли жорий этишнинг шарти шуки, ўтиш даврида мазкур ҳокимиятлар ишини режалаштиришнинг қўпгина жихатлари давлат функцияларига мансуб бўлиб, у мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик устуворликларини (йирик ижтимоий ва илмий-техникавий дастурларини, давлат бюджетини ва х.к.) шакллантиради. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, стратегик режалаштириш бу маҳаллий тузилмани ривожлантиришнинг истикболли йўналишларини, унинг фаолият соҳалари, шакллари ва усулларини, қўйилган мақсадларга эришиш учун ресурсларни тақсимлаш тартибини белгилайдиган бошқарув қарорлари тизимдир.

Маҳаллий тузилмани стратегик ривожлантириш жараёни бошқарувнинг маълум тамойилларига таянади. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Иқтисод ва сиёсатнинг ягоналиги тамойили. Бунда сиёсат устун туради, яъни прогнозлар, стратегик дастурлар ва режаларни ишлаб чиқувчилар тегишли бошқарув субъектлари амалга оширишни мўлжаллаган сиёсат мақсадларидан келиб чиқади.

Бошқарув субъектларининг барча манфаатлар тизими бирлигини таъминлашга интилиши мазкур принципнинг объектив негизидир. Манфаатлар тизимида иқтисодий манфаатлар асосий ўринни эгаллайди. Улар бошқа манфаатларга қараганда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу нуқтаи назардан сиёсат иқтисоднинг жамулжам ифодасидир. Шу билан бирга, иқтисод монеликсиз ривожланиши учун тегишли шарт-шароитлар, барча институтлар ва ҳокимият органларига эга бўлган давлат зарур. Шунинг учун ҳам сиёсат ҳар қандай мамлакат, ҳудудий тузилманинг иқтисодини йўналтирувчи ўзан вазифасини бажаради. Бинобарин, иқтисодни бошқаришда сиёсий асоснинг устуворлигисиз иқтисод муваффақиятли ривожлана олмайди. Иқтисод ва сиёсатнинг ўзаро нисбати шу билан белгиланади.

2. Марказлашиш ва мустақилликнинг ягоналиги тамойили. Мазкур тамойил тартибга солувчи органлар томонидан прогнозлар, стратегик дастурлар ва режалар шаклида тайёрлайдиган қарорларнинг лойиҳалари, бир томондан, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ниятлари ҳақидаги манфаатларга асосланса ва уларнинг

манфаатларини эътиборга олса, иккинчи томондан — уларга зарур пўналишда таъсир кўрсатиши лозимлигини назарда тутати.

Марказлашиш, энг аввало, давлат буюртмалари тизими, минтакавий мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, молия, кредит ва валюта сиёсати, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тadbирлари билан таъминланади. Шу билан бирга, мавжуд қонун ҳужжатлари доирасида тижорат ташкилотлари эркин фаолият кўрсатиш, ўз жорий ва истиқболдаги иш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳақлидирлар.

3. Прогаозлар, стратегик дастурлар ва режаларнинг илмий асосланганлиги ва самарадорлиги тамоиили — уларни тузиш жараёнида қуйидаги талаблардан келиб чиқиш зарурлигини назарда тутати:

- минтакавий стратегик режалаштириш жараёнида стратегик ва тактик режалар, дастур ва прогнозларнинг муштараклигини таъминлаш;
- прогаозлар, стратегик дастурлар ва режаларнинг кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ахборот негизи ҳисобланган режа-ҳисоб ахборотининг асослилиги даражасини ошириш;
- барча режаларни ишлаб чиқиш технологиясини мутгасил такомиллаштириб боршн;
- минтакавий стратегик режалаштириш методологиясининг ранг-баранг унсурларидан комплекс фойдаланилишини таъминлаш.

4. Юқори даражадага манфаатларни устун қўйган ҳолда, умумий ва маҳаллий манфаатларнинг муштараклиги тамоиили ҳамда стратегик дастур ва режаларнинг топшириқларини бажаришда шахсий ва жамоавий манфаатдорликни рағбатлантириш. Мазкур принцип, бир томондан, турли ижтимоий табақалар, тижорат ташкилотларининг жамоалари ва алоҳида ходимларнинг манфаатларини ягона тизимга уйғун бирлаштириш ҳамда бошқарув жараёнида дастурларнинг стратегик мақсадларини ва режаларнинг лойиҳаларини таъминлаш, шунингдек мазкур мақсадларга эришишга кўмаклашадиган дастур ва режаларни тайерлашнинг объективлигини назарда тутса, иккинчи томондан, миллий иқтисодда содир бўлаётган такрор ишлаб чиқариш жараёнларини минтакавий мақсадли, комплекс стратегик дастур ва режалар ёрдамида тартибга солишда мазкур муаммоларни жамиятнинг барча аъзолари, унинг хавфсизлиги, мудофаа қобилиятини ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлаш манфаатларидан келиб чиқиб ҳал қилишни назарда тутати. Ниҳоят, учинчидан, мазкур тамоиил иш ҳақи, му-

кофотлар, солиқ ва кредит имтиёзларининг ранг-баранг шаклларй кўринишидаги иқтисодий стимуллар тизими ёрдамида зарур моидий ресурслар билан, қўйилган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли бажаришдан ходимларнинг шахсий ва жамоавий манфамдорлигини таъминлашни назарда тутати.

Маҳаллий тузилмаларнинг фаолиятини прогноз қилиш маҳаллий ривожланишнинг илмий асосланган стратегиясининг муҳим қисмидир. Прогнозларнинг асосий вазифаси содир бўлаётган ва кутилаётган жараёнларнинг ривожланишига, сиёсатларнинг вариантлари ва уларни амалга оширишда қўлланилаётган воситаларнинг, муайян бошқарув қарорларининг оқибатларига баҳо беришдан иборат. Бунда марказ ва минтақанинг молиявий муносабатларига, хусусий ва ижтимоий секторлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг гуруҳлари ўртасидаги муносабатларга асосий урғу берилати.

Прогнозлар ва дастурларнинг лойиҳаларида маҳаллий иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш, иғу жумладан давлат ва алоҳида минтақалар ҳамда маҳаллий тузилмалар ўртасидаги муносабатлар иқтисодий механизмига ўзгаришлар киритиш масалалари акс эттирилиши лозим,

Тўловга лаёқатли талаб ва унинг минтақавий тақсимланишини прогноз қилиш, минтақавий бозорларни ўрганиш, минтақаларнинг молиявий ва бошқа ресурс имкониятларига баҳо бериш, уларни ривожлантиришнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш учун минтақаларнинг ўз салоҳиятини фаоллаштириш йўллари ва воситаларини аниқлаш муҳим таянч омилларига айланиши зарур.

Маҳаллий тузилмалар фаолиятини прогноз қилиш механизмнинг юқорида зикр этилган принциплари ва мазмунини билишдан ташқари, маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш стратегияларининг турларига қараб табақаланиши ҳам эътиборга моликдир (10.4 схемага қаранг).

**МАҲАЛЛИЙ ТУЗИЛМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
СТРАТЕГИЯСИ ТУРЛАРИНИНГ ТАСНИФИ**

Вазифа	<i>БОШ СТРАТЕГИЯ</i>
Умумташкилий ва специфик мақсадлар	<i>ФУНКЦИОНАЛ СТРАТЕГИЯЛАР</i>
Потенциал мумкин бўлган фавқулодда ҳодисалар	<i>МАХСУС СТРАТЕГИЯЛАР</i>
Янги шарт- шароитларнинг пайдо бўлиши	<i>СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАР</i>

Маҳаллий ҳокимият органини ривожлантириш стратегияси унинг асосий мақсадлари ва уларга эришишнинг асосий усуллари мажмуидир. Ҳокимиятни ривожлантириш стратегияси — бу истиқболли бошқаришнинг пухта ўйланган ва аниқ белгиланган дастурдир, шунинг учун ҳам у ўз мазмунига мого келадиган ташкил этиш даражаси ва бошқариш технологиясини, ижрочиларнинг малакасини ва маҳаллий ҳокимият органи жамоасидаги ижтимоий-психологик муҳитни талаб этади.

Маҳаллий тузилмани узоқ муддатли истиқболга ривожлантиришнинг устуворликлари, чеклашлари, мўлжаллари ва босқичлари стратегик ривожлантириш механизмининг асосий унсурларидир.

Ҳозирги шароитларда ҳокимиятни муваффақиятли ривожлантириш стратегияси фақат фаолият натижаларининг мажмуи ва кетма-кетлиги билан эмас, балки унинг босқичларини тўғри тақсимлай билиш билан ҳам белгиланади. Стратегияни тўғри ишлаб чиқиш унинг ҳар бир босқичини амалга ошириш вақтини аниқ мўлжаллаш, уни муваффақиятли амалга ошириш эса — ажратилган вақдан самарали фойдаланиш демакцир,

Маҳаллий тузилмани ривожлантириш стратегиясини ишлаб

чиқиш - уни узоқ муддатли ва ўрта муддатли истиқболга риво I лантиришнинг умумий йўналишларини белгилаш демак. Одатдп. истиқболли режалаштириш узоқ муддатга мўлжалланади, аммо, аксарият маҳаллий тузилмаларда истиқбол ўта даражада ноаниқм ги учун стратегия ўрта муддатли режалаштиришга асосланади,

Амалий нуқтаи назардан, стратегик режалаштириш жараёни икки асосий босқичга ажратилади: маҳаллий тузилмдни ривожлш тириш стратегиясини ишлаб чиқиш (истиқболли ёки стратегик ре жалаштириш) ва ишлаб чиқилган стратегияни амалга ошириш так- тикасини белгилаш (тезкор ёки тактик режалаштириш).

^Маҳаллий менежментнинг ҳозирги ҳолатини танқидий баҳо- лаб, Ўзбекистан Республикасидаги маҳаллий тузилмалар миқёсида ҳозирча стратегик режалаштириш эмас, балки минтақаларни иж- тимой-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб йўналишла- рида тезкор (жорий) режаларни муфассал ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда, деб хулоса чиқариш мумкин.

10.3. Маҳаллий тузилмани ривожлантириш стратегик режасининг тузилмаси ва мазмуни

Маҳаллий тузилмани ривожлантириш стратегик режасининг тузилмасида унинг асосий кичик тизимлари ва таркибий қисмлари ўз ифодасини топади (10.5 схемага қаранг).

Зарур даражада барқарорликка, рақобат соҳасида маълум ус- тунликка эришиш ва сайловчиларнинг ишончини қозониш маҳал- лий тузилмани ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқишнинг бош вазифасидир.

Маҳаллий тузилмаларни ривожлантиришнинг илмий асослан- ган ва муфассал ишлаб чиқилган стратегик режаларининг мавжуд- лиги бошланган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, минта- қалардаги ижтимоий вазиятни яхши эътиборга олиш, ўзини ўзи бошқаришнинг илғор шакллари ва усулларини фаол жорий этиш имконини беради.

МАҲАЛЛИЙ ТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИК РЕЖАСИНИНГ ТУЗИЛМАСИ



Ривожланишнинг стратегик режаларидан моҳирона фойдаланиш маҳаллий ҳокимият органларига:

- қабул қилинаётган қарорларни ахборот билан таъминлаш даражасини ошириш ҳисобига бошқарувда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш;

- ўз ихтиёрида мавжуд табиий, моддий-техникавий, молиявий ва инсон ресурсларини янада оқилона тақсимлаш имконини беради.

Маҳаллий фаолиятни стратегик режалаштиришни муваффақиятли амалга ошириш ҳар хил режаларни тўғри уйғунлаштиришга асосланади.

Жумладан, **комплекс режа** маҳаллий тузилма фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида тасаввур беради.

Иқтисодий режа комплекс иш режасини маҳаллий ҳокимият органларига татбиқан муайянлаштиради.

Функционал режа маҳаллий ҳокимият органининг муайян

функцияларини амалга ошириш бўйича иш режасининг алоҳид! таркибий қисми ҳисобланади ва:

- маҳаллий тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожла нишидаги янги тенденцияларни тез аниқлаш ва самарали кузатиш]

- ҳар хил хавф-хатарлар ва салбий омилларга қарши ҳимои чораларини ўз вақтида қўриш;

- амалга оширилган ишлаб чиқариш-хўжалик, ижтимоий маданий ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг натижалари ва оқибатларини аниқроқ ва тўлиқроқ баҳолаш имконини беради.

Зарур даражада барқарорликка, рақобат соҳасида маълум ус- тунликка эришиш ва сайловчиларнинг ишончини қозониш маҳал- лий тузилмани ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқишнинг бош вазифасидир.

10.4. Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини амалга ошириш ва тезкор бошқариш принциплари ва механизми

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий тузилмалар фаолияти- ни муваффақиятли бошқариш, стратегик режалаштириш билан бир каторда, маҳаллий ҳокимият органларининг тезкор ишига мохиро- на раҳбарлик қилиш билан таъминланади.

Маҳаллий фаолиятни тезкор ташкил этиш функцияси, ту- шунча сифатида, уч асосий таркибий қисмдан ташкил топади:

- 1) ишларни ташкил этиш (лойиҳалаштириш);
- 2) ташкилот тузилмасини лойиҳалаштириш (департаментлаш- тириш);
- 3) бўлимларнинг ўзаро алоқаси тизимини тузиш ва уларга раҳбарлик қилиш.

Тўғри ташкил этилган тактик режалаштиришга асосланганидан тез- кор бошқарув маҳаллий тузилмаларнинг стратегик мақсадларига эри- шиш учун вилоят, шаҳар ёки туман ҳокимиятларининг ресурсларини тақсимлашни назарда тутди. Бунда у, одатда, маҳаллий тузилманинг қиска муддатли ва ўрта муддатли фаолият даврларини камраб олади ҳамда бошқарувнинг ўрта ва қуйи бўшнлари томонидан тартибга солинади.

Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини тезкор бо- шқаришнинг асосий принциплари қуйидагилардир:

- ягоналик принципи, у маҳаллий ҳокимият органларида ре- жалаштириш ва бошқариш тизимли хусусиятга эга бўлишини, яъний алоҳида таркибий қисмларнинг ўзаро алоқасига, тизимнинг барча

таркибий қисмларини ривожлантиришнинг ягона йўналиши мавжудлигига асосланади;

- иштирокчилик принципи, у маҳаллий тузилманинг ҳар бир ходими, лавозими ва вазифаларидан қатъи назар, мазкур тузилмаи ривожлантиришда фаол иштирок этишини назарда тутати;

- узлуксизлик принципи, у корхоналарда режалаштириш жараёнини белгиланган цикл доирасида узлуксиз амалга оширишни назарда тутати;

- мослашувчанлик принципи, у узлуксизлик принципи билан узвий боғлиқ бўлиб, режалар ва режалаштириш жараёнларига фавқулодда ҳолатлар юзага келиши муносабати билан ўз йўналишини ўзгартириш имконини беради.

Маҳаллий ҳокимият органларининг тезкор фаолиятини ташкил этиш жараёнида менежер уларнинг иш қўлами ва мураккаблиги бир-бирига қай даражада мувофиқлигини, шунингдек турли бўлимларнинг бир-бирининг ўрнини боса олиши хусусиятини аниқлаши лозим.

Марказлаштириш ҳокимият ваколатлари маҳаллий ҳокимият органининг олий раҳбарияти қўлида жамланишини билдиради, Марказлаштиришнинг мақсади — синергияни кучайтириш, мувофиқлаштиришни яхшилаш, маҳаллий фаолиятни бошқаришнинг қуйи поғоналарида хатога йўл қўйилишининг олдини олиш. Марказлаштиришнинг салбий томонлари: бошқарувнинг тезкорлиги сусаяди, янги иш шароитларига мослашиш имкониятлари камаяди.

Децентрализация муҳим қарорларни қабул қилиш ҳуқуқ ва мажбуриятларини маҳаллий ташкилотни бошқаришнинг қуйи бўғинларига берилиши ёки ўтказилишини назарда тутати. Децентрализациянинг мақсади — бошқарувнинг қуйи бўғинларида қарорлар қабул қилиш ва ташаббус кўрсатиш жараёнларини енгиллаштириш, раҳбарликнинг тезкорлиги ошириш, ўзгарувчан шароитларга маҳаллий ташкилотнинг мослашишини яхшилаш. Децентрализациянинг салбий томонлари — тарқоқлик, парокандалик бўлиб, бу қўпинча низоларга, назоратнинг сусайишига ва маҳаллий ҳокимият органларининг иншда бирдамликнинг сусайишига олиб келади.

Департаментлаштириш — маҳаллий ҳокимият органларининг таркибий бўлимлари ўз функцияларини амалга оширишининг самарадорлигини ошириш ёки маҳаллий фаолият субъектларининг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида мазкур таркибий бўлимларни ташкилий ажратиш жараёни.

Бошқариш қўлами - ягона раҳбарлик остига бирлаштирилган ходимлар ёки ишлар сонини ифодаловчи катталик. Маҳаллий ташкилотларнинг ҳар бир раҳбари маълум ходимлар сонини самарали бошқаришга кодир.

Мазкур маҳаллий тузилмадаги **меҳнат тақсимоти ва ихтисослашиш ҳамда маҳаллий фаолиятни бирлаштириш даражаси** ҳам тезкор фаолиятнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Бунда маҳаллий ҳокимият органларида меҳнат тақсимоти икки йўналишца амалга оширилишини унутмаслик керак:

- **горизонтал йўналишда** (маҳаллий тузилмаларнинг ҳаётини таъминлашга функционал ёндашувдан келиб чикиб);

- **вертикал йўналишда** (маҳаллий ташкилот иерархиясининг поғоналари бўйича: вилоят — шаҳар — туман ҳокимиятлари ва уларнинг бўлинмалари — маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари).

Маҳаллий тузилма миқёсида тезкор фаолиятнинг **мувофиқлаштирилганлиги даражаси** тезкор бошқаришнинг яна бир муҳим омилidir. Маҳаллий менежментнинг мазкур муҳим функцияси маҳаллий тузилманинг барча поғона ва бўғинлари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайди. Мувофиқлаштиришнинг мақсади ташкилотнинг барча бўғинлари ўртасида оқилона алоқалар ўрнатиш орқали мазкур бўғинлар ишини мувофиқлаштиришдан иборат.

Мазкур функциянинг амалга оширилиши ҳисоботлар, интервью, йиғилишлар, компьютер алоқаси, радио ва телевидение воситалари ва ҳоказолар ёрдамида таъминланади. Турли алоқа шакллари ёрдамида кичик тизимлар ўртасида ўзаро алоқа таъминланади, ресурсларни тақсимлаш амалга оширилади, маҳаллий менежментнинг барча функциялари мувофиқдаштирилади.

Алоқалар маҳаллий ташкилотнинг тузилмаси, ундаги муносабатлар ва маданий муҳитдан келиб чикиб ташкил этилади. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида қуйидаги алоқа турлари кенг тарқалган:

а) ишга дойр горизонтал алоқалар (иерархиянинг бир поғонасида);

б) ишга дойр вертикал алоқалар (иерархиянинг бир поғонасидан иккинчи поғонасига ўтишда);

в) чизиқли алоқалар («бошлиқ — ходимлар» муносабатларини амалга оширади);

г) функционал алоқалар (штаб алоқалари), кенгашиш ёки тавсия бериш функцияларини бажаради;

д) билвосита алоқалар (ташкилотда қабул қилинган ваколат-

лар, коидалар, меъёрлар ва процедуралар билан мустаҳкамланган мувофиқлаштириш алоқалари);

е) *расмий алоқалар* (ташкilotда қабул қилинган ваколатлар, коидалар, меъёрлар ва процедуралар билан мустаҳкамланган мувофиқлаштириш алоқалари);

ж) *норасмий алоқалар* (шахсий, дўстона муносабатлар, қариндош-уруғчилик алоқалари ва хоказоларга асосланган алоқалар).

Ҳуқуқ ва мажбуриятларни сифатли тақсимлаш маҳаллий тузилмани смарали тезкор бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлашнинг икки варианты мавжуд: *«арча» тизими ва «матрёшка» тизими.*

«Арча» тизимида юқори раҳбариятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйи раҳбар ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ваколатлари)нинг бир қисминигина қамраб олади.

«Матрёшка» тизими кўш ёки кўп сонли тобелик тизими бўлиб, унда юқори раҳбарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари барча қуйи раҳбарларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ваколатлари)ни тўлиқ қамраб олади. Мазкур тизимда барча қуйи бўғинларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги ўта даражада тарқоқлиги туфайли айбдорни топиш жуда қийин.

10.5. Назорат — маҳаллий тузилмалар фаолиятини тезкор бошқаришнинг самарали воситаси

Маҳаллий тузилмалар фаолиятининг мониторингини юритиш ва назорат қилиш тезкор маҳаллий менежментнинг муҳим функцияси ҳисобланади. У ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва кузатиб бориш ҳамда шу орқали маҳаллий фаолиятнинг ноаниқлиги даражасини камайтириш имконини беради.

Маҳаллий тузилмаларнинг тезкор фаолияти устидан назоратни ташкил этиш механизми мураккаб тизим бўлиб, қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

1) стратегиянинг амалга оширилиши ва ривожланиш тактикасини баҳолашда фойдаланиладиган курсаткичларни аниқлаш, шу жумладан:

- бюджет жараёнининг самарадорлик кўрсаткичларини (бюджетнинг даромад қисмига тушумлар, бюджет маблағларининг сарфланиши — мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари);

- инсон ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини (мехнат унумдорлиги, янги ташкил этилган иш жойлари, ишсизлик даражаси ва х.к.);

- ташки муҳитнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар (амалдаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар, янги солиқлар ва тарифлар; экологик вазият ва х.к.);

- ички ташкилий жараёнларни тавсифловчи кўрсаткичлар (қадрларнинг қўнимсизлиги, бошқарув тузилмасидаги ўзгаришлар, сайловолди кампанияларини тайёрлаш ёки ўтказиш ва к.к.).

2) маҳаллий тузилмаларнинг фаолиятини назорат қилиш кўрсаткичларининг ҳолатини уларнинг иш самарадорлигини баҳолашнинг бозор кўрсаткичлари асосида ўлчаш ва кузатиш тизимини яратиш ва амалга жорий этиш.

3) маҳаллий тузилма фаолияти кўрсаткичларининг реал ҳолатини уни ривожлантириш стратегик режасининг прогноз қилинган кўрсаткичлари билан таққослаш. Мазкур таққослашни ўтказишда уч хил вазият аниқланиши мумкин: реал ҳолат мақбул ҳолатдан яхши, реал ҳолат мақбул ҳолат билан бир хил, реал ҳолат мақбул ҳолатдан ёмон.

4) таққослаш натижасини баҳолаш ва маҳаллий тузилманинг ривожланиш натижаларига тузатиш киритиш мақсадида қарор қабул қилиш.

Агар реал ҳолат мақбул ҳолат билан бир хил бўлса, одатда, ҳеч қандай ўзгартириш киритмаслик кераклиги ҳақида қарор қабул қилинади. Назоратнинг реал ҳолати мақбул ҳолатдан яхши бўлса, назорат кўрсаткичининг зарур миқдорини ошириш мумкин. Аммо, бундай ошириш мазкур маҳаллий тузилманинг мақсадларига зид бўлмаслиги лозим. Бордию назоратнинг реал ҳолати мақбул ҳолат даражасидан паст бўлса, бундай оғишнинг сабабини аниқлаш ва, зарур ҳолда, маҳаллий ҳокимият органининг иш тактикасига тегишли тузатишлар киритиш зарур. Бунда мазкур тузатишлар мақсадларга эришиш воситаларига ёки маҳаллий тузилмани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадларининг ўзига тааллуқли бўлиши мумкин.

Қисқача хулосалар

Жаҳон тажрибаси маҳаллий тузилмалар фаолиятини самарали стратегик бошқариш эг аввало маҳаллий фаолиятни комплекс режалаштириш тизимига таянишини кўрсатади. Мазкур тизим *стратегик режалаштириш* деб аталади. Маҳаллий ҳокимият органининг фаолиятини стратегик режалаштириш — ҳозирги замон маҳаллий менежментининг асосий унсури, чунки унинг асосида маҳаллий тузилмани бошқариш ташкил этилади, маҳаллий ҳокимият органларининг ходимлари мотивлаштирилади, уларнинг фаолияти назорат қилинади ва маҳаллий фаолият пировард натижаларининг умумий самарадорлига баҳо берилади.

Ўзбекистоннинг вилоят, шаҳар ёки туман ҳокимиятлари фаолиятига стратегик режалаштиришни муваффақиятли жорий этишнинг шарти шуки, ўтиш даврида мазкур ҳокимиятлар ишини режалаштиришнинг кўпгина жиҳатлари давлат функцияларига мансуб бўлиб, у мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик устуворликларини (йирик ижтимоий ва илмий-техникавий дастурларини, давлат бюджетини ва ҳ.к.) шакллантиради. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, стратегик режалаштириш бу маҳаллий тузилмани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини, унинг фаолият соҳалари, шакллари ва усулларини, қўйилган мақсадларга эришиш учун ресурсларни тақсимлаш тартибини белгилайдиган бошқарув қарорлари тизимидир.

Муниципал менежментнинг ҳозирги ҳолатини танқидий баҳолаб, Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий тузилмалар микёсида ҳозирча стратегик режалаштириш эмас, балки минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб йўналишларида тезкор (жорий) режаларни муфассал ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда, деб хулоса чиқариш мумкин.

Жаҳон тажрибаси маҳаллий тузилмалар барқарор ривожланиши учун тўғри ташкил этилган стратегик режалаштиришнинг ўзи кифоя қилмаслигини, бу ерда маҳаллий менежментнинг яна бир муҳим функцияси ҳисобланган моҳирона тезкор бошқарув талаб этилишини кўрсатади. Тезкор бошқарув раҳбарлар ва мутахассислардан яхши умумий тайёргарликни, замонавий маҳаллий қурилишнинг назарий асосларини билишни, тез ва тўғри қарорлар қабул қила олишни, ирода ва мақсадга интилувчанликни талаб этади.

Маҳаллий тузилмалар фаолиятининг мониторингини юритиш

ва назорат қилиш маҳаллий стратегию менежментнинг муҳим функцияларидир. Мазкур функциялар ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва кузатиш ҳамда шу орқали маҳаллий фаолиятнинг ноаниқлиги даражасини камайтириш имконини беради.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Стратегик бошқарувнинг моҳияти нимадан иборат?
2. Ўзбекистонда маҳаллий тузилмаларнинг фаолиятини стратегик бошқариш ролининг ошиб бораётганлиги нима билан изоҳланади?
3. Стратегик менежментни амалга оширишнинг асосий турларини айтиб беринг.
4. Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини стратегик бошқаришнинг афзалликлари нимада?
5. Маҳаллий фаолиятни режалаштиришнинг анъанавий турларидан стратегик режалаштиришнинг туб фарқи нимада?
6. Ёш раҳбарлар стратегик режалаштиришнинг қайси принципларини қўйин ўзлаштирадilar?
7. Маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш стратегияларининг асосий турларини айтинг.
8. Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини тезкор бошқаришнинг асосий функцияларини айтиб беринг.
9. Шаҳар (туман) ҳокимиятлари фаолиятини тезкор бошқаришнинг асосий принципларини санаб беринг.
10. Маҳаллий тузилмалар фаолиятини назорат қилишнинг қайси шаклларини биласиз?

Ассий адабиётлар:

1. Албистова Л.Н.. «Технологии эффективного менеджмента». М., «Экспертное бюро». 1998.
2. «Антикризисное управление». Под редакцией Э.М. Короткова. М., «Инфра- М». 2000.
3. Вершигора Е.Е.. «Менеджмент». Учебное пособие. М., «Инфра- М». 2000.
4. Воронин А.Г., Лапин В.А.. «Основы управления муниципальным хозяйством». М., «Дело». 1998.
5. Глущенко Е.В., Захарова Е.В.. «Теория управления». М., «Вестник».1997.
6. Методические рекомендации Коллегии Минмакроэкономстата РУз по анализу социально-экономического развития и оценке хода экономических реформ на уровне административно - территориальных образований от 01.12.95.
7. «Муниципальный менеджмент». Учебное пособие. Под ред. Морозовой Т.Г. М., «ЮНИТИ». 1998.
8. «Планирование и контроль: концепция контроллинга». Перевод с немецкого. М., «Финансы и статистика». 1997.

XI БОБ

МАҲАЛЛИЙ ТУЗИЛМАЛАРДА НОДАВЛАТ ВА НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ

11 Л. Нодавлат нотижорат ташкилотлари — иқтисоднинг учинчи сектори

Ҳозирги замон иқтисодиёти мураккаб тизим бўлиб, унда асосий вазифаси даромад олишдан иборат бўлган хусусий корхоналар ва даромад олишга ўз фаолиятининг асосий мақсади деб қарамайдиган нотижорат ташкилотлари бирваракай фаолият кўрсатади. Нотижорат ташкилотлари давлатга, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига тегишли ҳамда хусусий бўлиши мумкин.

Жуда кўп нотижорат ташкилотлари давлат мулкига мансуб. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига давлат солиқ имтиёзлари бериш, давлат буюртмаларини жойлаштириш, ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан катта таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисоди шароитларида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг турларини қисқача тавсифлайдиган бўлсак, улар тўртта:

- хусусий корхоналар;
- давлат корхоналари;
- давлат нотижорат ташкилотлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари.

Зикр этилган ташкилот турларининг ҳар бири иқтисоднинг жамоат секторига маълум даражада боғлиқ. Жумладан, хусусий корхоналар бу солиққа тортиш объектлари ва жамоат секторига маҳсулот етказиб берувчилардир. Хусусий корхоналарнинг давлат билан самарали алоқа қилишида давлат харажатларини мумкин қадар камайтириш имконини берадиган ривожланган ракобат муҳити муҳим ўрин тутди.

Давлат корхоналари ўз хўжалик фаолиятига давлат органларининг маъмурий аралашishiга кўп жиҳатдан боғлиқ. Давлат нотижорат ташкилотлари бюджетдан маблағ билан таъминланади ва молиявий самарадорликнинг аниқ белгиланган мезонларига эга бўлмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари даромад олишни кўзла-масдан ташкилот мақсадларига жавоб берадиган фаолият ўз куч ва маблағларини сарфлашга тайёр бўлган шахсларнинг ташаббуси би-

лан ташкил этилади. Мазкур ташкилотлар жамоат секторига бево* сита тегишли эмас, шу билан бирга, мазкур сектор билан уларнинг ўзаро муносабатлари оддий хусусий корхоналарга қараганда бошқача қурилади.

Ҳозирги замон иқтисодиёти мураккаб тизим бўлиб, унда асосий вазифаси даромад олишдан иборат бўлган хусусий корхоналар ва даромад олишга ўз фаолиятининг асосий мақсади деб қарамайдиган нотижорат ташкилотлари бирваракай фаолият кўрсатади. Нотижорат ташкилотлари давлатга, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига тегишли ҳамда хусусий бўлиши мумкин.

Жуда кўп нотижорат ташкилотлари давлат мулкига мансуб. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига давлат солиқ имтиёзлари бериш, давлат буюртмаларини жойлаштириш, ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан катта таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисоди шароитларида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг турларини қисқача тавсифлайдиган бўлсак, улар тўртта:

- хусусий корхоналар;
- давлат корхоналари;
- давлат нотижорат ташкилотлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари.

Зикр этилган ташкилот турларининг ҳар бири иқтисоднинг жамоат секторига маълум даражада боғлиқ. Жумладан, хусусий корхоналар бу солиққа тортиш объектлари ва жамоат секторига маҳсулот етказиб берувчилардир. Хусусий корхоналарнинг давлат билан самарали алоқа қилишида давлат харажатларини мумкин қадар камайтириш имконини берадиган ривожланган рақобат муҳити муҳим ўрин тутаети.

Давлат корхоналари ўз хўжалик фаолиятига давлат органларининг маъмурий аралашитишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Давлат нотижорат ташкилотлари бюджетдан маблағ билан таъминланади ва молиявий самарадорликнинг аниқ белгиланган мезонларига эга бўлмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари даромад олишни кўзла-масдан ташкилот мақсадларига жавоб берадиган фаолият ўз куч ва маблағларини сарфлашга тайёр бўлган шахсларнинг ташаббуси билан ташкил этилади. Мазкур ташкилотлар жамоат секторига бево-сита тегишли эмас, шу билан бирга, мазкур сектор билан уларнинг ўзаро муносабатлари оддий хусусий корхоналарга қараганда бошқача қурилади.

Жамоат сектори ташкилотларига таққослаганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз хизматларидан фойдаланувчиларнинг лхтиёжларини яхшироқ тушунадилар ва ранг-баранг иш усулларидан кўпроқ фойдаланадилар. Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларида хусусий маблағлар жамоат маблағларини, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсадларига эришишда ёрдам кўлини чўзишни истаганларнинг ҳақ тўланмайдиган ихтирёрий меҳнати — ёлланма ходимларнинг ҳақ тўланадиган меҳнатини тўлдиради, яъни давлат томонидан кўйилган мақсадларга эришилишини арзонлаштириш имконияти мавжуд.

Учинчидан, давлат ташкилотларига таққослаганда, нодавлат тузилмалари буйруқбозликдан анча холи.

Учинчи сектор — бу ўз фаолияти билан ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг маълум қисмини таъминлайдиган нодавлат ва нотижорат ташкилотлари мажмуи ташкил этадиган алоҳида ижтимоий институт. Бу механизмлар ўзининг тегишли қонунчилик негизига эга бўлиб, жамият томонидан маъқулланган ва қўллаб-қувватланади. Мазкур механизмлар учун уларга ўз функцияларини давлат тузилмалари ва иқтисодий тузилмалар билан тенгма-тенг ва улар билан ҳамкорликда амалга ошириш имконини берадиган иқтисодий шароитлар яратиб берилган. Бу институт орқали учала томон (давлат, тадбиркор ва оддий фуқаро) такрор ишлаб чиқариш масалаларини келишувлар тизимига асосан биргаликда ҳал қилиш имконини берадиган муносабатлар тизими билан боғланган. Мазкур тизим давлат меъёрлари ва кўрсатмалари амал қиладиган тизимдан ҳам, тижорат сектори доирасидаги муносабатларга хос бўлган шаротномавий-эквивалент принциpidан ҳам фарқ қилади.

Турли мамлакатларда учинчи секторнинг фаолият кўрсатиш шакллари ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўз иштироки ва жавобгарлиги даражаси юзасидан давлат, бозор субъектлари ва фуқаролар ўртасида узоқ вақт ҳукм сурган қарама-қаршиликни ҳал қилишнинг пировард натижасидир.

Иқтисодий нуқтаи назардан учинчи сектор — бу ижтимоий ишлаб чиқаришнинг икки муҳим бўлими — моддий (товар) ишлаб чиқариш ва ижтимоий (қисман товар) ишлаб чиқариш бўлимлари ўртасидаги воситачидир. Бунда унинг воситачилик роли асло мўътадил эмас. У ижтимоий ишлаб чиқариш тизимининг манфаатларини химоя қилади ва ифода этади, Шу билан бир вақтда, унинг иштирокчилари, одатда, иккала ишлаб чиқариш турига бир хилда мансуб.

Институциявий нуктаи назардан учинчи сектор — бу бозор билан давлат ўртасидаги воситачи, маъмурий қоидалар ҳам, бозор қоидалари ҳам бўлмаган ўз қоидаларига асосан фаолият кўрсатадиган ижтимоий институт. Аммо, бу ҳолда ҳам иштирокчиларнинг фуқаролик мақоми маъмурий-сиёсий соҳада ҳам, иқтисод соҳасид;| ҳам улар бир хилда ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишини назарда тутди.

, Мутаносиб мақбуллаштириш ҳақида гаи кетганида, иқтисод ҳар қандай мутаносиб яхшилаш мақбул деган бир хил муносабатни ифода этади, бундай яхшилаш жараёнида самарадорлик оширилади. Қайта тақсимлаш эса асосан ижтимоий, маданий ва маънавий талаблардан келиб чиқиб аниқланади. Жамият ривожланиши билан мазкур талабларнинг хусусияти ўзгариб боради ва иқтисодий жиҳатдан самарали қарорларни қабул қилишда улар чекловчи роль ўйнайди.

Бозор иқтисоди кучларининг эркин таъсири ресурслардан мутаносиб-мақбул йўсинда фойдаланилишини таъминламайдиган вазиятлар бозор нуксонлари деб аталади. Иқтисод фанида қўлланиладиган бозор ҳатолари, бозорнинг самарсизлиги атамалари юқорида зикр этилган атаманинг синонимларидир. Бундан келиб чиқиб, жамоат секторининг вазифаси фақат бозор нуксонлари минтақаларида фаолият кўрсатишдан иборат, деб хулоса чиқариш мумкин.

Давлатнинг аралашishi хусусияти ҳар бир ҳолатда бозорнинг муайян нуксонлари хусусиятига мев келиши керак. Мазкур нуксонларни аниқ аниқлаш иқтисод учун муҳим аҳамиятга эга. Бунда бозор нуксонларини давлат нуксонлари билан таққослаш зарур. Гап шундаки, давлатнинг бозор нуксонларини бартараф этишга йўналтирилган ҳаракатлари баъзан асоссиз зиён кўрилишига олиб келади. Бунга собиқ Иттифокнинг ялпи давлат бошқаруви тажрибаси ёркин мисол бўлиб хизмат қилади.

Бозор нуксонлари минтақаларида даромадларни мумкин қадар ошириш истеъмолчилар учун фойдалиликни мумкин қадар ошириш билан мев келмайди. Одатда, мазкур минтақаларда ишлаб чиқаришни қайта қуриш имкониятлари чекланган бўлади. Шунинг учун ҳам бундай минтақаларда ишлаб чиқариш соҳасини унинг мумкин қадар катта даромад олишдан манфаатдорлигини насайтирган ҳодда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Умумий қоида қуйидагича янфайди: бозор муҳитида ташкилот ўз харажатларини ўз даромадлари билан қоплаши лозим. Бунда даромадлар даражасини маъмурий йўл билан чеклаш мақбул натюкаларга

олиб келмайди. Даромадларни маъмурий йўл билан чеклаш эмас, балки фойдани тақсимлаш ҳуқуқларини, айниқса, фойдани ташкилот етрагеиясини белгиловчи шахслар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқини чеклаш самара беради. Айни ҳолда олинган фойдани ташкилотнинг моддий-техникавий негизини мустаҳкамлаш, ходимларнинг малакасини ошириш ва бошқа шунга ўхшаш мақсадларга йўналтириш, яъни улардан пировард натижада ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг сифатини яхшилаш учун фойдаланиш мумкин.

Айнан шу жиҳатлар — ишлаб чиқариш соҳасининг аниқлиги ва даромадни тақсимлашнинг чекланганлиги — ноҳижорат ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларидир.

Бу учинчи секторга қуйидаги мураккаб ижтимоий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради:

солиқ механизмларидан бошқа воситалар ва ресурсларни жамғаришнинг қўшимча манбалари ёрдамида жамиятнинг ижтимоий тақрор.ишлаб чиқариш соҳасига қўшимча ресурсларни жалб қилиш;

мавжуд ресурсларни ижтимоий нуқтаи назардан энг мақбул принциплар ва тақсимлаш йўналишларида сафарбар этиш;

ўзгараётган ижтимоий вазиятга ва янги муаммоларнинг юзага келишига қараб маблағларнинг тезкор қайта тақсимланишига таъсир кўрсатиш;

илғор ижтимоий дастурларни, яъни ҳали умум эътироф этилмаган ва қўллаб-қувватланмаган дастурларни амалга ошириш. Бу вазифани ҳал қилиш ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш ва унинг сифатини оширишга қўмаклашади. Бунда баъзан мазкур дастурларни жамиятнинг қўшимча маблағларини сафарбар этиш йўли билан эмас, балки ўз маънавий ва акдий ресурслари ҳисобига ҳамда мавжуд инфратузилмадан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Буларнинг барчаси ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш тизимининг мослашувчанлигини таъминлайди, унинг ўзгараётган шароитлар ва вазиятларга таъсирчанлигини оширади, аҳолининг турли табақалари турмуш даражаси ўртасидаги тафовутни чеклайди, ижтимоий тотувликка эришилишини таъминлайди.

Жамиятимизни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида давлатнинг роли ўзгармоқда, кўпгина ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш асосан фаоллиги ва масъулияти тобора ортиб бораётган фуқаролар, уларнинг хўжалик, сиёсий ва бошқа ташкилотлари ва бирлашмаларининг зиммасига юкланмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланиши шу билан тансиф ланадики, илгари маълум бўлмаган, янги нодавлат, фуқароли* институтлари жамиятимизда ўтиш давридаги вазиятга аҳолининг тартибсиз муносабати сифатида эмас, балки ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг табиий натижаси сифатида юзага келмоқца.

Бунда фуқаролар ташаббуси билан ва уларнинг иштирокида ташкил этилаётган куйи, худудий ижтимоий муҳофаза институтларини, яъни хайрия ташкилотларини шакллантириш энг оғир ва мураккаб жараёндир. Бундай тузилмаларни ташкил этишга туртки бераётган сабаблар ва улар ўз вазифаларини хал қилишда қўллаётган усуллар ҳозирги ўтиш даврининг асосий муаммолари ва қарама-қаршиликларини тезкор ва тўлақонли намоён этади. Ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ янги ташаббусларнинг ривожланиш даражаси ва фаолият кўрсатиш усуллари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг (маъмурий-давлат усуллари қарама-қарши) фуқаролик усулларига ўтишнинг муваффақиятлиги мезонидир, Ўзбекистан Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг таъбири билан айтганда, айнан мана шу даражани ошириш демократик фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

11.2. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг молияси

Бозор иқтисоди шароитларида нотижорат ташкилоти ҳар хил даромад манбаларига эга бўлиши мумкин. Бюджетдан ажратмалар, хайр-эҳсонлар, хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартйбга солувчи қоидаларини таснифлайдиган бўлсак, нодавлат Нотижорат ташкилотининг мол-мулки куйидаги манбалар ҳисобига таркиб топтирилиши мумкин:

- ташкилот муассисларининг кириш бадалларидан;
- аъзолик бадалларидан (аъзоликка асосланган ташкилотлар учун);
- фуқаролар ва юридик шахслар пул кўринишида ёки натурал шаклда тақсим этувчи, шу жумладан мақсадли хусусиятга эга бўлган (грантлар) хайр-эҳсонлардан;
- нореализацион операциялардан, шу жумладан қимматли қоғозлардан олинган даромадлардан;
- ресурсларни жалб этиш (мутасаддилар ва кўнгилчиларни жалб

этиш кампанияларини ўтказиш, шу жумладан кўнгилочар, маданий, спорт ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ хайр-эҳсонлар йиғиш кампаниялари, лотереялар ва аукционлар ўтказиш ва ҳ.к.) фаолиятдан келган тушумлардан;

- қонун билан рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлардан;

- республика бюджетга, маҳаллий бюджетлар ва бюджетдан ташқари фондлардан келган тушумлардан;

- нотижорат ташкилоти томонидан таъсис этилган хўжалик жамиятлари фаолиятдан олинган даромадлардан;

- кўнгилчилар меҳнатидан;

- қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий манбаи ҳозирча чет эллик донорларнинг маблағларидир. Давлат муассасаларининг ҳиссаси 1,4% ни, маҳаллий хайрия ва тижорат ташкилотларининг ҳиссаси — 9,8%, шахсий хайр-эҳсонлар — 3,3% ни ташкил этади, тадбиркорлик фаолияти жами даромадларнинг атиги 11,7% ни, аъзолик бадаллари эса — 18,1% ни келтиради.

Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фандрайзинг санъати — ННТ фаолияти ва амалга оширадиган лойиҳалари учун маблағлар қидириш ва уларни жалб қилиш санъатини ҳали ўзлаштирганларича йўқ. Бунда фандрайзингга жамиятнинг ижтимоий ҳолатини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий муҳим фаолият, иқтисоднинг тижорат ва нотижорат секторларининг ўзаро ҳамкорлиги тизими деб тушуниш лозим. Бу нуқтага назардан фандрайзингни нотижорат ташаббусларига маблағларни жойлаштириш соҳасида ижтимоий талаб ва таклифни мувофиқлаштиришга йўналтирилган фаолият деб таърифлаш мумкин.

Бунда талаб молиявий ресурсларни талаб этувчи эҳтиёжлар ва манфаатларни ўз ичига олади. Нотижорат ташкилотлари бундай ресурсларни ўзининг асосий фаолияти ёрдамида ишлаб топа олмайдди. Таклиф эса даромадли компаниялар ва пулдор одамларнинг жамиятга ғамхўрлик қилиш, ўз аҳамияти ва таъсири ҳақида эслатиш имкониятларини, шунингдек давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ресурсларни қайта тақсимлаш ва нотижорат лойиҳаларига маблағларни жойлаштиришга туртки берувчи асослар тизимини шакллантирувчи ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга

йўналтирилган лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш истагини намойиш этади,

Фандрайзинг тарихи Америка Кўшма Штатларида бошланган. АҚШ ҳукумати ноҳукумат ташкилотларини қўллаб-қувватлашнинг ҳар хил усулларидан фойдаланган, Дастлаб бу грантлар бериш ва маблағлар ажратиш йўли билан тўғридан тўғри молиялаштириш тизими эди. Бунда таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасидаги дастурлар устувор деб эътироф этиларди. XX асрнинг 60-йилларидан нотижорат секторини қўллаб-қувватлаш механизмлари кенгайиб борди ва 70-йилларга келиб ижтимоий соҳани ҳам камраб олди. АҚШ ҳукумати дистрибьюторлик (таксимлаш) функцияларини минтақалар ва маҳаллий жамоаларга ўтказиш бопшади. Бунинг натижасида нотижорат секторини қўллаб-қувватлаш мақсадларига федерал ва маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек бошқа иқтисодий субъектларнинг маблағларини жалб қилиш учун барча зарур воситаларга эга бўлган қудратли молиявий механизм вужудга келди.

Айнан 70-йиллардан эътиборан АҚШда минтақавий ва маҳаллий нотижорат ташкилотларининг барқарор молия механизми фаолият кўрсата бошлади. Давлат нотижорат секторини молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнига таъсир кўрсатиш тизимини шакллантиришга муваффақ бўлди.

АҚШда спонсорликни рағбатлантириш тизими солиққа тортиладиган негизни камайтирадиган ёки даромад солиғининг нисбатан паст ставкаларини назарда тутадиган солиқ имтиёзлари тизимидангина ташкил топмайди. Бунда ноиқтисодий наф қўриш омили ҳам ўз таъсирини кўрсата бошладик, у, имтиёзлар билан бир қаторда, тижорат секторидаги сердаромад компанияларни ва пулдор шахсларни нотижорат ташкилотларига ўз маблағларини жойлаштиришга даъват этди.

АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг статистикаси тижорат сектори нотижорат лойиҳаларига ўз ресурсларини жойлаштиришига қўллаб-қувватлаш тўғрисида беришини кўрсатади. Бунинг механизми сифатида бугунги кунда корпорацияларнинг жамғармалари айниқса кенг тарқалган. АҚШда вужудга келган ижтимоий-маданий жараённинг қудратли молиявий тузилиши негизда фандрайзинг тизими ривожланди,

Фандрайзингнинг қуйидаги асосий шакллари ажратиш мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, *корпорацияларнинг жамғармалари* фандрайзингнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Бунда

тижорат компаниялари даромад солиғининг ставкасини камайтириш умидида корпорацияларнинг жамғармалари орқали ўз маблағларини жойлаштирадilar. Корпорацияларнинг жамғармалари билан бир қаторда, *корпоратив филантропия* механизмларидан ҳам фойдаланилади. Корпоратив филантропия ижтимоий лойиҳаларга инвестициялар қилиш механизмига асосланади. Бунда аҳоли турмушининг сифати ва инсон омилининг яхшиланиши даромад меъёрларининг ошишига олиб келади ва инвестицияларнинг қайтишини таъминлайди, деган қараш устуворлик қилади. Бундай дастурларнинг афзаллиги шундаки, жамғармалар спонсор ташкилотларнинг рўйхатларини эълон қилишлари ва ажратилган маблағларнинг миқдорларини ҳисоботларда ақс этгаришлари шарт, ваҳоланки, корпоратив филантропия ташкилотларидан бу талаб қилинмайди. ***Корпоратив шартнома*** нотижорат ташкилотларини маблағ билан таъминлашнинг нисбатан янги механизми бўлиб, у қўллаб-қувватлаш учун нафақат молиявий, балки моддий, ташкилий ва ахборот ресурсларини йўналтиришни ҳам назарда тутади. Бунда тижорат қорхонаси билан нотижорат ташкилоти ўртасида бартер шартномаси тузилади. Фуқароларнинг ҳадялари ва хайр-эҳсонлари ижтимоий фондлар маблағларининг асосий манбаларидир. Ижтимоий фондларнинг донорлари ўз маблағлари сарфланадиган йўналишларни белгилаш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ҳам мазкур фондлар маҳаллий манфаатларга юқори даражада йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Нихоят, глобал миллий манфаатларни ифода этувчи жамғармалар — Рокфеллер ва Форд фондлари АҚШда катта мавқега эга. Мазкур фондлар АҚШнинг ривожланишига ва умумбашарий таракқиётга катта таъсир кўрсатадиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди. Одатда, булар инновацион лойиҳалардир.

Бундан ташқари, нотижорат ташкилотлари солиқ имтиёзларидан фойдаланади, бинобарин, улар давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларга тенглаштирилиши мумкин. Чунончи, Ўзбекистон Республикасида нотижорат ташкилотлари (Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан белгиланган имтиёзлардан ташқари) қуйидаги умумий имтиёзларга эга:

- нотижорат ташкилотлари ўз моддий-техникавий негизини мустаҳкамлаш учун олиб кирадиган товарлар, шунингдек улар ташкилотнинг низом мақсадларига мувофиқ хайрия ёрдами кўрсатиш мақсадида олиб кирадиган товарлар бож тўлашдан (бож йиғимларидан ташқари) озод қилинади;

- нотижорат ташкилотлари ўз низом фаолиятини амалга ошириш учун олган ҳомийлик бадаллари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг бошқа ажратмалари солиқлардан озод қилинади;

- нотижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятидан даромад олиш қўзланмаган ижтимоий-хайрия фаолиятини амалга оширишда солиқлар ва йиғимлардан озод қилинади.

11.3. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ресурсларини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми

Нодавлат нотижорат ташкилоти унинг муассислари (аъзолари) қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоқлари) камида иккита нодавлат нотижорат ташкилоти ташаббуси билан тузилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ташаббускорлари ёки муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишни чақирадилар, унда низом қабул қилинади ҳамда раҳбар органлар тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

- муассислар (аъзолар) томонидан тасдиқланган низом;

- қатнашчилар томонидан тузилган таъсис шартномаси ва улар тасдиқлаган низом — уюшма ва иттифоқлар учун.

Нодавлат нотижорат ташкилоти таъсис ҳужжатларининг талаблари нодавлат нотижорат ташкилотининг ўзи учун, унинг муассислари ва қатнашчилари (аъзолари) учун мажбурийдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг низомида қуйидагилар назарда тутилади:

- нодавлат нотижорат ташкилотининг номи, мақсад ва вазифалари, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, у ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд;

- нодавлат нотижорат ташкилотининг тузилмаси ва раҳбар органлари, заруратга қараб унинг назорат-тафтиш органлари (ижтимоий фондлар учун — мажбурий);

- раҳбар органларнинг ваколат доираси ва уларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколат муддатлари, доимий асосда ишлайдиган раҳбар орган жойлашган ер;

- аъзолик белгиланган бирлашмалар учун - аъзо бўлиш ва аъзоликдан махрум бўлиш шартлари ва тартиби, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

- пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари, нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари;

- қайта ташкил қилиш ва тугатиш, низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Ўзбекистан Республикасининг қонун ҳужжатларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг муассислари ва қатнашчиларига қўйиладиган бир қатор умумий талаблар ишлаб чиқилган. Жумладан, ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахслар нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари бўлиши мумкин. Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига ўн тўрт ёшга тўлган шахслар, болаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига эса ўн ёшга тўлган шахслар аъзо бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш учун асос бўла олмайди. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари давлат рамзий белгиларига ўхшамаслиги керак. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари юридик шахсларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлган ягона давлат реестрига киритилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳар хил бўлиши мумкин: матлубот кооперативлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, муассасалар ва х.к.

Иштирокчиларнинг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси **матлубот кооперативи** ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади.

Маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун

ўз манфаатларининг муштараклиги асосида бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси **жамоат бирлашмаси** деб эътироф этилади.

Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадаллариш бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

Жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган ташкилот **ижтимоий фонд** деб эътироф этилади. Ижтимоий фондга унинг муассислари томонидан берилган мол-мулк фонднинг мулки бўлади. Фонд ҳар йили ўз мол-мулкидан қандай фойдалангани ҳақида ҳисобот босиб чиқариши шарт.

Юридик шахсларнинг бирлашмалари (уюшма ва иттифоқлари).

Юридик шахслар ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин. Уюшма (иттифоқ)нинг номи унинг асосий фаолиятини кўрсатиши, унга «уюшмаси» ёки «иттифоқи» сўзлари киритилган бўлиши керак. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ёзувчилари, композиторлари, рассомлари уюшмалари.

Муассасалар — бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган (масалан, давлат томонидан) ташкилот. Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидияр жавобгар бўлади. Айрим турдаги давлат муассасалари ва бошқа муассасалар ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Халқаро нодавлат нотижоратташкilotи — ўз низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган халқаро ташкилот.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида кўплаб халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб бормоқца, «Чегарасиз врачлар» (МСФ) халқаро ташкилоти, «Болаларни қутқаринг» фонди, Меҳр-шафқат халқаро корпуси (МКМ), АҚШ тинчлик корпуси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Европа Иттифоқининг МДХ мамлакатларига техникавий ёрдам кўрсатиш дастури (ТАСИС), АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), Марказий Осиёга беғараз ёрдам (КАФЕ), Кросслинк Интернешнл, «Уорлд Консерн» халқаро ташкилоти, Ҳамкорликда ривожланиш уюшмаси, «Евросиё» фонди, «Очиқ жамият» институти (Сорос фонди), Каунтерпарт Консорциум шулар жумласидан. Юқорида зикр этилган ташкилотлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасида БМТнинг қуйидаги ташкилотлари — Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Таълим, фан ва маданият ташкилоти (ЮНЕСКО), Крчокларнинг ишлари бўйича БМТ Олий Комиссарлиги, БМТ Аҳрли жамғармаси (ЮН-ФПА) ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

11.4. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланиши тарихи

Қадимда хайрия ишига ҳар кимнинг шахсий иши, нари борса, қариялар, камбағаллар ва ногиронларга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиши лозим бўлган диний ташкилотларнинг вазифаси деб қаралган. Диний ташкилотлар маънавий таълим-тарбия бериш йўли билан бозор иқтисодиётининг (айниқса, унинг шаклланиш босқичида) эгоистик индивидуалистик психологиясига қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилган, диний эътиқоднинг энг юксак ижтимоий ва маънавий талабларига асосан беғаразлик, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат намуналарини кўрсатган.

Бунинг натижасида XIX асрнинг охирида хусусий хайрия фаолияти доираси анча кенгайди ҳамда шахсий эҳсонлар ва диний ташкилотларнинг эҳсонлари ҳисобига фаолият кўрсатувчи хайрия ташкилотлари пайдо бўлди. Аммо, мазкур хайрия ташкилотларининг фаолияти асосан хусусий шахсларнинг ихтиёрий эҳсонларини йиғиш ва хайрия ёрдами кўрсатиш учун уларни юштиришдан иборат бўлди.

XX асрнинг бошида (энг аввало АҚШда) йирик корпорациялар ва фирмалар томонидан ташкил этилган дастлабки хайрия жамғармалари фаолият кўрсата бошлади. Фаол нотижорат фаолиятига ана шу тарзда асос солинди,

XX асрнинг иккинчи ярми нотижорат ҳўжалик юритувчи жамоат ташкилотларининг янада ривожланиши билан тавсифланади, Давлат бюджет муассасалари билан ҳамкорликда улар иктисоднинг даромад келтирмайдиган секторини шакллантирдилар.

Ўзбекистан Республикасида учинчи сектор мамлакат ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин шакллана бошлади. Собиқ шўро даврининг асорати ўлароқ, ННТ фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иктисодий институтлари мавжуд бўлмагал шароитларда, мустақилликнинг дастлабки йилларида ННТни ташкил этишда давлат етакчи роль ўйнади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида асосан давлат жамғармалари ташкил этилди. Ўзбекистан Республикаси Ишбилармон аёллари уюшмаси мустақил уюшган биринчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Бугунги кунда 2000 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган. Бироқ, уларнинг ҳаммасини ҳам фаол иш олиб борапти деб бўлмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг аксарият етакчилари ННТ фаолиятини қонунчилик, молия ва солиқ масалалари бўйича тартибга солиш ҳақида етарли ахборотга эга эмас. Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланиш тарихи ҳақида сўз кетганда, кўнгиллилар ҳаракати ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Кўнгиллилар муҳим ижтимоий ишларни амалга ошириши кўнгиллилар ҳаракатининг муҳим белгисидир.

Нима учун жамоат ташкилоти ўз фаолиятига кўнгиллиларни жалб этишга ҳаракат қилади? Кўнгиллилар маълум ишларни амалга оширишдан ташқари ташкилотга қандай ёрдам кўрсатадилар? Муҳими, жамиятнинг қўллаб-қувватлаши ташкилот имижига ижобий таъсир этади, унинг ижтимоий аҳамиятига урғу беради. Кўнгиллилар жалб этилиши билан ташкилотнинг молиявий муаммоларининг бир қисми ҳал бўлади, ташкилотнинг ўзаро муносабатлари доираси кенгайди, ташкилот янги интеллектуал ресурслар, касбий ва маслаҳат хизматлари, янги моддий ресурсларни олади. Шунингдек кўнгиллилар сирасидан ташкилотнинг янги доимий аъзолари ва ходимлари пайдо бўлади. Бунинг энг катта афзаллиги шундаки, ташкилот ҳал қилаётган муаммоларга жамоатчиликнинг эътибори жалб этилади ва ижтимоий муаммолар маълум даражада ҳал қилинади (масалан, ёшларни жалб этиш маълум даражада ўсмирлар жиноятчилигининг олдини олиш имконини беради).

Ўзбекистон Республикасида кўнгиллилар ҳаракати эндигина вужудга келмоқда. Шунга қарамай, мамлакатда иш олиб бораётган модавлат нотижорат ташкилотлари аъзоларининг ярмидан кўпини кўнгиллилар ташкил этади. «Бандлик муаммоларини ҳал қилишда иодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини ва давлат сектори билан уларнинг ўзаро алоқасини аниқлаш» лойиҳаси доирасида («Евросийё» фондининг марказий аппарати кўмагида) ўтказилган тадқиқот нодавлат нотижорат ташкилотларида банд этилганлар умумий сонининг 59% ни кўнгиллилар ташкил этишини кўрсатди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари уларга уз сиёсатини амалга ошириш имконини берувчи зарур асосий билимлар ва алоқаларга эга эканликларига қарамай, бугунги кунда мазкур иш ўз ривожланишининг дастлабки босқичидадир, Учинчи секторнинг ривожланишида муайян номутаносиблик юзага келмоқда.

Шунинг учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳам, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам инсон ресурсларини жалб этишга йўналтирилган ташкилотларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга зарурат сезмоқца.

Маҳаллий маъмурият ва тижорат ташкилотларининг кўнгиллилар марказлари билан ўзаро ҳамкорлиги, кўнгиллилар ҳаракати-га бошқа секторларни жалб этиш — корпоратив кўнгиллилар ҳаракати дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Бизнингча, Ўзбекистонда тарихан шаклланган маҳалла анъаналаридан келиб чиқиб, кўнгиллилар ҳаракати муваффақиятли ривожланиши учун барча асослар мавжуд.

Маҳаллий маъмуриятларда кўнгиллиларнинг ташкилотлари ва кўнгиллилар билан ҳамкорлик қилишга ижтимоий муҳофаза, таълим, табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи бўлим ва бошқармалар кўпроқ тайёрдирлар. Улар кўнгиллиларни иш, молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлашлари мумкин. Масалан, ўзи ҳаракатланишга қийналадиган қарияларни касалхонага етказиш учун ўз шахсий автотранспортига эга одамлар талаб этилиши мумкин.

Бундай ҳолларда мазкур муаммони самарали ҳал қилиш учун, айтилик, автоҳаваскорларнинг жамияти, гараж қуриш кооперативлари жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўнгиллилар ҳаракати — ёшларнинг жамиятга кўшилиши, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишнинг яхши усули. Кўнгиллиларнинг дастурлари мактабларда синфдан ташқари тар-

бия ишларидагина эмас, балки ҳар хил амалиётлар, айниқса, талабалар учун амалиётларни ташкил этишда ҳам ўрин олиши мумкин. Масалан, юридик ўқув юртларининг талабалари ҳуқуқий маслаҳат бериш учун сўровномалар қабул қилишлари, тайёргарлик кўриб маълум вақтдан сўнг жавоб беришлари мумкин. Тижорат факультетларининг талабалари эса ногиронлар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар учун маркетинг тадқиқоти ўтказишлари мумкин.

Кўнгиллилар марказининг ташқи фаолиятида тижорат ва тadbиркорлик соҳасининг вакиллари муҳим ўрин тутди. Энг аввало, улар кўнгиллиларнинг лойиҳаларини ва марказнинг мамъурий харажатларини маблағ билан таъминлайди. Бирок, тижоратчилар кўнгиллилар марказига фақат пул билан ёрдам бериб қолмасдан, унинг фаолиятида кўнгилли сифатида иштирок этишлари ҳам мумкин. Тижоратчилар кўнгиллилар ҳаракатида иштирок этиб, фақат ўзларига топширилган ишларни бажарибгина қолмасдан, кўпчилик намуна олишга ҳаракат қиладиган ижтимоии мавқега эга гуруҳ аъзоси сифатида, кўнгиллилар ҳаракатининг обрўсини ҳам оширадидилар.

11.5. ННТ ҳамда давлат ва маҳаллий ижтимоии дастурларининг мақсадлари

Нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўғридан тўғри молиялаштиришнинг асослилиги бу энг муҳим ижтимоии вазифаларни қай даражада ҳал қилиш имконини берганлиги билан белгиланади. Амалда бунга умумдавлат, минтақавий ва маҳаллий ижтимоии дастурларни амалга ошириш доирасида эришилади. Ўзининг мақсадли йўналишига кўра бундай дастурлар аҳолига ижтимоии ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий-маданий соҳа тармоқлари (соғлиқни сақлаш, таълим, маданият)ни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан кейин давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётининг барча томонларини ислоҳ қилиш даврида аҳолини ижтимоии қўллаб-қувватлаш соҳасидаги сиёсатида уч асосий йўналишни ажратиш мумкин:

1. «шошилиш ижтимоии ёрдам» кўрсатиш;
2. ижтимоии реабилитация;
3. ижтимоии муаммоларни ҳал қилиш.

«Шошинч ижтимоий ёрдам» кўрсатиш:

- аҳолининг ижтимоий жихатдан яхши ҳимоя қилинмаган табақаларига (қариялар, ногиронлар, етим-есирлар ва бошқаларга) ёрдам кўрсатиш;

- аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкилотларининг ҳар хил турлари тармоқлари (ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари, оила ва болаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкилотлари, уйда ихтисослашган ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар)ни ривожлантириш.

Ижтимоий реабилитация:

- ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш;

- ҳарбий хизматдан бўшатишган шахсларни, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини фаол фуқаролик ҳаётига жалб қилиш учун шарт-шароит яратиш;

- оилани қўллаб-қувватлашнинг янги ижтимоий технологияларини, шу жумладан инқирозли вазиятлардан чиқиш, янги шароитларга психологик мослашиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатишни ривожлантириш;

- зўравонликдан жабр кўрганларни ижтимоий реабилитация қилиш;

- оғир турмуш шароитида яшаётган, имкониятлари чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилиш тизимини ташкил этиш.

Ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш:

- аҳолининг алоҳида табақалари: ёшлар, ёш болали аёллар, ногиронлар учун бандликни кенгайтиришга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- болаларнинг назоратсизлиги, вояга етмаганлар гиёҳвандлиги ва ҳуқуқбузарликлари, «ижтимоий етимлик» муаммоларини ҳал қилиш, маълум турар жойга эга бўлмаган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга оилавий тарбия беришнинг янги шакллари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- ёшлар ижтимоий ҳаётга тўлақонли қўшилиши ва унда фаол иштирок этиши учун шарт-шароит яратиш;

- ижтимоий беқарорликнинг олдини олишни кучайтириш.

Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ва маҳаллий ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш жа-

раёнига мустақил нотижорат ташкилотларини жалб этадилар ҳамда ўз фаолияти ва давлат ва маҳаллий ижтимоий-маданий муассасалари фаолияти йўналишларини хайрия ва бошқа нотижорат ташкилотларининг дастурлари билан мувофиқлаштирадilar.

Куйидагилар мазкур вазифаларнинг ҳал қилинишини таъминлайдиган ташкилий механизмлар бўлиши мумкин:

- ижтимоий дастурларнинг лойиҳаларини ижро этувчи ҳокимият органларида муҳокама қилиш, унга учинчи сектор вакиллари таклиф қилиш;

- ижтимоий дастурларнинг лойиҳалари бўйича вакиллик ҳокимияти органларида тингловлар ўтказиш, унга учинчи сектор вакиллари таклиф қилиш;

- ижтимоий дастурларнинг лойиҳаларини мустақил нотижорат ташкилотларини бирлаштирувчи уюшмаларга экспертизага юбориш;

- ҳокимият органлари қошида дастурлар ва уларнинг алоҳида бўлимларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш, бу гуруҳларга учинчи сектор вакиллари киритиш;

- минтақавий ва маҳаллий мақсадли ижтимоий дастурлар, кичик дастурлар, дастурларнинг бўлимлари концепцияларини ишлаб чиқиш бўйича танловлар ўтказиш, унда иштирок этишга мустақил нотижорат ташкилотларини ҳам таклиф қилиш; танловларнинг якунларини ошқора кўриб чиқиш, тегишли дастурларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш, мазкур гуруҳлар таркибига ҳокимият органлари ва ташкилотларнинг вакиллари ёки танловда ғолиб чиққан фуқароларни киритиш;

- турли давлат ташкилотлари ва мустақил ташкилотларнинг тегишли дастурларни амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва мазкур дастурларнинг бажарилишини назорат қилувчи дастурлар кенгашларини ташкил этиш, бу кенгашлар таркибига учинчи сектор вакиллари киритиш.

Юқорида зикр этилган вазифаларни ҳал қилиш ижтимоий муаммоларнинг ноанъанавий ечимларини топиш, давлат ва учинчи секторнинг ресурсларидан янада самарали ва оқилона фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида тескари алоқа ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш имконини берадики, бу ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришишнинг муҳим шартидир.

Мустақил нотижорат ташкилотларининг лойиҳа ва дастурла-

рини давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан маблағ билан тўлиқ (грантлар) ва қисман (дотациялар) таъминлаши мумкин. Иккинчи ҳолатда маблағлар, масалан, лойиҳа бўйича харажатларнинг маълум қисми (ярми, учдан бири)ни бюджетдан ташқари манбалардан қоплаш шarti билан берилиши мумкин. Ёки, масалан, бюджетдан маблағлар фақат лойиҳа бўйича харажатларнинг маълум турларини қоплаш учун берилиши мумкин. Давлат сиёсати мақсадларига мoе келадиган лойиҳаларни амалга оширишга дотациялар берилади. Аниқ таърифланган мақсадларга эришишга хизмат қилувчи лойиҳаларни амалга ошириш учун грантлар (тўлиқ молиялаштириш) назарда тутилади.

11.6. Давлат органлари ва маҳаллий органларнинг учинчи сектор ташкилотлари билан ўзарo ҳамкорлигининг ташкилий шакллари

Давлат органлари ва маҳаллий органларнинг учинчи сектор ташкилотлари билан ўзарo ҳамкорлигининг қуйидаги ташкилий шакллари мавжуд:

- мазкур органларнинг зиммасига учинчи сектор ташкилотлари билан ўзарo алоқа қилиш мажбурияти юкланган бўлимлари ёки алоҳида ходимлари;

- юқорида зикр этилган икки томон вакиллари иштирок этадиган ҳар хил йиғилишлар, кенгашлар, кўмиталар ва ҳ.к.

Давлат органлари ва маҳаллий органларнинг «тармоқ» бўлимлари ва бошқа махсус бўлимлари учинчи сектор ташкилотлари билан ўзарo ҳамкорлик қилиши мумкин. «Тармоқ» бўлимлари — бу ижтимоий муҳофаза, таълим, маданият бўлимлари ва ҳ.к. Махсус бўлимлар — бу, масалан, минтақа ва шаҳар маъмуриятларининг жамоатчилик билан алоқа бўлимлари.

Тармоқ бўлимлари ўз соҳаларида дастурлар, лойиҳалар, тадбирларни тайёрлаб ва амалга ошириб, учинчи секторнинг тегишли йўналишдаги ташкилотлари билан ўзарo ҳамкорлик қилишлари, бунда ижтимоий буюртмани учинчи сектор ташкилотларида жойлаштириш, уларни маблағ билан таъминлаш ва бошқа шунга ўхшаш масалаларни кўриб чиқишлари лозим.

Махсус бўлимларнинг асосий вазифаси давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақил нотижорат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишдан иборат. Мазкур бўлимлар давлат органлари ва маҳаллий органлар

тармоқ бўлимларининг нотижорат ташкилотлари билан ўзиро калари мустаҳкамланишида ижобий роль ўйнайди.

Мустакил нотижорат ташкилотларининг сони ва хилми и I лиги ортса:

- давлат органлари ва маҳаллий органларнинг нотижорат УЧМ чи сектор билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишнинг тјрмОК шаклларининг, яъни фаолият йўналиши (маданият, таълим, чип рия ва ш.к.) ўхшаш ташкилотларни бирлаштирувчи шаклларним роли ортади;

- минтақанинг барча мустакил нотижорат ташкилотлартш ёки маълум фаолият йўналишига эга барча ташкилотларни камр.н. оладиган шакллар ўрнини вакиллик шакллари, яъни иштирокчп лари учинчи сектор ёки ташкилотларнинг тармоқ гурухи вакиллари бўлган шакллар эгаллайди;

- доимий шакллар кенгашлар, тингловлар билан тўлдирила ди, бундай йиғилишлар заруратга қараб, умумий манфаатларни ифода этувчи маълум масалаларни кўриб чиқиш учун чақирилади.

Қисқача хулосалар:

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари иқтисоднинг учинчи секторини ташкил этади (биринчи сектор — тадбиркорлик, иккинчи сектор — ижтимоий, давлат сектори). Иқтисоднинг учинчи сектори қанча ривожланган бўлса, бозор иқтисодининг нуқсонларини тузатишда давлат сектори елкасига юк шунча кам тушади.

Учинчи сектор — бу ўз фаолияти билан ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг маълум қисмини таъминлайдиган нодавлат ва нотижорат ташкилотлари мажмуи ташкил этадиган алоҳида ижтимоий институт.

2. Ўзбекистан Республикасида учинчи сектор мамлакат ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин шакллана бошлади. Собик шўро даврининг асорати ўларок, ННТ фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий институтлари мавжуд бўлмаган шароитларда, мустақилликнинг дастлабки йилларида ННТни ташкил этишда давлат етакчи роль ўйнади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида асосан давлат жамғармалари ташкил этилди. Ўзбекистан Республикаси Ишбилармон аёллари уюшмаси мустақил уюшган биринчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Бугунги кунда 2000 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган. Бирок, уларнинг ҳаммасини ҳам фаол иш олиб борапти деб бўлмайди.

3. Ўзбекистан Республикасининг қонун ҳужжатларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг муассислари ва қатнашчиларига қўйилган бир қатор умумий талаблар ишлаб чиқилган. Жумладан, ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахслар нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари бўлиши мумкин. Ешларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига ўн тўрт ёшга тўлган шахслар, болаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига эса ўн ёшга тўлган шахслар аъзо бўлиши мумкин. Фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш учун асос бўла олмайди. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистан Республикаси фуқаролари билан тенг равишда нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари бўлиши мумкин.

4. Давлат органлари ва маҳаллий органларнинг учинчи сектор ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигининг қуйидаги ташкилий шакллари мавжуд:

- мазкур органларнинг зиммасига учинчи сектор ташкилотлари билан ўзаро алоқа қилиш мажбурияти юкланган бўлимлари ёки алоҳида ходимлари;

- юқорида зикр этилган икки томон вакиллари иштирок этадиган ҳар хил йиғилишлар, кенгашлар, қўмиталар ва ҳ.к.

Давлат органлари ва маҳаллий органларнинг «тармок» бўлимлари ва бошқа махсус бўлимлари учинчи сектор ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши мумкин. «Тармок» бўлимлари — бу ижтимоий муҳофаза, таълим, маданият бўлимлари ва ҳ.к. Махсус бўлимлар — бу, масалан, минтақа ва шаҳар маъмуриятларининг жамоатчилик билан алоқа бўлимлари.

5. Ўзбекистан Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий манбаи ҳозирча чет эллик донорларнинг маблағларидир. Давлат муассасаларининг ҳиссаси 1,4% ни, маҳаллий ҳайрия ва тижорат ташкилотларининг ҳиссаси — 9,8%, шахсий ҳайр-эҳсонлар — 3,3% ни ташкил этади, тадбиркорлик фаолияти жами даромадларнинг атиги 11,7% ни, аъзолик бадаллари эса — 18,1% ни келтиради.

Ўзбекистан Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фандрайзинг санъати — ННТ фаолияти ва амалга оширадиган лойиҳалари учун маблағлар қидириш ва уларни жалб қилиш санъатини ҳали ўзлаштирганларича йўқ. Бунда фандрайзингга жамиятнинг ижтимоий ҳолатини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий муҳим фаолият, иктисоднинг тижорат ва нотижорат секторлари[^]нинг ўзаро ҳамкорлиги тизими деб тушуниш лозим. Бу нуқтаи назардан фандрайзингни нотижорат ташаббусларига маблағларни жойлаштириш соҳасида ижтимоий талаб ва таклифни мувофиқлаштиришга йўналтирилган фаолият деб таърифлаш мумкин.

6. Учинчи сектор ташкилотлари катта ҳисса қўшишлари мумкин бўлган ҳукумат ижтимоий дастурларининг қуйидаги мақсадларини кўрсатиши мумкин:

- аҳолининг ижтимоий жиҳатдан яхши ҳимоя қилинмаган табақаларига (қариялар, ногиронлар, етим-есирлар ва бошқаларга) ёрдам кўрсатиш;

- аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкилотларининг ҳар хил турлари тармоқлари (ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари, оила ва болаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкилотлари, уйда ихтисослашган ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар)ни ривожлантириш;

- ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш;
- ҳарбий хизматдан бўшатишган шахсларни, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини фаол фуқаролик ҳаётига жалб қилиш учун шарт-шароит яратиш;
- оилани қўллаб-қувватлашнинг янги ижтимоий технологияларини, шу жумладан инкирозли вазиятлардан чиқиш, янги шароитларга психологик мослашиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатишни ривожлантириш;
- зўравонликдан жабр кўрганларни ижтимоий реабилитация қилиш;
- оғир турмуш шароитида яшаётган, имкониятлари чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилиш тизимини ташкил этиш;
- аҳолининг алоҳида табақалари: ёшлар, ёш болали аёллар, ногиронлар учун бандликни кенгайтиришга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- болаларнинг назоратсизлиги, вояга етмаганлар гиёҳвандлиги ва ҳуқуқбузарликлари, «ижтимоий етимлик» муаммоларини ҳал қилиш, маълум турар жойга эга бўлмаган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга оилавий тарбия беришнинг янги шакллари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- ёшлар ижтимоий ҳаётга тўлақонли қўшилиши ва унда фаол иштирок этиши учун шарт-шароит яратиш;
- ижтимоий беқарорликнинг олдини олишни кучайтириш.

7. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ва маҳаллий ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш жараёнига мустақил нотижорат ташкилотларини жалб этадилар ҳамда ўз фаолияти ва давлат ва маҳаллий ижтимоий-маданий муассасалари фаолияти йўналишларини хайрия ва бошқа нотижорат ташкилотларининг дастурлари билан мувофиқлаштирадilar.

Юқорида зикр этилган вазифаларни ҳал қилиш ижтимоий муаммоларнинг ноанъанавий ечимларини топиш, давлат ва учинчи секторнинг ресурсларидан янада самарали ва оқилона фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида тесқари алоқа ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш имконини берадики, бу ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришишнинг муҳим ИПтидир,

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар:

1. Бозор иқтисоди шароитларида фаолият кўрсатадиган ташкилотларнинг асосий турларини сананг ва уларга қисқача тавсиф беринг.
2. Қайси ташкилотларга иқтисоднинг учинчи сектори деб қаралади?
3. Жамоат сектори бозор иқтисодида бир-биридан мустақил мулкдорлик ҳуқуқлари эгалари ўртасида ихтиерий айирбошлаш муносабатларининг иштирокчиси сифатида қандай роль ўйнайди?
4. Нотижорат ташкилотларининг асосий ўзига хос жиҳатларини санаб беринг.
5. Нотижорат ташкилотларининг бюджети қандай шакллантирилади?
6. Нотижорат ташкилотларини давлат томонидан маблағ билан таъминлаш деганда нимани тушунаси?
7. Ўзбекистон Республикасида ННТ ривожланишининг асосий босқичларини тавсифланг.
8. Давлат органлари ва маҳаллий органларнинг учинчи сектор ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигининг асосий ташкилий шакллари санаб беринг.
9. Фандрайзинг нима?
10. Ўзбекистон Республикасида нотижорат ташкилотларининг муассислари ва иштирокчиларига қандай умумий талаблар қўйилади?
11. Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари санаб беринг.

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни.
4. Гаврилова Н., Пономаренко Е. «Третий сектор - механизм некоммерческого хозяйствования». М., 1999.
5. «Государственные и муниципальные финансы». М., «Финансы». 1999.
6. Гонорская А. «Административное и финансовое управление негосударственными некоммерческими организациями». Т., 1999.
7. Тихомиров В. «Некоммерческие организации». М., «Юнити». 1998.
8. «Узбекистан: ННО и занятость населения». Т., 2001.
9. «Экономика общественного сектора - основы теории государственных финансов». Под ред. Якобсона. М., «Аспект-Пресс». 1996.

Матнда учрайдиган мураккаб сўз ва атамалар луғати

Хайр-эхсон (бадал) — пул кўринишида бериладиган бегараз эхсон, моддий (техникавий) ёрдам.

Бозор нуқсонлари (хатолари, самарасизлига) - бозор иқтисоди кучларининг эркин таъсири ресурслардан паретто-мақбул йўсинда фойдаланилишини таъминламайдиган вазиятлар. •

Солиқ имтиёзлари — солиқ тўловчиларга энгилликлар бериш. Солиқ имтиёзларининг қуйидаги турлари кенг тарқалган: даромаднинг солиққа тортилмайдиган энг кам миқдори, солиқ чегирмалари, алоҳида солиқ турларини тўлашдан озод қилиш, солиқ суммаларидан чегирмалар ва ҳ.к.

Нотижорат ташкилотлари — бу, одатда, муайян соҳада фаолият кўрсатувчи, даромадни тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлмаган ташкилотлар. Бу юридик шахне ҳуқуқига эга бўлган, фаолияти даромад олишни кўзламайдиган ва ижтимоий муҳим функцияларни бажаришга йўналтирилган мустақил хўжалик юритувчи субъектлардир.

Паретто яхшилаш - иқтисодий жараёнлар содир бўлаётган даврда иштирокчилардан биттасининг ҳам фаровонлигини оширадиган ўзгаришни амалга ошириш, агар бунда бошқа иштирокчилардан бирортасининг ҳам фаровонлиги даражаси пайсаймаса, паретто яхшилаш деб аталади.

Паретто мақбуллаштириш - мумкин бўлган барча паретто яхшилашларга эришиш жараёни.

Фойда — барча даромадлар ва барча харажатлар ўртасидаги тафовут ҳамда маҳсулот қиймати билан уни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг бозор қиймати ўртасидаги тафовут.

Ўзини ўзи қоплаш — харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар билан тўлиқ қопланишини назарда тутадиган хўжалик юритиш тамойили.

Субсидия — ҳукуматнинг ҳар хил шаклда (бевосита пул тўловлари, солиқ имтиёзлари ва ҳ.к.) кўрсатиладиган молиявий ёрдами.

Траст — ишончли бошқарувга асосланган хайрия жамғармаси.

Низом — юридик шахени тузиш тартиби, унинг фаолияти, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи қоидаларнинг қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган тўплами. Низом юридик шахенинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

Фандрайзинг — ННТни молиялаштириш учун маблағ қидириш усуллари.

Фонд — мақсадли йўналтирилган пул маблағлари ва моддий маблағлар ердамида моддий ёрдам кўрсатувчи муассаса, молия ташкилоти.

Кўнгиллилар ҳаракати — ижтимоий муҳим функцияларни бажариш (масалан, қарияларга қараш, ногиронларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, қуча тозалаш ва ҳ.к.)га аҳолининг турли табақаларини ихтиёрий асосда, ҳақ эвазига ёки бепул жалб қилиш.

ХII боб

МАҲАЛЛИЙ ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ

12.1. Замонавий инновацион менежментнинг вазифаси, тузилиши ва мазмуни

Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти даражаси буларнинг барчасига ҳозирги кундаёқ эришиш имконини берса-да, ҳар қандай ҳўжалик юритувчи субъектнинг янгиликларни амалга жорий этиш соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш йўлига асосан ўзининг барча шаклларида (ссуда, айланма, акциядорлик, венчур, устав капиталли ва ҳ.к.) тўсқинлик қилмоқда. Бунда узоқ муддатли ва ўрта муддатли инвестициялар ҳал қилувчи роль ўйнаётир, чунки инновация жараёни ўрта ҳисобда 3-5 йил ва ундан ортиқ муддат давом этади.

Юқоридики зикр этилган ҳолатларни эътиборга олиб, бутун дунёда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили деб эътироф этилган фан-техника тараққиёти, айниқса, ғарб адабиётларида инновация жараёнига боғлаб ўрганилмоқца. Америкалик иқтисодчи Жеймс Брайт қайд этиб ўтганйцек, инновация жараёни фан, техника, иқтисоц, тадбиркорлик ва бошқарувни бирлаштирувчи ўзига хос ва бетакрор жараёндир.

«Инновация» атамасй англизча *«innovation»* сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўзбекчага айнан ўгирганда «янгилик киритиш» деган маънони билдиради.

Янгилик деганда янги тартиб, янги одат, янги усул, кашфиёт, янги ҳодиса ва ҳоказоларни тушуниш мумкин. Шундай қилиб, янгилик тарқатиш учун қабул қилинган пайтдан эътиборан янги сифат касб этади — янги киритилган тартиб, қойда, усулга (инновацияга) айланади. Бозор иқтисодиёти шароитларида ҳўжалик юритиш амалиётига янгилик киритиш жараёни коммерциализация жараёни деб аташ қабул қилинган. Янгилик вужудга келиши ва амалга жорий этилиши (инновация) ўртасидаги давр инновацион лаг деб аталади.

Кундалик амалиётда «янгилик», «новация», «янгилик киритиш», «инновация» атамалари айний деб эътироф этилади. Бу табиий бир ҳолдир. Ҳар қандай кашфиётлар, янги ҳодисалар, хизмат турлари ёки усуллар тарқатиш (коммерциализация) учун қабул қилин-

ган ва инновацияга айланганидан кейингина жамият томонидан эътироф этилади. Бунда **инновация** деганда сўзнинг кенг маъносида янги технологиялар, махсулот ва хизмат турлари, ишлаб чиқариш, молия, тижорат, маъмурий ёки бошқа хусусиятга эга ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ечимлар кўринишидаги янгиликлардан даромадли фойдаланиш тушунилади. Янгилик ғояси туғилиши, унинг яратилиши ва тарқатилишидан тортиб то ундан фойдаланила бошлангунгача бўлган давр инновациянинг ҳаёт цикли деб аталади. Ишларни амалга ошириш кетма-кетлигидан келиб чиқиб, инновациянинг ҳаёт циклига инновация жараёни деб қаралади.

Фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳўжалик жараёнига киритиш тобора мураккаблашиб, инновациялар бозорида рақобат янада кучайиши натижасида ўтган асрнинг охирида ҳозирги замон бошқарув фанининг **«инновацион менежмент»** деб аталган истиқболли йўналишларидан бири кенг тарқала бошлади. Менежментнинг мазкур йўналиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мураккаб тизимларни бошқариш билан боғлиқ тизимга солинган илмий билим ва кўникмаларни ўз ичига олади ҳамда мазкур тизимларнинг барча функционал бўғинлари ва иерархик поғоналаридаги ўзгаришларнинг динамикасини муттасил тадқиқ қилишни назарда тутади. Бунда инновацион менежмент ҳар хил янгиликлар мажмуини ўз ичига олади ва ғоянинг тугалишидан уни тижорий асосда реализация қилишгача бўлган даврни, яъни барча муносабатлар: ишлаб чиқариш, айирбошлаш, янги ғоядан фойдаланиш муносабатларини қамраб олади.

Янгиликларни амалга жорий этишнинг тезлиги йиддан йилга ортиб, инновациялар бозор иқтисодиёти шароитларида яшаб қолиш учун рақобат курашида тобора муҳим қуролга айланиб бормокда. Етарли даражада омилкор бўлмаган менежерлар бу курашда ютқазишлари тайин. Янги махсулот турларини амалга жорий этиш, янги хизмат турларини яратиш ёки бозор иштирокчиларининг бошқа эҳтиёжларини қондириш жараёнининг тезлиги менежерлар муваффақиятининг бош мезонига айланиб бораётир.

Инновацион менежмент юзага келишининг яна бир муҳим сабаби шундаки, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ҳўжалик юритувчи субъектлар уларга янада яхши ва кенг хизматлар кўрсатиши талаб этила бошланди. Бошқарувчиларнинг ўзлари ҳам ўз турмуш шароитларини, энг муҳими — бошқарув фаолиятини ташкил этиш шароитларини яхшилашга эҳтиёж сеза бошладилар.

Бизнесда инновацияларнинг самарадорлигини тахлилдан ўтказган Питер Дракер шундай деб ёзади: «Баъзи бир компаниялар тадқиқотга сарфланган ҳар бир доллардан эллик, ҳатто юз барабар ортик фойда кўрадилар. Бошқа компаниялар эса кам фойда кўрадилар ёки умуман фойда олмайдилар. Бйлим, ақл, меҳнат ёки омад эмас, балки самарали тадқиқотлар ўтказишнинг қуйидаги асосий қоидаларига амал қилиш муваффақият гаровидир:

- Ҳар бир янги маҳсулот, жараён ёки хизмат ўзини ўзи оқлаган пайтдан эътиборан эскира бошлайди. Ўз маҳсулотингиз, жараённингиз ёки хизматингизни ўз вақтида эскирган деб эътироф этиш орқали сиз рақабингизга шундай иш тутишига халақит беришингиз мумкин. Американинг «Дюпон компани» деб аталган йирик компанияси нейлон кашф этилган пайтда юкорида зикр этилган усулни илк бор қўлади. «Дюпон» зудлик билан кимёгар олимларга нейлон билан рақобатлашишга қодир сунъий тола кашф этиш устида иш бошлаш ҳақида кўрсатма берди. У, шунингдек, нейлон нарҳини тушириб, потенциал рақибларининг «Дюпон» патентларидан ўзиб кетиш имкониятларини излашнинг даромадлилиги даражасини камайтира бошлади. Бундай инновацион ёндашув натижасида «Дюпон» ханузгача сунъий тола ишлаб чиқариш соҳасида жаҳонда етакчилик қилмоқда, «Дюпон» нейлони эса хануз бозорда қолиб, ўз компаниясига даромад келтирмоқда.

- Тадқиқотлар бозор субъектлари фаолиятининг «фундаментал» ва «амалий» тармоқларига бир хил ёндашишни талиб этади. Бу тафовут саноатда ўз аҳамиятини йўқотди, чунки у кўпинча корпорациялар муваффақиятли фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилмоқца.

- Самарали инновация жараёнида физика, кимё, биология, математика, иқтисод ва бошқалар — фан эмас, балки ўз рақобатбардошлигининг амалдаги даражасини ошириш қуроллари, воситаларидир. Табиийки, бу самарали тадқиқотлар универсал даҳо-мутахассисларни талаб этади, деган маънони билдирмайди. Энг истеъдодли физик ҳам бугунги кунда ўз фанининг кичик бир қисминигина билди. Аммо, инновацион менежмент лойиҳа раҳбари ёки тадқиқот ишлари бўйича директордан қачоқ, қайси мутахассисни ва қандай жалб қилиш кераклигини билишни талаб этади.

- *Мазмунан олиб цараганда, инновация жараёни уч йўналишида: такомиллаштириш, ривожланишни бошқариш ва янгиликни киритиш йўналишларида фаолият кўрсатишни талаб этади.* Бу йўналишлар бир-бирини тўлдирди ва, шу билан бир вақтда, бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бунда муаммонинг моҳиятини вақтида тушуниб етиш, уни ҳал қилиш вазифасини ўз вақтида қўйиш ва муаммони ҳал қилиш йўллари топиш зарур. Фақат инновацион ёндашув компания, муассаса ёки бошқа ташкилот ишида мувозанатни таъминлаш имконини беради.

- *Компанияларнинг инновация масалалари билан шуғулланган махсус бўлимлари тадқиқотлар — бу компаниянинг умумий вазифаларидан ажратилган алоҳида функция эмас, балки алоҳида фаолият соҳаси эканлигини тушуниб етишлари лозим.* Моҳият эътибори билан, инновация бу тадқиқот натижаларини ишлаб чиқариш, сотиш, етказиб бериш ва хизмат тарикасида кўрсатиш мумкин бўлган маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизматларга айлантиришдир. Бинобарин, инновация тадқиқот билан ҳамқадам бўлиши зарур. Тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш, маркетинг ва хизматларга қандай таъсир кўрсатса, ишлаб чиқариш, маркетинг ва хизматлар ҳам тадқиқотларга аввалбошдан шундай таъсир кўрсатади.

- *Ҳар бир маҳсулот, жараён, хизмат ёки тадқиқот лойиҳасининг яшовчанлиги вақти-вақти билан текшириб турилиши лозим.* Бу: «Ҳозир билган нарсамиз бизга маълум бўлганида, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқаришга киришган бўлармидик?», деган саволга жавоб бериш учун зарур.

- *Амалиётда маҳсулотни ишлаб чиқаришдан воз кечиш, жараённи, хизматлар кўрсатишни тўхтатиш ёки инвестиция лойиҳасини якунлаш вақтини аниқлашнинг уч мезони мавжуд:* маҳсулот, жараён, хизмат ёки лойиҳани такомиллаштириш имконияти йўқ; ривожланишни бошқариш янги маҳсулотлар, жараёнлар, бозорлар ёки амалга жорий этишларга олиб келмаяпти; тадқиқотлар кўп йиллар мобайнида назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам истиқболли бўлмаган, фақат «қизиқарли» натижалар берапти.

- *Инновацияларни ҳам компаниялар фаолиятининг бошқа соҳалари, бозорга келиб тушувчи товар ва хизматлар сингари ўлчаш*

лозим. Амалга киритилган ҳар қандай янгиликка баҳо бериш зарур. Компаниялар тахминан ҳар уч йилда ўзлари амалга киритган янгиликларнинг натижаларини кўриб чиқишлари, уларга: «Биз компаниямизнинг бойлик ишлаб чиқариш имкониятларини жиддий ўзгартирган нимани амалга киритдик? Бу янгиликлар бозордаги ва саноат соҳасидаги мавқеимизнинг ошишига ёрдам бердимиз? Бу мавқени сақлаб қолиш учун амалга ошираётган тадқиқотларимиз келгуси бир неча йилда қандай натижа бериши керак?», деган нуқтаи назардан баҳо бериш лозим.

Шундай қилиб, инновацион менежментга сарфланган харажатлар ўз ҳолича натижаларни кафолатламайди. Одатда, инновацион менежментнинг юқорида зикр қилинган шакллари ва усулларини қўллашгина яхши натижа олиш имконини беради.

Ушбу фаслни яқунлар эканмиз, хулоса қилиб айтиш мумкинки, маҳаллий тузилмаларнинг иш амалиётига янгиликлар киритиш тамойиллари, шакллари ва усуллари мажмуини ўз ичига олувчи маҳаллий инновацион менежмент иқтисодий ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган умумий инновацион менежментнинг муҳим функционал кичик тизимларидан биридир.

12.2. Маҳаллий инновацион менежмент тушунчаси, **унинг вазифалари ва хусусиятлари**

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитларида янгиликлар, инвестициялар ва инновациялар энг рақобатбардош маҳаллий тузилмалар фаолиятининг таркибий унсурлари ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти муҳитининг бошқа субъектлари қатори, маҳаллий тузилмалар ҳам инновацияларга эҳтиёж сезадилар. Зотан, сурункали бюджет тақчиллиги шароитларида инновацияларсиз маъмурий-хўжалик тузилмаларининг ўз зиммаларига юкланган давлат қурилишининг иқтисодий ва ижтимоий функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ доимий ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мумкин эмас.


Маҳаллий тузилма миқёсидаги инновация соҳаси инноваторлар, инвесторлар, рақобатбардош маҳсулот ёки хизматлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда бу маҳсулот ва хизматлардан фойдаланувчиларнинг ўзаро алоқалари тизимини ташкил этади.

Маҳаллий тузилмалар ва уларнинг ҳудудида жойлашган хўжалик фаолияти субъектларининг эҳтиёжларини қондириш жараёни-

да юзага келадиган янгиликлар маҳаллий новациялар бозорини шакллантиради. Мазкур янгиликларни амалга жорий этиш учун жалб қилинадиган инвестициялар минтақавий инвестиция бозорларининг ривожланишига қўмаклашади, амалга жорий этилган янгиликлар эса новацияларнинг соф рақобати бозорининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация фаолияти соҳаси мана шу уч таркибий қисмдан ташкил топади (12.1 схемага қаранг).

12.1 схема

Инновация фаолиятини ташкил этиш



Амалдаги халқаро, федерал, республика ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда норматив ҳужжатларга мувофиқ расмийлаштирилган муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқлар таъбиқ этиладиган интеллектуал фаолиятнинг илмий ва илмий-техникавий натижаси ёки маҳсули шаклланаётган маҳаллий инновациялар бозорларидаги асосий товар ҳисобланади.

Янгиликлар бозорини муайян маҳаллий тузилма ҳудудида

фаолият кўрсатувчи илмий ташкилотлар, институтлар, муваққат илмий жамоалар, илмий ходимларнинг бирлашмалари, тижорат ташкилотларининг тадқиқот бўлимлари, мустақил лабораториялар ва бўлимлар, маҳаллий ва хорижий новаторлар шакллантирадилар.

Илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг натижаси бўлган янгиликдан жамият томонидан эътироф этилган янги¹ технологиялар, товарлар, хизмат турлари, янги усуллар — инновацияларга қадар маҳаллий ҳокимият органларидан қатта вақт ва маблағ сарфини талаб этадиган мураккаб жараён амалга оширилади.

Илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасига ҳамда янгиликларни амалга жорий этиш жараёнига жойлаштириладиган инвестициялар ҳажми янгиликлар бозорида ташкилотлар иштирокининг муҳим шартидир.

Давлат томонидан маблағ билан таъминлаш манбалари кескин қисқариб бораётган МДХ мамлакатларидаги чуқур иқтисодий инқироз шароитларида республика, минтакавий ва маҳаллий ҳокимият органлари иқтисоднинг реал секторида ва ижтимоий соҳада амал қилишлари лозим бўлган инвестиция сиёсатининг қўйидаги асосий нормаларини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиш муҳим аҳамият касб этади:

- қайтарилмайдиган асосда давлат бюджетидан фақат фундаментал илмий тадқиқотлар, шунингдек республика аҳамиятига молик, нотижорат хусусиятга эга объектлар ҳамда миллий хавфсизликни сақлаш билан боғлиқ объектлар маблағ билан таъминланиши мумкин;

- марказлаштирилган инвестицияларнинг қолган барча турлари фақат қайтариладиган асосда ва танлов асосида амалга оширилиши мумкин;

- қимматли қоғозлар харид қилиш ёки чиқарилаётган қимматли қоғозларга давлат қафолатларини бериш қайтариладиган асосда давлат ресурслари билан таъминлашнинг асосий шакллариدير.

Янгиликлар бозори, соф рақобат бозори ва инвестициялар бозорига инновация соҳасининг таркибий қисмлари деб қарайдиган маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарлари ўз иштирокини талаб этадиган инновация фаолияти соҳаларини тўғри аниқлай олишлари, инновация жараёнининг турли босқичларини амалга оширишда иштирок этишнинг асосий шакллари ва усулларини яхши билишлари муҳимдир.

12.3. Маҳаллий инновациёй менежментнинг вазифаси, мазмун ва тузилиши

Маҳаллий иқтисодни бошқаришнинг тузилмасида инновацион сиёсатнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги ўзига хос бошқарув объекти — инновация жараёнининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Бу ўринда инновация жараёни уни амалга оширишнинг барча босқичларини билвосита боғлайдиган пул-товар муносабатлари билан, фан-техника тараққиётининг бошқа унсурларига караганда, кўпроқ даражада боғлиқ эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. Мазкур ҳолат капиталистик мамлакатлардаги бозор иқтисодиёти шароитларида айниқса яққол намоён бўлмоқда. Бу ерда инновация жараёнларининг аксарияти ҳар хил даража ва қўламдаги хусусий компаниялар томонидан амалга оширилади. Табиийки, бундай жараёнлар катта даромад олишга интилаётган компаниянинг ишлаб чиқариш ва тижорат вазифаларини янада яхшироқ ҳал қилишнинг мустақил мақсади эмас, балки воситаси бўлиб майдонга чиқади. Аммо, ривожланган мамлакатларнинг маҳаллий бошқарув органлари ўз ҳудудларини ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш учун инновацияларнинг улкан ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан ва инновация жараёни иштирокчиларининг инновацион фаоллигидан моҳирона фойдаланишни ўрганиб олганлар.

Аксарият инновация лойиҳалари катта маблағ сарфини талаб этиши ва техник жиҳатдан мураккаблиги, шунингдек маҳаллий ҳокимият органлари молиявий имкониятларининг чекланганлиги шу жумладан кичик фирмаларда ҳам янгиликларни қўлаб-қувватлаш маҳаллий мақсадли дастурларини амалга оширишга нисбатан дастурий-мақсадли ендашувни жорий этишни талаб қилади. Бунинг учун муайян товар ва хизматларни харид қилишга давлат шартномалари тизими ташкил этилади, фирмаларга янгиликларни амалга киритиш учун кредит имтиёзлари берилади ва ҳ.к. Шартномага асосан молиялаштириш бутун жаҳонда кенг тарқалган шартномавий муносабатлар, яъни инновация лойиҳаларининг буюртмачилари — маҳаллий тузилмалар ва лойиҳаларнинг ижрочилари бўлган пудратчилар — фирмалар ўртасида тузилган шартномалар тизимининг муҳим унсурларидан биридир. Мазкур шартномаларда ишни якунлаш муддатлари, ижрочилар ўртасида меҳнатнинг тақсимланиши, моддий ҳақ тўлаш шартлари, томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва иқтисодий санкциялар аниқ белгилаб қўйилади.

Мазмунан олиб қараганда, маҳаллий тузилмаларни инновацион ривожлантиришнинг ҳар қандай стратегиясини амалга ошириш замонавий маҳаллий тузилмани бошқаришнинг негизини ташкил этувчи **ишлаб чиқариш-ҳўжалик ва ижтимоий кичик тизимлар ишининг муштараклигини таъминлашни** назарда тутати.

Маҳаллий тузилмаларнинг ишлаб чиқариш-ҳўжалик кичик тизимига инновацияларни жорий этиш ишининг самарадорлиги:

а) минтақада ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш қўламига ва бу ерда содир бўлаётган ишлаб чиқариш-технологик жараёнларининг хусусиятига;

б) ҳўжалик юритишнинг илғор шакллари ва усулларидан қай даражада фойдаланилаётганлигига;

в) мавжуд меҳнат унумдорлиги даражасига ва жисмоний меҳнат шароитларига;

г) маҳаллий тузилмада ва умуман минтақада мавжуд бозор инфратузилмасининг ривожланганлигига;

д) қулай инвестиция муҳитига ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун маҳаллий имтиёзлар мавжудлигига боғлиқ.

Маҳаллий тузилмалар ривожланишини бошқаришнинг ижтимоий кичик тизими:

- ижтимоий таъминот соҳаси;

- соғлиқни сақлаш соҳаси;

- таълим соҳаси;

- уй жой-коммунал таъминот соҳаси;

- маданият ва миллатлараро муносабатлар соҳасини ривожлантиришнинг қўлами ва сифатини ўз ичига олади.

Маҳаллий тузилмалар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек янгиликларни амалга жорий этиш ҳисобига аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш маҳаллий фаолиятнинг ижтимоий соҳасидаги инновацион менежментнинг вазифаси ва мазмунини ташкил этади.

Маҳаллий ташкилотни бошқаришнинг **инновацион услубини амалга жорий этиш** инновацион менежментнинг навбатдаги муҳим унсури бўлиб, у қуйидагиларни назарда тутати:

- маҳаллий тузилмалар фаолиятини департаментлаштириш;

- маҳаллий ҳокимият органлари барча бўлимларининг фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш қўлами масалаларини ҳал қилиш;

- маҳаллий тузилмаларнинг бошқарув иерархияси ва қўламининг ўзаро нисбати масалаларини ҳал қилиш;

- маҳаллий органлар ходимларининг меҳнатини тақсимлаш ва ихтисослаштириш;
- турли маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида самарали алоқалар ўрнатиш ва уларнинг ишини мувофиқлаштириш;
- республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлаш.

Ихтисослаштириш ва меҳнат тақсимои. Маҳаллий ҳокимият органларида меҳнат тақсимои икки йўналишда амалга оширилади:

- *горизонтал йўналишда* (масалан, изчил — таъминлаш — режалаштириш - маҳаллий фаолият — аҳолига хизматлар кўрсатиш);
- *вертикал йўналишда* (маҳаллий ташкилот иерархиясининг поғоналари бўйича: вилоят — шаҳар — туман ҳокимиятлари ва уларнинг бўлинмалари).

Мазкур функциянинг амалга оширилиши ҳисоботлар, интервью, йиғилишлар, компьютер алоқаси, радио ва телевидение воситалари ва ҳоказолар ёрдамида таъминланади. Турли алоқа шакллари ёрдамида кичик тизимлар ўртасида ўзаро алоқа таъминланади, ресурсларни тақсимлаш амалга оширилади, маҳаллий менежментнинг барча функциялари мувофиқлаштирилади.

Бошқарув қўлами куйидаги тузилмага мувофиқ ташкил топади:

- а) тага дойр горизонтал алоқалар** (иерархиянинг бир поғонасида);
- б) ишга дойр вертикал алоқалар** (иерархиянинг бир поғонасидан иккинчи поғонасига ўтишда);
- в) чизикли алоқалар** («бошлиқ — ходимлар» муносабатларини амалга оширади);
- г) функционал алоқалар (штаб алоқалари)**, кенгашиш ёки тавсия бериш функцияларини бажаради;
- д) билвосита алоқалар** (ташкилотда қабул қилинган ваколатлар, қоидалар, нормалар ва процедуралар билан мустаҳкамланган мувофиқлаштириш алоқалари);
- е) расмий алоқалар** (ташкилотда қабул қилинган ваколатлар, қоидалар, нормалар ва процедуралар билан мустаҳкамланган мувофиқлаштириш алоқалари);
- ж) норасмий алоқалар** (шахсий, дўстона муносабатлар, қариндош-уруғчилик алоқалари ва ҳоказоларга асосланган алоқалар).

Ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлаш жараёнида маҳаллий тузилмаларнинг раҳбарлари маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлашнинг икки варианты: **«арча» тизими ва «матрёшка» тизими** мавжудлигини билишлари муҳим.

«Арча» тизимида юқори раҳбариятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйи раҳбар ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ваколатлари)нинг бир қисминигина қамраб олади.

«Матрёшка» тизими кўш ёки кўп сонли тобелик тизими бўлиб, унда юқори раҳбарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари барча қуйи раҳбарларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ваколатлари)ни тўлиқ қамраб олади. Мазкур тизимда барча қуйи бўғинларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги ўта даражада тарқоқлиги туфайли айбдорни топиш жуда қийин.

Маҳаллий ҳокимият органлари **минтақанинг инвестициялари-ни жалб этиш даражасини ошириш** соҳасида самарали сиёсат юртиши маҳаллий тузилмаларнинг инновацион салоҳиятидан муваффақиятли фойдаланишнинг муҳим омилidir. Бунга инвесторларга имтиёзлар бериш, эмитентлар фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, кичик ва ўрта инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ривожлантириш ва минтақанинг энг рақобатбардош корхоналарини қўллаб-қувватлаш йўли билан эришилади. Жамоавий инвестициялаш институтларини ташкил этиш, маҳаллий ҳокимият органларининг умумий инвестицион самарадорликни оширишга йўналтирилган чора-тадбирлари, аҳолининг ташаббускорлигини рағбатлантириш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш, майда ва ўрта инвесторларнинг таваккалларини суғурта қилувчи маҳаллий жамғармалар ташкил этиш ҳам юқорида зикр этилган вазифани ҳал қилишга кўмаклашади.

Шу билан бир вақтда, ҳудудларнинг молия тизимини муттасил эркинлаштириб бориш, бунинг учун рақобат муҳитини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, минтақанинг инвестиция-молия инфратузилмасини, шу жумладан маҳаллий қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш зарур. Минтақада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар кўз ўнгида унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мазкур ҳудудий молиявий тузилмаларнинг асосий вазифаларига айланиши лозим, Маҳаллий тузилманинг молиявий негизини мустаҳкамлаш қулай инвестиция муҳитини шакллантиришнинг мажбурий шарти бўлиб, бунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳар хил иқтисодий механизмларидан фойдаланишни ўрганишлари лозим. Бунда минтақа иқтисодига сармояларни жойлаштириш

молиявий воситаларининг ассортименти ва сифатини мунтазам ошириб бориш муҳимдир.

Жаҳон тажрибаси, бошқа тенг шартларда, инвесторлар кўпрок маълум «инвестиция муҳити» шаклланган ва маҳаллий ҳокимият органлари шахсида эмитентларнинг инвестицион фаоллиги сезиларли бўлган ҳудудларни танлашларини кўрсатади.

Шунинг учун, агар давлат минтақада қулай «инвестиция муҳити»ни шакллантириш вазифасини ўз олдига қўйган бўлса, қуйидагиларни таъминлайдиган тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш зарур:

- минтақалар миқёсида оқилона инвестиция сиёсати таъминланишига амал қилиш;
- эмитентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ тартибга солувчи механизмларни яратиш;
- маҳаллий тузилмалар миқёсида инвестиция фаолиятини фаоллаштириш учун стимуллар бериш;
- инновация жараёнларнинг ошқоралигини таъминлаш;
- инвестор ҳуқуқий мақомининг барқарорлигини таъминлаш;
- унинг мулкдор сифатидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- инновация лойиҳаларини амалга ошириш даврида корхоналар фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиш.

Маҳаллий ёки минтақавий миқёсдаги инвестиция лойиҳаларининг мақомини, шунингдек мақомига қараб уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усулларини қонун ҳужжатлари билан белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ҳудудий истеъмол бозорига, бандликка ва бюджетнинг даромад қисмига самарали таъсир кўрсатувчи инвестиция лойиҳалари ёки тегишли ҳудуд маъмуриятининг ташаббусига кўра амалга оширилувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар.

Инновация фаолиятини маҳаллий бошқарув органлари томонидан рағбатлантириш шакллари ва усулларининг ранг-баранглигига қарамай, барча иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳудудий тузилма миқёсида амалга ошириладиган иқтисодий сиёсатнинг барча турлари билан инновация сиёсатининг юксак даражада мувофиқлаштирилганлиги кузатилади. Бу айни даврда танланган иқтисодий йўналишга мўлжал қилинган давлат томонидан таъсир кўрсатишнинг ягона иқтисодий воситаларидан фойдаланилишида ўз ифодасини топади. Маҳаллий инновацион сиёсатнинг бошқа бир ўзига хос хусусияти таъсир кўрсатиш қўлами бўлиб, у инновация жараё-

нининг барча иштирокчиларини инновация ғояларини таклиф қилишга йўналтиради, инновация жараёнларининг натижаларига бўлган дастлабки талабни шакллантиради, инновация бизнесига молия-кредит маблағлари ва ахборот ресурсларининг жалб қилинишига қўмаклашади, инновациялар учун қулай иқтисодий ва сиёсий муҳит яратади. Ниҳоят, инновация жараёнининг қўп вазифали хусусиятини, шу жумладан унинг даврийлиги, босқичларга бўлинганлиги, эҳтимолий хусусияти, таваккалчилик даражасини катталиги ва хоказоларни ҳар томонлама эътиборга олиш маҳаллий органлар томонидан амалга ошириладиган инновация сиёсатининг муҳим жиҳатига айланиши лозим.

12.4. Маҳаллий фаолият соҳасида инновация лойиҳаларини амалга ошириш принциплари ва хусусиятлари

// Маҳаллий фаолият соҳасида инновация лойиҳаси тушунчаси икки хил маънода қўлланилади:

1. Маълум мақсадларга эришиш имконини берадиган муайян ҳаракатлар мажмуини амалга оширишни назарда тутадиган иш (фаолият, тадбир);

2. Муайян ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва ҳисоб-китоб-молия ҳужжатлари тизими.

Ҳар бир лойиҳа, уни амалга ошириш учун зарур иш ҳажми ва мураккаблиги даражасидан қатъи назар, ўз ривожланишида маълум ҳолатлардан — лойиҳа хали тузилмаган ҳолатдан лойиҳа амалга ошириб бўлинган ҳолатгача — ўтади. Юзага келган амалиётга кўра, лойиҳа ўтадиган ҳолатлар **босиқлар** деб аталади. Лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичи ўз мақсад ва вазифаларига эга (12.2 схемага қаранг).

Инновация лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- 1) инвестиция ғоясининг шаклланиши;
- 2) инвестиция имкониятларини ўрганиш;
- 3) шартнома ҳужжатларини тайёрлаш;
- 4) лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш;
- 5) қурилиш-монтаж ишлари;
- 6) объектдан фойдаланиш;
- 7) иқтисодий кўрсаткичларни кузатиш.

Бунда инвестиция ғоясини шакллантириш босқичи деганда

ўйланган иш режаси тушунилади. Мазкур босқичда, авваламбор, ғоя муаллифларининг ниятидан келиб чиқиб, инвестицияларнинг субъектлари ва объектларини ҳамда уларнинг шакллари ва манбаларини аниқдаш зарур.

Инновация лойиҳаларига инвестицияларнинг объектлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- янги маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган қурилаётган, реконструкция қилинаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар, қурилмалар (асосий фондлар);

- бир вазифани (дастурни) бажаришга йўналтирилган қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган объектлар мажмуи. Бу ҳолда инвестиция объекта деганда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришлар ва ташкилотлар доирасида мавжуд ишлаб чиқариш майдонларида янги маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқариш дастури назарда тутилади;

- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш аҳамиятига молик ҳар хил лойиҳалар.

Инвестиция лойиҳасида инвестицияларнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланилади:

- пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари (мақсадли қўйилмалар, айланма маблағлар, қимматли қоғозлар, масалан, акциялар ёки облигациялар, кредитлар, қарзлар, гаровга қўйилган мулк ва ҳ.к.);

- ер майдонлари;

- бинолар, қурилмалар, машина ва ускуналар, ўлчаш ва си-наш воситалари, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёки ликвидли бўлган бошқа ҳар қандай мол-мулк;

- қоида тарзида, пул эквивалентида баҳоланадиган мулккий ҳуқуқлар.

Инвестиция ғоясини шакллантириш босқичи деганда ўйланган иш режаси тушунилади. Мазкур босқичда, авваламбор, ғоя муаллифларининг ниятидан келиб чиқиб, инвестицияларнинг субъектлари ва объектларини ҳамда уларнинг шакллари ва манбаларини аниқдаш зарур.

Инвестициялардан фойдаланувчи тижорат ташкилотлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар инвестиция субъекта ҳисобланади.

Инновация лойиҳаларига инвестицияларнинг объектлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

12.2 схема

Инновацион лойиҳанинг ҳаётий цикли босқичларишишг мазмуни

Лойиҳанинг инвестициялашдан олдинги босқичи		Лойиҳанинг инвестиция босқичи		
Инвестициялашдан олдинги тадқиқотлар ва лойиҳани режалаштириш	Ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёрлаш	Келишиш ва шартнома тузиш	Лойиҳани амалга ошириш	Лойиҳани якунлаш
1. Прогнозларни ўрганиш	1. Лойиҳа-тадқиқот ишлари режасини ишлаб чиқиш	1. Шартномалар тузиш	1. Лойиҳани амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш	1. Ишга тушириш-созлаш ишлари
2. Дастлабки ғояни рўйбга чиқариш шартларини таҳдиддан ўтказиш, лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш	2. ТИАни ишлаб чиқиш ҳақида тошпириқ бериш ва ТИАни ишлаб чиқиш	2. Усуқуналар етказиб беришга шартнома тузиш	2. Графикларни ишлаб чиқиш	2. Объектни ишга тушириш
3. Инвестицияларни лойиҳадан олдин асослаш	3. ТИАни келишиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш	3. Пудрат ишларини амалга оширишга шартнома тузиш	3. Ишларни бажариш	3. Ресурсларни демобилизация қилиш, натижаларни таҳдиддан ўтказиш
4. Ҳойлаштириш учун жой таллаш ва уни келишиш	4. Лойиҳалаш ҳақида тошпириқ бериш	4. Режалар тузиш	4. Мониторинг ва назорат	4. Фойдаланиш
5. Экологик асослаш	5. Ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш		5. Лойиҳа режасига тўзатишлар киритиш	5. Таъмирлаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш
6. Экспертиза	6. Инвестициялаш ҳақида узи-кесил қарор қабул қилиш		6. Бажарилган ишларга ҳақ тўлаш	6. Лойиҳани ёпиш, усқуналарни демонтаж қилиш
7. Дастлабки инвестиция қарори				

- янги маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган қурилаётган, реконструкция қилинаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар, қурилмалар (асосий фондлар);

- бир вазифани (дастурни) бажаришга йўналтирилган қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган объектлар мажмуи. Бу ҳодда инвестиция объекти деганда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришлар ва ташкилотлар доирасида мавжуд ишлаб чиқариш майдонла-

рида янги махсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқариш дастури назарда тутилади;

- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш аҳамиятига молик ҳар хил лойиҳалар.

Инвестиция лойиҳасида инвестицияларнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланилиши мумкин:

- пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари (мақсадли қўйилмалар, айланма маблағлар, қимматли қоғозлар, масалан, акциялар ёки облигациялар, кредитлар, қарзлар, гаровга қўйилган мулк ва ҳ.к.);

- ер майдонлари;

- бинолар, қурилмалар, машина ва ускуналар, ўлчаш ва синаш воситалари, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришда ишлатилган ёки ликвидли бўлган бошқа ҳар қандай мол-мулк;

- қоида тарзида, пул эквивалентида баҳоланадиган мулк хуқуқлар.

Маҳаллий аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицияларнинг асосий манбалари:

- хусусий молиявий маблағлар, активларнинг бошқа турлари (асосий фондлар, ер майдонлари, саноат мулки ва ҳ.к.) ҳамда жалб қилинган маблағлар;

- республика, минтақавий ва маҳаллий бюджетлардан ажратилган маблағлар;

- қўшма корхоналарнинг устав капиталида молиявий ёки бошқача иштирок этиш шаклида тақдим этиладиган хорижий инвестициялар;

- қарз олинган маблағларнинг ҳар хил шакллари, шу жумладан давлатнинг қайтариладиган кредитлари, хорижий инвесторларнинг кредитлари.

Инновацион маҳаллий менежментда **инвестиция имкониятларини ўрганиш** босқичи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидагиларни назарда тутати:

- экспорт ва импорт талабларидан келиб чиқиб, махсулот ва хизматларга бўлган талабни дастлабки ўрганиш;

- хизматларнинг асосий, жорий ва прогноз нархлари даражасига баҳо бериш;

- лойиҳани амалга оширишнинг ташкилий-хуқуқий шакли ва иштирокчилар таркиби юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- йириклаштирилган нормативлар бўйича эҳтимол тутилади.

ган инвестициялар ҳажмига баҳо бериш, уларнинг тижорий самардорлигига дастлабки баҳо бериш;

- дастлабки рухсат бериш ҳужжатларини тайёрлаш;
- техник-иқтисодий асослаш (ТИА)нинг бўлимлари бўйича дастлабки баҳо бериш, шу жумладан лойиҳанинг самардорлигини баҳолаш;

- инвестиция имкониятларини асослаш натижаларини тасдиқлаш;

- лойиҳа-тадқиқот ишларига шартнома ҳужжатларини тайёрлаш.

Инвестиция имкониятларини ўрганиш босқичининг мақсади — потенциал инвестор учун инвестиция таклифини тайёрлаш. Агар инвесторларга эҳтиёж бўлмаса, барча ишлар хусусий маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган бўлса, лойиҳа ТИА ҳужжатларини тайёрлаш ишларини маблағ билан таъминлаш ҳақида қарор қабул қилинади.

Инвестиция лойиҳасини ТИА ҳужжатларини ишлаб чиқиш босқичи тўлиқ ҳажмда қуйидагиларни назарда тутди:

- тўла ҳажмда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- аҳолига хизматлар қўрсатиш дастурини тайёрлаш;
- дастлабки рухсат бериш ҳужжатларини тайёрлаш;
- техник ечимларни, шу жумладан бош режани, шаҳарсозлик, меъморчилик-режалаштириш ва қурилиш ечимларини ишлаб чиқиш;

- лойиҳанинг муҳандислик таъминоти;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқаролар муҳофаасига оид тадбирлар;

- корхонани бошқариш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнати-ни ташкил этиш тизимининг тавсифи;

- смета-молия ҳужжатларини шакллантириш;
- лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ хавф-хатарларга баҳо бериш;

- лойиҳанинг тижорий самардорлигага баҳо бериш (бюджет инвестицияларидан фойдаланганда).

Инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнининг юқорида зикр этилган ҳар бир босқичини муваффақиятли амалга ошириш лойиҳани амалга оширишнинг ишончлилиги даражасини оширади, лойиҳани бажариш харажатлари таннархини камайтиради ва маҳаллий ҳокимият орақининг обрўсини оширади.

12.5. Маҳаллий тузилмалар инновацией лойиҳаларининг самарадорлига баҳо бериш усуллари

Инвестиция лойиҳаларига баҳо беришнинг бир нечта усуллари мавжуд бўлиб (12.3 схемага қаранг), уларнинг барчаси мўлжалланаётган инвестициялар ва бўлуи пул тушумларининг ҳажмини баҳолаш ва таққослашга асосланади.

12.3 схема

Инвестиция лойиҳаларига баҳо бериш усуллари



Инвестицияларнинг ўзини қоплаш муддати.

Инвестицияларнинг ўзини қоплаш муддатини аниқлаш усули инвестиция жараёнларига баҳо беришнинг энг содда ва кенг тарқалган усулларида бири. Инвестицияларнинг ўзини қоплаш муддати олиндиган даромад (соф пул тушумлари) ҳисобига инвестициялар қайтариладиган йиллар сонини ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Инвестицияларнинг самарадорлик коэффициенти.

Инвестицияларнинг самарадорлиги коэффициентини (инвестицияларнинг рентабеллигини) ҳисоблаш усули ҳам инвестиция лойиҳаларига баҳо беришнинг анча содда усулидир. Инвестицияларнинг самарадорлик коэффициенти ўрта йиллик даромадни ин-

вестицияларнинг ўртача миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда ўртача йилдик соф фойда (бюджетга ажратмалар чегириб ташланган баланс даромади) эътиборга олинади. Инвестицияларнинг ўртача миқдори инвестицияларнинг бошланғич миқдорини иккига бўлиш йўли билан аниқланади.

Пул оқимларини дисконтлаш:

Пул оқимларини дисконтлаш тамойилига асосланган усуллар дастлабки икки усулнинг камчиликларини маълум даражада камайтиради. Жаҳон амалиётида пул оқимларини дисконтлашнинг бир нечта усули мавжуд, ammo уларнинг ҳаммаси инвестициялар миқдорини келтирилган (дисконтланган) бўлғуси тушумларнинг умумий миқдорига таққослашни назарда тутади.

Инвестицияларнинг рентабеллиги.

Ҳисоб-китоб қилиш анча мураккаб эканлигига қарамай, соф жорий қиймат усулини қўллаш инвестицияларнинг ўзини оқлаш муддати ва самарадорлигига баҳо бериш усулига қараганда афзалроқдир, чунки у пул оқимларининг вақт омилини эътиборга олади. Мазкур усулни қўллаш мулақ кўрсаткичлар (соф жорий қиймат) - нигина эмас, инвестицияларнинг рентабеллиги мансуб бўлган нисбий кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олади:

Дисконтлаштирилган даромадларнинг
умумий жамғарилган миқдори

$$\text{Инвестицияларнинг рентабеллиги} = \frac{\text{Дисконтлаштирилган даромадларнинг умумий жамғарилган миқдори}}{\text{Инвестициялар миқдори}}$$

Агар рентабеллик бирдан катта бўлса, лойиҳани қабул қилиш, бирдан кичик бўлса, рад этиш лозим.

Мезонлар рўйхати усули.

Мезонлар рўйхати ёрдамида инвестиция лойиҳаларини танлаш усулининг мазмуни қуйидагича: белгиланган ҳар бир мезонга лойиҳанинг мувофиқлиги ёсуриб чиқилади ва ҳар бир мезон бўйича лойиҳага баҳо берилади. Мазкур усул лойиҳанинг барча ютуқ ва камчиликларини кўриш имконини беради ҳамда дастлабки баҳо беришда қийинчиликлар юзага келган тақдирда ҳам эътиборга олиниши лозим бўлган мезонларнинг бирортаси унутилмаслигини кафолатлайди.

Инвестиция лойиҳаларига баҳо бериш учун зарур мезонлар ташкилотнинг муайян хусусиятларига, унинг тармоққа мансублигига ва стратегик йўналишига қараб фарқ қилиши мумкин, Мезон-

лар рўйхатини тузишда фақат ташкилот мақсадлари, стратегиями ва вазифаларидан, унинг узок муддатли режаларидан бевосита келиб чиқадиган мезонлардангина фойдаланиш зарур. Бир мақсадлар, стратегия ва вазифалар нуктаи назаридан юксак баҳоланган лойиҳалар бошқа мақсадлар, стратегия ва вазифалар нуктаи назаридан нисбатан паст баҳоланиши мумкин.

Балларда баҳолаш усули.

Лойиҳаларни мезонлар рўйхати бўйича таҳлилдан ўтказиш натижаларини формализация қилиш талаб этилган ҳолларда (бу кўп сонли муқобил лойиҳаларни таҳлилдан ўтказишда зарур) лойиҳаларни балларда баҳолаш усули қўлланади. Бунда лойиҳа натижаларига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллар аниқланади (мезонлар рўйхати тузилади). Мезонларга уларнинг муҳимлигидан келиб чиқиб баҳо қўйилади. Бунга раҳбарларни сўровдан ўтказиш, уларга барча мезонлар гуруҳига муайян мезоннинг муҳимлигига қараб бирни ташкил этувчи 100 пунктни тақсимлашни тақлиф қилиш лозим.

Юқорида зикр этилган мезонлар бўйича лойиҳага берилган ҳар бир баҳо («жуда яхши», «яхши» ва ҳ.к.) сон билан ифодаланади. Бу экспертлар томонидан батафсил тавсифлаш, сўнг эса мезоннинг таркибий бирликларини сонда ифодалаш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бунда баҳолар текис тақсимланиши шарт эмас.

Инвестиция лойиҳасини танлаш ва унинг самарадорлигига баҳо беришда ноаниқлик ва таваккалчилик омилларини эътиборга олиш лозим. Мазкур масалани тўлақонли ўрганиш мазкур дарслик доирасига қирмайди, шунинг учун ҳам уларга қисқача тўхталиб ўтаемиз.

Ноаниқлик деганда лойиҳани амалга ошириш шартлари, шу жумладан жорий харажатлари ва натижалари ҳақидаги ахборотнинг тўлиқсизлиги ёки ноаниқлиги тушунилади. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида салбий ҳодисалар ва оқибатлар юзага келиши эҳтимоли билан боғлиқ ноаниқлик таваккалчилик тушунчаси билан тавсифланади.

Лойиҳаларга баҳо беришда ноаниқлик ва инвестиция таваккалчиликларининг қуйидаги турлари айниқса эътиборга молик.

1. Иқтисодга дойр қонун ҳужжатлари, жорий иқтисодий вазият, инвестициялаш ва даромаддан фойдаланиш шартларининг беқарорлиги билан боғлиқ таваккалчилик;

2. Ташқи иқтисодий таваккалчилик (савдо-сотик ва маҳсулот етказиб беришга чеклашларнинг жорий этилиши, чегараларнинг ёнилиши эҳтимоли ва ҳ.к.);

3. Сиёсий вазиятнинг ноаниқлиги, мамлакат ёки минтақадл салбий ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлиши билан боғлиқ таваккалчилик;

4. Техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг динамикаси, янги техника ва технологияларнинг кўрсаткичлари ҳақидаги ахборотнинг тўлиқсизлиги ёки ноаниқлиги;

5. Бозор конъюнктураси, нархлар, валюта курслари ва ҳоказоларнинг ўзгариши;

6. Табиий-иқлимий шароитларнинг ноаниқлиги, табиий офатлар рўй бериши эҳтимоли;

7. Ишлаб чиқариш-технологик таваккалчилик (авариялар, ускуналарнинг ишдан чиқиши, ишлаб чиқариш браки ва х.к.);

8. Иштрокчиларнинг мақсадлари.^ манфаатлари ва хулқ-атворининг ноаниқлиги;

9. Иштирокчи корхоналарнинг молиявий ҳолати ва ишбилармонлик муҳидаги мавқеи (тўламаслик, банкротлик, шартнома бўйича олинган мажбуриятларни бажармаслик) ҳақидаги ахборотнинг тўлиқсизлиги ёки ноаниқлиги.

Ноаниқликни тавсифлаш усули энг аниқ усул ҳисобланади.

Қисқача хулосалар

Инновация лойихаларини амалга ошириш шакллари ва усуллари ранг-баранглигига қарамай, маҳаллий менежерлар маҳаллий тузилмаларнинг инвестиция фаолияти соҳасидаги инновация сиёсатининг бир нечта умумий қоида ва тамойилларини ёдда тутишлари ва эътиборга олишлари лозим:

1. **«Банкнинг олтин қоидаси»:** маблағларни олиш ва улардан фойдаланиш белгиланган муддатларда амалга оширилиши, шунинг учун ҳам узоқ муддатли инвестициялар узоқ муддатли маблағлар ҳисобига молиялаштирилиши лозим.

2. **Тўлашга лаёқатлилик тамойили.** • инвестицияларни режалаштириш корхонанинг сурункали тўлашга лаёқатлилигини таъминлаши зарур.

3. **Инвестицияларнинг рентабеллиги тамойили:** барча инвестициялар учун молиялаштиришнинг энг арзон усуллари танлаш лозим.

4. **Таваккалчиликларнинг мутаносиблиги тамойили.** - таваккалчилик даражаси энг катта бўлган инвестициялар корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилиши лозим.

5. **Бозор талабларига мослашиш тамойили:** бозор конъюктурасини ва қарз маблағларга ўзининг боғликлигини эътиборга олиш зарур.

6. **Мумкин қадар катта рентабелликка эришиш тамойили:** рентабеллиги даражаси мумкин қадар катта бўлган инвестицияларни танлаш лозим.

Юқорида зикр этилган тамойилларни муваффақиятли амалга ошириш маҳаллий тузилмалар инновацион фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва мазкур фаолиятдаги таваккалчиликларнинг даражасини пасайтириш имконини берадики, бу пировард натижада маъмурий-хўжалик тузилмалари барқарор ривожланишида ижобий ақс этади.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Янгилик нима ва у инновациядан нима билан фарқ қилади?
2. Замонавий инновацион менежментнинг юзага келишига нима туртки бўлди?
3. Маҳаллий инновацион менежмент нима ва у қандай тузилишга эга:
4. Маҳаллий инновацион менежмент қандай функцияларни бажаради?
5. Маҳаллий фаолият соҳасидаги инновация жараёнининг асосий иштирокчиларини айтинг.
6. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий инновацион менежментнинг қайси тамоиилларини амалга жорий этиш айниқса қийин кечмоқда?
7. Инновацион лойиҳа ҳаёт циклининг асосий босқичларини айтинг.
8. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий инновацион менежментнинг қайси усуллари амалга жорий этилмоқда?
9. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигига баҳо беришнинг қайси усулларини биласиз?
10. Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий органларнинг иш амалиётига маҳаллий инновацион менежментнинг ютуқларини жорий этишга нималар тўсқинлик кўрсатмоқда?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Узбекистан XXI асрга интиломқа». Т. 1999.
2. Зель А.И. «Инвестиции и финансирование, планирование и оценка проектов». Минск., 1996.
3. Роберт Юкер. «Управление проектным циклом с позиций современности». Вашингтон, Всемирный банк. 1998.
4. Уткин Э.А. «Инновационный менеджмент». М., «Акалис». 1996.
5. Ховард К. «Управление в системе цивилизованного предпринимательства. М., «ИНФРА-М». 1996.
6. Шарп У. «Инвестиции». М., «ИНФРА-М». 1997.

Мағнада учрайдиган мураккаб сўз ва атамалар лугати

Янғалик — янға тартиб, янш одат, янги усул, кашфиёт, янги ходиса ва янгилик хусусиятига эға бошқа ходисаларни ифодаловчи яғама.

Мувофиқлаштириш — маҳаллий тузилманинг барча бўшн ва босқичлари узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминловчи маҳаллий инновацион менежментнинг муҳим функцияси. Мувофиқлаштиришнинг мақсади — ташкилотнинг барча бўғинлари ўртасида макбул алоқалар ўрнатиш орқали мазкур бўғинлар ишининг мувофиқлигини таъминлаш.

Департаментлаштириш — ўз функцияларини бажаришнинг самарадорлигини ошириш ёки маҳаллий фаолият субъектларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимият органларининг таркибий бўлимларини ташкилий жиҳатдан ажратиш жараёни.

Инновация — янги технологиялар, маҳсулот ва хизмат турлари, ишлаб чиқариш, молия, тижорат, маъмурий ёки бошқа хусусиятга эға ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иктисодий ечимлар кўринишидаги янгиликлардан даромадли фойдаланиш.

Марказлаштириш — ҳокимият ваколатларини ташкилотни бошқаришнинг юқори бўғинида жамлаш.

Децентрализация — бир қатор муҳим қарорлар қабул қилиш ҳуқуқ ва мажбуриятларини маҳаллий ташкилотни бошқаришнинг куйи бўғинларига бериш.

Маҳсулотнинг ҳаёт цикли — маҳсулотни ишлаб чиқишдан уни ишлаб чиқаришдан олиш ва сотишдан чиқаришгача бўлган даврлар мажмуи.

Янги маҳсулот — биринчи марта ишлаб чиқарилган маҳсулот, шунингдек янги сифат хусусияти касб этаётган такомиллаштирилган маҳсулотлар.

Таваққалчилик — маълум қарорлар ёки ҳаракатлар натижасида салбий оқибатларга олиб келадиган ходисаларнинг содир бўлиши эҳтимоли.

Иктисодий самарадорлик — тизим фаолияти ёки муайян товар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш харажатлари ва натижаларининг нисбати.

Маҳсулот сифати — маҳсулотнинг ўз вазифасига кўра маълум эҳтиёжларни қондиришга яроқлилигини таъминлайдиган хоссалари мажмуи.

Бизнес-режа — корхона ёки фирма тижорат фаолиятининг режаси; унда фаолият тури, махсулот, иш ва хизматлар номенклатураси, корхонанинг ўз мақсадли бозори, корхона эга бўлган ресурслар ва мавжуд бошқарув тизими тавсифланади.